



# Асарлар

Тўрт томлик

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1971

# ЭИЗЗАТ УЛТОН

**БИРИНЧИ ТОМ, ДРАМАТУРГИЯ**

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1971**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, атоқли адабиётшунос олим ва таниқли ёзувчи Иззат Султон 40 йилдан бери илмий ва бадиий ижод бобида самарали қалам тебратиб келмоқда. Фан ва санъатнинг бир-бирини озиқлантириши ва чамбарчаслиги, икки мураккаб соҳада ҳам салмоқли асарлар яратиш Иззат Султон ижодининг асосий ва муҳим хусусиятидир.

У ўз асарларида мамлакатимиз тарихи, халқимиз ҳаётида юз берган энг муҳим воқеаларни ёрқин акс эттиришга, муайян даврнинг типик қаҳрамонлари характерини йирик планларда жонли тасвирлашга муваффақ бўлган санъаткордир.

Бу жиҳатдан айниқса унинг «Бургутнинг парвози», «Алишер Навоий», «Номаълум киши», «Имон» драмалари, «Шоир қалби» либреттоси, «Фидойи» киносценарийлари диққатга сазовордир.

Иззат Султон тўрт томлигининг ҳўлигингдаги биринчи томида унинг ана шу асарлари ўрин олган.

# **БУРГУТНИНГ ПАРВОЗИ**

Тўрт парда, етти кўриниш, пролог ва эпилогли драма

*Иккинчи тўлдирилган вариант*

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

- В. И. Ленин.**  
**М. В. Фрунзе.** Туркистон фронтининг кўмондони, РКП(б) МК ва Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг Туркистон Комиссиясининг аъзоси, 35 ёшда.  
**Умар Жўраев.** Пахта заводининг ишчиси, қизил гвардиячи, 22—25 ёшларда.  
**Жўра.** Камбағал деҳқон. Умарнинг отаси, 45—50 ёшларда.  
**Борodin.** Пахта заводи ишчиси, махсус қисмлар (ЧОН) бошлиғи, 40 ёшларда.  
**Хамдамов.** Чека (фавқулодда комиссия) ходими.  
**Матқул.** Деҳқон. Жўранинг ҳамқишлоғи.  
**Ширмон.** Унинг қизи, Умарнинг севгилиси, 18—19 ёшларда.  
**Ваҳобов.** Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг ўринбосарларидан бири.  
**Рубцов.** Уезд ҳарбий советининг раиси.  
**Фозил Расулев.** Уезд ревкомининг раиси.  
**Ғулом Сатторов.** Уезд-шаҳар ревкомининг аъзоси.  
**Мадамин.** Фарғона босмачиларининг бошлиғи.  
**Кенжа кўрбоши.** Босмачилар бошлиғи.  
**Али.** Босмачи, қирғиз, 30 ёшларда.  
**Фролов.** Кўзголончилар бошлиғи, муштумзўр.  
**Қобил.** Кенжа кўрбошининг жаллоди.  
**Салоҳиддин.** Домла.  
**Бекбергенов.** Фрунзе штабида дежур, қирғиз, 30 ёшларда.  
**Адъютант.** Телеграфист, татар.  
**Абулфайзиёва.** Уезд-шаҳар ревкомининг секретари.  
**Ўзбек деҳқонлари ва қирғиз чорвадорлари** (қизил аскарлар ва босмачилар орасида), оқ гвардиячилар ва бошқалар.  
**Воқеа Фарғона водийсида ва Тошкентда 1920 йилнинг феврალი билан августи орасида** содир бўлади.

# БИРИНЧИ ПАРДА

## ПРОЛОГ

(Авансценада)

Чироқ ўчиши билан томоша залини қаттиқ жанг гулдуриси босади. Замбарак, пулемёт, милтиқ товушлари ва қудратли «ура» садолари бутун бир армиянинг ғолибона ҳужумидан дарак беради.

Жанг шарпаси узоқлашар экан, авансценага чап томондан ҳаяжонли М. В. Фрунзе кириб келади. У жанг (полевой) кийимда. Фрунзе ўнг томонда телеграф аппарати олдида уйқусини зўрга босиб ўтирган, чарчоқ ёш телеграфист олдига ўтади. Телеграфист сапчиб ўрнидан туради, честь беради ва хизматга тайёр кайфиятда аппарат бошига ўтириб, аппаратнинг каалитига қўл чўзади.

Фрунзе. Москвани чақиринг.

Телеграфист телеграмма қоқади. Биз бутун томоша зали устидан точка ва тире бўлиб учиб ўтаётган сўзлар шарпасини эшитамиз. Телеграфист тўхтаб, Москвадан жавоб кутади. Москва дарров жавоб қайтаради.

Телеграфист. Москва, Кремль.

Жанг шарпалари тамом узоқлашиб эшитилмай қолади.

Фрунзе (телеграфистга). «Фрунзе ўртоқ Лениндан прямой провод олдига келишини илтимос қилади».

Телеграфист бу сўзларни Москвага йўллайди. Яна зал устидан сўзлар морзе ҳарфларига айланиб точка ва тире бўлиб, жар солиб ўтадилар. Телеграфист жавоб кутиб тўхтайдди. Бу гал аппарат бир оз сукунатдан кейини ишлаб бошлайдди.

Телеграфист (телеграф лентасини ўқиб, кўзларига ишонмай, ҳаяжонда). Ленин?!

Фрунзе ҳам ҳаяжонда. У ҳозир Ленинни телеграф аппарати олдида тасаввур этмоқда. Биз кутилмаганда морзе товушлари фониди Лениннинг овозини эшитамиз ва бундан кейинги диалог телеграф лентасидан чиқиб, бутун залга эшитилаверади.

Ленин овози. Салом, Михаил Васильевич.

Фрунзе. Салом, ўртоқ Ленин.

Ленин овози. Соғу саломатмисиз? Кайфиятингиз қалай?

Фрунзе. Кайфиятимиз аъло, Владимир Ильич.

Ленин овози (хурсанд). Аъло? Демак, ғалаба?

Фрунзе. Худди шундай, Владимир Ильич. Ҳозиргина шонли қўшинимиз Дутов бошчилигидаги оқ гвардияни улоқтириб ташлаб, Оренбург пробкасини ёриб ўтди, Туркистон яна Россияга қўшилди. Бу ўлканинг кўп миллионли аҳолиси очлик чангалидан ва империализм қуллиғига тушиш хавфидан халос этилди.

Ленин овози. Буюк ғалаба билан қутлайман. Ва илтимос қиламан: биринчи армиянинг ҳамма баҳодир жангчи ва командирлар составига Совет ҳукуматининг ташақкурини етказгайсиз.

Фрунзе. Революция учун фидокорона хизматга тайёرمىз!

Ленин овози. Совет ҳукумати сизнинг ва шонли қизил аскар ва командирларимизнинг ана шу чексиз садоқатидан катта умидвордир. Туркистонда Совет ҳукумати ни барқарор этмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, революциямизнинг ғалабасини узил-кесил деб ҳисоблаш мумкин эмас. Олдингида турган вазифа аввалги ҳамма вазифалардан мураккаброқ.

Фрунзе. Худди шундай, Владимир Ильич.

Ленин овози. Мен бу ҳақда махсус хат билан Туркистондаги коммунист ўртоқларга мурожаат этсам нима дейсиз?

Фрунзе. Бу хатингиз узил-кесил ғалабамизнинг калити бўлажак, миннатдорман, Владимир Ильич.

Ленин овози. Янги мушкул вазифангизда ҳаммангизга муваффақият тилайман, Михаил Васильевич. Яна учрашгунимизча, хайр.

Фрунзе. Саломат бўлинг, Владимир Ильич.

Чироқ ўчади. Парда.

## БИРИНЧИ КУРИНИШ

Қишлоқ кўчаси. Жўра ўз дарвозаси тагида маъюс, кўчанинг бошига нитизорлик билан тикилиб ўтирибди. У ниманидир кутади. Қуёш ўзининг заррин этагини дарахтлар бошидан йиғиштириб олар экан,



тушаётган қоронғиликни Жўра чуқур «уҳ» тортиш билан қарши олади.

Жўра (тажанг). Астағфирулло! Мана бугун ҳам кеч кирди, аммо ўғлимдан ҳамон дарак йўқ. Нима бало, Умар миясини еб қўйдими? Мана ҳут кирди, деҳқоннинг қўлига қурт кирди, менинг ўғлим бўлса, қорасини кўрсатмай, ҳалигача шаҳарда юрибди. Ҳар йил бу пайт пахта завод бекилгувчи, ўғлим бўшаб, ёнимга қайтгувчи эди, бу йил нима бўлди?

Яна умид билан кўча бошига тикилади. Узоқдан азон овози эшитилади..

Онаси ҳам йиғлай-йиғлай этини еб қўйди (ваҳимада). Ё ростдан ҳам касал-пасал бўлиб қолдимикин-а?.. Шаҳарга ўзим тушай десам, олам нотинч, йўл хатар. Тушмай десам... Астағфирулло!

Азон тамом бўлади. Жўра дуо қилади-ю, кўча бошига тикилиб қолади. Бирданига ўрнидан туради.

Айтгандек, намоз қазо бўлмасин.

Беш-олти ёш йигит ва болалар саҳнадан ташқарида ашула айтиб ўтади, бу Жўрани останада тўхташга мажбур этади: унга йигитлар айтаётган ашула ёқмайди.

## А ш у л а

Бу тоғларда ким ётган,  
Ғариб йигитлар ётган,  
Енбошига тош ботган,  
Додин худога айтган.

Эй жоним, укажон,  
Ой жоним, акажон.  
Додин худога айтган.

Шаршарадан сув келди,  
Кўза тутинг, йигитлар.  
Қўрбошингиз отилди,  
Аза тутинг, йигитлар...

Эй жоним, укажон,  
Ой жоним, акажон,  
Аза тутинг, йигитлар.

Жўра (узоқлашиб жим бўлиб кетган йигитлар орқасидан қараб қолади. Ғазабда). Тавба, энди бизнинг жингарчаларимиз ҳам босмачи ашуласини айтадиган бўпти. (Афсус билан.) Э, замон шу зайилда кетаверадиган бўлса... (Жаҳл билан қўл силтайди ва уйга кириб кетаётиб, кўча бошига умид билан кўз ташлайди, яна ҳеч кимни кўрмайди.) Уғлим эртага ҳам келмаса, шаҳарга ўзим тушганим бўлсин. (Кириб кетади.)

Биз яна ҳалиги беш-олти ёш йигит ва болаларнинг овозини эшитамиз. Улар орқага қайтар экан, энди тамом бошқа куй, бошқа мазмундаги ашулани аввалгидан ортиқроқ завқ билан айтиб ўтадилар. Бу Ҳамзанинг «Ҳой, ишчилар» қўшиғи. Бу ашула авжга чиққанда, болалардан бири бошқа ашулани бошлаб юборади. Бу ашулани йигит ва болалар энди шўхлик билан атайин тезлатиб айтадилар.

Ҳой, ҳой отамиз,  
Тошни кесар болтамиз.  
Кимлар бизга қарши бўлса,  
Шартта-шартта отамиз.

Матқул. Жўравой, ҳо Жўравой.

Ашула узоқлашиб, жим бўлиб кетар экан, биз кўча бошига келиб тўхтаган арава шарпасини ва арвақашнинг отни тўхтатгани овозини эшитамиз. Бир зумдан кейин Матқул пайдо бўлади. У ҳаяжонда, жаҳл билан Жўранинг дарвозасини қоқди. Жўра чиқади.

Жўра (севиниб). Ие, ие, кел, Матқул. Ассалому алайкум.

Матқул (алик олмай тўмтайган ҳолда). Бу ёққа чиқ.  
Жўра. Салом йўқ, алик йўқ,— ўзи нима гап?

Матқул жавоб бермай, юзини чирт ўгиради.

Жўра. Қани, ўзинг бу ёққа кир.

Матқул. Бу ёққа чиқ, деяпман. Гапим бор.

Жўра. Тушундим. Гапинг бўлмаса узоқ қишлоқдан окшомда бу ерга келарминдиг? Қани, бафуржа гаплашайлик, ичкарига кир.

Матқул. Остонанг энди менга ҳаром!

Жўра (қаттиқ ҳайратда). Ие!

Остонадан ўтиб кўчага Матқулнинг олдига чиқади.

Телба тўнингни тескари кийиб кепсан-ку тоза. Нима бўлди?

Матқул жаҳд билан Жўранинг кўзига тикилиб, жим қолади.

Менинг остонам бегоналарга ҳалол бўлади-ю, сенга ҳаром бўладими, дўстим.

Матқул (*ғазаби ортиб*). Дўстим эмиш-а. «Ишонмагин дўстингга сомон тикар пўстингга».

Жўра (*жиддийлашиб*). Уй, ўй, нима деясан? Пўстингга сомон тикиб, мен нима қилдим?

Матқул (*яна ҳам тажанг*). Ие, қилар ишни қилиб қўйиб, энди «Туя кўрдингни, йўқ» деб турмоқчимисанлар (*ўзига-ўзи*). Айёрлигини қара-я. «Мол оласи ташида, одам оласи ичида». (*Жўрага*) Э муттаҳамлик ҳам эви билан-да.

Жўра (*жони чиқиб Матқулнинг ёқасидан олади*). Уй, ўй, оғзингга қараб гапир, ким муттаҳам!

Матқул (*тап тортмай*). Ана холос. «Қўрққан олдин мушт кўтаради»...

Жўра (*унинг сўзини бўлиб*). Э, мақолбозлигинг қурсин. Мақолингни қўя тур. Нима бўлди, айт ахир?

Матқул (*ажабланиб*). Бу гаплардан хабаринг йўқми ҳали?

Жўра (*яна ҳам тажанг*). Қанақа гаплардан?

Матқул Жўранинг кўзига тикилиб, жим қолади.

Юрагим тарс ёрилай деб турибди. Гапир ахир. Бўлмаса бу ҳақоратингга бир солиб сулайтириб қўяман.

Матқул (*Жўранинг кўзига тикилиб, унинг ҳеч нарсадан хабари йўқлигига ишона бошлаб, ёқасини унинг қўлидан бўшатади ва бошқа оҳангда секин гапиради*). Уғлингнинг қилган ишидан бехабарман дегин ҳали?

Жўра. Уғлим нима қипти?

Матқул (*ийглагандек*). Уғлинг қизимни опқочиб кетди.

Жўра (*сира ишонмай*). Умар-а? Умар Ширмонни опқочиб кегдими?

Матқул. Ҳа.

Жўра. Уғлим Андижонда эди-ку?

Матқул. Андижондан келиб опқочиб кетди.

Жўра (*ҳамон ишонмай*). Йўғ-э. Бу мусулмон боласининг қўлидан келадиган иш эмас. Ҳазиллашма.

Матқул. Ҳазил бўлса кошки эди-я. Уғлинг кеча пешинда қишлоғимизга кепти-ю, Ширмонни отга миндириб опқочибди.

Жўра. Йўқ. Ишонмайман. Уғлим бунақа бебош эмас. Матқул (яна қаттиқ аччиғланиб). «Кўрганни эшитган энгибди!»

Жўра. Кўрган бўлсанг, қизингни тўхтатмадингми? Уғлимни ҳайдаб солмадингми?

Матқул. Биз онаси билан далада эдик. Ширмон уй пойлаб қолганди. Уғлинг кепти-ю, опти кетибди. Фақат қўшни кампирга «дадаминз билан онаминзга айтинг, биз Андижонга кетдик, насиб бўлса учрашамиз» дейишибди-ю, ҳай-пай дегунча кўздан гойиб бўлишибди.

Жўра. Ана беҳаёлик.

Матқул. Ана шармандалик. Уғлинг юрт олдида менинг юзимни ерга қаратди.

Жўра. Айб қизингда. Узи гаҳ деса қўлга қўнадиган бўлиб, учиб турган экан-да.

Матқул. Айб ўғлингда. Уғлинг бошини айлантирмаса, менинг қизим унақа кўчага кирадиган бола эмас эди.

Жўра. Э, гунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди.

Матқул. Буни қаранг-а! Уғлинг қилар ишни қилиб қўйгандан кейин айбни бечора қизимга ағдармоқчимисан ҳали? «Ғат-ғат этган карнайчи-ю, балога қолган сурнайчи» экан-да.

Жўра (боши қотиб, тажанг). Энди нима қилдик!

Матқул. Нима қилишимизни сен айт: сенинг ўғлинг опқочган.

Жўра. Нима қилишимизни сен айт! Ахир, сенинг қизинг қочган.

Матқул. Ана холос! «Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради» деб бекорга...

Жўра (унинг сўзини бўлиб). Тўхта! Важжиллай-верма ҳадеб! (Уйлаб, қатъий қарорга келади.) Дарров шаҳарга жўнаш керак!

Матқул. Балли. Мен тайёр. Аравам кўча бошида турибди.

Жўра. У бебошларни қай гўрдан топамиз энди?

Матқул. Уғлингни Андижондан топиш осон: у камиссар-ку.

Жўра. «Камиссар», «камиссар» деганинг нимаси?

Матқул. Э, деворнинг қавагида қоп кетибсан, дўстим. Камиссар дегани — янгичасига, сабитчасига «амалдор» дегани.

Жўра. Менинг ўғлим қайси гўрда амалдор бўлиб қолибди?

Матқул. Мен ҳам шунисига ҳайронман... Ширин айтди бунни бизга.

Жўра. Шунинг учун қишлоққа қайтишни тарк қилган экан-да.

Матқул. Балли!

Жўра. «Комиссар?!» Астағфирулло! (Масхара қилиб.) Сабитнинг куни менинг ўғлимга қолган бўлса, ҳоли ҳароб экан-да.

Матқул. Ўғлинг «комиссар»ларнинг серкаси эмиш. Чўққи шапка кийиб, узун шалоп тақиб юрар эмиш...

Жўра (қаттиқ даҳшатда). Шапка? Шалоп? (Жони чиқиб.) Тамом!

Матқул (тушунмай). Нима тамом?

Жўра. Ўғлим тамом бўпти — кофир бўпти.

Матқул. Балли!

Жўра. Амалга учиб сотилибди, шапка кийиб кофир бўпти.

Матқул. Балли!

Жўра. Менинг ўғлим — кофир! Астағфирулло! (Нима қилишини билмай, гангиб тургандан кейин). Матқул!

Матқул. Лаббай.

Жўра. Шаҳарга тез етмоқ керак.

Матқул. Балли!

Жўра. Шум ўғлимни топмоқ керак.

Матқул. Балли!

Жўра. Дарров отингга мин. Мен бир зумда чиқаман. (Уйига кириб кетаётиб, ўғли ҳақида.) Умарни тутган жойимда калласини оламан!

Матқул (ўйламай). Балли! (ўйлаб, даҳшатда Жўранинг елкасини ушлаб). Йўғ-э, наҳотки ўз боламни...

Жўра (жаҳл билан енгини бўшатиб). Ҳа, ўз боламни калласини оламан, қонини ичаман! (Шошиб кириб кетади.)

Матқул (Жўранинг қарори ва шаштидан гангиган ҳолда). Наҳотки мен ҳам ўз боламни? (Жўранинг орқасидан тикилиб ўйланиб қолади ва қатъий қарорга келади.) «Олдинги арава қайси йўлдан юрса, кейинги арава ҳам шу ердан юради». Таваккал! (Худди Жўрадек шахдам чиқиб кетади.)

Чироқ ўчади. Парда.

## ИККИНЧИ КУРИНИШ

Парда очилмасдан илгар и шула эшитилади. Парда очилар экан, биз Андижон уезд-шаҳар ревкомида гайри оддий ҳодисага дуч келамиз: ревком раиси Расулев, ревком аъзоси Сатторов, Ҳамдамов, Бородин лапар эшитиб ўтиришибди. Лапарни Ширмон ва Умар айтмоқда. Лапар эвақ билан эшитилмоқда. Ҳамдамов дутор билан жўр бўлмоқда. Эшитувчилар «яшанглар» «раҳмат», «бор бўлинглар» деб таҳсин билдирмоқдалар.

Лапар

Умар

Юр, десам шаҳр сайлига,

Ширмон

Ул ёр «бормайман» деди.

Умар

Арзим айтиб куйласам,

Ширмон

Такрор «бормайман» деди.

Умар

Жону дил бирлан сўраб,  
Юз минг тавозе айласам,  
Нозланиб, аччигланиб,

Ширмон

Зинҳор «бормайман» деди.

Умар

Минг хижолатга қўйиб,  
Рангимни этди заъфарон,  
Ҳажрида бўлдим, мен нетай,—  
Бемор...

## Ширмон

«Бормайман» деди.

## Умар

«Бу ҳаётда ўртогингман,  
Мисли йўлингга чирог».

## Ширмон

«Халқ ишига бўлсангиз —  
Тайёр, боргайман деди»<sup>1</sup>.

**Бородин (лапардан завқланиб). Вот здорово!**

Рубцов пайдо бўлади. Бу ердаги қувноқлик уни қаттиқ ғазабга солади. У эшик олдида қотиб туриб қолар экан, бу ердагилар лапар билан банд, унинг келганини сезмайдилар. Ҳамдамов дутор чертиш билан овора. У «музыкавий пауза»ни тугатгандан кейин, Умар ва Ширмон лапарнинг байтини такрор этадилар.

Умар ва Ширмон. «Халқ ишига бўлсангиз — тайёр,  
«Бор...»

Рубцов. Прекратить!

Лапар бўлиниб қолади. Рубцов Расулевга ўшқиради.

Бу нимаси, ўртоқ Расулев?

Расулев нима дейишини билмай, елка қисади.

Мен сиздан сўрайман, ўртоқ ревком раиси: бу ер ревком-ми ё чойхона?

Бородин (ишни ҳазилга айлантиришга тиришиб).  
Ўртоқ Расулев ревкомнинг раиси сифатида вазифа жиҳатидан сиздан баланд, ўртоқ военком. Шунинг учун бу саволингизга жавоб бермасликка ҳақлари бор.

Рубцов (дўқ уриб). Аммо менинг ревком аъзоси сифатида савол беришга ҳақим бор: ревкомда ашулага бало борми?

---

<sup>1</sup> Гражданлар уруши даврида халқ куйига Ҳамза томонидан ёзилган шеър.

Расулев (атрофдагиларга таъна билан қараб олиб).  
Мен ҳам айтиб эдим...

Ҳамдамов (Расулевнинг сўзини бўлиб, Рубцовга).  
Айб менда. Бу иш менинг ташаббусим билан бўлди.

Бородин (ўзига ёқиб қолган лапар куйини секин  
гингиллаб айтишдан тўхтаб, Рубцовга). Тўғри, бу ишда  
ўртоқ Расулевнинг айби йўқ. Бу иш ҳақиқатан ўртоқ Ҳам-  
дамовнинг таклифи билан...

Рубцов. Уртоқ Ҳамдамов таклиф қилса, сизлар ҳам  
кўнаверар экансизлар-да?

Бородин (яна ярим ҳазил, ярим жиддий). Қизиқ  
экансиз: Чека вакили таклиф қилгандан кейин «ғиқ» этиб  
бўлар эканми?

Рубцов (жаҳли чиқиб). Мен сиз билан жиддий гап-  
лашяпман, ўртоқ Бородин. Аскиябозликни қўя турасиз.

Бородин. Афсуски, аскиябоз эмасман. Аскиябоз-  
ликни эплай олсам сизнинг шу гапларингизга дурустроқ  
жавоб топган бўлар эдим-а.

Рубцов (Бородинга қўл силтаб, Ҳамдамовга таъна  
билан.) Асло жиддий одам бўлолмадингиз-да, ўртоқ Ҳам-  
дамов.

Ҳамдамов жавоб беришни лозим кўрмай елка қисади.

Бородин. Орамизда битта-иккита қувноқ, ҳазил-  
каш одам бўлса, ишларимиз яна яхшироқ борган бўлар  
эди. Нима кўп, жиддий одам кўп.

Рубцов (Бородиннинг имосини тушуниб). Кесат-  
манг, ўртоқ Бородин. Биламиз, ишга баъзан ножиддий  
муносабатингиз билан ўртоқ Ҳамдамовни сиз бузасиз.

Бородин. Ана холос. Баъзи ўртоқларнинг жиддий-  
лиги шунчаликки, кўришганда саломлашувни ҳам унутиб  
қўядилар.

Ҳамма кулади.

Рубцов (хижолат тортиб). Салом, ўртоқлар.

Бородин. Кечирасиз, ўртоқ Рубцов, мен сизни кўз-  
да тутаётганим йўқ: сиз умуман одамлар билан камдан-  
кам саломлашасиз. (Яна куладилар.)

Ҳамон хижолатдан чиқмаган Рубцов дуторни дингиллатишда давом  
этаётган Ҳамдамовга «осилади».



Рубцов (Ҳамдамовнинг қўлидан дугорни тортиб олади). Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир. Чека вакилига шу «динғир-динғир» ярашадими? Яна қаерда? Уезд-шаҳар революцион комитетида.

Расулев. Тўғри.

Сатторов. Ҳақ гап.

Бородин. Бундан революцияга зарар етмайди, ўртоқ Рубцов.

Рубцов (чин кўнгилдан). Аммо бундан революция жангчисининг обрўйига зарар етади. (Ҳамдамовга.) Е сизга бу камми, ўртоқ чекист?

Расулев (Ҳамдамовга кесатиб). Узр, ўртоқ Рубцов: одат-да, одат.

Ҳамдамов (Расулевнинг кесатишини «тескарига буриб»). Тўғри айтасиз, ўртоқ Расулев (Рубцовга). Одат-да, одат. (Ширмон билан Умарни кўрсатади.) Бу икки ёшдан ажойиб бир куй эшитиб қолдим, бир кечада шу куйга янги сўз тўқиб юбордим...

Бородин. Шоирга ҳам материал шу икки ёшнинг саргузаштидан чиқибди.

Ҳамдамов. Ҳа, ёзган шеъримни эрталаб куйга солиб, машқ қилиб кўрдик.

Умар. Қарасак, туппа-тузук.

Ширмон. Ҳа, қиёмат!

Ҳамдамов. Севинганимдан уездингизнинг раҳбарларига бир кўрсатай деб, тўғри шу ёққа етаклаб кела бердим-да буларни. Кечирасиз, ўртоқ Рубцов.

Сатторов (Ҳамдамовнинг томонини олган бўлиб). Ҳа, узр энди. Узи ҳам мазза қилиб эшитдик.

Расулев (Сатторовнинг ниятини тушуниб, дарров қувватлайди). Ҳа, анча мазза қилиб эшитдик.

Бородин (самимий). Мазза қилиш ҳам гап эканми?! (Завқ билан ашуланинг сўнги куплетини такрорлаб, нўноқ куйлайди.)

«Бу ҳаётда ўртоғингман»

(Умарга) бу ёғининг сўзлари қийинроқ экан...

Умар (ёрдамлашиб). «Мисли йўлингда чироғ».

Бородин (қолганини ўзи «илиб кетиб»). Ҳа, «Халқ ишига бўлсангиз —

Тайёр, «боргайман» деди.

(Қойил қолиб.) Вот здорово ~~разано! А?~~

Рубцов (ҳали ҳам жаҳлдан тушмай). Вот именно, здорово — маъза қиламиз деб етти ёт одамларни ревкомга олиб келиб, валақлаб ўтира берар экансизлар-да.

Бородин (жиддийлашиб). Сизнинг ҳамма камчилигингизни кечириш мумкин-ку, ўртоқ Рубцов, аммо шу — ҳаммадан ҳадиксирай бериш касаллигингизни кечириб бўлмайди.

Ҳамдамов. Тўғри.

Рубцов. Ҳар гапни суриштирмай «тўғри» дея беришдан кўра, ҳушёрликка ўргансангиз-чи?

Ҳамдамов. Ҳушёрлик бошқа-ю, ҳадиксираш бошқа, ўртоқ военком.

Расулов (Рубцовдан узр сўрагандек). Бу икки ёш бизга ҳозирги мажлисда керакли кишилар. (Умарни кўрсатиб.) Ўртоқ Жўраев...

Рубцов (Расуловнинг сўзини бўлиб. Бородинга). Ўртоқ Жўраев — сизнинг ўнг қўлингиз, аммо бу унга ревком мажлисига иштирок этишга ҳуқуқ бермайди.

Расулов. Ўртоқ Умар Жўраев рўзномадаги биринчи масала юзасидан бизга керак.

Рубцов (Ширмонга ишончсизлик билан назар ташлаб). Бу тирранча-чи?

Ширмон газаб билан сапчиб ўрнидан туради, аммо Умар уни босади.

Ҳамдамов. Мен сизга бир қишлоқда советлар қурултойига вакил сайловнинг нотўғри ўтгани ҳақида хабар олганимизни айтган эдим. Эсингиздами?

Рубцов. Эсимда.

Ҳамдамов. Шу хабарни бизга мана шу «тирранча» етказган.

Рубцов (Ширмонни яна кўздан кечириб, илжайди). У! (Бошқаларга). Демак, бу қизнинг ҳам бугунги рўзномага алоқаси бор?

Расулов. Биринчи масала юзасидан асосий ахборотчи шу қизча.

Рубцов (қойил қолиб, Ширмоннинг елкасидан қоқди). У! Баракалла. (Расуловга Ширмонни кўрсатиб.) Бугунги куннинг қаҳрамони шу қизча денг.

Бородин (самимий ва жиддий). Антиқа гапни айтдингиз, ўртоқ Рубцов. «Бугунги куннинг қаҳрамони». Эздорово сказано!

Рубцов (Бородинга). Худога шукур, мен ҳам сизга маъқул тушадиган бирорта гап айта олар эканман. (Кулишадилар. Расуловга.) Қани, бўлмаса, мажлисни бошлайлик.

Расулев. Биз сизни кутиб ўтирган эдик. (Раислик жойига қайтиб мажлисни очиш оҳангида.) Муҳим икки ҳодиса бизни дарров, оператив равишда ревкомнинг шаҳарда, ҳозир аъзолари билангина чекланиб, шу мажлисни чақиришга мажбур этди. Ўзингизга маълум, рўзномада...

Расулевнинг сўзи бўлиниб қолади, чунки ташқарида, коридорда жанжал бошланади: хотин киши «ҳой, тўхтаг, мен сизларга айтдим-ку, мумкин эмас» деб қичқирса, икки эрақк овози унга эътироз қилади: «Нега тўхтар эканмиз», «Ишминиз тикилинч», «Бизга улугларнинг керак». Яна хотин «мумкин эмас, тўхтаг». Яна бизга таниш эрақк овози «Тўхтамайман», «Қўйвор-э».

Абулфайзиева (остонада пайдо бўлиб, ҳаяжонда). Уртоқ Расулев, икки деҳқон олдингизга кирмоқчи.

Расулев (афсус билан). Биз мажлисни бошлаб қўйдик.

Рубцов. Киргизманг. Ахир...

Рубцовнинг сўзини остонада кўққисдан пайдо бўлган Жўра эшиктади ва «жони чиқиб», лол бўлиб унга тикилиб қолади. Жўранинг орқасидан пайдо бўлган Матқул ҳам кинга аввал салом беришини мўлжаллаб, Рубцовга тўхтади. Умар отасини таниб, кутилмаган ҳодисадан лол бўлиб қолади. Ширмон ҳам отасини таниб, гайри ихтиёрий равишда Умарнинг қучоғига отилади ва иккаласи ўзларини четга тортадилар.

Матқул (Рубцовга чуқур таъзим бериб). Ассалому алайкум.

Рубцов. Йўқолинлар бу ердан!

Жўра (яна ҳам қаттиқроқ жони чиқиб). Нега йўқолар эканмиз?

Матқул (Жўрага секин). Тўнг бўлмай ўл, тўмтоқ! (Рубцовга ишора қилиб.) Унга салом берсанг-чи. Энг улуғи шу шекилли.

Жўра ҳамон Рубцовга ўз ашаддий душманига тикилгандек тикилиб тура беради.

Кўққаймай, эгилсанг-чи ахир, осмоннинг шотиси. (Жўрани саломга эгмоқчи бўлади.)

Жўра (Матқулни жеркиб ташлаб). Нега эгилар эканман? Бу одам менинг ўғлимни йўлдан уради, мени

бу ердан ҳайдади, мен нечун бунга... (Қўққисдан ўзини тутолмай, Рубцовнинг ёқасидан олади.) Уғлимни бер менга, ўғлимни.

Рубцов (қўрқиб кетиб). Тутинг буни, тутинг. Босмачи бу! (Ҳаяжон билан тўппончага қўл узатади.)

Умар (Жўра билан Рубцовнинг орасига кириб). Тўхтанг, ўртоқ Рубцов. Тўхтанг, ота. Тўхтанглар (Рубцовга.) Бу киши босмачи эмас.

Рубцов. Ахир кўрмаяпсизми, қип-қизил босмачи-ку!

Жўра (яна ҳам аччиғланиб). Босмачи эмиш-а! (Яна Рубцовнинг устига ташланиб.) Ҳой, ким босмачи?!

Рубцов (яна ҳам қўрқиб кетиб). Босмачи дедим-ку, босмачи! (Тўппончасини яланглайди, отмоқчи.)

Энди Бородин орага тушади. Тўппончани Рубцов қўлидан тортиб олади.

Умар. Уртоқ Рубцов, бу киши босмачи эмас, менинг отам бўлади.

Расулев.

Бородин.

Рубцов.

} Сизнинг отангиз?!

Умар. Ҳа, бу одам менинг отам.

Жўра (Умарни танимай ҳайрон қолиб). Нега мен сенинг отанг бўлар эканман?

Матқул (Умарни дарров таниб, Жўрага). Ҳой, жизганақ, ақлингни йиғ, тузукроқ қара: ўглинг-ку бу!

Жўра. Умар?! (Уғлига тикилади.)

Умар. Ҳа, Умаржон, отажон, ўғлингизман.

Бородин. Вот здорово!

Жўра (тикилиб, ахири таниб, ажабланиб). Бир йилда шунчалик!.. (Тикилиб туриб, яна газаби авжга чиқиб.) Турқинг ўчсин, кофир! (Пичоқни яланғочлаб, астойдил ўлдирмоқчи бўлиб, Умарнинг устига ташланади.)

Яна умумий саросима.

Ҳамдамов (Ширмон қўрққанидан қичқиради. Жўранинг пичоғлик қўлидан маҳкам ушлаб). Ҳой, ҳой, нима қилганингиз бу?

Жўра. Улдираман. Қонини ичаман!

Рубцов. Айтмадимми! Босмачи бу! Босмачи!

Бородин (аччиғланиб). Ерунда!

Ҳамдамов. Ҳой ота, шайтонга ҳай беринг.

Умар. Отажон, мен нима гуноҳ қилдимки, мени ўлдирасиз.

Жўра. Диндан қайтибсан. Кофир бўлибсан.

Умар. Бўхтон.

Жўра. Бўхтон?!  
Умар. Ҳа, бўхтон.

Жўра. Мусулмонмисан?

Умар. Алҳамдулилло мусулмонман.

Жўра. Худодан тонганинг йўқми?

Умар. Тонганим йўқ. (Жўра ишонмай, бош чайқайди.) Худо урсин!

Жўра. Чўчқа гўшти еганинг йўқми?

Умумий кулги.

Умар. Еганим йўқ. Худо урсин, чўчқа гўшти еганим йўқ.

Жўра (чексиз хурсанд). Хайрият.

Матқул (куйиб). Нимаси «хайрият?»

Жўра (жаҳли чиқиб). Уғлим мусулмон экан.

Матқул. Уғлинг мусулмон бўлса, кофир қилмайдиган ишни қилармиди?

Жўра. Ҳай, айтгандек, бир бандани мусулмоннинг қизини нега ўғирладинг?

Умар нима дейишини билмай, Ҳамдамовга қарайди.

Матқул (Умарга таҳдид этиб). Қизим қани?

Ҳамдамов ишораси билан Ширмон шкаф орқасига яширинади.

Ҳамдамов. Борди-ю, қизингизни топиб бермаса, нима қиласиз?

Матқул (Умарни кўрсатиб, астойдил). Бу қиз ўғрисини ўзини калласини оламан.

Ҳамдамов (Матқулга). Сиз Умаржонни ўлдириш ўрнига, оёғига йиқилиб, миннатдорлик билдиришингиз керак.

Матқул. Нега? Қандай яхшиликлари учун?

Ҳамдамов (унинг сўзини бўлиб). Умаржон қизингизни бир ўлимдан қутқарди.

Матқул. } Улимдан қутқарди?!  
Жўра

Абдулфайзиева. Ҳа. Нақ бир ўлимдан қутқарди.

Расулев (Ҳамдамовга). Бу гапдан бизнинг ҳам хабаримиз йўқ-ку.

Сатторов (истеҳво билан) «Чека»чиликда! Биздай оддий совет ва партия ходимларига ишонч қайда?

Ҳамдамов (Сатторовга). Шошилманг, ҳамма нарсадан хабардор бўласиз ва ҳатто сизга баъзи сўроқларга жавоб беришга ҳам тўғри келади.

Сатторов (берган саволидан пушаймон ва безовта, аммо сир бой бермасликка тиришади). Пожалуйста.

Ҳамдамов (Расулевга). Уртоқ раис, рухсат берсангиз, бу воқеанинг тафсилотини айтиб берсам.

Расулев Рухсат, рухсат. (Ўзи ҳам билмай яна расулик ўрнига ўтиради.)

Ҳамдамов фикрини бир жойга йиғишга тиришиб, бир минут жим қолар экан, Матқул ва Жўра шивирлашадилар.

Жўра (Расулевга ишора қилиб). Э, улуғлари бу экан-ку?

Матқул. Сен жиррақи тегирмончи деб кўсани (Рубцовга ишора қилади) уйғотиб юрибсан-да.

Жўра (тажанг). Э, гўл, ўзинг айтмадингмики...

Унинг сўзи бўлиниб қолади, чунки Ҳамдамов докладни уларга савол беришдан бошлайди.

Ҳамдамов. Отахонлар! Иккалангизнинг қишлоқларингиздан Раҳим чўлоқ деган бойни уездда, ундан кейин Тошкентда бўладиган қурултойга делегат қилиб сайлаганларинг ростми?

Жўра. Билмайман.

Рубцов. Нега билмайсан?

Жўра. Майлисларингга бормайман, ҳушим йўқ.

Ҳамдамов (индамай, ер чизиб ўтирган Матқулга). Сиз ҳам билмайсизми?

Матқул (шошиб). Балли!.. Йўғ-э, биламан, жуда яхши биламан, Раҳим чўлоқни дилгат сайлаганим рост.

Рубцов. Нега камбағалдан сайламадинглар. Инструкцияда...

Ҳамдамов. Уртоқ Рубцов, бу бошқа масала. Сабр қилинг.

Бородин. Бу қишлоққа сайловларни ўтказишга биздан ким борган эди?

Ҳамдамов (Сатторовга қараб олиб). Бу ҳам бошқа масала. Сабр қилинг. Аввал Умаржоннинг айбини

аниқлашга тўғри келиб қолди. (*Расулевга*.) Кун тартиби сал нари чиқишига тўғри келса ҳам.

Расулев. Ҳа, майли. Майли.

Ҳамдамов (*Матқулга*). Шу сайловдан кейин Ширмонхон, яъни сизнинг қизингиз ҳар жойда «сайлов нотўғри бўпти, камбағалдан сайлаш керак» деб юрганмиди?

Матқул. Ҳа, қизи тушқир, қақажон, шундай деб юрувди. «Умар акам бундай деб чучунтирмаган» деб айтувди менга ҳам.

Ҳамдамов. Ширмонхоннинг шу гаплари босмачилар қулоғига етган. Кенжа қўрбоши «Сиёсатга тумшук суқадиган мочагарни калласини олиб, менинг олдимга олиб келинглар» деб буйруқ берибди.

Матқул. Е! Олло!

Жўра. Тавба!

Ҳамдамов. Сайловнинг нотўғри ўтганидан Ширмонхон бизни ҳам хабардор қилган эди. Шу сабаб Кенжа қўрбошининг буйруғи ҳақида бизга ахборот етиши биланоқ биз хавфнинг жиддий эканини тушундик. Мен дарров Умаржон олдига чопдим.

Бородин (*қойил*). Билар эдингизки, Ширмонни қутқаришга келганда Умаржондан ўтар фидокор бўлиши мумкин эмас. Гушунарли.

Жўра. Ҳа, ўтган кузда этак йиртди қилиб, фотиҳа ўқиб қўйган эдик.

Ҳамдамов (*Расулевга*). Мен совуқ хабарни Умаржонга айтишим ҳамоно, у отга минди-ю, қишлоққа чопди.

Умар. Шошилмасам бўлмас эди, босмачилар мендан аввал қишлоққа етиб бориши мумкин эди.

Ҳамдамов (*Матқулга*). Хайриятки, бутун иш биз ният қилгандек битди.

Матқул. Хайрият, хайрият!

Жўра (*Матқулга*). «Хайрият», «Хайрият!» Менинг ўғлим жонидан кечиб, қизингни бир ўлимдан обқопти-ку, сен уни «қиз ўғриси» деб айюҳаннос солиб юрибсан!

Матқул. Узр, дўстим, узр Мен бу ёғини қаердан билай?

Жўра. Билмайсан-ку, тарс-турс гапира берасан.

Матқул. Дўстингман деган одам энди қаттиқ-қуруқ гапни ҳам кўтаради-да. «От тепкисини от кўтаради». (*Умарга*) Умринг узоқ бўлсин, болам, Ширмон қани?

Абдулфайзиёва. Мана қизингиз. (Ширмонни ўртага олиб чиқади.)

Ширмон. Ассалому алайкум, отажон. (Жўрага.) Ассалому алайкум.

Матқул (Ширмоннинг пешанасидан ўйиб кўзига ёш олиб). Отанг ўлсин, болам! (Бирданига Ширмоннинг биллагидан маҳкам ушлаб, судрайди.) Юр кетдик! Юр!

Жўра (Умарни судрайди). Сен ҳам юр.

Умар. Қаёққа?

Жўра. Қишлоққа.

Умар. Йўқ, кетолмайман. Тўхта, Ширмонхон.

Ширмон ҳам остона олдида тўхтади. Иккала деҳқон яна ҳайрат ва чексиз газабда, бир минут тиллари лол бўлиб қолади.

Жўра. Кетолмайсан?

Умар. Ҳа, кетолмайман.

Жўра. Сен отангнинг сўзини қайтарадиган бўлқопсан? Сен ҳали менинг совунимга кир юмбасан, лодон!

Шапалоқлаб юборади. Бу кутилмаган ҳодисадан Умар гангиб қолади, газабга келади, аммо нима қилишини билмай, қаттиқ хижолат, атрофдагиларга қарайди ва кўзи Бородиннинг кўзига тушади. Бородин Жўрадан яшириқча Умарга «Тез тиз чўқ, тавба қил» ишорасини қилади. Бунга Жўранинг кўз қири тушади.

Умар (бир зум иккиланишдан кейин, отаси олдида тиз чўқади). Отажон, кечиринг, сизга сўз қайтардим. Мендан беодоблик ўтди. Тавба қилдим.

Ширмон (отасининг оёғига йиқилиб). Отажон, мен ҳам тавба қилдим.

Матқул нима дейшини билмай, Жўрага қарайди.

Жўра. Ҳа, ҳолинг шу экан-ку, чиллаки камиссар. Тур ўрнингдан.

Матқул (Ширмонга). Тур ўрнингдан.

Ширмон сапчиб туради, аммо Умар турмайди.

Жўра. Тур деяпман, сенга. Олдимга туш.

Умар. Айтганингизни қиламан. Аммо менинг ҳам бир тилагим бор?

Жўра. Тила тилагингни.

Умар. Эрта-индин қизил аскарларни Ушгача кузатиб қўйишим керак. Шу вазифани бажарай, ундан кейин ихтиёрим сизда.



Жўра. Наҳотки бу иш сенсиз битмаса?

Бородин. Битмайди. Чунки босмачилардан холи, хавфсиз йўлни фақат ўглингиз билади.

Ҳамдамов. Тўғри. (Расулевга.) Уртоқ Умар кечагина шу ёқдан разведкадан қайтди.

Расулев. Хабарим бор. (Умарга.) Сизни бугун мажлисга чақиришдан мақсадимиз ўшга қурул-аслаҳа етказишда бизга ёрдам беришингизни сўраш эди. Демак, сиз бунга розисиз.

Умар. Бу бурчим.

Бородин (Жўрага самимий ҳурмат оҳангида). Лекин ҳали оталари рози бўлганлари йўқ.

Жўра (Умарга). Бу одам ким бўлади: гапи-сўзи туппа-тузук.

Умар. Заводда менга ҳунар ўргатган мастер акам шу киши бўладилар.

Жўра. Э, шунақами? Васил аканг ҳали шуми?

Бородин (кулиб). Худди ўзлари.

Жўра (икки қўллаб кўришиб). Умринг узоқ бўлсин, мастеровой. Орқа-авра дуоингни қиламан.

Бородин. Раҳмат, Жўра ака.

Умар. Эртага сафарга чиқадиган отрядим бошлиғи ҳам шу киши. Мен бу кишининг ёрдамчиси бўламан.

Бородин. Углингизни сўровини бизнинг ҳам сўровимиз деб биласиз.

Жўра. Сен сўрама, Васил ака. Сен талаб қил. Талаб қилишга ҳаққинг бор.

Бородин. Демак, сиз розисиз?

Жўра. Рози бўлганда ҳам қандоқ!

Умар. Раҳмат, ота. Дўстлар олдида менинг юзимни ёруғ қилдингиз.

Жўра. Тур ўрнингдан. (Умар туради.) Устангга астойдил хизмат қил, болам. Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер, деганлар. Шунақа эмасми, Матқул.

Матқул. Балли. (Бородинга.) Боламининг гўшти сизники-ю, суяги бизники.

Бородин. Миннатдорман.

Расулев (гапни тамомламоқчи бўлиб). Раҳмат сизларга. Бизни кўп хурсанд қилдингизлар.

Жўра (Умарга). Биз бугуноқ қишлоққа қайтамыз. Аммо сен кейин амалдан кечолмай қишлоққа қайтишдан айниб юрмагин тагин, камиссар.

Умар. Отажон, мен камиссар эмасман.

Жўра (самимий афсусланиб). Шунақами? (Матқулга). Сен менинг ўғлимни камиссар деб эдинг-ку?

Матқул. Умаржон ақли ҳуши жойида бола. Большой бўлган бўлса, биратўла камиссар бўи қўя қолгандир, деб ўйловдим-да. «Киройи кофир шави — губернатор шави» (Кули.)

Бородин (Расулевга). Бу нима дегани?

Расулев (кулиб). Тожикча мақол: «Кофир бўлганинга яраша губернатор бўл».

Бородин (хохлаб кулиб). О, здорово! (Жўра, Матқул, Умар ва Ширмонга.) Қани бўлмаса бизникига юринглар, бир губернаторча чой ичамиз.

Жўра.

Матқул. } (ажабланишиб). Чой?!

Бородин. Ҳа, антика фамил чой. Қанди билан.

Жўра Матқулга маслаҳат сўраб, қарайди.

Матқул. «Айтмаган жойга борма. Айтган жойдан қолма». Юравер.

Жўра, Ширмон ва Матқул чиқадилар.

Бородин (Жўраларни нарироқ кетказиб туриб, кулиб. Умарга). Дадангиз тўполон дарё-ку.

Умар. Нима қилай, бори шу.

Куладилар. Чиқадилар.

Расулев. Уртоқ Бородин.

Бородин (қайтиб). Хўш?

Расулев. Қаёққа шошдингиз? Ҳали мажлисимиз бор.

Бородин. Мажлис тамом.

Рубцов. Ҳали очилмаган мажлис қандоқ тамом бўлади?

Ҳамдамов. Ахир, рўзномадаги иккала масала ҳам ҳал бўлди-ку.

Расулев (кулиб). Дарвоқе...

Бородин (унинг сўзини бўлиб). Йўқ, мажлисимиз ҳали тамом бўлмапти. Уртоқ раис, қани айтинг: Раҳимбойнинг қишлоғида сайловларни ким ўтказган?

Расулев. Уртоқ Сатторов ўтказган.

Рубцов (Бородиндан олдин сўз олиб). Буни қандоқ тушунмоқ керак, ўртоқ Сатторов? Ҳозир Турккомис-

сия, ҳар бир ишимиздан камчилик топишга ҳаракат қилиб турганда, бу гап Фрунзе қулоғига етса, балога қола-миз-ку?

Борodin. Гап балога қолишда эмас. Бу ҳодисанинг сабабини, томирини очиб ташлашда.

Сатторов. Сиз яна тирноқ орасидан кир ахтар-моқчисиз, ўртоқ Борodin. Мен у қишлоққа янги борган бўлсам... Ҳамма ўша Раҳим чўлоқни мақтади. Мен унинг катта бойлигини қаердан билай?

Расулев. Қизишувга ҳожат йўқ, қадрли ўртоқлар. Яхшиси бу хатони тузатишни ўртоқ Сатторовнинг ўзига топшира қолайлик.

Рубцов. Маъқул.

Расулев (бошқаларни оғиз очирмаслик учун шошиб). Мажлис ёпиқ.

Абулфайзиева. Мунча шошдингиз? Протокол нима бўлади?

Расулев. Протоколни ўзим сизга диктовка қилиб юбораман.

Борodin. Шу ўтган гапларни яхшилаб ёзсангиз, протоколнинг тарихда кўрилмаган антиқа протокол бўлади.

Расулев. Тўғри. Ҳаммаларингизга рухсат.

Абулфайзиева, кейин Рубцов чиқадилар. Борodin остонага яқинлашар экан, кўчадан Умарнинг овози эшитилади: у ҳалиги «Бормайман» ашуласини ванг қўйиб бораётир.

Борodin (остона олдида тўхтаб, бу ерда қолаётган Расулев ва Сатторовларни ашулани эшитишга даъват этиб). Қулоқ солинг:

«Халқ ишига бўлсангиз —

Тайёр, боргайман» деди. (Чин қалбдан.)

Здорово-а?

(Жавобни кутмасдан ғойиб бўлади.)

Сатторов (Борodinнинг орқасидан нафрат билан қараб қолиб). «Здорово» эмиш!» Фамил чой билан ўзбекни меҳмон қилар эмиш! Ҳунар ўргатар эмиш! Самийлигига ишонмайман.

Расулев (сирдошларча, қалбдан). Жинимдан ёмон кўраман, шу одамни!

Сатторов (сирли). Мен ҳозироқ жўнашим керак.

Расулев (ташқарига хавфланиб қараб олиб). Албатта!

Чироқ ўчади. Парда.

## УЧИНЧИ КУРИНИШ

Қишлоқ. Гузар. Рўпарада далага томон кетадиган кўча. Узоқда тоғлар ва дарё кўринади. Чапда қандайдир бойнинг ҳашаматли уйи, Кенжа қўрбошининг қароргоҳи. Ичкаридан шарпалар эшитилмоқда. Унга чойхона. Супада жуда кўп милтиқ тахлаб қўйилган. Ерда патрон яшиклари. Қобил йигитларга милтиқ тақсим қилмоқда. Салоҳиддин домла милтиқ олганларнинг рўйхатини тузмоқда.

Қобил. Шошма! Шошма дейман, шошма! Шошма, милтиқ кўп.

Домла. Қўл қўйишни унутманглар, ҳой йигитлар. Бармоғингни босиб кет!

Қобил (йигитларга). Қолганларнинг кечқурун келасизлар.

Йигитлар тарқалади. Кўчадан Али ва яна бир йигит тўрт деҳқонни олдига солиб келади. Деҳқонларнинг бири — Жўра.

Жўра. Астағфирулло!

Йигит. Юр-юр! Нега хўшшаясанлар?!

Қобил. Ҳа, булар ҳам хитлик қилишяптими?

Қобил Алига мурожаат этган бўлса ҳам, қирғиз индамай ерга қарайди. Унинг ўрнига шериги жавоб беради.

Йигит. Ҳа, жонларидан тўйишибди шекилли.

Қобил. Ҳозир хўжайин буларнинг адабини беради!  
(Ичкарига кириб кетади.)

Бир зумда Қобил билан Кенжа қўрбоши ичкаридан чиқади.

Кенжа (ўшқиради). Хўш?!

1-деҳқон. Бизни зўрлаб йигит қилишмоқчи.

Кенжа. Ҳа, зўрламаса менга йигит бўлмоқчи эмас-мидинг! Тўртинчилардан қўрқасанда-а! Ё ораларингда большой борми?

Деҳқонлар. Йўғ-э, йўғ-э! Худо сақласин!

Кенжа (тўппонча ўқталиб). Ё битта-иккитангни... (Отиб ўлдиришга ишора этиб). «Элликбоши» қилиб қўяйми? (Қичқиради.) Қобил! Ҳаммасига милтиқ бер!

Деҳқонларга милтиқ тутқазадилар. Жўрадан бошқалар ноилж милтиқ олиб четга кетади. Домла деҳқонларни рўйхатга киргиза бошлайди.

(Жўрага.) Сен нега қўққайиб турибсан?

Жўра. Мен йигит бўлолмайман.

Уйдан Сатторов чиқади. У кийинини ўзгартирган.

**Сатторов. (Жўрани таниб).** Нима гап?

**Домла.** Худодан қўрқмай, пайгамбардан уялмай, лашкари исломга киришдан бош тортганлар бу қишлоқда ҳам бор экан. (Жўрага.) Э, сенга сатқан мусулмонлик кетсин!

**Жўра.** Қўрбоши ака, неча йилдан бери замона бевозта. Рўзгорнинг шарти кетиб, парти қолди.

**Сатторов.** Тинч рўзгор тебратаман деган киши бизга қўшилади. Уз юртимиздан зolim ўрисни ҳайдаб, мусулмонобод қилмоқчимиз. Мусулмон ўз юртига ўзи хўжайин бўлади.

**Жўра. (ўзига-ўзи).** Бу одамни мен қайда кўрган эдим? Астағфирулло!

**Сатторов (Кенжага).** Айтинг, Умарни олиб чиқишини.

**Кенжа.** Бу ҳали Умарнинг отасими?

**Жўра.** Умар? Умар қаерда?

**Кенжа.** Умар бизнинг қўлимизда. Уғлингни биз (Тахланган милтиқларни кўрсатиб,) арава-арава яроғ-аслаҳаси билан қўлга туширдик.

**Жўра.** Йўқ, у менинг ўғлим эмас, бошқадир.

**Кенжа.** Умарни олиб чиқинглар!

**Қобил** Умарни олиб чиққани ичкарига кириб кетади. Сатторов қўрбошининг қулоғига ниманидир шивирлайди, қўрбоши аввал ўйла-ниброқ қолади, маъқуллаб бош чайқайди. Сатторов йигитларнинг орқасига ўтиб яшириниб туради. Кийимлари йиртилган, юзлари қон  
**Умарни олиб чиқадилар.**

**Умар. Ота!**

**Жўра. Уғлим!**

**Бир-бирларининг қучоқларига отиладилар. Қўрбоши ўртага тушиб, иккаласини ҳам орқага тислантиради.**

**Кенжа. Шошма! (Жўрага.)** Хўш, кўрдингми?

**Жўра.** Кўр бўлмаганимга пушаймонман! Кўрдим!  
(Умарга.) Уғлим, ахир сен...

**Кенжа (жуда хурсанд, ҳовлиққан).** Энди бир гап бор. Уғлингнинг шерикларини ҳаммасини отиб ташладик. Уғлингни ҳам отиб ташламоқчи эдигу...

**Жўра.** Йўғ-э! Бир мусулмон боласини...

**Домла.** Отилганларнинг ярмидан кўпи сенинг ўғлингга ўхшаган динини сотган мусулмон болалари эди.

Кенжа. Сенинг болангни отмаймиз. Агар бир шартимизни бажарса...

Жўра (севиниб). Бажаради, бек акаси, албатта, бажаради.

Кенжа. Шарт шуки, ўғлинг шаҳар крепостида қанча аскар ва аслаҳа борлигини айтиб берсин. (Умарга.) Бородин тўдаси қаерга қочди — буни ҳам айтасан!

Жўра. Айт, болам.

Умар (Кенжага). Сўзим битта.

Кенжа (истеҳзо билан). Билмайман, дегин? Бу гапни Бородиннинг ўнг қўли билмаса, ким билади? (Умардан жавоб кутиб жим қолади. Жавоб бўлмагач, газабга келади.) Жаллод!

Қобил. Лаббай!

Кенжа. Олиб бор!

Жўра. Тўхтанг, бек ака, тўхтатинг!

Умар отилиб бориб, Жўрани ердан кўтаради.

Умар. Итларга ўзингизни хор қилманг, ота!

Умарни Қобил нарига тортиб кетади.

Жўра (Кенжага). Мени ёлғиз қўйинглар, ўзим бир гаплашиб кўрай. Кўндираман.

Кенжа (жаҳлидан тушиб, Қобилга). Қўя тур! (Ҳаммага). Қани, ичкарига киринглар!

Киниларнинг бир қисми қўрбоши билан уйга, бир қисми чойхонага киришиб кетади. Умар билан Жўра ёлғиз. Дарёнинг мудҳиш шовиллаши бу ёлғиз суҳбатга аллақандай ваҳима қўшиб турибди.

Ота-бола шивирлашиб гаплашадилар.

Жўра. Сизларни нима бало урди? Қандай қилиб буларнинг қўлига тушиб қолдиларинг?

Али пайдо бўлиб ота ва бола диалогини қизиқиш билан хуфиёна эшитиб туради.

Умар. Бу ерда хиёнат бор. Босмачилар қўққисдан пайдо бўлиб, бизни ўраб қолдилар.

Жўра (овозини кўтариб). Бўлар иш бўпти. Энди қўрбошининг айтганини қил, жон болам.

Умар. Мен дўстларимга хиёнат қила олмайман.

Жўра. Қайси дўстларингга?

Умар. Даставвал — Бородинга хиёнат қилмайман.

Жўра боши солиқ ўйланиб қолади.

Узингиз айтмовдингизми: «Бир кун туз ичган ерингга қирқ кун салом бер» деб.

Жўра (баҳона ахтариб). Минг қилса, Бородининг ҳам бир ўрис-да. Кофир-да.

Алида қизиқиш яна ҳам ортади.

Умар (босмачилар томонига имо қилиб). Ана у му- сулмонларнинг мингтасидан яхши.

Жўра. Хўп, майли. Бу ўрисинг яхши экан. Бошқа- лар-чи?

Умар. Ўриснинг ҳам ҳар хили бор. Сиз билан биз- нинг бошимизда қамчи ўйнатган ўрисларнинг ўрнига ҳо- зир бошқа ўрислар келган. Сиз билан биз, оталаримиз, боболаримиз орзу қилиб кўролмай доғда кетган нарсалар- ни ҳозир шу ўрислар рўёбга чиқтиряпти. Андижонда ўз- бек бош кўтариб, тўраларни юртдан ҳайдадимиз? Ҳайдал- мади. Жиззахда ўзбек тутдек тўкилиб, Николай зулмидан қутулдимиз? Қутулмади. Москвада ҳозир ўрис бош кўта- риб, Николайни йиқитди. Туркистондан зolim тўраларни ҳайдаб, сиз билан менинг бошимизни кулфатдан халос қилди.

Жўра. Ишонмайман.

Умар. Кўрмагансиз, ишонмайсиз. Мен кўрдим, ту- шундим. Ишондим. Етти пуштимиз «Камбағалдан подшо чиқса» деб орзу қилар эди. Ҳозир шу подшо тахтда.

Жўра. Қаерда, ким?

Умар. Москвада, Ленин. Тошкентда унинг саркарла- лари Фрунзе, Куйбишев ўтирибди.

Жўра. Яна ўрислар... Болам, мен сенинг отанг бўла- ман. Сени отишларига ҳеч қачон рози бўлмайман.

Кенжа бошлиқ босмачилар қайтадилар. Ҳамма уйдан ва чойхонадан чиқади.

Кенжа. Хўш, айтадиган бўлдими?

Умар. Йўқ.

Кенжа (Умарга). Ҳой, билиб қўй: айтмасанг отанг- нинг ҳам боши кетади.

Умарга чақмоқ теккандек бўлади. Пауза.

Жўра. Эшитдингми, болам?

Умар. Тугилганимга минг пушаймонман, ота. Эшитдим. (Кенжага.) Отамга тегма, номард. Отамнинг айби йўқ!

Жўра. Менинг гуноҳим нима?

Кенжа (жаҳл билан). Эй, бўлди сафсата сотиш! Қобил, олиб бор. «Элликбоши» қил.

Умар. Отажон, рози бўлинг!

Жўра бош кўтармай жим қолади. Қобил уларни олиб кета бошлайди.

Домла. Кенжа ака, худованди карим кўнглимга бир фикр солди.

Кенжа. Хўш, тақсир?

Домла келиб шивирлайди. Кенжа маъқуллаб илжаяди.

Домла (Қобилга). Тўхта! (Милтиқни Қобилнинг қўлидан олиб, Жўрага узатади.) Агар ўғлингнинг гуноҳига дахлинг йўқ бўлса, уни ўзинг отасан.

Хушидан кетаётган Жўра анчадан кейин ўзига келади. Милтиқни олади. Умар ташқарига жўнай бошлайди. Жўра орқасидан икки қадам босади, кейин дармонсизланиб, ерга ўтиради, пешанаси билан милтиққа суянганича қолади.

Жўра. Йўқ! Аввал мени отинглар!

Кенжанинг ишораси билан Қобил Жўранинг қўлидан милтиқни олади. Умар билан чиқиб кетади. Али ва йигитлар аста жаллоднинг орқасидан кетадилар. Жимликда ўқ узилади. Ақли бошидан учган Жўрани фақат ўқ овози ҳушига келтиради.

Жўра (ташқарига чопмоқчи бўлади). Болам, жигарпорам!

Кенжанинг ишораси билан уни ушлаб қоладилар. Ташқаридан тартибсиз ўқ товуши эшитилади.

Кенжа (ҳаяжонда). Нима гап? Нима бало бўлди?

Али югуриб киради.

Али. У йигит қочди.

Жўра. Хайрият! Худога шукур!

Кенжа (Ғазабда, йигитларга). Югуринглар, отинглар!



Йигитлар чопиб кетадилар. Яна икки ўқ узилади. Ундан кейин тартибсиз отишув. Жимлик, йигитларни олдига солиб Қобил киради.

Қобил. Нима тўполон?

Кенжа. Қочирдингни, ҳажикиз?

Қобил. Э, Қобилдан ким қочиб қутулар эди, хўжайин?! Дарёга ўзини ташлаб қутулмоқчи бўлди. (Милтиқни кўрсатиб.) Икки ўқ билан ишини бартараф қилдим. Латтадек чўкди кетди.

Жўра (яна ташқарига ташланади). Болам, болам! Отанг ўлсин, болам!

Жўрани тутиб қоладилар.

Қобил (Жўрага). Овора бўлма! Дарёмиз нишоб, ўғлингнинг ўлиги аллақачон нариги қишлоққа етди. (Жўрани зўрлаб ерга ўтқазиб қўяди.)

Кенжа. Бўлди. Тарқалинглар.

Йигитлар тарқаладилар.

Қобил (Кенжага Жўрани кўрсатиб). Бу гумроҳни нима қилдик?

Кенжа. Угли кетган томонга жўнат!

Сатторов. Шошманг! (Жўрага эшиттирмай.) Умар тирик қомадим ишқилиб?

Қобил. Йўқ, ўлганига имоним комил. Сувни қипқизил қонга бўяб чўкиб кетди.

Сатторов. Ҳар ҳолда эҳтиёт шарт. Жўранинг ҳозирча бу ерда йигит бўлиб юргани маъқул.

Кенжа. Майли. Милтиқ бер!

Қобил ақли бошидан учиб, тамом фаромуш ўтирган Жўранинг қўлига Умарни отган милтиқни суқади.

Сатторов. Лекин юриш-туришига кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. (Кенжага.) Умар агар ҳозиргача ҳалок бўлмаган бўлса, энди ҳалок бўлади.

Кенжа. Хўш?

Сатторов. Э, бунда политика бор... (Қўрбоши билан бирга ичкарига кириб кетади).

Жўра. Астафидулло!

Милтиқни улоқтириб ташлаб, кочмоқчи бўлади. Жўранинг йўлини босмачи йигит Али тўсади.

А л и. Тўхта!

Д о м л а. Қаёққа кетмоқчисан?

Ж ў р а. Бошим оққан ёққа.

Д о м л а. Нодон экансан! Кўзингни оч, ақлингни йиғ. Уғлингни ким нобуд қилди? (*Босмачиларга ишора қилиб.*) Булар эмас, большавойлар... Улар йўлдан урди. Ҳа, большавойлар. Большавойлар ўғлингни диндан оздирди... Энди бўлар иш бўлди. Уғлингнинг гуноҳини юваман десанг, большавойдан ўч ол. (*Милтиқни Жўра қўлига тутқазади.*)

Ж ў р а (*милтиқни олиб*). Астағфирулло! (*Ўтиради.*)

Чироқ ўчади. Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Тошкент. Туркистон fronti штабида Фрунзе кабинети. Парда очилганда Расулев, Рубцов ва Ваҳобов қизғин баҳслашиб турган бўладилар.

Расулев (бақиради). Бу уят!

Рубцов (бақиради). Бу бизнинг обрўйимизга ҳужум!

Расулев. Бу партиянинг миллий сиёсатини бузиш!

Ваҳобов (тинчлатишга тиришиб). Мунча ҳовлиқасизлар, ўтиринглар.

Ваҳобов ўтиради. Бошқалар тик туришда давом этади.

Рубцов. Биз бунга йўл қўймаймиз!

Расулев. Бу — Совет усули эмас, бу диктаторлик!

Ваҳобов. Нега менга ўшқирасизлар? Шу норозилигингизни кеча кенгашда айтсангиз бўлмасмиди?!

Расулев. Уртоқ Ваҳобов! Куйбишев билан Фрунзе ва бутун кенгаш бизни қоралаб турганда, биз сўзга чиқсак, таъсири бўлмас эди.

Рубцов. Вот именно: сўзга чиқиб, холис фикр айтиб бизни мудофаа этиш асли сизга ўхшаш раҳбардан лозим эди.

Ваҳобов. Йўқ, бундай иш даставвал Туркистон Марказий Ижрокомининг раисидан лозим эди. Раис Турккомиссияга ёнбосиб турганида мен унинг ўринбосари, нима қила олар эдим? Мени кўпчилик олдида Турккомиссиянинг йўлига қарши чиқишим яхши эмас. Аммо шахсий суҳбатда Куйбишев билан Фрунзе ўртоқларга мен қаттиқ норозилик билдирдим.

Рубцов. Хўш, улар нима дедилар?

Ваҳобов. Кенгашда айтган фикрлариди қаттиқ туриб олишди.

Расулев (асабий истеҳзо билан). Яъни «босмачи-

ларга маҳаллий буржуазия зиёлилари, Қўқон автономия-сининг қолдиқлари илҳом беради». Шундайми?

Ваҳобов. Шундай дейишади.

Расулєв. Ахир сиз ҳақиқатни тушунтирмадингизми?!

Ваҳобов. Тушунтирдим. Биз Туркистонда Совет ҳукумати қуриш учун жондан кечиб, халқ билан кураш-моқдамиз, дедим.

Фрунзе билан Бородин киради.

Фрунзе. Салом, ўртоқлар.

Ҳайма ўридан туради. Бородиннинг пайдо бўлиши Рубцов билан Расулєвни ажаблантиради. Бородин хафа. У бош қимирлатиб саломлашганича Фрунзенинг орқасида туриб қолади. Фрунзе кулимсираб туриб, ҳазилнамо, истеҳзо билан сўзида давом этади.

Қизгин суҳбатларингизни бўлдиқ шекилли. (Ваҳобовга.) Ўртоқлар, албатта, сизнинг фикрингизга қўшиладилар. Халқ билан курашиш керак, дейдилар. Шундайми?

Рубцов. Вот именно, курашмасдан иложимиз йўқ, ўртоқ Фрунзе, Менингча, Турккомиссия бир нарсани эътиборга олмаётир. Туркистонда Совет ҳокимиятини қураман десангиз, пролетар диктатурасининг кучини кўрсатиш керак.

Фрунзе. Сизлар пролетар диктатурасининг кучини кўрсатаман деб дўстларни душманга айлантираётисиз. Бу айниқса бутун Туркистон учун хавfli. Вақт қалтис: Каспий бўйида интервентлар ҳужум этмоқда. Еттисувда қулоқлар бош кўтарган, Бухорода амир бизга қарши пичоқ қайрамоқда... Кенг деҳқонлар оmmasига Совет ҳокимиятининг ҳақиқий қиёфасини кўрсатиш керак. Ана шунда душман иғвосига учганларнинг кўзи очилади. Сув лойлатиб, балиқ тутмоқчи бўлиб авантюристлар яккаланиб қолади.

Рубцов. Демак, сиз ҳатто босмачиликда юрган кишиларни ҳам Совет тарафдорларига айлантириш мумкин деб фараз қиласиз. Шундайми?

Фрунзе. Фараз эмас, бу шубҳасиз.

Рубцов. Вот именно, бу шубҳасиз эмас, балки фақат фараз.

Расулєв. Турккомиссиядаги ўртоқлар маҳаллий шароитни билмайдилар. Шунинг учун баъзан нотўғри установка берадилар.

Фрунзе (суҳбатга енгиллик киргизувчи тусда гапирди). Турккомиссиядаги ўртоқлар ичида Туркистонда туғилиб, Туркистонда ўсанлар ҳам бор.

Рубцов. Масалан?

Фрунзе (жулиб). Масалан, пишпақлик Фрунзе деган бир киши. (Кулишадилар.) Айтгандек, кўришмадик шекилли.

Ҳамма билан кўришиб чиқади.

Кечирасизлар, ўзим мажлис чақириб, ўзим кечикдим.

Утиришадилар.

Ваҳобов. Босмачилар масаласидаги установкангизни тўғри деб фараз қилайлик. Аммо нега Турккомиссияси Советлар қурултойини чақирिशга қарши?

Расулев. Бизга ваъда қилинган ҳуррият қани?

Фрунзе. Сизларга маълумки, Туркистоннинг автономияси ҳақида ўртоқ Лениндан бевосита маслаҳатлар олиш учун Туркистон Марказий Ижрокомининг раиси Москвада ўтирибди. Ленин уни бугун қабул этади. (Соатига қараб). Қабул алақачон тамом бўлган бўлса керак. Кутилаётган муҳим хабарни сизларга дарров етказиш учун ўртоқ Куйбишев билан мен сизларни ўз ҳузуримизга таклиф этиб, мажлисимизни шу ерда ўтказишни зарур топдик. (Бошқа оҳангда.) Туркистон, албатта автономия олади. Бугина эмас. Ҳали вақти келиб Туркистондаги ҳар бир миллат ўз республикасига эга бўлади — Буюк Лениннинг нияти шу. Аммо фақат интернационализм принципларига асосланган ҳурриятгина халққа ҳақиқий озодлик бериши мумкин. Баъзи тақсирларнинг беюзлиги шу даражага етдики, улар ҳатто Компартияни ҳам фақат туркий халқлар партияси деб эълон этмоқчилар. Съездга тайёргарлик ҳам бизни қаноатлантирмайди. Делегатларнинг жуда кўпи советларга ёт кишилардан бўлиши хавфи бор. (Ваҳобовга.) Ўртоқ Бородин сизга Андижон ревкомада бўлган қизиқ бир латифани айтиб бериши мумкин.

Рубцов (жаҳл билан). Икки деҳқон воқеасими? Тундрик. Ўртоқ Бородин ўзининг иғво халтасига доим шундай гапларни йиғиб юради.

Фрунзе (жиддий). Ўртоқ Бородин бугун фақат қизиқ латифа эмас, жуда қайғули хабар ҳам келтирган.

Рубцов (қўрқиб). Яроғ-аслаҳа масаласида эмасми? Бородин. Худди шундай.

Рубцов. Хўш, қўққисдан Тошкентга келиб қолиб-сиз?

Бородин. Яроғ-аслаҳа босмачилар қўлига тушди.

Фрунзедан бошқа ҳамма ҳаяжон билан ўрнидан туриб кетади.

Рубцов. Қандай қилиб?!

Расулев. Нима бўлди?!

Бородин (*картадан кўрсатиб*). Ушдан 15 чақирим-ча берида, Хонободда бизни катта босмачилар отряди ўраб олди. Қарасам, уларга бас келишнинг иложи йўқ. Яроғларнинг мумкин бўлган қисмини олиб, яна Андижонга чекинишга тўғри келди. Кейин мен тезда ўртоқ Фрунзе олдига жўнашни лозим топдим.

Расулев. Умар нима бўлди?

Бородин. Бечора Умар! Умар босмачилар орасида ўралиб қолди.

Рубцов. Аҳ, кўнглимга келган эди! «Босмачилар орасида ўралиб қолди» эмиш! Босмачилар томонига ўтиб кетди деяверинг. «Хонобод йўли хавфсиз» деб қаттиқ туриб олгани бежиз эмас экан ўзи.

Расулев. Бу иш — шубҳасиз Умарнинг хонлиги натижасида.

Фрунзе. Уртоқ Бородин, Умар нима қилганини айтиб беринг.

Бородин. Қуршовдан чиқиш учун биз дарров иккига бўлиндик. Аскарларнинг бир қисмини Умар олди, бир қисмини мен олдим. Улар илгарироқ қуршовдан чиқди. (*Картадан кўрсатади.*) Биз Бешкепа қишлоғида ўралиб қолдик. Умар орқага қайтди. Яна урушга кирди. Босмачилар у билан овора бўлиб турганда, биз қуршовдан чиқиб олдик. Кўрпа қишлоғида босмачилар Умарни қўйиб, яна бизга ҳужум қилди. Умар яна қайтди. Бир иш қилиб босмачилар билан бизнинг орамизга кирди, бизнинг чекинишимизга кўмаклашиб, босмачиларни тўсиб турди, биз узоқлашиб олдик. Кейин босмачилар бизни тополмай қолди. Чунки йўл лой эди, чанг йўқ эди.

Расулев. Умарнинг бир неча марта қайтганини ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

Бородин. Операциянинг боришидан кўриниб турди.

Ваҳобов. Тахмин десангиз-чи.

Бородин. Тахмин эмас. Менинг етарли ҳарбий тажрибам бор. Операциянинг боришидан аниқ хулосалар чиқара оламан.

Расулев. Уртоқ Бородин ўзи Умарни жуда яхши кўради.

Адъютант киради.

Адъютант. Уртоқ Рубцов, сизга телеграмма бор. Рубцов (телеграммани қабул қилиб олаётиб). Тўғри айтдингиз, ўртоқ Расулев. Уртоқ Бородин Умарга гард юқтиргиси келмайди.

Адъютант чиқади.

Фрунзе. Уртоқ Бородиннинг бунга баъзи асослари бор. Аммо Умарга ишонмасликка сиз билан бизда қандай асос бор?

Рубцов телеграммани очади. Уқийди ва тантанали равишда у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди.

Расулев. Агар Умар бизга содиқ бўлса, нега босмачилар орасида қолди?

Фрунзе (ўйланиброқ). Умар босмачилар орасида ўзи хоҳлаб қолди дейишга қанчалик далилимиз бор?

Рубцов. Мана далил, марҳамат!

Телеграммани Фрунзегга узатади, Фрунзе ўқийди. Ҳайрон. Ғазаб ва ўпка аралаш Бородинга қарзиди. Телеграммани беради.

Бородин (телеграммани ўқийди). «Мен томондан текширилиб, ҳақиқат қилинган маълумотларга қараганда, Умар Жўраевнинг отаси — Кенжа кўрбошининг энг ишончли йигити. Шу маълумотни сизга етказишни ўзимнинг коммунистик бурчим, деб ҳисоблайман. Сатторов».

Фрунзе (Бородинга). Шу нарса сизга маълуммиди?

Бородин. Йўқ. У деҳқон менга соддадил, соф кўнгил бир тўполон дарё кўринган эди. Бундай кишилардан одатда жуда содиқ дўстлар чиқади. Мен ҳатто умид қилувдимки...

Расулев. Сиз умид қилиб ўтира берибсизу, тўполон дарё бориб босмачилар денгизига қуйилибди.

Заҳарханда кулади. Унга Рубцов қўшилади.

Ваҳобов. Бир босмачининг хоин ўғли туфайли бизнинг яроғ-аслаҳаларимиз босмачилар қўлига тушганда, уни мудофаа қилишингиз қизиқ.

Фрунзе. Қуролнинг босмачилар қўлига тушуви одатдаги оператив муваффақиятсизлик бўлиши мумкин.

Одамнинг ота-онаси ҳам ҳар қандай бўлиши мумкин, аммо у одам ўзи амалда бизга содиқ бўлса, биз уни ўзимизники ҳисоблай оламиз. Лекин у одам мана бундай қалбакилик қиладиган бўлса, ўзининг баъзи ишларини Совет ҳокимиятидан яширадиган бўлса, бундай одамга бизда ҳеч қандай шафқат йўқ!

Рубцов. Вот именно, ҳеч қандай шафқат бўлиши мумкин эмас!

Остонада пешана ва қўли қоли биит билан боғланган Умар пайдо бўлади. У дармонсизланиб, эшикнинг ўнг қанотига суяниб, кўларини юмганча қолади. Умарга аввал Ваҳобовнинг, кейин Фрунзенинг кўзи тушади, Фрунзе ҳайрон. Шошиб адъютант киради.

Адъютант. Кечирасиз. Узи кирибди. Мен бир минут йўқ бўлган эдим.

Бородин (Умар томонга отилади). Умар!  
Умар. Дўстим!

Кучоқлашиб кўришадилар. Адъютант чиқади. Умар ҳолсизланиб креслога чўқади.

Бородин. Уртоқ Фрунзе, мана Умар.  
Умар (ўрнидан туриб). Салом, ўртоқ Фрунзе!  
Фрунзе (қўлини бермайди, совуқ). Салом!

Умар яна ҳолсизланиб креслога ўтириб қолади.

Ҳоли оғир шекилли. Доктор чақиринг.

Умар. Хотиржам бўлинг. Бир оз дармонсизман. Ҳозир ўзимга келаман.

Пауза. Бородин сув беради. Умар бир оз ўнгайсизланади.

Умар. Уртоқ Фрунзе, сиз Бородинни кечиринг. Мен сиздан шуни сўрагани келдим. Хайрият бир омадим келиб қутулиб қолдим. Айб Бородинда эмас, айб менда...

Фрунзе.. Айб албатта сизда! Кенжа қўрбоши Хонобод йўлида бирданига қаердан пайдо бўлиб қолди? У аввал тоғ орқасида юрар эди-ку?

Умар. Билолмадим.

Фрунзе. Отряднинг яроғ-аслаҳа олиб кетаётганини Кенжага ким хабар қилган?

Ҳамма Умарнинг оғзига ҳаяжон билан тикилиб қараб қолади.

Умар. Ҳайронман. Ревкомдаги маслаҳат вақтида Рубцов, Расулев, Бородин, Сатторов ва Ҳамдамов ўртоқ-



лардан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ҳаммаси ўзимизнинг кишиларимиз.

Ваҳобов билан Расулева енгиланиш.

Расулева (заҳарханда). Сиз ўзингизни айтмадингиз.

Умар. Мен ким эканимни Кенжанинг олдидан қочиб бу ерга келишимдан тушуниб оларсиз, деб ўйлайман. Мен бу ерга отамдан кечиб келдим.

Фрунзе. Отангизга нима бўлди?

Умар. Мен у билан босмачилар орасида учрашдим.

Рубцовда жонланиш.

Кенжа қўрбоши мендан Бородиннинг қаерга қочганини, шаҳар крепостида қанча аскар борлигини айтиб беришни талаб қилди. Айтиб берсам, ўзига юзбоши қилиб олмоқчи бўлди. Мен айтмадим. Уртага отамни қўйдилар. Уни яқинда босмачиликка мажбурий олишган экан. Отам ҳам шунини талаб қилди.

Рубцов «Кўрдингизми? Менинг сўзларим ҳақ эканми?» дегандек, аввал Фрунзенинг, кейин Ваҳобовнинг олдида боради.

Мен кўнмадим. Қўрбоши орага отамнинг ҳаётини қўйди. Мен рад қилдим. Отам мени оқ қилди.

Рубцов яна Фрунзегга «Қаранг, отаси қандай одам?!» дегандек имо қилади. Ҳикояни ҳаяжон билан эшитиб турган Фрунзе Рубцовга эътибор бермайди.

Кейин мени отишга олиб кетдилар, мен ўзимни дарёга ташлаб, зўрға қутулдим. Отамни ҳам отиб ташлашган бўлсалар керак.

Оғир жимлик.

Рубцов (заҳарханда билан). Отангиз ўз ихтиёри билан босмачи бўлган эканми, ёки...

Фрунзе (газаб билан Рубцовнинг сўзини бўлади). Бас! (Умарни қучоқлаб.) Қўлингизни беринг. Кечирасиз. (Бородинга.) Уртоқ Жўраевни докторга кўрсатинг. Иккалангиз эртага Фарғонага жўнашга тайёрланинг (Ваҳобовга.) Менингча, биз бундай қиламиз: ўртоқ Жўраевни Угорревкомга, ўртоқ Бородинни уезд ҳарбий советига раис қилиб тайинлаймиз. Икковлон бир ишлаб кўрсинлар.

Умар ҳайрон. Расулева билан Рубцов газабда. Ваҳобовнинг оғзига тикилиб қоладилар.

Ваҳобов (норози оҳангда). Майли... Бўлади.

Умар. Уртоқ Фрунзе, ҳазиллашманг. Мен чаласавод бир одам бўлсам; бундай ишларда Расулев акамга ўхшаш мулла кишилар ишласа бўлади.

Фрунзе. Тўғри айтдингиз. Уртоқ Расулев ўқиган киши. Шунинг учун унга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Совет аппаратининг вазифаси — сизга ўхшаш меҳнаткаш халқ вакилларини давлатни идора қилишга ўргатиш. Шундай эмасми, ўртоқ Расулев?

Расулев (норози). Ҳа, албатта.

Умар. Мен ҳайрон бўлиб қолдим, ўртоқ Фрунзе.

Фрунзе. Ҳайрон бўлманг. Журъат этинг. Совет паратидида ишлаш учун ҳар кимдан икки нарса талаб этилади: садоқат ва журъат! (Уқтириб такрорлайди.) Ва журъат!.. Бургут ўз боласини учишга қандай ўргатади, биласизми? Қозоқ-қирғиз эртақларида бор-ку?

Умар. Эшитмаган эканман.

Фрунзе. Бургутдай қушнинг боласи ҳам аввал анча журъатсиз бўлар экан, уясидан ўзи учиб кетишга ботина олмас экан. Шунда бургут ўз боласини чангалига олар экан-да, энг баланд чўққи устига олиб чиқиб (Уқтириб.) ташлаб юборар экан, кейин ўзи учишга мажбур бўлган боласини гоҳ чап ёқдан, гоҳ ўнг ёқдан келиб қўллаб, охири учишга ўргатар экан... Россияда шундай бургут бор. Бу — рус халқи. Унинг жуда кўп болалари бор. Бу — ўзбек халқидек эзилган миллатлар. (Умарга қўлини бериб.) Дадил бўлинг! Журъат этинг.

Умар. (Руҳланган. Фрунзенинг қўлини сиқади.) Менга ихлосингиз учун раҳмат.

Фрунзе. Уртоқ Расулевни сизга ҳозирча ёрдамчи қилиб қолдирамиз. Уртоқ Рубцов менинг олдимда қолади. Менинг таклифларим Турккомиссия томонидан қабул этилар деб ишонилганга асоси бўлса керак.

Ҳамма (Бородин ва Умардан ташқари). Албатта. Шубҳасиз.

Фрунзе (Бородин ва Умар билан қўл бериб хайрлашиб). Демак, янги вазифаларингизни бажаришга тайёрланаверасиз.

Умар. Хўп, ўртоқ Фрунзе.

Ҳамма билан қўл бериб хайрлашади.

Расулев (Умар билан хайрлашаётиб, уни бир чеккага тортиб). Уртоқ Жўраев, сиз яқиндагина отангиз ол-

дида, бир бурчимни бажаришим биланоқ, қишлоғимга албатта қайтаман, деган эдингиз.

Умар. Тўғри, шундоғ деб қасам ичган эдим.

Расулев. Ундай бўлса, нега шу қасамингизни унутдингиз? Янги, масъул вазифада ишлашга рози бўлдингиз?

Умар. Биринчидан, афсуски, мен ҳали бурчимни бажаролганим йўқ. Иккинчидан, нима қилай: отам бечора мени «камиссар» деганида фаришталар «омин» деган экан-да!

Боронин (хурсанд, Умарга). Здорово сказано (Расулевга кулиб.) Ҳа: «Киройи кофир шави, губернатор шави» деганлар.

Кули. Боронин ва Умар чиқадилар.

Рубцов (ўпка билан). Уртоқ Фрунзе, бу қандай гап?

Фрунзе. Ҳеч гап эмас. Мен фақат кечаги кенгашнинг қарорларини амалга ошираётirman.

Фрунзенинг адъютанти киради.

Адъютант. Уртоқ Куйбишев Москва билан гаплашишни давом эттираётгани учун мажлисга келолмас экан. Сизга бу телеграммани бериб юборибди.

Фрунзе (телеграммани кўздан кечириб). Уртоқлар, Ленин бизнинг фикримизга тўла қўшилади. Туркистон бу ерда яшовчи ҳамма халқларнинг республикаси деб эълон этилади. (Кўлидаги телеграммани юқори кўтариб). Компартия Турк Компартияси эмас, балки Туркистон Компартияси бўлади. Демак, Советлар съездини ҳам ҳозирча қолдириб, тайёргарлик ишларини қайтадан ўтказиш лозим бўлади... Кўрасизки, ишлар кўп. Қани, мажлисни очайлик.

Адъютант секретарлик ўрнини олади.

Мажлисни кун тартибини ўзгартиришга тўғри келади. Демак, биринчи масала — марказнинг телеграммаси. Иккинчи масала — Фаргона босмачиларига қарши операциялар бошланиши муносабати билан кўриладиган чоралар ҳақида.

Чироқ, ўчади. Парда.

## БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Фаргона қишлоқларидан бирида катта бойнинг ҳовлиси. Меҳмонхона. Айвон. Айвонда йигитлар бир оз ўйин қилиб, ичкари кириб кетадилар. Ҳовлида катта зиёфатга тайёргарлик кўрилмоқда. Меҳмонхона ичидан базм шарпалари эшитилмоқда. Айвоннинг остонасида икки йигит соқчиликда турибди. Дарвозадан Қобил Жўра билан Алини эргаштириб киради.

Қобил (соқчиларга). Сизлар бўшадинглар.

Соқчилар кетади.

(Жўра билан Алига.) Ўзим одам қўйгунча, қимирламай турасизлар.

Жўра. } Хўп.  
Али.

Қобил меҳмонхонага кириб кетади. Жўра ҳовлида бораётган қизгин тайёргарликни кўздан кечирди.

Али (Жўрага). Огайни, бу яна нима тўполон?

Жўра. Катта маслаҳат, зиёфат бўлар эмиш.

Али. Яна қанча бечора хонавайрон бўлади десангчи?

Жўра. Ҳақ гапни айтдинг. Бу нозу-неъматлар осмондан тушармиди, сен билан менга ўхшаш фуқародан олинди-да.

Қуролли босмачи йигит қўллари орқага боғланган Матқул билан Собирни олиб каради.

Жўра (Матқулни кўриб ҳайрон). Иел

Йигит. Фулом ака қаерда?

Али. Ичкарида. Чақирайми?

Йигит. Ўзим кирман. Ана буларга қараб туринглар. (Меҳмонхонага кириб кетади.)

Жўра Алига «нарироқ бориб қараб тур, бу одам билан гапим бор» ишорасини қилади. Али нари кетади.

Жўра (ер чизиб, маъюс ўтирган Матқулга яқинлашиб). Саломатмисан, Матқул.

Матқул (тажом янги, босмачи кийимидаги Жўрани секин таниб). Ие, Жўра! Не касофат уриб сен босмачи бўлиб қолдинг?!

Жўра (жавоб ўрнига йиғлайди). Тақдир экан-да, тақдир.

Матқул (астойдил сўкиниб). Ҳу ўша тақдирни...

Жўра. Куфур кетма. Тилингни тий.

Матқул (қаттиқ куйиб). Йўқ. Гиймайман. Нима бу: дунёми ё кушхона?

Жўра. Дудинг осмонни тутади. Ишқилиб қизингга бирор бало бўлгани йўқми?

Матқул. Қизимнинг қаердалигини ўзим ҳам билмайман. Умардан дарак борми?

Жўра. Уғлим...

Жўра жавоб беришга улгурмайди. Меҳмонхонадан Сатторов, Қобил ва йигит чиқадилар.

Қобил. Яна бир марта сўрайман, ундан кейин ўзингдан ўпкала: қизинг қаерда? (Матқул имдамайди.) Билмайсанми?

Матқул. Билсам айтармидим? (Уз ичиди сўкинади.)

Қобил Сатторовга қарайди. Сатторов «эллиқбоши» ишорасини қилади ва кириб кетади.

Қобил (Матқулга). Қани, юр. Тезроқ қимирла!

Жўра (чиқиб кетаётган Қобилга). Дўстим, сени қаёққа олиб кетаётганига тушундингми?

Матқул. Ҳуш қол, энди қиёматгача кўришмаймиз. Аммо буларнинг ҳам ёқасига бир куни бало ёпишади. Булар халқ билан ўйнашади. Ўт билан ўйнашади. Ўт билан ўйнашган ёнади.

Қобил уни олиб чиқиб кетади.

Жўра (тажани). Астағфирулло!

Али (югуриб кириб). Меҳмонлар келаётир.

Меҳмонхонага кириб кетади ва ундан дарров Мадамин, Кенжа, беклар, Сатторов, Салоҳиддин домлалар билан чиқади. Дарвозадан Фролов, офицер, 3—4 қуроли рус пайигитлар киради. Саҳна камсўз, кўп имоли. Мадамин Фролов билан қучоқлашиб, бошқалар бир-бирлари билан қўл беришиб кўришадилар. Ҳар икки томон мумкин қадар кўпроқ ҳурмат ва тақаллуф кўрсатиш ҳаракатида. Тўхтовсиз «Марҳамат», «Пожалуйста», «Ҳуш келибсанлар» овозлари. Мадамин Фроловни меҳмонхонага олдин киришга таклиф этади. Фролов кўнамайди, Мадаминга йўл бўшатади. Бир оз тортишувдан кейин, Мадамин Фроловнинг қўлатигидан олади ва икковлари баравар кириб кетадилар. Саҳнада тасмошанин йигитлар, Али ва Жўра қолади. Йигитлар ҳайрон.

Жўра (хуноб). Астағфирулло!

Али (хуноб). Ҳаммаси кофир-ку!

Жўра. Кофир бўлиб ҳамки, жуда ноинсофи. Бу тўраларнинг қамчисини смаган киши бормикин бу атрофда?

С а л о ҳ и д д и н домла чиқади, ҳамма жим бўлади.

Д о м л а. Хўш, яхшилар...

Жимлик.

Мени кўриб даминглар ичларингга тушиб кетди.

Йигитлар жим.

Айтмасанглар ҳам, ҳар бирингизнинг дилингиздаги гапни биламан.

Ҳамма жим туришда давом этади. Биринчи ёш йигит бир нарса демоқчи эди, Али туртиб тўхташга мажбур этади.

Яъни демоқчисизларки, нечун бек акам кофирлар билан дўстлик қилади. Шундайми?

Огир жимлик.

Нодонсизлар! Шунини фаҳмлаш керакки, булар кофир бўлгани билан яхши одамлар...

Иккинчи йигит бир нарса демоқчи эди, Али уни ҳам туртиб тўхтатади.

Улар большевикларга қарши.

Жўра (тажанг). Астафидулло!

Д о м л а. Ҳа, Жўрабой, яна тажангсиз?

Жўра. У ёқда мени ўғлимга ўхшаш мусулмон болалари большевойга ёрдам беради, бу ёқда тўрамга ўхшаш кофирлар бек акамга ёрдам қилади. Жуда ҳам чалкаш замон бўлди-да!

Д о м л а. Жўрабой, кўнглингизга шайтон оралаб қолибди, калима келтиринг.

А л и. Жўравой тўғри гапни айтди. «Лашкари ислом», «Лашкари ислом» деймизу, бориб-бориб ўриснинг энг ёмони билан дўстлик қиламизми?!

Д о м л а. Нодонсан! (Меҳмонхонани кўрсатиб.) Ана у ёқда улуғлар орасида нима гап бўлаётганидан хабаринг йўқ. Тошкентга камансиё келибди.

Йигитлар тушунмай, бир-бирига қарашади.

Яъни масалан, Масковдан большевойларнинг каттакони Фрунзе келибди. Ҳар бир мусулмонни кўз олдида бола-

чақаси жодудан ўтказилсин, кейин ўзи симёғочга осилсин, деб фармон берибди. Оқ подшо большавойнинг олдида ҳолво эди, нодонлар!

Бирин-кетин узилган икки ўқ овози эшитилади. Домла қўрқиб ичкарига кириб кетади.

Жўра. Домла иштонини янгилагани кириб кетдиларми?

Кулишади, домла билан Сатторов чиқади.

Сатторов (атрофга қулоқ солиб). Жимжит-ку?  
Домла. Ҳозиргина икки ўқ узилди.

Қобил киради.

Сатторов. Қобил, ким у ўқ узган?  
Қобил. Мен. Буйруғингизни бажардим.

Жўра ҳаяжонда.

Сатторов. Ҳалигача судраб юрдингми?  
Қобил. «Намоз ўқиб олайлик», деб сира қўйишмади.

Сатторов. Емон ҳам юмшоқ кўнгил бўлиб кетибсан-да, Қобил! (Домлага.) Оббо домла-е, чумчуқ пир этса, юрагингиз шир этади-ю...

Домла (хижолат тортиб). Э, эҳтиёт шарт-да, яхшилар.

Кула-кула қайтиб кириб кетдилар. Паранжили Ширмон шошиб киради.

Ширмон (секин ёлғиз қолган Жўра олдига келади). Саломатмисиз?

Жўра. Ҳой аёл, сен кимсан?

Ширмон (юзини очиб кўрсатади). Ширмонман.

Жўра (қаттиқ ҳаяжонда). Қандай бўлиб сен бу ёққа кепқолдинг?

Ширмон. Чучунтиришга фурсат йўқ. Фақат саволаримга тез жавоб беринг...

Жўра (унинг сўзини бўлиб). Тўхта. Босмачилар сени излашяпти, кўрса тилка-тилка қилиб ташлайди, лодон!

Ширмон. Бу ерда мени сиздан бошқа ҳеч ким танимайди. Мени сизга ишонишиб юборишди.

Жўра. Ким?

Ширмон. Умар акам.

Жўра. Умар тирикми?

Ширмон. Тирик.

Жўра. Худога минг қатла шукур!

Ширмон. Умар ака сиздан сўрайди: тез айтинг.  
Бу ерда нима бўляпти?

Жўра. Мадаминбек ҳамма Фаргона бекларини йиққан. Муштумзўр мужик-ўрислар ҳам шу ерда. Катта маслаҳат бўлаётир.

Ширмон. Менга шуни билиш керак эди. Раҳмат.

Ойна тагига бориб, ичкаридаги гапга узоқ кулоқ солади. Жўра атрофни қўриқлайди. Ширмоннинг қиёфасидан биз муҳим гапларни аши-таётганини сезамиз.

(Хурсанд Жўранинг олдига келиб.) Отамни қаерга қамашган?

Жўра нима дейшини билмайди.

Нега индамай қолдингиз?

Жўра. Отанг... (Сўзини тугатолмай қолади.)

Меҳмонхонадан маст офицер ва Қобил чиқади. Ширмон ўзини Жўранинг панасига олади.

Қобил. Нега қўзғалдингиз, тўрам, шамоллаб қолманг яна.

Офицер. Скучно.

Қобил. Нима деддингиз?

Офицер. Скучно. Сизники мусулмон ёмон закон: кампания бор, ароқ бор, хотин йўқ. (Айвоннинг қирғоғига келади.) Скучно! (Ширмонга кўзи тушади.) А это кто?

Жўранинг ишораси билан Ширмон қочмоқчи бўлади. Офицер иргиб тушиб, унинг йўлини тўсади.

Куда?! (Ширмоннинг чимматини юлиб олади. Қизини чиройига мафтун бўлиб.) Уҳў! Ярми шакар, ярми қанд!..

Йигитларда газаб, Ширмон чимматини офицер қўлидан тортиб олиб қочмоқчи бўлади, офицер уни кучоқлаб меҳмонхонага судрайди. Орага Жўра тушади.

Жўра. Қўлингни торт, ноинсоф!

Офицерни туртиб ташлайди. Офицер Ширмонни қўйиб юбормайди.

Қобил (Жўрани туртиб ташлайди). Нарн тур!



Жўра. Ахир инсоф борми, сизларда! Бир бечоранинг боласини...

Қобил. Нар и тур дейман. (Тўппонча ўқталиб.) Жонингдан тўйганмисан?

Али. Қобил ака! Қиз бола-я — бир бандан мусулмоннинг боласи.

Қобил. Биттанг чурқ этсанг, калланг ёнингда.

Жўра (Қобилга). Қўйиб юбор қизни, ғарвачча. Қўшмачилигингни холаанга қил!

Йигитлар гуриллаб уни маъқуллайдилар. Эшик олдида олишув. «Инсоф борми?», «Бечора қиз», «Эшикни синдирасан!», «Нега қараб турибсанлар!», «Ҳолир отаман!» овозлари. Бирданга қўлида паранжичачвони, бош яланг Ширмон оломон ичидан чиқади. Қочади. Офицер Ширмоннинг орқасидан қувиб кетмоқчи бўлади. Жўра унинг ёқасидан тутиб олиб, қулочкашлаб туриб жағига солади. Унга бошқа йигитлар қўшиладилар. Офицерни ура бошлайдилар.

Қобил. Тўхта-тўхта! Отаман!

Унинг дўқига ҳеч ким қулоқ солмайди. У шовилганича меҳмонхонага кириб кетади. Бир нафасда ичкаридан тўппончаларини ялангочлаб ҳовлиққан Қобил, Мадамин, Фролов ва меҳмонлар чиқишади.

Мадамин. Тўхта дейман, ҳайвонлар, тўхта!

Уқ узоди, йигитлар тўхтади. Ганраган офицер ўртада қолади, Руслардан иккитаси ва Қобил уни ичкарига олиб кириб кетдилар. Ҳовли томошабини йигитларга тўлади. Офицерни урганларнинг бир қисми йигитлар орасига кириб ғойиб бўлади.

Фролов (газабдан). Эшаклар, биласанларми, мен санларни нима қиламан!

Мадамин. Хотиржам бўлинг, тўрам, мен ўзим бу ҳайвонларнинг адабини бераман. (Йигитларга) Ғалвани ким бошлади?

1-йигит. Бек ака, меҳмонингиз ўзи бир мусулмон қизини...

Мадамин. Алжима! Биламан! Битта қишлоқи гадойнинг битлиқи қизи учун шунча ғалвами? Сен кимнинг дастасидансан?

Қобил меҳмонхонадан қайтиб чиқади.

1-йигит. Сизнинг йигитингизман.

Мадамин. Меними?

Тўппонча билан йигитнинг бошидан отади. Йигит тил тортмай ўлади. Қобил йигитлар орасидан кимларнидир ахтармоқда.

Меҳмонни яна ким урди?

Қобил (иккинчи йигитнинг ёқасидан бўғиб келти-  
ради). Мана, яна биттаси.

Мадамин. Бу кимнинг дастасидан?

Кенжа. Менинг дастамдан. (Йигитнинг кўкрагидан  
отади.)

Йигит газаб билан бир нарса демоқчи бўлади, лекин улгуролмай  
гурсллаб йиқилади. Оломон сийраклаша бошлайди.

Мадамин. Яна ким?

Қобил. Жўра.

Сатторов. Жўра? Қани Жўра?

Жўрани ахтардилар, тополмайдилар.

Домла. Жўра қочибди.

Кенжа (Қобилга). Дарров ёнингга иккита йигит ол.  
Қувла, тут.

Қобил шошиб чиқиб кетади.

Мадамин. Яна ким?

Ҳамма жим. Уликларни олиб чиқиб кетадилар.

Фролов. Аҳа, бир-бирингни яширасан! Мен сен-  
лар билан ҳали гаплашаман! (Уз одамларига.) Тақсир-  
лар, кийининглар.

Адъютант ичкаридан кийимлар олиб чиқади. Кийинадилар, бе-  
лар ҳаяжонда.

Мадамин. Тақсир, нима қилмоқчисиз?

Фролов. Аскарларингиз шу эшаклар экан, сиз би-  
лан иттифоқнинг аҳамияти йўқ. (Уз одамларига.) Пошли!

Мадамин (Фроловни тўхтатиб). Тақсир, шошманг,  
қизишманг, иш бузилмасин.

Фролов. Йўқ! Гап битта. (Кетмоқчи бўлади.)

От туёқларининг товуши. Бир йигит югуриб киради.

Йигит. Шаҳардан меҳмон бор.

Расулев кириб келади. Қўлида қамчи. Ҳамма ҳайрон.

Мадамин. О, Фозилжон, Фозилжон! (Қучоқла-  
шиб кўришади.) Иш қалай?

**Расулев.** Мақтангудек эмас. (Фроловга.) Саломат-мисиз, тўрам?

Фролов нидамай, истар-истамас қўл беради. Расулев ҳайрон.

Мен нима тўполон устидан чиқиб қолдим?

**Домла.** Ана бу авомлар аҳмоқлик қилишиб, тўрамни хафа қилиб қўйдилар. Тўрам аразлаб кетмоқчи бўлиб турибди.

**Расулев.** Биродарлар, ҳозир араз-низо пайти эмас. Аҳвол жиддий. Бирлашиш, кучларни бирлаштириш даркор. (Мадаминга хат узатади.) Тошкентлик дўстларингиздан мактуб.

**Мадамин** (хатни кўздан кечиради. Фроловга). Тўрам, ичкари кирайлик. Кенгашиб олмоқ керак.

Шошилиб кириб кетадилар. Йигитлар тарқалади. Соқчиликда фақат Али қолади. Ширмон киради.

**Али.** Бола, нима бало. Ажалинг етганми? Мунча бу ерда ўралашасан?

**Ширмон.** Отам қаерда?

Ичкаридан Сатторов билан Расулев чиқади. Ширмонни Али яшириб туради. Расулев меҳмонхонанинг остонасидан туриб, Сатторов билан сўзлашади.

**Расулев.** Сиз тезроқ жўнанг. Сизнинг шаҳарда узоқ бўлмаслигингиз Ҳамдамовда шубҳа уйғотиши мумкин.

**Сатторов.** Ҳа, эҳтиёт шарт.

**Расулев.** Бородин отряди масаласида...

**Сатторов.** Дўстларни хотиржам қиламан, албатта. Хайр.

**Расулев.** Ҳушёр бўлинг. Айниқса Ҳамдамовга эҳтиёт бўлиш керак.

**Сатторов.** Албатта.

Кетади. Расулев ичкарига қайтади. Шошилишч жўнаган от туёқлари овози эшитилади. Бир зумдан кейин Ширмон қайтади.

**Али.** Ҳой қиз, жонингдан тўйганмисан, нега қайтинг?!

**Ширмон.** Жўра ака қани?

**Али.** Қочди.

**Ширмон.** Отам қаерда, сиз билмайсизми?

Али (сукунатдан кейин). Отангининг жойи жаннат-  
да бўлсин.

Ширмон. Вой шўрим! (Қочади).

Али (бекитиб кузатиб қўяди).

Узоқдан биз қизнинг куйлаганини эшитамиз. Парда тушар экан,  
Ширмон авансценада пайдо бўлади ва куйлашда давом этади.

#### Ширмон қўшиғи

Зах ерда ётган отам,  
Савобга ботган отам,  
Ариқ очиб, сув ичмай,  
Оламдан ўтган отам.

Мадамин, томинг баланд,  
Томингдан номинг баланд,  
Бечорага зулм этган  
Падарингга минг лаънат.

Мен борай боргунимча,  
Ҳақ йўлда толгунимча,  
Отам қонин тўккандан  
Қасдимни олгунимча<sup>1</sup>.

Чироқ ўчади.

---

<sup>1</sup> Бу қўшиқ асарнинг музикавий варианты учунгина киргизилган.

## У Ч И Н Ч И П А Р Д А

### О Л Т И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Парда очилмасдан илгари биз қирғизнинг юрақини эзадиган, қирғиз саҳро ва тоғларининг гўзаллигини куйловчи жирини эшитамиз. Парда очилганда биз Фарғона водийсининг узоқ бурчагидаги станцияда Фрунзенинг вагон-штабини кўрамиз. Штаб-вагоннинг деворида Ленин ва Карл Маркс портретлари. Жирни штаб-вагон бўйича дежур Бекбергенов завқ билан айтиб, ўз милтигини тозалаб ўтирибди. Рубцов пайдо бўлади. Бекбергенов жинни дарров тўхтатади.

Бекбергенов (смирно ҳолида). Уртоқ Рубцов, штаб бўйича дежур Бекбергенов доклад қилади: бош қўмондон кетгандан бери...

Рубцов (унинг сўзини бўлиб, «демократизм» намойиш қилиб). Вольно. (Бекбергеновнинг елкасига қоқиб.) Янги хабарлар йўқ бўлса керак.

Бекбергенов (афсус билан). Ҳеч қандай хабар йўқ. Уртоқ Бородиндан ҳам...

Рубцов (ғаши келиб, яна унинг сўзини бўлади). Уртоқ Фрунзе ҳали ҳам келмадими?

Бекбергенов. Йўқ, келмади.

Рубцов. Ажаб! Сиз менга тушунтиринг, ўртоқ Бекбергенов: нима учун бош қўмондон қишлоқма-қишлоқ юриши керак? Штабни мана шу узоқ станцияга олиб келгани ўзи етарли эмасмиди? Менингча, бу ўртоқ Фрунзенинг ҳаёти учун хатарли.

Бекбергенов. Мен ҳам бу тўғрида гапирган эдим. Фрунзе менга бир ўзбек мақоли билан жавоб берди...

Рубцов. Биламан, менга ҳам айтган: «Чумчуқдан қўрққан тарик экмайди».

Бекбергенов. Яхши мақол. Доно мақол.

Рубцов. Асирлар билан бир гаплашиб кўрса эди, бошқа мақолларни эшитар эди.

Бекбергенов. Айтгандек, Михаил Васильевич асирлар билан аввал ўзим сўзлашаман, деган эди. Сиз нега буларни сўроқ қилиб юрибсиз?

Рубцов. Менинг ишим Михаил Васильевичга ёрдам-да. Айтинг, ҳалиги тўрт кишини олиб киришсин.

Бекбергенев (норози). Янами?

Рубцов. Охирги марта. Агар бу гал ҳам ўжарлик қилишса, ўзларидан ўпка қилсинлар.

Дежур чиқади. Бир қизил аскар иккинчи кўринишда мажбурий равишда босмачиликка олинган икки деҳқонни, Қобилни ва энг кейинда Жўрани олиб киради. Жўра қалпоғини чуқур босиб кийиб, ўзини танитмасликка тиришиб, узоқроқда ўтиради.

Рубцов. Утиринглар!

Жўра (ўзига-ўзи). Хайрият, бу ҳовлиқма бу гал ҳам мени танимади.

Рубцов. Хўш, ўйлаб кўрдиларингми? (Соатига қараб.) Сизларга берган муддатим аллақачон тамом бўлди.

Ҳамма жим.

Хўш, гапиринглар!

Жимлик.

Жўра. Тўрам, овора бўлма, ҳеч нарса айтмаймиз.

Рубцов (Қобилга). Сен-чи?

Қобил (иккиланиб, гоҳ йигитларга, гоҳ Рубцовга қарайди). Биз... мен...

Жўра (узининг сўзини бўлиб). Ҳе, ноинсоф, у ёқда неча бегуноҳнинг ёстигини қуритганинг ҳам етар.

Рубцов (Жўрага). Сенингча, босмачилар тўғрисида маълумот берган одам ноинсоф бўлар экан-да? Биласанми, сендай одамларни биз нима қиламиз?

Жўра. Қўлингдан келганини қилавер, тўра.

Рубцов. Мен сенга тўра эмасман. Тўралар аллақачон йўқ бўлиб кетган.

Жўра. Сен қолибсан-ку.

Рубцов. Мен бошқа.

Жўра. Оқ ит, қора ит — бари бир ит.

Рубцов (бақиради). Нима? Нима деясан, нодон сарт?

Пилалаяда Фрунзе ва адъютант-телеграфист пайдо бўлади. Рубцовнинг овозини эшитиб ҳайрон. Шошилиб қамчи билан полевая сумкасини адъютантга беради. Вагонга йўналади.

Рубцов (Жўрага тўппонча ўқталиб). Бир зумда дамингни чиқармай қўяйми?

Фрунзе киради. У бу манзарадан газабда. Лекин ўзини босади.

Фрунзе. Нима гап?

Рубцов (ўзини йўқотиб қўяди). Шундай... Сўроқ қилаётирман.

Фрунзе. Сўроқ? Ажаб! (Соқчига.) Асирларни олиб чиқинг!

Асирлар кетади.

(Рубцовга.) Штаб дежурини чақиринг!

Рубцов. Есть.

Фрунзе. Ўзингиз кейинроқ ёнимга киринг.

Рубцов (бўшашиб). Есть.

Фрунзе (адъютантга). Утиринг. Куйбишевга телеграмма ёзиш керак.

Адъютант (ёва бошлади). «Тошкент, Туркфронт штаби, Куйбишевга...»

Фрунзе (диктовка қилади). «Операцияларнинг бориши қаноатланарлик. Точка. Биринчи кунларнинг тажрибаси кўрсатдики, босмачилар билан муваффақиятли курашмоқ учун кичик енгил зарбдор отрядлар тузмоқ зарур. Точка. Шу отрядлар маҳаллий миллатлардан ва маҳаллий шароитни яхши биладиган европаликлардан иборат бўлмоғи лозим, запятая, тездан шундай қисмлар тузишни буюраман! Точка.

Бекбергенов (киради). Рухсат этинг, доклад этай.

Фрунзе. Марҳамат.

Бекбергенов. Сиз кетгандан бери деярли муҳим воқеа рўй бермади. Фақат ўртоқ Бородин Гурунч мазор станциясидан телефонга чақирди — «Бош қўмондонга билдир, мен Кенжа қўрбоши отрядини қувиб бораётирман» деди.

Фрунзе (ўйлашиб қолади). Темир йўлдан узоқ кетдимикин?

Бекбергенов. Ҳа, узоқ кетиб қолган бўлса керак.

Фрунзе. Бекор қилибди.

Бекбергенов. Нега?

Фрунзе. Менда шубҳа бор: планимизнинг баъзи тафсилотлари душманга маълум бўлиб қолганга ўхшайди.

Бекбергенов. Йўғ-е! Қандай маълум бўлсин?!  
Фрунзе. Ана шуниси қизиқ. (Пауза.) Сиз Расулевни танимайсиз-а?

Бекбергенов. Йўқ, танимайман.

Фрунзе (пауза). Майли, ишингизга боринг.

Бекбергенов. Есть. (Чиқади.)

Фрунзе (адъютантга). Давом этайлик. Ёзинг. «Кенг маҳаллий деҳқонлар оммасининг кайфияти ҳақида ҳозирча аниқ ҳулосалар чиқариш қийин, запятая, аммо ишонаманки, босмачилар ҳақидаги сиёсатимиз тўғри чиқади...»

Рубцов киради.

Фрунзе (Рубцовга). Келинг. Сиз менга кераксиз. (Адъютантга.) Телеграммани ҳозирча шу жойда тўхтатиб турайлик. (Рубцовга.) Утиринг!

Рубцов ўтиради. Бир оз жимлик.

Мен сизни штабга олганимда огоҳлантирган эдим: сиз маҳаллий халққа муносабатингизни ўзгартишга ваъда берган эдингиз.

Рубцов. Мен ваъдамни қўлимдан келганча бажараятирман.

Фрунзе. Асирларнинг пешанасига тўппонча қадаш — ваъдангизни бажарганингиз бўладими?

Рубцов. Михаил Васильевич, рухсат этинг, мен сизга очигини айтай: мен сизнинг фикрингизга ҳали ҳам қўшилмайман. Агар мажбур этмасангиз, ерли халқ ҳеч қачон Совет тарафдори бўлмайди. Мен бугун яна бир марта ўз фикримнинг тўғрилигига ишондим.

Фрунзе. Қандай қилиб?

Рубцов. Масалан, мана шу тўрт асирни олинг. Улдирсангиз ҳам босмачилар ҳақида маълумот бермайман, дейишади. Сиз менинг уларга дўқ қилганимдан аччиғланасиз. Биласиз-ку, улар бизга қандай муомала қилишади: ҳақорат этишади, сўкишади.

Фрунзе. Масалан, қайсиси ҳақорат қилди? Қани уни бу ёққа олиб киришчи.

Рубцов. Жўрали, ҳозир. Узингиз гаплашиб кўринг. Менинг фикримнинг минг марта тўғрилигига ишонасиз.

Чиқиб Жўрани олиб киради.

Мана, мана шу. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi



Фрунзе (*Жўрага расмий, қатъий*). Утиринг.

Жўра Фрунзегга душман назар билан қараб олиб ўтиради. Фрунзе Рубцовга мурожаат этади.

Бу киши қандай қилиб қўлга тушди?

Рубцов. Операциялар маҳалида асир олинди.

Фрунзе. Мени тафсилотлар қизиқтиради. Қайси шароитда, қайси йўсинда қўлга тушди?

Рубцов. Бунинг аҳамияти йўқ бўлса керак.

Фрунзе. Нега?

Пауза.

Жўра. Тўрам билмасалар, ўзим айтиб бера қолай?  
(*Ҳамма ҳайрон*). Мен Кенжа қўрбошининг олдидан қочиб кетаётувдим.

Фрунзе. Қочиб қаёққа кетаётган эдингиз? Қишлоғингизгами?

Жўра. Йўқ, қишлоғимга боришдан фойда йўқ.

Рубцов (*заҳархандалик билан*). А!.. Қизиллар томонига қочиб келаётиб эдим, дегин?

Жўра. Йўқ.

Фрунзе. Қаёққа бораётган эдингиз?

Жўра. Бошим оққан ёққа... Ҳеч қаёққа.

Рубцов. Бизнинг аскарларга ўқ отдингми, йўқми?

Жўра. Йўқ.

Фрунзе. Нега?

Жўра. Отгим келмади. Беҳуда тўкилган қонни кўравериб безор бўлганман. (*Пауза.*)

Фрунзе. Энди нима қилмоқчисиз?

Жўра. Билмадим. Битта дайди ўқ тегиб ўлиб кетмаганимга пушаймонман.

Фрунзе. Ўлиб кетмаганингизга пушаймонсиз?

Ўйланиб қолади. Кейин Рубцов билан адъютантга чиқиб туришга ишора қилади. Улар чиқиб кетишади.

(*Жўрага.*) Нима учун пушаймонсиз?

Жўра. Яна сўроқ қилмоқчимисан? Овора бўлма. Яхшиси, от. Сен ҳам қутуласан, мен ҳам.

Фрунзе. Мен сиз билан тамоман дўстларча гап-лашмоқчиман.

Жўра. Биз ҳеч қачон дўст бўлмаймиз. Биласанми, биз сенинг ўрисларингни нима қилдик?

Фрунзе. Қаерда?

Жўра. Кенжа қўрбошиникида.

Фрунзе. Кенжа қўрбошиникида ўрислар нима қилиб юрибди?

Жўра. Кенжа қўрбоши билан Мадаминбек ўрис тўраларни меҳмонга чақирди. Кенгаш қилди. Битта тўра кишлоқдаги бир қизни зўрламоқчи бўлган эди, биз тутиб олиб урдик.

Фрунзе (хурсанд). Урдиларингми?

Жўра (мағрур). Урдик. Улгидек урдик.

Фрунзе (яна ҳам хурсанд). Ростданми?

Жўра. Сен нега хурсанд бўласан?

Фрунзе (илжайиб). Ундан кейин нима бўлди?

Жўра (хафа). Ундан кейин, беклар чиқиб иккитамизни отиб ташлади. Мен қочдим.

Фрунзе (жиддий). Шундай денг! Буни ҳамма йигитлар кўрдими?

Жўра. Ҳамма кўрди... Сен нега хурсандсан?

Фрунзе. Демак, ўрисларни деб сизларнинг қўрбошиларингиз ўз мусулмонларини отди. Шундайми?

Жўра жим.

Шундай бўла туриб, нега сизлар қўрбошиларингизни яхши кўрасизлар?

Жўра. Ким яхши кўради у талончи итларни?!

Фрунзе. Бўлмаса, нега уларни яширасиз, ҳеч нарса айтмайсиз-ку!

Жўра. Қўрбошилар менга деса қирилиб кетсин. Мен ўзимга ўхшаш сарсон-саргардонларга ачинаман. Уларни сенга тутиб бериб, ғарибларнинг гуноҳига қолишга тобим йўқ. Қобилга ўхшаш аблаҳлар айтиб берса, айтиб бераверсин.

Фрунзе. Қобил ким?

Жўра. Ҳалиги ўғрилардан. Кенжа қўрбошининг жаллоди (Узича.) Гўрингда тўнғиз қўпгур, ифлос!

Фрунзе. Исмини нима дедингиз?

Жўра. Қобил.

Фрунзе блокнотига ёзиб олади. Жўра ўзича сўкинади.

Аблаҳ!

Фрунзе. Қолган икки асир ҳам деҳқонларданми?

Жўра. Камбағал деҳқонлардан.

Фрунзе. Сиз ҳам камбағал деҳқон бўлсангиз керак?

Жўра. Ҳа.

Фрунзе. Энди нима қилмоқчисиз?

Жўра. Айтдим-ку? Улмоқчиман.

Фрунзе ҳаяжон билан у ёқ-бу ёққа юради.

Фрунзе. Бу жавоб эмас.

Жўра (алам билан). Суриштириб нима қиласан?!  
Сўроқ бермайман дедим-ку! Отиб ташлай бер!

Фрунзе. Биз сизнинг дардингизни тушунмоқчимиз.

Жўра. Дунёда бечора деҳқоннинг дардини тушунадиган одам йўқ.

Фрунзе. Бор.

Жўра. Йўқ! Шунча ахтардим, тополмадим.

Фрунзе. Бор!

Станцияга кириб келаётган поезднинг шарпаси эшитилади.

Жўра (алам билан). Қани у? Қани, кўрсат?

Фрунзе (ҳаяжон билан Ленин портрети олдига боради, портретни кўрсатиб). Мана у.

Жўра. Бу ким?

Фрунзе. Ленин.

Жўра. Ленин?

Иккаласи ҳам Ленин портретига тикилиб қолади. Поезд борган сари яқинлашади. Бутун саҳнани шовқин қоплайди. Паровоз чинқириб гудок беради. Поезд узоқлашади. Саҳнада яна жимлик, Фрунзе ва Жўра Ленин портретига тикилганча турибдилар.

Ленин шуми?

Фрунзе. Эшитганмисиз?

Жўра (гамгин уҳ тортади). Эшитувдим.

Фрунзе. Ленин, сизнинг тўғрингизда нима деганини ҳам эшитганмисиз?

Жўра. Менинг тўғримда? Йўқ!

Фрунзе. Ленин, яқинда ўзининг ҳамма одамларини йиғиб айтдики, деҳқонга ёрдам бериш керак, рўзгорини тикласин. Деҳқонга тинчлик бермаётганларни йўқотиш керак, деди... Бу гапларнинг ҳаммаси сизга тааллуқли, шундай эмасми? Сизни қўрбошилар босмачилikka чақирдилар. Сиз рўзгорингизни қолдиришни ис-тамадингиз, сизни зўрлаб олиб чақиб кетдилар, биз билан урушишга мажбур этдилар. Сиз қўрбошилар орқа-

сидан сарсон бўлиб юриб, доимо рўзгорингизни ўйла-  
дингиз. Қўрбошиларнинг халққа етказган жабру зул-  
мига чидай олмасдан, охири қочдингиз, лекин яна қўр-  
бошининг қўлига тушишдан қўрқиб қишлоғингизга қай-  
та олмадингиз... Шундайми?

Жўра (*Фрунзени сизлашга кўчиб*). Буларнинг  
ҳаммасини сиз қаёқдан биласиз?

Фрунзе. Ленин биздан буларнинг ҳаммасини би-  
лишни талаб этади. Сиз қайси қишлоқдансиз?

Жўра. Қумтепа қишлоғидан.

Фрунзе. Жуда соз. Сиз ҳозир қишлоғингизга жў-  
найсиз.

Жўра. Яна босмачилар ичига бораманми?

Фрунзе. Қумтепа алақачон босмачилардан тоза-  
ланган.

Жўра. Худога шукур!

Фрунзе (*соқчига*). Штаб дежури билан адъютант-  
ни чақиринг.

Соқчи кетади.

Жўра. Қишлоққа мени банди қилиб олиб бориша-  
дими?

Фрунзе. Нега?

Рубцов киради. У жуда хурсанд.

Рубцов. Мумкинми, Михаил Васильевич? Асир-  
лардан бири қимматли маълумотлар берди.

Фрунзе. Қайсиниси? Қобил дегани эмасми иш-  
қилиб?

Рубцов (*ҳайрон*). Ҳа, Қобил.

Фрунзе. Сиз у маълумотларни ишончли деб ҳи-  
соблайсизми?

Рубцов. Самимий гапирди, ишончли бўлиши керак.

Фрунзе. Қобилнинг касбини суриштирдингизми?

Рубцов. Йўқ. Асир экани биз учун кифоя  
эмасми?

Фрунзе. Унинг маълумотлари эвазига сиз нима  
ваъда қилдингиз?

Рубцов. Уйига қўйиб юборадиган бўлдим.

Бекбергенов киради.

Фрунзе. Қобилга айтияй, мен сизнинг ваъдангиз-  
ни бекор қиламан. (*Бекбергеновга*.) Қобил трибуналга

берилади. Қолган икки деҳқонни агитаторлар қишлоқларига олиб борсин, аҳолини йиғиб сўрасинлар: қишлоқ камбағаллари уларнинг меҳнаткаш эканини тасдиқ этса, уларни озод этиш керак.

Адъютант киради.

(Жўрани кўрсатиб.) Бу ўртоқнинг қўлига асириликдан озод этилгани ҳақида гувоҳнома бериб, қўйиб юборинг.

Рубцов. Ўртоқ Фрунзе...

Фрунзе (кескин). Баҳслашишга ҳожат йўқ! (Адъютантга.) Бу ўртоқнинг ҳужжатларини тўғрилаб, қайтиб киринг. (Жўрага қўл уватиб.) Хайр, бўлмаса.

Жўра (Фрунзенинг қўлларини икки қўллаб сиқиб, ганграган ҳолда). Хайр, хайр!

Жўра билан адъютант чиқадилар.

Фрунзе (Бекбергеновга). Рубцов қамоққа олинсин: трибуналга берилади.

Бекбергенов соқчига Рубцовни олиб чиқишни ишора қилади.

Рубцов. Трибуналга?! (Ғазаб билан.) Мен Совет докимиятининг душмани эмасман.

Фрунзе. Нодон дўст — душмандан ёмон.

Рубцов. Ўртоқ Фрунзе...

Фрунзе (Рубцовнинг сўзини бўлиб, Бекбергеновга). Буйруқнинг ижросига киришинг.

Бекбергенов. Есть!

Рубцовни олиб чиқадилар. Фрунзе хурсанд. Шинелни ташлаб, вагон ойнаси олдига боради, очади, ўпкаларини тўлдириб ҳаво олади. Ҳаяжон билан у ёқ-бу ёққа юради. Пиллапоя олдида адъютант билан Жўра пайдо бўлади.

Адъютант. Ана энди бораверасан.

Жўра. Бу қоғозда нима дейилган?

Адъютант. Бу деҳқоннинг гуноҳини Совет ҳукумати кечди, деган.

Жўра. Оқ қоғоз дегин. Энди менга ҳеч ким тегмайди дегин. (Фрунзе томонга ишора қилиб.) Бу нима, ҳаммангизнинг каттаконингизми, дейман?

Адъютант. Э, ҳали ҳам танимадингми? Фрунзе-ку.

Жўра гангиб қолади.

Жўра. У-ҳў, мен ҳали Фрунзё билан сўзлашдимми?  
Нега илгарироқ айтмадинг?

Пиллапоядан кўтарилиб, эшикдан суқ назар билан Фрунзёга қарайди. Фрунзё ойнак олдида завқ билан ташқарига қараб, ўйланиб турибди.

Жўра (адъютантга). У ўйлаяпти... Халақит бермаслик керак. Сен ким бўласан?

Адъютант (мағрур). Шахсий соқчиси ва ёрдамчиси.

Жўра. Уҳў! Сен ҳам табаррук одам экансан! (Яна бориб Фрунзёга қарайди. Кейин адъютантга.) Хўжайиннинг ақлли, яхши одам экан. Сен уни аҳтиёт қил.

Адъютант. Хотиржам бўл, оғайни. Мен ёнида бўлсам, Михаил Васильевични пашша ҳам чақа олмайди. Хайр, бўлмаса.

Жўра. Хайр.

Адъютантнинг қўлини сиқади. Адъютант вагонга киради. Жўра қўлидаги қозони яна бир марта кўздан кечиради, вагонга қараб, миннатдорчилик билан бош чайқайди ва шошиб чиқиб кетади.

Фрунзё (адъютантга). Ҳаммасини тўғрилаб бердингизми?

Адъютант. Албатта.

Фрунзё. Қани ўтиринг. Телеграммани тугатайлик. Нимада тўхтаган эдик?

Адъютант (Телеграмманинг ўртасидан бошлаб ўқийди). «...тездан шундай қисмлар тузишни буюраман. Точка. Кенг меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг кайфияти ҳақида ҳозирча қатъий хулоса чиқариш қийин, запятая, аммо...».

Фрунзё. Тўхтанг. «Кенг меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг кайфияти...» У ерда нима дейилган?

Адъютант (ўқийди). «...Кайфияти ҳақида ҳозирча қатъий хулосалар чиқариш қийин...»

Фрунзё. Учиринг. Ёзинг: «Кенг меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг кайфияти бизнинг фойдамизга».

Адъютант (ҳайрон ёзаётиб). «Бизнинг фойдамизга».

Фрунзё. У ёғи нима эди?

Адъютант (ўқиб). Аммо ишонаманки, босмачилар ҳақидаги сиёсатимиз тўғри чиқади».

Фрунзе. «Аммо ишонаманки»ни ўчиринг. Ёзинг:  
«Босмачилар ҳақидаги сиёсатимизнинг тўғри экани ҳеч  
шубҳасиздир».

Адъютант (ёзаётиб). «Ҳеч шубҳасиздир».

Фрунзе завқ билан жим қолади.

Адъютант (севинч билан). Точка?

Фрунзе (ўзича, чуқур маънода). Точка!

Чироқ ўчади. Парда.

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КУРИНИШ

Залда чироқ ўчиши билан биз телефон орқали сўзлашувни эшитамиз.

Сатторов овози. Алло! Алло! Сатторов гапирди. Ревком раиси ўринбосари Сатторов гапирди. Раисни чақиринг.

Умар овози. Умар Жўраев эшитади.

Сатторов овози (*лаганбардорлик билан*). Ревком қарори бажарилди, ўртоқ раис.

Умар овози. Қулоқлар бу ёқда қолиб нуқул камбағал деҳқонларнинг донини тортиб олганинлар йўқми, ишқилиб?

Сатторов. Йўқ, йўқ. Кўр ҳассани бир марта йўқотади, ўртоқ раис.

Умар овози (*расмий оҳангда*). Ревком қарор қилди: қулоқлардан мажбурий олинган доннинг ярми маҳаллий камбағал деҳқонларга экиш учун, уруғлик тариқасида тақсимлаб берилсин.

Сатторов (*шошилиб Умарнинг сўзини бўлади*). Бажарамиз, ўртоқ раис.

Умар (*давом этади*). Доннинг қолган қисми қуйидаги пунктларнинг аҳолисини таъминлашга юборилсин: Уш, Қорасув, Андижон...

Жўраев пунктларни санар экан, унинг овози аста-секин пасайиб, жанг шарпаларига кўмилиб кетади. Жанг шарпалари кучайиб борар экан, ҳавода телеграф тили — морзе янграй бошлайди. Узоқлашиб, пасайиб бораётган жанг шарпалари фонда морзе аломатлари одам овозига айланади.

Бекбергенов овози. Андижон! Андижон! Бош қўмондон ставкаси ревкомни чақиради. Бош қўмондон ставкаси ўртоқ Жўраевни чақиради.

Умар овози. Ревком раиси Умар Жўраев прямой провод олдида.



Бекбергенов овози. Уртоқ Фрунзе, сўрайди: Бородин отрядидан дарак борми?

Умар овози. Бизда ҳеч қандай янги маълумот йўқ. Узингиз жавоб беринг: разведка қайтдимми?

Бекбергенов овози. Ширмонхон ҳали қайтгани йўқ.

Умар овози (қўққисдан беихтиёр айтгани сезилиб турибди). Наҳотки?

Бекбергенов овози. Шахсий ҳисларга берилиш вақти эмас, дўстим Жўраев! Аҳвол оғир. Бош қўмондоннинг буйруғини эшит: муслмон ёшлари отряди билан дарров бош ставкага етиб кел.

Умар овози. Революция хизматига тайёرمىз!

Пауза. Ҳавода яна морзе янграйди.

Бекбергенов овози (ташвишда). Уш! Уш! Жавоб беринг, Бородин отрядидан дарак борми? Уш! Жавоб беринг! Бородин отряди қаерда? Уш! Уш!

Чироқ ўчади.

Кўктепа қишлоғи. Гузар. Иккинчи кўринишдаги декорация. Чапдаги уйга Бородин отрядининг штаби жойлашган. Чойхона Ленин портрети ва плакатлар билан безатилган. Чойхонада Бородин деҳқонларининг йиғилишини ўтказаятир. Вазиятнинг оғирлиги ҳамманинг кайфиятидан сезилиб турибди.

Бородин (нутқини тамомлаб). Бутун воқеа шундан иборат, акалар ва укалар. Бундан бир ҳафта бурун қишлоғингиздан босмачиларни ҳайдаганимизда кучли эдик, ҳозир сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз. Кенжа кўрбошининг катта отряди орқамиздан келаётир.

Кекса I деҳқон. Энди нима қилсақ экан?

Бородин. Милтиқ отишни биладиганларнинг ҳаммаси биздан қурол олиб, қишлоқни мудофаа қилиши керак.

Ҳамма жин.

II деҳқон. Кенжанинг қўли баланд келиб, қишлоқни олиб қўйса, «большавойга ёрдам қиладиган сенми-сан?» деб уйимизга ўт қўяди-да!

Деҳқонларнинг бир қисми маъқуллаб гурунглайди. Марказий кўчадан Бородиннинг ёрдамчиси бир қизил аскар билан шошилиб келади.

Ёрдамчи. Уртоқ командир, разведкамиз қайтди.  
Бородин. Яхши. (Деҳқонларга.) Агар ҳамма қурол олса, қишлоққа битта ҳам босмачи киролмайди.

Ҳамма аввалгича жим.

Майли, биз ҳеч кимни мажбур этмаймиз. Қани, милтиқ олишни истаганлар мен билан юрсин!

Деҳқонлар ичидан фақат икки йигит чиқади. Бородин ҳайрон, аммо иложсиз.

Қани, штабга кетдик.

Штабга кириб кетадилар. Ташқаридан Жўранинг овози эшитилади.

Жўра. Сенга айтяпман! Қўйиб юбор! Қўйвор, дейман! Астағфирулло!

Жўра, унинг орқасидан қуролли икки аскар киради. Йигитлар Жўранинг қўлини орқага бойлай олмасдан овора. Деҳқонлар орасида «Жўра», «Жўра!» деган овозлар.

(Йигитни туртиб юборди.) Сенга айтяпман, қўйиб юбор!  
Аскар. Шошма. Бандининг қўлини боғлаш керак.  
Буйруқ шу.

Жўра. Мен сенга банди эмасман! (Мушти билан пўписа қилиб.) Жагингни икки қилиб қўяман ҳозир! Тавба! Қўлида милтиқ туриб қўрқади-я! (Халққа мулоийм.) Ассалому алайкум, халойиқ!

Ҳеч ким жавоб бермайди. Жўра кўришмоқчи бўлиб қўл узатади, ҳеч ким олмайди. Жўра қўл силтаб, бепарво, сўрининг четига ўтиради.

Аскар. Утирма, штабга юр!

Жўра. Штабингда нима қиламан?

Аскар. Кенжа қўрбоши сени нимага юборганини айтиб берасан.

Жўра. Оғзингга қараб гапир, ҳой йигит, Кенжанинг олдидан кепманми мен! (Йигитни эрмак билан бошдан-оёқ кўздан кечиради.) Чумчуқдек жони бор-ку! Астағфирулло! (Пауза. Бирданига хаёлчанлик билан.) Халойиқ, биласизларми, мен қаердан келдим?

Кекса I деҳқон (истеҳзо билан). Хўш, Жўрабой, қаердан келдинг?

Жўра (ўйчан). Гўрдан келдим.

Ҳамма ҳайрон.

І аскар. Жинни бўлганми, нима бало?

Жўра (бу сўзларни эшитмай, хаёлида давом этади). Мен ўлган эдим... ўзимни ўлган ҳисоблаб қўйган эдим... Улимнинг иложини тополмай юрган эдим... Шундай қўлимдан ушлади-ю, «ҳа, дўст билан душмани фарқ қилмайдиган нодон» деди. Қоронғи гўрдан ёруғ дунёга олиб чиқиб қўйди. (Хаёл суриб қолади.)

І аскар. Биродарлар, бу одам бизни лақиллатяпти! (Жўрага.) Ким сизни ёруғ дунёга олиб чиқиб қўйди? Жўра (мағрур). Фрунзе.

Ҳамма ҳайрон.

Кекса І деҳқон. Жўрабой, ёлғон ҳам эви билан-да!

Жўра. Мен ёлғон гапираманми? Мен-а? (Белбоғини кавлайди.)

Штабдан ёрдамчи 3—4 ҳуролли кишини стаблаб чиқади.

Ёрдамчи (кишиларга). Дарров постларингизга боринглар.

Кишилар кетади.

Жўра (ўйича). Мен ёлғон гапирар эмишман-а? Менинг Фрунзенинг ўзидан қоғозим бору.

Ёрдамчи (деҳқонлар олдига келиб). Нима гап?

І аскар. Мана бу одам қишлоққа кириб келаётган экан, тутдик. Фрунзедан қоғозим бор дейди. Айғоқчи бўлса керак.

Жўра. Айғоқчи? Астагфирулло! (Жаҳл билан қоғозни беради.) Мана!

Ёрдамчи (қоғозни кўриб). Тўғри. Уртоқ Фрунзенинг штабидан берилган. (Бирданига.) Ие, Жўра Тешабоев сизмисиз? Буни тездан ўртоқ командирга кўрсатиш керак. (Штабга кириб кетади.)

Жўра. Тўхта, тўхта, бомдотни қаёққа олиб кетдинг? (Ёрдамчининг орқасидан кетмоқчи бўлади.)

І деҳқон. Тўхтанг, Жўрабой, бомдотингиз йўқолмайди. Утиринг. (Мажбурий ўтқазади.) Фрунзе билан ўзингиз сўзлашдингизми?

Жўра. Узим сўзлашдим.

II деҳқон. Босмачи бўлганлигингизни била туриб қўйиб юбордимиз?

Жўра. Қўйиб юборди. Совет камбағалники. Совет сен камбағалнинг гуноҳини кечади деди. (Завқ билан.) Рўпарасига ўтқазиб қўйиб: «Кимсиз, қаердансиз?» деб сўради. Сизлаб гаплашди.

Кекса I деҳқон. Сен нима дединг?

Жўра (у худди қўпол бир хатоси эсига тушгандек хижолат). Нима дер эдим... Айтдим-да... (бирданига ачиқланиб) Қизиқ экансизлар. Менинг нима деганим билан нима ишларинг бор?! Фрунзе нима деганини сўрасаларинг-чи!

Овозлар. Ҳа, ҳа, ҳа, балли, Фрунзе нима деди?

Жўра (аввалгича завқ билан). Олтин гапларни айтди. Лениннинг сўзларини айтди.

III деҳқон. Ленин нима дебди?

Жўра. Ленин ўзининг ҳамма одамларини йиғибди. Босмачи деҳқонни хонавайрон қилди. Юртни тинчлантиринглар, деҳқон тирикчилигини қилсин, дебди. У юртнинг ҳамма ёғига Фрунзегга ўхшаш одамларни жўнатиб, қулоғига қуйибди: «Агар,— дебди,— деҳқонни рози қилмасанглар, мен сенлардан рози эмасман», дебди.

Деҳқонлар қойил қолишади.

Кекса деҳқон. Жўрабой, Ленин ўзи кимдан чиққан экан?

Бу савол аввал Жўранинг хаёлига келмаган бўлса керак, у нима дейишини билмай қолади.

Жўра. Ленинми? (Уйланиб туриб кейин бирданига.) Деҳқондан чиққан! Бўлмаса деҳқоннинг дилидаги гапни қаёқдан билади?!

Ҳамма маъқуллаб гурунглайди. Штабдан Бородин билан ёрдамчи чиқади.

Ёрдамчи (Бородинга Жўрани кўрсатиб). Мана.

Бородин. Салом, Жўра ака! (Илиқ кўришади.)

Жўра. Саломатмисан, мастеровой. Сен бу ёқларда нима қилиб юрибсан?

Қизил аскарлардан бири шошиб киради.

I аскар (Бородинга). Уртоқ командир, тоғ ёнбағрида босмачилар пайдо бўлди.

Бородин (хотиржам, лекин шошилич). Аскарларни дарров постларга қўйинг!..

Ердамчи. Есть! (Шошиб штабга кириб кетади.)

Бородин (деҳқонларга истеҳзо билан). Энди сизлар уйлариңгизга тарқалсангиз керак?

Жўра (гавабдан). Нега уйимизга тарқалар эканмиз?! Босмачилар келаётганмиш-ку!

Бородин (деҳқонларни кўрсатиб). Булар ҳали шундай деб қарор қилди.

Жўра. Ким қарор қилди?

Деҳқонлар хижолат.

І деҳқон. Утган ишга салавот! (Жўрага) Қани, лима қилишди, айтинг!

Жўра (кўчанинг ўртасига тушади). Қани, милтиқ отишни биладиганлар менинг олдимга чиқсин!

Деҳқонларнинг кўпчилиги ўртага чиқади. Бородинга мағрур.

Милтигингиз етадимми?

Бородин (кулади). Етиб қолар, кетдик! (Деҳқонларга қатъий.) Қани, шахдам юринглар.

Штабга кириб кетадилар. Чойхонада қолганлар тарқалишади. Сийрак отишув бошланади. Штабдан қурооланган деҳқонлар билан Жўра ва Бородин чиқади, шошилиб икки ёққа бўлиниб кетадилар, отишма кучаяди. Парда ёпилади. Парданинг орқасида қизгин отишув бормоқда. Увоқ отишув. Авансценага ўнг томондан ваҳима билан қочаётган бир тўда босмачи киради, Уларнинг орқасидан қўлида тўппонча, Кенжа киради.

Кенжа. Қаёққа қочасизлар, ҳажи қизлар?

Ингитларни тўхтатишга киришади.

Қайт, қайт! Отаман, даюслар!

Саҳнада ёлғиз қолади. Қўлида тўппонча билан Жўра киради.

Жўра! Сен нима қилиб юрибсан?

Жўра. Сен итни излаб юрибман!

Отади. Кенжа йиқилади, Бородин, аскарлар ва деҳқонлар киради, парда орқасида отишув давом этмоқда.

Бородин. Уртоқлар, тўхтаманглар, қувинглар!

Деҳқонлар ва аскарлар кетади. Жўра Кенжанинг ўлғи устида туриб қолади.

Жўра ака, ким бу?

Жўра. Кенжа қўрбоши.

Бородин (хурсанд, Жўрани қучоқлайди). Яшанг! У аблаҳ қачондан бери тутқич бермас эди!

Жўра (Кенжанинг ўлигини саҳнадан ташқарига те-  
либ ташлайди). Улакса еб ўсган ит!

Бородин (чап томонга ишора қилиб). Энди бу ёқдан босиб келишяпти. Кейин гаплашамиз. Дарров кўп-  
рикка боринг.

Унг томонга кетади. Жўра ғайрат билан тўппонча ўқлаб, чап томонга шаҳдам чиқиб жетади. Отишув қизгин тус олади. Парда очилади. Аввалги ҳолат. Қизил аскарлар чекинмоқда,

(Аскарларга.) Шу ерда тўхтанг! Ортиқ чекиниш мум-  
кин эмас!

Отишув давом этади. Бир аскар югуриб киради.

I аскар (Бородинга). Уртоқ командир, тўғри бо-  
сиб келишяпти.

Бородин. Жойингиздан қимирламанг!

Аскар. Есть! (Чопиб жойига қайтиб кетмоқчи бў-  
лади. Уқ еб йиқилади.)

Ҳамдамов киради.

Ердамчи. Уртоқ командир, штабга чекиниш керак.

Бородин. Мумкин эмас!

Ердамчи кетади. Яна бир қизил аскар ўқ еб йиқилади.  
Бирданига узоқдан кучли «урра» овози. Жангга пулемёт ва кўп  
миаптиқ қўшилгани сезилиб турибди. Қизил аскарларда ваҳима  
аломатлари.

II аскар (узоқдан кўрсатиб). Уртоқ командир, қа-  
ранг, босмачилар қочяпти.

I аскар. Уларни кимдир орқасидан ўққа тута бош-  
лади.

II аскар. Бизникилар! Бизнинг одамлар!

У томонда яна кучли «урра» овозлари.

Бородин. Менинг орқамдан, олға!

Аскарлар кетадилар, уларнинг орқасидан Бородин чиқиб  
борар экан, Сатторов пайдо бўлади ва Бородинни ўлдирди  
пайида тўппонча ўқлаб, секин унинг орқасидан чиқади. Парда ёпи-  
лади. Яна парда орқасида қаттиқ жанг шарпалари. Музыкали пауза.  
Ғолибона «урра» садолари. Суқунат. Жўранинг овози эшитилади.

Жўра (ташқаридан). Бизга ёрдамга келган ким дедингиз? (Аскарлар билан авансценада пайдо бўлади.)  
Раис қани, кўрайликчи ўша азаматни.

Умар киради. Ота ва бола бир-бирларига тикилиб, бир зум жим қоладилар.

Умар! Уғилгинам!  
Умар. Отажон!

Бир-бирларининг қучоқларига отиладилар.

Жўра. Жоним болам, жигарим болам! (Атрофдагиларга.) Унгимми, тушимми бу?

Умар. Унгингиз, ота. Унгингиз... Қани, Бородин олдига кетдик.

Улар саҳнага йўналадилар ва парда очилганда ҳушсиз Бородинни кўтариб кетаётган аскарларга дуч келадилар.

Умар. Бородин! Василий!

Ширмон пайдо бўлиб, Бородиннинг ярасини боғлайди.

Бородин (ҳушига келиб, хурсанд). Умар! Дўстим!

Умар. Ҳолинг қалай?

Бородин (ўзини ва ҳаммани юпантиришга, оғриқни билдирмасликка тиришиб). Қўрқма, Умар, қўрқма Ярам хавфли эмас.

Ширмон (Бородинга эшиттирмасликка тиришиб). Яра жуда хавфли.

Умар. Тезроқ боғла.

Бородин (ўжарлик билан). Йўқ. Тажрибасиз экансан ҳануз, Ширмонхон. Ярам хавфли эмас. Яхшилаб боғла. Тузалиб кетаман.

Ширмон. Албатта.

Умар. Хайрият.

Бородин инграйди, Ширмонга.

Секинроқ.

Бородин. Қўрқма, дўстим, қўрқма... (Атрофга, жангчиларнинг кайфиятини пайқаб). Биз енгдик шекилли.

Умар. Енгдик.

Бородин (худди соғдек кулиб). Вот здорово! Энди биз енгаверамиз. Ленин олдида юзнимиз ёруғ бўлаверадди. (Умарга.) Энди биз Москвага борамиз. Съездлар-

да Ленинни кўрамиз. Ленинни эшитамиз. (Ҳамдамовга кўзи тушиб илжаяди ва Умарга мурожаат этади). Энди тўйингни ҳам қиламиз.

Умар. Албатта.

Ҳамдамов. Аммо ҳозир жим тур, ўртоқ командир.

Ширмон. Майли, гапириб турсин, оғриқни камроқ сезади.

Бородин (Ширмонга). Балли, доно қиз! (Умаровга.) Тўйингда ўзим ўйнаб бераман, лапар айтамиз. (Кўйлайди.)

«У ҳаётда ўртоғингман».

(Эслай олмай, Ҳамдамовга.)

Бу ёғи нима эди?

Ҳамдамов. Гўё йўлингда чироқ.

Бородин. Ҳа. (Умарнинг кўзига тикилиб, илжайиб.)

Халқ ишига бўлсангиз  
Тайёр, «боргайман» деди.

Здорово-а?

Бирданга аҳволи оғирлашиб, боши Умарнинг қўлида осилиб қолади.

Умар. Васлий! Акажон, кўзингни оч!

Бородиндан жавоб йўқ. Ярани боғлашни тамом қилган Ширмон дарров Бородиннинг томирини ушлайди ва беихтиёр қичқириб юборади. Умар шлёмини олади ва Бородиннинг кўзини бекитади. Ҳамма мотам сукуватида. Бир минутдан кейин труба товуши — «Диққат. Ҳаммангиз эшитингиз» сигнали эшитилади. Умар сапчи ўрнидан туради.

Умар. Бош қўмондон келаётир. Стройся!

Отряд бир зумда сафга тизилади.

Смирно! Направо, равняйся!

Ҳамма бош қўмондонни кутадиган томонга юз ўгириб, кутиб қолади. Духовой оркестрнинг беш қўмондонни галаба билан кутловчи марш чалагани эшитилади. Парда аста-секин ёпила бошлаб, Фрунзе пайдо бўлишдан аввал чироқ ўчади.

Парда.



## ЭПИЛОГ

Бир неча секунддан кейин яна томоша зали устидан телеграф шарпалари учиб ўтади. Чироқ ёнар экан, биз Фрунзе бошлиқ, Умар, Бекбергенов, Али Ҳамдамов, Жўра ва Ширмонни ҳамда қозоқ, туркман делегатларни *прямой провод* олдида, Москва билан гапиршиб туришган чоғида кўрамиз. Телеграфист Фрунзенинг сўзларини Москвага жўнатишда давом этмоқда.

Фрунзе. «...Шундай қилиб, кенг меҳнаткашлар оммаси кайфиятида майдонга келган ўзгаришлар фақат Фарғона водийси учун эмас, балки Туркистондаги кўпчилик шаҳар, қишлоқ ва овуллар учун ҳам характерлидир. Ҳозиргина ўз ишини тамом қилган Туркистон советлар съезди шу ҳолатни қайд қилди ва бутун Туркистонда Совет ҳокимиятининг узил-кесил ғалабасини тантанали равишда эълон этди. Делегатларнинг бир гуруписи съезд топшириғига мувофиқ шу яхши хабарни сизга етказиш билан чексиз бахтиёрдир».

Ўз информациясини тамом ҳисоблаб, Фрунзе жим қолар экан, Умар кутилмаганда аппарат олдига келиб, қўшимча қилади.

Умар. «Туркистон меҳнаткашлари Марказий Россия ҳукуматини ва доҳиймизни шу улуғ айём билан қутлайдилар».

Жўра (*кутилмаган, ҳаяжон билан қўшимча қилади*). «Ҳамда улуғ зотга узоқ умр тилаймиз».

Делегатлар маъқуллаб гуриллайди, Умар билан Жўранинг бу иши Фрунзе учун кутилмаган бир ҳодиса. У жуда хурсанд, яна аппарат олдига келади.

Фрунзе. Сўнги сўзларни съезд делегатлари отабола Жўраевлар айтди, Владимир Ильич.

Телеграф бу сўзларни ҳам Москвага йўллар экан, ҳамма ҳаяжон билан жавоб кутади. Бирданига саҳнанинг орқа томонида, баландда

чироқ ёнади ва биз иккинчи қават юксақлигида Кремлинг телеграф аппаратхонасини кўрамиз. Ленин прямой провод олдида телеграфистга ўз сўзини диктовка қилаётир.

Ленин. Миннатдорман, ўртоқ Жўраевлар. Ҳаммангизни шу улуғ кун билан қутлайман, Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш Россия Социалистик Федератив Республикаси учун, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир... Совет ишчи-деҳқон республикасининг аввал эзилган халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, миллион-миллион кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлажак.

П а р д а

1939—1967.

# АЛИШЕР НАВОЙ<sup>1</sup>

*Беш парда, ўн кўринишли драма*

---

<sup>1</sup> Бу асар драматург Уйғун билан бирга ёзилган.

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Навойй. Буюк ўзбек шоири.  
Жомий. Улуғ форс шоири.  
Соҳибдоро. Шоир.  
Хондамир. Муаррих.  
Беҳзод. Рассом.  
Султонали. Ҳаттот.  
Абулмалиҳ. Навоийнинг ошпази.  
Гули. Навоийнинг севгилиси.  
Қулмуҳаммад. Бастакор. Гулининг отаси.  
Ҳосият. Гулининг онаси.  
Қундуз. Гулининг дугонаси.  
Энага. Гулининг энагаси.  
Хусайн. Шоҳ.  
Мажиддин. Вазир.  
Қутбиддин. }  
Убайдулло. } Беклар.  
Музаффар. }  
Мансур. Музаффарнинг ўғли.  
Бинойй. Шоир.  
Абулвасе. Латифачи.  
Жалолиддин. Меъмор.  
Турдибой. Навкар.  
Мўминирзо. Хусайиннинг набираси.  
Мунажжим.  
Шайхуляслои.  
Чол.

Олимлар, шоирлар, беклар амирлар, навкарлар,  
муловимлар, созандалар, халқ.

## Абулмалиҳ

Яъни —

Яшашдан юз аср олтин қафасда —  
Яшаш афзал бир ой эркин нафасда!

Мансур. Бали! Калланг дуруст. Хўш, катта шийпон?  
Абулмалиҳ. Муҳайё!  
Мансур. Соз!

## Абулмалиҳ

Ҳали мудрар эди тонг —  
Туриб мен ишга тушкан чоғда... Тайёр.

(Кетади.)

## Мансур

Бало, ошпаз, бало. Улгунча айёр.  
Ўзи қулваччаю, идроки юксак.  
Шу важдин кўп яқин шоирга бу сак...  
«Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш».  
Қафасга тушмасин халқим, элим, дер  
Вазир, олим, буюк шоир Алишер.  
Бу шернинг панжасига панжа урмоқ,  
Уруш дулдуллариң майдонга бурмоқ  
Қийин иш... Беҳаё Маждиддин эрса,  
Қулай пайт топсаю тез зарба берса.  
Хаёл, муфсил хаёл!.. Мен истамайман  
Ёвузнинг илкида ханжар бўлишни,  
Илоҳим, билмасин умри сўлишни.  
Бу шеър даҳосига минг йил умр бер!  
Бу элнинг фахридур, шоир Алишер.

Кўлида қогоз ўқиб, Навоий киради.

## Навоий

Эшит, Мансур!

## Мансур

Бутун жисмим қулоқдур.

Навой

Юракдан.

Мансур

Чунки у шеърий булоқдур.

Навой

(ўқийди)

Ун сакиз минг олам ошуби агар, бошиндадур,  
Не ажаб чун сарви нозим ўн сакиз ёшиндадур  
Деса бўлғайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ун сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.

Жомий кириб мароқ билан Навойни тинглайди.

Жомий

Ун сакиз йил демангиз, юз йил умр сурса нетонг,  
Ҳусн шоҳи, бу балоларким, кўзу қошиндадур.

Навой

Келинг, пирим! Келинг, мавлоно Жомий!

Жомий

Ажойиб бир ғазал дилбар, тамоми —  
Сеҳрдур! Офарин!

Навой

Ортиқча мақташ.

Жомий

Гуҳардур ҳар сўзи, ҳар ҳарфи оташ.  
Самимийдир сўзим.

Навой

Раҳмат.

Жомий

Ишингиз?

Навой

Емон эрмас, пирим, севган кишингиз  
Мадад бермакдадур.

Жомий

Шоҳ?

Навой

Балли, ҳар он.

Жомий

Шаҳаншоҳ бир қадар ишратда.

Навой

Нуқсон.

Навой билан Жомий боғни айлангани чиқиб кетадилар.

Мансур

Самимий икки дўст, бу икки доҳи,  
Шеър осмонининг офтоби, моҳи.

Мажиддин билан Мунажжим киради.

Буюрсинлар.

Мажиддин. Қани меҳмонларингиз?  
Мансур. Келурлар. (Шийпондан жой кўрсатиб.)  
Марҳамат!

Мажиддин. Хўш.  
Мансур. Дам олингиз.

Мажиддин

(атрофни томоша қилиб)

Бу бир жаянат... У, ким?

## Мансур

Мавлоно Жомий.

### Маждиддин

Адоват, фитна, кин, найрангга ҳомий.

Мансур. Амир!

Маждиддин. Оғзингни юм! Қўрқоқ!

Мансур. Амир!

Маждиддин. Қул!

Мансур. Гуноҳим?!

### Маждиддин

Ақли паст! Олтин, кумуш, пул —  
Ва мансаб берсаму, ноз айласанг.

### Мансур

Бас!

Ҳақорат қилмангиз!

### Маждиддин

Сен мисли бир хас:

Кичик ел турса, тез учгунг ҳавога.

Ишим тушмай қосин сен бедавога.

### Мансур

Амир, шафқат қилинг, мен мубталога,

### Маждиддин

Навой билмасин. Қолгунг балога.

Қулоқ сол яхшилаб...

### Мансур

Йўқ менда тоқат!

Улуғ шоир учун мендан садоқат —

Зарурдир. Мен уни устоз деганман.



М а ж д и д д и н

Дуруст Мансур, дуруст, содиқ экансан.  
Синаб кўрмоқчи бўлдим.

М у н а ж ж и м

Бали сизга!

М а ж д и д д и н

Қани бор, яхшилаб гул терчи бизга!

М а н с у р таъани билан чиқиб кетади.

М а ж д и д д и н

Муғомбир, барибир тушгуси қўлга.

М у н а ж ж и м

Ҳали ёшдур, кейин киргуси йўлга.  
Не гаплар бор?

М а ж д и д д и н

Қилич қўзғалди қиндан.  
Муҳаммад Едгор пойлар биқиндан.

М у н а ж ж и м

Секин! Келмакдалар.

Н а в о и й билан Ж о м и й киради.

Н а в о и й

О... Марҳамат! Соз!

Ж о м и й

Салом, дўстлар!

М а ж д и д д и н

Салом, покиза устов!

## Мунажжим

(кўтарилиб келаётган қуёшни ва Ҷомий  
билан Навоийни кўрсатиб)

Фалакнинг ҳалқумин соҳир сиқибдур;  
Қарангиз, уч қуёш бирдан чиқибдур.

## Ҷомий

Мунажжимлик.

## Маждиддин

(Навоий билан Ҷомийни кўрсатиб)

Фақат анжумда кўзлар.

## Навоий

Латофатлик, нуқул дурдона сўзлар.

Меҳмонлар. Ҳиротнинг олимлари, шоирлари, Султонали,  
Соҳибдоро, Хондамир, Беҳзод, Биноий ва Қулму-  
ҳаммад бошлиқ созандалар кирадилар.

## Навоий

Азизлар, хуш келибсиз! Балли! Раҳмат!

## Биноий

Бўлинг хушвақт, чекманг зарра заҳмат.

## Соҳибдоро

Қилиб оламшумул санъатни бунёд,  
Келтирмиш сизга тухфа уста Беҳзод.

Беҳзод таъзим билан шоҳига ўралган расми Навоийга узатади.  
Навоий расми шийпонинг устунига илади. Расм: чиройли боғ,  
Навоий мрамар ҳовуз бўйида қўлига вазирлик асосини ушлаб  
турибди, олдида олтин тўлдирилган кумуш товоқ; атрофида очилган  
гуллар, шохда булбуллар. Ҳамма ҳайрат билан томоша қилади.

## Биноий

Бали! Юз офарин санъатга бундоқ!

Соҳибдоро

Бу — санъат оламида гавҳари тоқ!

Маждиддин

Бу — ноёб шоҳ асар!

Мунажжим

Бу бир даҳодур!

Қулмуҳаммад

Бу ўлмас мўъжиза!

Хондамир

Умри бақодур.

## Жомий

Асрлар бўлмиш эрди бунга муҳтож.

## Биноий

Бу рангин лавҳани кўрган замони  
Бўлур минг қатла қул Беҳзодга Монни.

## Жомий

*(Суратдаги гулзорга имо қилиб сўз ўйини бошлайди)*

Узуб бир гулни, хоҳлардимки, боқсам,  
Бўлуб хурсанд, ани чаккамга тоқсам.

Ҳамма мароқ билан жилмаяди.

Маждиддин

Агар қўл чўсангиз гулларга, бирдан —  
Учиб кетмасмикин қушлар чамандан?

Кулишди.

## Биноий

Пирим, қўлларни кўп қўзгатмасинлар!  
Алишер жаҳл ила сўз қотмасинлар.

Кулги кучаяди.

## Навойй

Гўзал сўзлар учун, бу янгли дилдор,  
Азизлар, шубҳасиз, арзийди минг бор —  
Ташаккур билдириб наққошингизга,  
Нисор этсам, бу зарни бошингизга.

## Соҳибдоро

Кетирмиш ҳадяким, Султонали ҳам,  
Бунингдек мўъжиза ғоят бўлур кам.

Султонали таъзим билан девонни Навоййга узатади. Навойй девонни  
очади, ҳамма томоша қилади.

## Қулмуҳаммад

Гўзал! Ғоят нафис!

## Мажиддин

Минг бора яхши!

## Хондамир

Ҳиди анбардин ўткур.

## Навойй

Турфа нақши —  
Музайян, жилвагар товус патидин.

## Мунажжим

Аторуд дарс олур кўрса хатидин.

## Ж о м и й

Ғазалларким, демиш шоир Навоий,  
Муҳаббат аҳлининг тенгсиз давоий.  
Биной, сиз не дерсиз?

### Б и н о и й

Тўғри, ғоят —  
Гўзал, равноқ, нафис, олий, ниҳоят.  
Эрур жон озуғи ҳар бир ғазал, соз.  
Фақат тил туркидур, шул айби бир оз.

### Н а в о и й

Тағин сиз эски баҳсни бошладингиз.

### С о ҳ и б д о р о

Арога ноўрин гап ташладингиз.

### Б и н о и й

Ҳақиқий шеър фақат форсида бўлғай.

### С о ҳ и б д о р о

Бу сўзни сўзламанг, жоним ўртанғай.

### Б и н о и й

Нафисдур форси тил, туркий қўполдур.  
Лазиздур форси тил, турки қўполдур.

### Н а в о и й

Емон тил, яхши тил йўқ, барча тил бир,  
Улуғлар олдида бу гап эмас сир...  
Жаҳонга шоҳ асарлар тақдим эткан,  
Бутун дунёга шуҳрат, донғи кеткан —  
Фақат форслар эмас, ҳиндлар, араблар,  
Хитой, юнон, бўлақлар ҳам. Бу гаплар —  
Аёндур кун каби. Биз сўзлаган тил  
Шу тиллар сингари бойдур ва қобил...

Мулозимлар билан Мўминмирзо киради.

Мўмин

Салом!

Навой

Шаҳзода Мўминга саломлар!

Ҳамма шаҳзодага таъзим қилади.

Мўмин

Салом, эй муҳтарам ширин каломлар!

Жомий

Улуғ парвардигор бўлсин мададкор.

Абулмалиҳ

(кириб)

Азизлар, марҳамат! Нонушта тайёр!

Жомий бошлиқ меҳмонлар чиқа бошлайдилар. Узоқдан чопиб келган отларнинг туёқ товуши эшитилади, саҳнада Навоий, Мажиддин ва Мунажжимдан бўлак ҳамма чиқиб кетади.  
Навкар киради.

Навкар. Шаҳриёри заминуну замон, хусравий соҳибқирон, Абулғозий султон Ҳусайн Баҳодирхон ташриф буюрурлар!

Навоий. Ажабо! Шаҳаншоҳ Боғижаҳонорода истироҳатга машғул эди. Кутилмаган бир фурсатда бунда келишларига не боис бўлди экан?

Мажиддин. Зиёфатингизга келган бўлишлари мумкин, амир.

Бир неча навкарлар билан ташвишли Ҳусайн Бойқаро кириб келади, ҳамма таъзим қилади.

Навоий. Шаҳаншоҳнинг бунда ташриф буюришларидин гоят хурсандимиз.

Ҳусайн. Миннатдорман, Алишер. Муҳим бир ҳодиса бизни бунда келишга мажбур этди.

Навойй. Улуғ мирзони не ҳодиса безовта қилди экан?

Ҳусайн. Пойтахтда исён!

Ҳамма ҳаяжонда.

Мунажжим. Исён?!

Навойй. Талаб ва мақсадлари?

Ҳусайн. Кечаги хирожни бекор қилишни талаб этар эмишлар.

Навойй. Яна қандай хирож?

Маждиддин. Жаноби амирнинг хабарлари йўқ. Ҳирот бекларининг илтимосларига биноан халқдан янги хирож олиш борасида кеча фармони олий берилган эди.

Навойй. Бу халққа жабр эмасми, шоҳим?

Ҳусайн. Алишер, ҳозир бундай мулоҳазаларнинг фурсати эмас. Мен бунда исёнга қарши чора кўриш бобида маслаҳатлашгани келдим. Муҳтарам амирлар не тadbирни маслаҳат кўрасиз?

Маждиддин. Фикри ожизимча, тездан исёнчилар устига қўшин тортмоқ зарур.

Навойй. Менингча, халқнинг ҳақли талабларига одилона қулоқ солмоқ лозим.

Ҳусайн (*асабийланади, бир қарорга келолмай Мунажжимга мурожаат қилади*). Хўш, самовий мавжудотлар нимани талқин этадилар?

Мунажжим. Бугун кечаси бешинчи фалакда Ноҳид юлдузининг авзойи бузуқ кўринди. Самовий мавжудотлар қилич яланғочлаб, қон тўкишни талқин этадилар, шоҳим.

Ҳусайн. Тангрим худди шу фикрни дилимга солиб турган эди. Мушкулимизни яна қилич ва қон ҳал этади. Мен у бебошларга Темур авлоди қиличининг қудратини яна бир бор кўрсатай!

Навойй. Халқнинг тақдирини мунажжимларнинг шубҳали қуръаларига қараб эмас, балки ақл ва идрокнинг талабига кўра ҳал этмак зарур.

Ҳусайн. Мамлакатимизнинг ақли ҳисобланмиш, соҳиби тadbир, доно Навоййнинг букун басит ва саёз мулоҳазалар юритишининг боиси не бўлса экан?

Навойй. Шоҳим, дўстлик ҳурмати, мамлакатимиз ва салтанатимизнинг осойишталигидан бўлак муддаом йўқдир.

Хусайн. Алишер, дўстлик ҳурмати, дейсиз... Аммо дўстларимнинг дўстлари тахти-бахтимга чанг солсалар, мен энди кимга ишонай?

Навоий. Аччиқ фикрларнинг очиқ айтилмоғи яхши.

Хусайн. Исёнчилар бошида меъмор Жалолиддин турган эмиш.

Навоий (ҳаяжонда). Уста Жалолиддин?!

Маждиддин. Яқин дўстингиз, хунук бўлибди.

Навоий. Халқ ҳақсизликка қарши бош кўтарар экан, унга кимдур раҳнамо бўлиши муқаррар. Бас, Жалолиддин бўлмаса бошқа бир кишининг исёнга бош бўлиши эҳтимолдан холи эмас эди.

Хусайн (заҳарханда билан). Улуғ Навоийнинг самимий маслаҳатлари учун гоёт миннатдорман... Амир Маждиддин, бекларга хабар қилинг, исёнчилар устига қўшун тортсинлар!

Маждиддин чиқа бошлайди.

Навоий. Сабр! (Маждиддин тўхтади.) Шоҳим, мамлакатимизнинг асл фарзандлари тарафидан яратилмиш муҳташам бинолар, шифохоналар, кутубхоналар чилпарча бўлсун учун яратилганмиди?

Хусайн. Мен учун тожи-тахтни сақлаш ҳар нарсадан муҳим.

Навоий. Пойтахт тинчланмас экан. Едгорбек устини ғалаба қозониш ва тожи тахтни сақлаш мушкул.

Маждиддин. Уринсиз хавф!

Кўчадан чопиб келган от туёқларининг овози эшитилади. Ҳамма ҳаяжон билан қулоқ солади. Шошиланганча навкар киради ва ер ўпиб таъзим қилади.

Навкар. Едгорбек пойтахтга кирди ва Боғизоғон қалъасини ишғол этди.

Хусайн (ғазаб билан қилич суғуради). Нима? Қандай қилиб?

Навоий. Шоҳим, бундай мусибатларнинг чораси ҳаяжон ва ҳис билан топилмайди. Ҳар бир мушкулни ақл ва совуққонлилик ҳал қилади. (Пауза.) Едгорнинг пойтахтга тез ва ўнғай кирганлиги гоёт таажжуб.

Хусайн. Дарвоқе?

Маждиддин. Ҳар ҳолда оғир мусибат юз бермиш. Халқ — бир ёқдин, шаҳзода Едгор — иккинчи ёқдин. Икки оловга қарши бирдан чора кўриш мушкул. Фик-



ри ожизимча, ҳозир Ҳиротдан узоқроқ кетиб турмоқ,  
куч йиғиб сўнг Ҳирот устига юриш қилмоқ лозим...

Ҳ у с а й н. Фурсатни қўлдан бериш мумкин эмас!

М а ж д и д д и н. Бошқа чора йўқ.

Ҳ у с а й н. Оғзингни юм, қўрқоқ! Чора топиш керак!  
Чора топиш зарур!

Н а в о и й. Чора топилади, шоҳим.

Ҳ у с а й н. Демак, Алишер, бизни фалокатлардан  
яна сиз қутқарасиз?

Н а в о и й. Юртни тинчитиш ва Ёдгор Муҳаммадни  
даф қилиш борасида бутун ихтиёрни менга топширса-  
лар.

Ҳ у с а й н. Менинг номимдан истаган чорани кўра  
олурсиз.

Н а в о и й. Халқ ҳузурида, шаҳаншоҳ бутун кучини,  
юртни обод қилишга сарф атурлар дея, ваъда беришга  
ваколат сўрайман.

Ҳ у с а й н. Хазинамда ҳар қанча зар, ҳар қанча ақ-  
ча бўлса, юртнинг ободонлиги учун сарф этишга ваъда  
бераман.

Н а в о и й. Менга бўлган ишончлари учун гоят мин-  
натдорман.

Ҳ у с а й н. Оқ йўл, дўстим, тангри<sup>1</sup> мадакдор бўлсун!

А л и ш е р чиқа бошлайди.

Алишер, ҳар аҳтимолга қарши навкарларини кўп-  
роқ олинг!

Н а в о и й. Гамхўрликлари учун миннатдормен. (Ке-  
тади.)

Ҳ у с а й н. Амир, бекларга хабар қилинг, қўшунни  
тайёр тутсунлар.

М а ж д и д д и н таъзим қилиб чиқиб кетади.

Яна ғавғо, яна ташвиш. На уйқуда ҳаловат ва на тур-  
мушда роҳат. Тожу-тахтни сақлаш нақадар мушкул.

М у н а ж ж и м. Бугун кечаси Ноҳиддин сўнг 6-фа-  
лакда Муштарий юлдузи жилва кўргазди. Самовий мав-  
жудотлар шаҳаншоҳнинг бахт ва саодатини башорат бер-  
дилар.

Ҳ у с а й н. Иншоолло, айтканинг келсин!

М а ж д и д д и н (кириб). Буйруқлари бажарилди.  
Аммо Алишер навкарлардан ҳеч кимни олмай, фақат  
Абулмалиҳ билан жўнади.

Ҳусайн. Таажжуб! Ҳатто исёнчи халқ олдига ҳам ёлғиз ўзи боради.

Маждиддин. Авом шоиримизни ҳурмат қилади, шоиримиз ҳам авомнинг тилини яхши биладилар.

Ҳусайн. Кошки, бошқа амирлар ҳам авомнинг тилини билса? Кошки, ўзгаларни ғийбат қилувчилар ўз нуқсонларини ҳам билсалар! Доимо ҳовлиқасиз, хирож ҳақида ҳам ҳовлиқдингиз, бошимни айлантирдингиз... Мана, натижа!

Маждиддин. Шоҳим, мени афв қилсинлар, бундай бўлишини ўйламаган эдим... (Пауза.)

Ҳусайн (аста юриб шийпоннинг иккинчи қаватига чиқади). Сира тинчимади бу Алишер! Мен уни вазир қилдим... Бойликлар бердим... У эса, бойликларни елга сочишни яхши кўрадиган бўлиб чиқди... Доимо сўзлагани ободонлик... Бу гаплар мени зериктирди. Мен чарчадим... Дунё бевафо, тожу тахт бебақо... Атрофимни шубҳалар, сирлар дунёси ўраб олгандай. Ким дўст, ким душман, билиб бўлмайди. Юрак дардларини фақат май ва маҳбубаларгина юмшатади... У эса май ва маҳбубнинг лаззатидин маҳрум. Шу ёшга келиб бирор гўзални севгани маълум эмас... У гоят қимматли тadbиркор, мамлакат учун зарур одам. Зўр санъаткор. Аммо... Бир оз адашади.

Маждиддин. У сизни ўзи чизиб қўйган чизиқдан юргизмоқчи. У...

Ҳусайн (қўл силтаб, Маждиддинни тўхтатади). У, нариги боғда юрган қиз ким?

Маждиддин. Ҳарамбоп акан!

Ҳусайн (паства тушади). Сен тезда Ҳиротга жўна. Алишерга кўмак бер.

Маждиддин. Шоҳимнинг буйруқлари дарҳол бажарилур.

Шоҳ кетади.

Шаҳзода Ёдгор қалъага кирди, марра бизники. Аммо Алишер бу гал ҳам шоҳга ўз сўзини ўтказиб кетди. Зарарсиз! Шу топда шаҳаншоҳ бизга шундай бир восита топиб бердиким, у билан Алишернинг бутун дунёсини ағдар-тўнтар қилиб юбормоқ мумкин!

Боғ томонга ишора қилади. Мунажжим тушунади, кулади.

Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Ҳирот. Шоҳ саройи — арkning иккинчи қавати. Тўғрида Ҳирот мадрасаларининг нақшли гумбазлари эрталабки қуёш нурида ярқираб кўринмоқда. Эшиклар ёнида қуроли соқчилар. Орқадан, пастдан исёнчиларнинг шовқини эшитилади. Арқда Шайхулислом, амир Музаффар, амир Қутбиддин, хўжа Убайдулло, яна бошқа беклар, амалдорлар.

Шайхулислом. Халойиқ, сабр қилинг! Сабрсизлик бандаи мўмин учун куфур. Тирикчилигингизни ташлаб исён қилиб юришдан не фойда? (*Шовқин кучаяди.*)

Овозлар. Насиҳатни қўйинг! Сабрнинг ҳам чега-раси бор-да!

Музаффар. Халойиқ, шошманг! Шаҳаншоҳдин фармон келсин, шунга қараб иш кўрайлик.

Овозлар. Шоҳ фармон ўрнига устимизга қўшин тортади. Очиқ жавоб беринг, хирожни бекор қиласизми, йўқми!

Музаффар. Халойиқ, ўзингиз ўйлаб кўринг, хазина бойиса, ким бойийди? Мамлакат бойийди. Юрт обод бўлади!

Жалолиддин (*халқ ичидан*). Бекор гап! Солиқлар кўпайган сари юрт хароб бўлмоқда. Хазинани бойитаман деб халқни гадо қилдингиз. Инсоф керак, амир, инсоф! Ушур, деб оласиз, улог, деб оласиз. Мол пули, деб оласиз. Жон пули, деб оласиз. Қўш пули, деб оласиз. Миробона, деб оласиз. Доруғона, деб оласиз. Бекларнинг ерига ишлатасиз. Буларнинг устига ой сайин янги хирож. Ахир инсоф борми?

Шайхулислом. Уста Жалолиддин, сиздек одамдин халқни тинчитиш ўрнига, галаёнга солиш лозимми?

Овозлар. Уста Жалолиддин тўғри айтади. Бир тўда аслзодаларнинг кайфи сафоси учун халқ хонавайрон бўлмоқда. Халқ оч! Яланғоч!

Музаффар. Халқ оч бўлса, худодан тиласин. Ёмон йўлдан қайтсин. Худо итоатлик бандасига беради. Бебошларга не берар эди?!

Халқда галаён авжига чиқади.

Овозлар. Ур ноинсофларни! Ур!

Аркка тош, калтак ёгилади. Беклар ичкарига қочадилар. Оломон аркка ҳужум қилади. Дарвозаларнинг тарақлагани, занжирларнинг шарақлагани, қилич ва калтак овозлари эшитилади. Унг томондаги эшикдан бир гала соқчи қиличлашганларича ичкарига чекиниб кирадилар. Соқчиларни қувиб, Турдибой, унинг орқасидан бир тўда қуроланган оломон киради. Баъзиларида қилич, баъзиларида калтак. Турдибой ғоят чаққон урушади. Соқчилар тоб беролмай чекина бошлайдилар. Шу пайтда Навоий киради. Ёнида қўрққан Абулмалих.

Навоий. Тўхтанг! Бас қилинг!

Аркда жанг тўхтайдн. Аммо орқада ҳамон шовқин. Жалолдин кириб Навоийга таъзим қилади. Сўнг тез аркнинг чеккасига боради.

Жалолдин. Оғайнилар, бас қилинг! Бас! Алишер Навоий келдилар!

Халқ жимийди. Навоий аркнинг олдига боради. Халқнинг жимиганини эшитиб, ичкаридан амирлар, беклар чиқади.

Навоий. Азиз фуқаро! Шаҳаншоҳдин фармон келтирдим. Биздин бемаслаҳат Ҳирот беклари тарафидин ноҳақ солинган хирож бекор қилинди.

Пастда шодлик овозлари: «Балли!», «Адолат бор экан-ку?»

Чол. Бу хирож бекор қилинади-ю, орқасидан янгиси чиқади! Шоҳнинг фармонига ишонмаймиз. Одатда бундай фармонлар фуқарони алдаш учун чиқарилади.

Навоий. Халойиқ! Бу фармоннинг ростлигига мен кафилман.

Жалолдин. Агар, шоир Навоий кафил бўлса, инонмоқ керак!

Овозлар. Бизга ғамхўрлик қилган шоир Навоийнинг умри узоқ бўлсин! Омин!

Навоий. Азиз фуқаро! Бундан сўнг биз юртни обод қилиш билан шуғуланурмиз.

Чол. Шоир Навоийнинг самимий орзуларига инонурмиз. Аммо бу орзуларнинг рўёбга чиқишига имони-

миз комил эмас. Сиз яккасиз. Сиз битта мадраса қурурсиз. Аммо ўзаро қиргинлар туфайли минглаб хоналар вайрон бўлур. Сиз битта ариқ чиқарурсиз, аммо сувсизлик балосидан юзлаб қишлоқ хароб бўлур. Бизнинг замонамизда юртни обод қилмоқ орзуси афсона. Бизга афсоналар тасалли беролмас. Халққа бўлаётган зулмлар камайтирилсин. Бузуқи амалдорлар жазолансин.

**Навоий.** Шаҳаншоҳнинг фармонларига мувофиқ халққа ноҳақ солиқ солган хўжа Музаффар, хўжа Қутбиддин, хўжа Убайдулло ўз жиноятлари учун зиндонга солинур.

**Овозлар.** Бу оз! Хусусан хўжа Музаффар учун оз! У кўп бегуноҳларнинг ёстигини қуритди! Эрларимизни зиндонда чиритди. Ҳиротда унинг қамчисини емаган одам йўқ. Қасос тилаймиз! Қасос! Музаффарга ўлим! Музаффарни қўлимизга топширинг, амир!

Навоий бундай талабни кутмаган эди, оғир вазиятга тушади. Ҳамма ундан жавоб кутади. Оғир жимлик.

**Навоий.** Майли, халойиқ, сизнингча бўлсун!

**Овозлар.** Адолатингизга балли, амир! Мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсун! Музаффарни олиб чиқинг! Музаффарга ўлим!

Беклар таҳликада. Турдибой қилич яланғочлаб, Музаффарга яқинлашади. Шайхулислом унинг йўлини тўсади.

**Шайхулислом (Ғазабли).** Амир Алишер, ўйлаб иш қилинг. Шаҳаншоҳдан беижозат бундай масъул ишларни қилишга қандай журъат этасиз?

**Навоий.** Шаҳаншоҳ Ҳиротда адолат ва осойишталик ўрнатиш учун менга ваколат бердилар.

**Музаффар.** Бу адолат эмас!

**Қутбиддин.** Бу хиёнат!

**Убайдулло.** Бу жиноят!

**Навоий.** Мазлумнинг додига етиш ва золимни жазога мустаҳиқ қилишни адолат, дейдилар, азизлар.

**Музаффар.** Менинг аслзода эканимни унутманг, Алишер!

**Навоий.** Сиз умрингизда бирор савоб иш қилганмисиз?

**Музаффар жим.**

**Бирор жойга ариқ чиқарганмисиз?**

Ч о л. Йўқ. Аксинча ариқларни бузган.

На в о и й. Бирор туп дарахт ўтқазганмисиз?

Т у р д и б о й. Асло! Аксинча минглаб дарахтни кесган.

На в о и й. Бирор қудуқ кавлаганмисиз?

Ч о л. Йўқ, Мутлақо! Юзлаб қудуқни қуритган.

На в о и й. Сатқаний аслзода кетинг! Сиз аслзода эмассиз!

Ч о л. Рост айтасиз! Офарин!

Х а л қ. Музаффарни олиб чиқинглаар.

Музаффар даҳшатда.

Му з а ф ф а р (*Навоийнинг оёғига ташланиб*). Улуғ амир, адолат кўкининг офтоби, шафқат қилинг! Хато қилибман, кечиринг! Уғлимнинг сизга қилган содиқ хизматлари ҳақи, мени қутқаринг!

На в о и й. Ҳукми халқ чиқарди. Халқ ҳукми — худо ҳукми!

Му з а ф ф а р. Алишер, қўрқинг, сизни қон тутади.

Т у р д и б о й. Музаффарни олиб чиқиб кетади.

На в о и й (*қолган бекларга ишора қилиб*). Ясавулбоши, буларни тезда зиндонга элтинг.

Ш а й х у л и с л о м. Демак, жанобларининг ҳукми жиддий?

На в о и й. Тақсир, салтанат ишларида ҳазил бўлмайди.

У б а й д у л л о. Ҳукмингиздан норозимиз, амир!

Навкарлар бекларни олиб чиқиб кетади.

Ш а й х у л и с л о м. Мен шунчаки сиёсат деб ўйлаган эдим.

На в о и й. Қалбақлик инсонни бебурд қилади, тақсир.

Ж а л о л и д д и н (*кулиб*). Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, амир, тақсиримнинг самимий мулоҳазаларидин ранжимасангиз ҳам бўлади. (*Шайхулисломга.*) Узр, тақсир.

Ш а й х у л и с л о м. Улуғ амир, бекзодаларни жазога мустаҳиқ этиб, ғайри шаръий иш қилдингиз, янглишдингиз.

Навойй. Янглишган бўлсам, худо мени кечирар. Менингча, олтимиш йил қуруқ тоат-ибодат қилгандан кўра, бир соат одил бўлмоқ савоблироқдир.

Шайхулислом. Билмадим, шаҳаншоҳ, бундай ношаръий ишларга нечук розилик берди экан. Ё оллоҳ! (Кетади.)

Турдибой киради.

Навойй (Шайхулисломнинг орқасидан қараб). Шариат, адолат, дейдилар. Аммо адолат ўрнатиш пайти келганда, золимларга ён босиб, шариатни ҳам, адолатни ҳам бузадилар.

Жалолидин. Улуғ шайх Саъдий яхши айткан: илмига амал қилмайдиган муллодан, устига китоб ортилган эшак афзал. (Куладилар.)

Навойй. Жуда қаттиқ кетдингиз, уста Жалолидин. Мен Султонимизнинг ўнг қўл вазири бўлишим муносабати билан Шайхулисломимизнинг шаъниларига айтилган бу сўзларингиз учун сизнинг бошингизни олишим лозим.

Жалолидин. Ҳали ҳам бошим улуғ шоиримизнинг ихтиёрларида.

Навойй. Раҳмат! Мен сизнинг шу садоқатингизга ишониб, сизга муҳим бир иш билан келдим.

Жалолидин. Ҳар қандай муҳим ишлари бўлса ҳам тайёрман.

Навойй маъноли қилиб Абулмалиҳга қарайди.

Абулмалиҳ. Қани, биродарлар, кимки халқ терисини шилган золимнинг териси қандай шилинишини томоша қиламан деса, тездан бозор майдонига борсин.

Халқ кулиб чиқиб кетади, соқчиларга.

Оғайнилар, аввало бизни қўриқлашга ҳожат йўқ, мабодо қўриқламоқчи бўлсаларингиз, эшикка чиқиб, сиртдан қўриқланг.

Соқчилар чиқиб кетади.

Навойй. Букун тонг билан, Муҳаммад Едгор, тўсатдан Боғизогон қалъасига кириб олибди.

Жалолидин. У шуҳратпарастни қалъадан қувиб чиқармоқ лозим.

Навойй. Қалъани куч билан олиш қийин, бу ишда тадбир керак.

Жалолиддин. Мен қалъанинг қувурларини тузатқанман. Қалъа ичига яширин кирадиган йўллари яхши биламан.

Навоий. Жуда соз, ундай бўлса тўғри қалъага жўнаймиз. (Кулиб.) Сиз — меъморсиз, мен — шоир, жаноблар — ошпаз. Қалъани паркор, қалам ёки капгир билан олиб бўлмаса керак. Бинобарин, ҳар аҳтимолга қарши битта қилич соҳиби ҳам керак.

Жалолиддин. Қилич соҳиби ҳам бор. (Арқинг чеккасига боради.) Турдибой! Ҳо, Турдибой! Бу ёққа чиқинг!

Навоий. Бу қайси Турдибой? Ҳалиги донғи кетган жангчими?

Жалолиддин. Ҳа, бутун насли жанг майдонида ўткан донгдор қиличбоз.

Турдибой кириб таъзим қилади.

Навоий (Турдибойга). Мен, гарчи, сизни бу кунга қадар кўрмаган бўлсам ҳам, донггингизни кўпдан ашитқанман. Ҳали бу ерда қилган қиличбозлигингизни кўриб ичимда усталигингизга таҳсинлар ўқидим. Бу санъатни кимдан ўргангансиз?

Турдибой (уялиқираб). Отамдан. Отам раҳматли Мирзо Улуғбек ҳузурда хизмат қилиб, жанг майдонларида донг чиқарган экан. Мен султон Абусайд, сўнг султон Ҳусайн қўшинида навкарлик қилдим... (Ғурураниб.) Султон Ҳусайнни икки мартаба ўлимдан қутқарганман. Кейинги вақтларда қўшиндан бўшаб, тирикликка киришиб кетдик. Тақсир, узр, фуқарочилик, адолатсизликка қарши яна тиг кўтаришга тўғри келди.

Навоий. Баракалло! Сиз биз билан муҳим бир ишга борасиз.

Турдибой. Тақсир, қилич билан битадиган иш бўлса, мени тўғри қиласиз, илинди — қўйилмайди. Сизнинг қўлингизда қалам қандай ўйнаса, бизнинг қўлимизда ҳам қилич худди шундай ўйнайди. (Қиличини ғилофидан суғуриб, тобини кўради.) Оғайни, яна сенга ишимиз тушадиган бўлди. (Қилични Навоийга узатиб.) Тақсир, кўринг, қадимий қилич, отам раҳматли берган. Отамга бобомдан мерос қолган экан.

Навоий (қилични кўриб). Неча-неча амирлар, беклар учун қон тўккан қилич. (Қилични Турдибойга бе-



риб.) Маҳкам ушланг! Энди, сиз, бу табаррук қилнч билан давлатимизни, салтанатимизни, мамлакатимизни ва унинг санъатини ҳимоя қилинг! Қани дўстлар, кетдик!

Эшикка қараб йўл оладилар. Ҳовлиққанча Мансур киради.

Мансур (йиғлаб Навоийнинг оёғига ташланади). Улуғ амир, отамни қутқаринг! Сизга қилган ҳалол хизматларим ҳақи, мени етим қолдирманг.

Навоий (таъсирланиб, насиҳатомуз сўзлайди). Хизматларингдан миннатдорман, Мансур. Аммо не чора? Узингни маҳкам тут, мард бўл.

Мансурдан бўлак ҳамма чиқиб кетади. Маждиддин киради.

Маждиддин. Энди қалайсан, нодон!

Мансур (йиғлаб). Нима қилай амир, Алишердан илтимос қилсам...

Маждиддин. Аҳмоқлигинг шуки, Алишердан илтимос қиласан.

Мансур. Бўлмаса, сиз кўмак беринг!

Маждиддин. Вақт ўтди. Отангни қутқаролмайсан. Аммо ҳақиқий фарзанд бўлсанг, отангнинг қасосини олишинг керак!

Мансур лол.

Парда.

## УЧИНЧИ КУРИНИШ

Навоийнинг ишхоналаридан бири. Навоий иш билан машғул. Ёнида Турдибой ўтирибди. Пауза. Сўнг Навоий Турдибойга шеър ўқиб беради.

Навоий

Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки, ўтлар сочар қаҳр қангомида.  
Анинг номи бирлан тирилмак эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида.

Яъни, шоҳ жаҳон бойлигини ўраб ётган аждаҳодурким, қаҳри келганда, оғзидан ўтлар сочур. Подшонинг марҳаматидан баҳрамад бўлмоқ, аждарнинг оғзидан таом емак билан баробардур.

Турдибой. Бали! Жуда яхши айтибсиз. Аммо, шаҳаншоҳ бу байтингизни ўқиса, даргазаб бўлмайдимиз?

Навоий. Мен буни бошқа эолим шоҳлар тўғрисида ёздим. Бизнинг Мирзо эса мурувватли шоҳдур.

Турдибой. Афсуски, ҳозирга қадар мурувватини кўрмадик. Тақсир, фуқарога шоҳларсиз мурувват кўргашининг йўли йўқми?

Навоий. Йўқ, албатта. Мамлакат бир боғ бўлса, шоҳ боғбондур. Боғ боғбонсиз хароб бўлур.

Турдибой. Боғбоннинг ҳам ҳар хили бўлади.

Навоий. Шубҳасиз, ёмони ҳам бўлади, яхшиси ҳам.

Турдибой. Менингча, султон Ҳусайн яхши боғбонлардан эмас. Тақсир, наҳотки мамлакат учун Ҳусайн Бойқародан бўлак одилроқ, мурувватлироқ шоҳ топилмайди? Нима учун сиз уни яхши кўрасиз?

Навоий. Ҳозир барҳаёт бўлган Темур шаҳзодаларидан энг тадбиркори, энг қобили ва энг муносиб соҳибтаҳт шубҳасиз Ҳусайн Бойқародур. Агар сиз билан биз мамлакатимиз ва давлатимизнинг манфаатларини кўзда тутар эканмиз, шаҳаншоҳга мадад бермоғимиз ва унинг хизатида бўлмоғимиз лозим. *(Пауза.)*

Турдибой. Тақсир, бошимга яна бир фикр келди, сўрасам айбга буюрмайсизми?

Навоий. Марҳамат.

Турдибой. Эсимни танибманки, кўрганим — уруш, эшитканим — жанг. Нега одамлар доим низо қиладилар?

Навоий. О, сиз жуда қийин савол бердингиз. Инсоният бу саволга неча-неча асрлардан буён жавоб беролмай келади. Мен сизга бир ҳикоя келтирай. Рум мамлакатига бир файласуф гадо ўзининг чуқур мулоҳазалари билан шуҳрат қозонди. Унинг шуҳрати Искандар Зулқарнайн қулоғига етди. Искандар гадони саройга келтирди. Гадо икки қўлига икки суякни ушлаб олиб, доим уларга тикилар эди. Искандар: «Бу суяклар нима?» — деб сўради. Гадонинг жавобидан маълум бўлдики, суякларнинг бири шоҳнинг ва яна бири гадонинг гўридан олинган экан. Искандар: «Буларни нечун кўтариб юрибсан?» деди. Гадо: «Шоҳим, қаранг, буларнинг қайси бири шоҳники, қайси бири гадоники — билиб бўлмайди. Улгандаку иккиси ҳам бир экан, нечун тирикликда низо қиладилар?» деди. Искандар жавоб айтолмади. Гадо қўйган бу сўроққа Искандар замонда ҳам, ундан сўнг ҳам ҳеч ким жавоб беролмади. Ҳар ким ўзича ҳал қилиб кўрди, аммо натижасиз бўлиб чиқди. Мен ҳам ақлим киргандан бери шу ҳақда ўйлайман.

Турдибой. Менинг фикримча, бу саволни сиз ҳал қиласиз. У куни Шайхулислом билан беклар чулдирашиб, халқни ҳеч тинчитолмадилар. Сиз келдингиз, низо тугади. Шу, нега ўзингиз шоҳ бўлиб қўя қолмай-сиз?

Навой кулади. М а н с у р кириб ерга ташланади, йиглаб Навойнинг этагини ўпади.

### М а н с у р

Пирим, афв айлангиз, бахти қарони,  
Ғарибу хаста дил мотамсарони.  
Саховат важҳига ҳотам эрурсиз,  
Сиз отам ўрнига отам эрурсиз.

### Н а в о и й

Тур ўрнингдан, етар, ёшингни тий, арт.  
Оғир дард, шубҳасиз, дардинг оғир дард.

### М а н с у р

Даво истаб, пирим, келдим.

### Н а в о и й

Не бирлан  
Сенга ёрдам берай?

### М а н с у р

Четлатмангиз, мени!  
Қолай аввалгидек даргоҳингизда,  
Бўлай аввалгидек, фармонингизда.

### Н а в о и й

Нечук? Мен ранжитиб эрдим сени?

### М а н с у р

Ҳеч!

Унутдим, англадим, гар бўлса ҳам кеч.  
Адолат олдида эгдим бошимни,  
Ҳақиқат йўлида тўқдим ёшимни.

### Навоий

Бали, Мансур! Бали. Раҳмат, ташаккур,  
Адолат кўкида мавж айлаган нур —  
Еритмиш ғам билан тўлган дилингни.  
Ҳақиқат мадҳига бурмуш тилингни.  
Унутма ҳеч қачон: офтоб мисоли,  
Адолат барчадан афзал ва олий!  
Ташаккур, розиман, қол истасанг.

### Мансур

Оҳ,  
Саодат йўллади мен қулга оллоҳ!  
Жалолиддин (ташқаридан). Турдибой!  
Навоий. Жалолиддин келди. Чақиринг кирсин!

Турдибой билан Мансур чиқиб кетади. Жалолиддин  
киради.

Навоий. Келинг!  
Жалолиддин. Раҳмат.

### Навоий

Қалай, пул олдингизми?  
Работ, ҳаммом томон кўз солдингизми?

### Жалолиддин

Битибдур беш работ ҳам учта ҳаммом,  
Бир-икки ердаги ишлар чала, хом.  
Бўлак ерларда кўп тўхталганим йўқ,  
Саройга бордим, пул олганим йўқ.

### Навоий

Сабаб? Қандай қилиб?

### Жалолиддин

Берганлари йўқ.  
Шаҳаншоҳнинг деди, олтин, зари йўқ.

## Навой

Ким айтди? Қайси ит?

Жалолиддин

Маждиддин.

## Навой

Аблаҳ!  
Шаҳаншоҳ беҳабар!

Жалолиддин

Шундай демиш шоҳ.  
Халойиқ оч, фақир, қўллаш керакдур.  
Ариққа пул, озиқ йўллаш керакдур.  
Тетик, зийрак, улуғ, доно халойиқ  
Баҳо бергай билиб ҳар кимга лойиқ.  
Шаҳаншоҳ алдару, аммо Алишер —  
Навой алдамас, бизларни ҳеч, дер.

## Навой

Навой алдамас; дил пора-пора —  
Тилинсун, барибир топқуси чора!

Жалолиддин

Муҳаммад Ёдгор не бўлди?

## Навой

У сўнг бор...  
Сўроқ бергай букун... Иш катта. Маккор,  
Яширмоқчи буюк бир сирни.

Жалолиддин

Яъни?

## Навой

Сарой атрофидан бир тўп бемаъни —  
Амирлар у билан, фаҳмимча, зимдан —

Алоқа боғлаган... Тушкай изимдан,  
Дея безовтадур Маждиддин айёр.

Ж а л о л и д д и н

У ҳар қандай қабих ишларга тайёр.

(*Енидан хат чиқариб, Навоийга беради.*)

Мана мен қўлга бир мактуб тушурдим.  
Муҳаммад Едгордан унга.

Н а в о и й

(*хатни ўқиб*)

Аблаҳ!

Сир очилди! Бугун, қилғум хабар, шоҳ,  
Совургай кулларин кўкларга, шаксиз!

Ж а л о л и д д и н

Қолишни истамас Мирзо ашаксиз.

Парда.

### Т У Р Т И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Султон Ҳусайннинг ишратхонаси. Ғоят безакли бир уй. Май қуюлган олтин кўзалар, кумуш пнёлалар, ишрат асбоблари, нозу нефматлар муҳайё. Маждиддин билан Шайхулислом шахмат ўйнаш билан машғул. М у н а ж ж и м томоша қилмоқда.

Ш ай ху л и с л о м. Хўш, сўнг нима бўлди?

М а ж д и д д и н. Бошини олдириб юбордим.

Ш ай ху л и с л о м. Сир ошкор бўлмадими?

М а ж д и д д и н. Одатда жонсиз бошлар сир айтишдан маҳрум бўлади, тақсир.

Ш ай ху л и с л о м. Бали! (*Маждиддин дона суради. Шайхулислом жавоб қилади.*) Кишт!

М у н а ж ж и м. Э, асб кетди, тақсир!

Ш ай ху л и с л о м. Э... Э... ғалат, филингизни кўрмабман. (*Қайтадан дона суради.*)

М у н а ж ж и м. Тақсиримнинг юлдузлари ғафлат буржида қолибди.

М а ж д и д д и н (*дона суриб*). Кишт!

М у н а ж ж и м. Мот!..

Шайхулислом. Э... Э... галат... галат, сабр қилсинлар!

Мунажжим. Тақсиримнинг юлдузлари наҳс буржига кирди.

Шайхулислом (жаҳли чиқади). Мавлоно, ҳамма нарсага ҳам юлдузми (Маждиддинга). Хўп, яхши, қайтадан.

Маждиддин. Қўйнинг, тақсир, сатранж ҳам жонга тегди, ҳадеб қола берасиз.

Шайхулислом. Нимага ҳадеб қола берар эканман! Нима, жанобларини қолдирмай юрганмидим!

Маждиддин. Ҳазил, тақсир, ҳазил...

Мунажжим (Шайхулисломга қадаҳ сўниб). Мана, тақсир, жиндак нафасларини ростлаб олсинлар.

Шайхулислом (майни ичади). Ҳа, энди сатранж тахтасида дона суришга хийла устасизу, аммо сиёсат тахтасида дона суриб доим адашасиз.

Маждиддин. Тақсир, ўйинда адашилади, яна тугатилади, унинг аҳамияти йўқ. Гап ўйиннинг оқибатида.

Шайхулислом. Ҳар нечук Алишерни мот қилиш мушкул кўринади.

Маждиддин. Ташвиш қилмасинлар, тақсир, бугун Алишерни, албатта, мот қиламиз.

Шайхулислом. Бу гапларни беш йилдан бери сўзлайсиз.

Маждиддин. Тақсир, ҳозир қўлимизда шундай ҳужжатлар борки, уларнинг қаршисида Алишер аждаҳонинг домига тортилган жонвордек сеҳрланмай иложи йўқ.

Шайхулислом. Қандай ҳужжатлар?

Маждиддин. Мансур букун бирталай ҳужжат келтирди. Буларнинг ичида Алишернинг шаҳаншоҳга ва жанобларига қарши ёзилган кўп қабиҳ шеърлари бор.

Мунажжим. Баҳай!

Шайхулислом. Қани?

Маждиддин. Сабр қилсинлар, вақтида кўрасиз...

Шайхулислом. Булар билан бир иш чиқариб бўлармикан?

Маждиддин. Булар билан чиқмаса, бошқаси билан чиқади.

Шайхулислом. Хўш?

Маждиддин. Балхдан мактуб бор. Дарвеш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.

**Шайхулислом. Йўғ-е!**

**Мунажжим.** Ҳаққос рост. Утган кеча, бешинчи фалакда Ноҳид юлдузнинг авзойи бузуқ эди.

**Шайхулислом.** Бу ишда Навойнинг қўли йўқ-микан?

**Маждиддин.** Бор деб ҳисоблаймиз-да, тақсир.

**Шайхулислом.** Бали! Ана энди Алишерга кишт берсангиз бўлади.

**Маждиддин.** Агар бу ҳодиса шаҳаншоҳга яхши-лаб уқдирилса...

**Шайхулислом.** Иншолло уқдира билурмиз...

**Маждиддин.** У ҳолда мот кишти бўлади.

**Мунажжим.** Бали!

**Маждиддин.** Фақат юра билиш лозим: муомала силақ бўлсин, сўзингиз ҳар қанча аччиқ бўлса, овозингиз шунча майин бўлсин, ғазабни табассум билан, ғаразни хушомад билан яширинг, ана шунда омадингиз келади.

Абулвосе киради.

**Абулвосе.** Мана, омадингиз келди, тақсир. Ассалому алайкум!

**Маждиддин.** Ваалайкум ассалом. Келинг, мавлоно Абулвосе!

**Шайхулислом.** Мавлоно кеч қолдилар. Латифаларингизга муштоқ бўлиб ўтирибмиз.

**Абулвосе.** Атрофингиз латифаларга тўлуғ бўлган чоғда, менинг латифаларимга муштоқ бўлиб ўтирганингиз қизиқ, тақсир.

**Шайхулислом.** Қизиқларнинг кўзига ҳамма нарса қизиқ бўлиб кўринади, шекилли.

**Абулвосе.** Тақсирим, каромат қилдилар, қизиқларнинг кўзига тақсиримнинг май ичиб ўтириши ҳам қизиқ кўринади.

**Мунажжим.** Бу май тақсиримнинг муборак соқоларида сузилган, шаръий май! *(Кулишади.)*

**Шайхулислом.** Бу гапларни қўйинг. Мен ҳаммадан ҳам улур шоиримиз, амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари ҳақидаги латифаларингизни завқ билан тинглайман.

**Абулвосе.** Ҳо, тақсир, биз Алишердан куламиз, Алишер биздан кулади, ким ҳақ, ким ноҳақ, тангрининг ўзи билади.



Маждиддин. Биз ҳақмиз. Бундан сўнг Алишер устидан кула берамиз.

Абулвосе. Кула-кула ўлмангиз. Очилмасдан сўлмангиз. Юрагингиз тор экан, ҳасадлари бор экан, қон ичишга зор экан, қилигингиз қор экан, ишингиз мурдор экан...

Ҳамма кулади.

Маждиддин. Э, бўлди, фолбинга ўхшаб жаврамай ўлинг, нима бало, мени кўчиришга келдингизми? (Кули.)

Абулвосе. Кўчир десангиз кўчиравераман, рангирўйингизни ўчиравераман.

Кулги кучаяди. Ҳусайн киради. Кулги тўхтади. Ҳамма ўридан туриб, таъзим қилади.

Ҳусайн. Уҳў, базми жамшид қизиган экан-да, кулгиларингиз осмони фалакка кўтарилмоқда.

Маждиддин. Кулгимизнинг осмони фалакка кўтарилиб, қуёшнинг қулоғига етканидан гоят хурсандмиз. Мана, қуёш фалакдин ёнимизга тушдилар.

Ҳусайн. Қуёшсиз ҳам базмларинг равшан кўрилади.

Маждиддин. Қуёшнинг нурисиз базмимиз доим қоронғу...

Абулвосе. Бир ҳисобдан қоронғу бўлгани ҳам дуруст... Бўлмаса, қуёшнинг ёруғида иблислигимиз билиниб қолади.

Кулги. Утирадилар.

Маждиддин. Шоҳим нима истайдилар?

Ҳусайн (кулиб). Иблиснинг қўлидан бир пиёла шароб ичсам.

Маждиддин. Жоним билан, шоҳим (Май қуйиб.) Аммо қулларининг бир гуноҳини кечирсалар, сўнг қадаҳ сўнсам.

Ҳусайн. Қандай гуноҳ?

Маждиддин (қадаҳ сўниб). Улуғ вазир Алишерга, ариқ ишлари учун, хазинадан ваъда қилинмиш тўрт туман ақчани ул жаноб юбормиш кишига бермадим.

Ҳусайн (жаҳли чиқади). Менинг фармонимни бузишга қандай журъат қилдинг!

Маждиддин. Шоҳим, Алишер ҳар хил иншоотлар деб, хазинани адо қилди. Хазинада тўрт туман эмас, икки туман ҳам йўқ.

Ҳусайн. Бекор гап!

Маждиддин. Менинг Алишерга ҳеч қандай шахсий гаразим йўқ... Аксинча, Алишернинг шеър бобидаги истеъдодига тан берамиз... Аммо биздек ожиз қуллари учун, ҳар нарсдан азиз ва мўтабар сиз эурсиз.

Ҳусайн. Муддао нима? Хушомадларни эшита бериб, қулоқларим кар бўлган! Нима демоқчисен?

Маждиддин. Алишер тахтингиз атрофида айлашиб юрган заҳарли илон.

Ҳусайн. Йғво! Ҳасад! Алишер ҳеч қачон менинг забун бўлишимни истаган эмас. Мен тебраниб турган тахтимни Алишерсиз идора қилолмайман.

Маждиддин. Шоҳим, агар тахтингизни тебратиб турган Алишернинг ўзи бўлса-чи?

Ҳусайн. Ҳасад! Йғво!

Маждиддин (шоҳга мактуб узатади). Мана Балхдин мактуб бор.

Ҳусайн (хатни ўқиб). Дарвиш Али қўзғолон кўтарибди?

Маждиддин. Шоҳим, буни, Навоий одамларининг сизга қарши очиқ бош кўтариши, деб англамоқ керак.

Шайхулислом. Бу ишда, албатта, Навоийнинг қўли бор.

Ҳусайн. Наҳотки?.. (Пауза.) Бирор ҳужжат, далил борми?

Маждиддин. Хўш... Ҳозирча қўлимида ҳужжат йўқ... Аммо тахмин шундай.

Ҳусайн. Тахминлар билан иш қилиб бўлмайди.

Маждиддин (ёнидан шеър чиқариб, шоҳга беради). Мана бу шеърни ўқинг.

Ҳусайн

(ўқийди. Ҳаяжонда)

«Жаҳон ганжиги шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки, ўтлар сочар қаҳр ҳангомида.

Анинг коми бирлан тирилмак әрур  
Маош айламак аждаҳо комида».

Алишер ҳаддан ошмоқда.

Шайхулислом. Мутлақо тўғри! Уни дарҳол жа-  
зога мустаҳиқ қилмоқ зарур.

Ҳусайн. Йўқ, бу мумкин эмас!

Маждиддин. Шоҳим, бўлмаса менда бошқа бир  
мулоҳаза бор.

Ҳусайн. Қандай?

Маждиддин. Дарвиш Алининг қўзғолонини бос-  
тиришга Алишернинг ўзини юборинг. Ё Алишер бу иш-  
дан бўйин товлайди-ю, сиз унинг бу жиноятда қўли бор  
эканини аниқлайсиз, ё Алишер бориб фитнани бартараф  
қилади-ю, ташвишдан қутуласиз...

Ҳусайн (ўйланади). Бу маслаҳат чакки эмас. (Май  
ичади.)

Мулозим киради.

Мулозим (таъзим билан). Улуғ амир Низомид-  
дин Алишер Навоий ташриф буюрадилар...

Ҳусайн. Кирсин!

Мулозим чиқиб кетади. Утирганлар мажлисга интизом беришга  
тиришадилар. Алишер киради. Ҳамма уни қуюқ хушомад билан  
қарши олади.

Ҳусайн. Марҳамат, Алишер!

Шайхулислом. Тақсирим бағоят яхши фурсатда  
йўқладилар!

Маждиддин. Қадамингизга ҳасанот!

Мунажжим. Бахт юлдузини кўришга муштоқ эдик.

Навоий. Илтифот ва марҳаматларингиз учун ғоят  
миннатдормен.

Утирадилар.

Ҳусайн. Алишер, мен хазинанинг аҳволидан беха-  
бар сизга пул ваъда қилган эканмен.

Навоий. Мен шоҳимнинг ваъдалари чин ва мўъта-  
бар деб, ишонган эдим.

Ҳусайн. Мавлоно Маждиддиннинг айтишига кўра,  
хазинада ақалли икки туман ҳам ақча қолмабдур.

Навоий. Мавлоно Мажиддин айтган бўлсалар, ишонмоқ керак, чунки Мавлоно ҳар нарсадан хабардор...

Мажиддин. Шоҳим тўғри айтадилар... Хўш... Хазинанинг аҳволи оғир, харажатлар кўп.

Навоий. Сўзларингизга ишонмоқ керак.

Мажиддин (*асабийлашади*). У ҳолда кинояларингизнинг маъноси нима?

Навоий. Харажатларни очиқ билмоқ истаймен.

Мажиддин. Ҳаммаси аён, иншоотларга ва...

Навоий (*сўзини бўлиб*). Мавлоно, сиз ҳеч кимга аён бўлмаган харажатлар ҳақида сўзланг.

Мажиддин (*безовта, асабий*). Бунча суриштириб қолдингиз? Ахир, сиз шоҳимнинг хазинаси ҳақида сира ғам эмас эдингиз-ку?

Навоий. Мен шоҳимнинг халқи ҳақида ғам еймен.

Шайхулислом (*кесатиб*). Яъни авом ҳақида?

Навоий. Ҳа, тақсир, авом ҳақида...

Шайхулислом. Осмон билан ерни фарқ қила билиш даркор, Алишер!

Навоий. Осмондаги дабдабали, аммо фойдасиз чақмоқ бўлишдан кўра, ерда бир тутам олов бўлиб, бир ғарибнинг қозонини қайнатмоқ афзалдур.

Ҳусайн. Алишер, мен сизни дўст деб тушунар эдим.

Навоий. Ҳали ҳам худди шундай деб тушунинг.

Ҳусайн. У ҳолда бу гапларингизни нима деб, англамоқ керак?

Навоий. Сўзларим беғараз.

Ҳусайн (*шеърни узатиб*). У ҳолда мана бу шеърингизни нима деб тушунмоқ лозим?

Навоий (*шеърни кўриб*). Мен буни золим шоҳлар тўғрисида ёздим. Мен сизни мамлакатда адолат ўрнатадиган шоҳ деб тушунаман. Таажжуб!

Ҳусайн. Таажжубланадиган ери йўқ.

Навоий. Таажжубланадиган ери шундаки, мен бу парчани бугун ёзиб эрдим, ҳали ҳеч ким кўрмасдан туриб, жанобингизнинг қўлларига тушиб қолибдур.

1

Утирганлар ноқулай вазиятда қолади.

Шайхулислом (*ноқулай жимликни бузиб*). Улуғ амир бунга таажжубланмасалар ҳам бўлади. Дунёда бундин зиёдроқ таажжуб қиладиган ҳодисалар бор.

Навойй. Масалаи?

Шайхулислом Масалан, жанобларининг Дарвиш Али билан муносабатлари қалай?

Навойй. Нима бўлибди, бирор гап борми?

Хусайн. Бирор гап борлигини ўзингиз билсангиз керак?

Навойй. Шубҳаларингиз ноўрин, шоҳим.

Хусайн. Алишер, мен сизни бундай вазиятда биринчи дафъа кўриб турибман. Муғомбирлик сизга ярашмас экан.

Навойй. Шоҳим, мен ҳузурингизга ўринсиз таъналар эшитгани келганим йўқ.

Хусайн. Балхдин чопар бор, инингиз Дарвиш Али салтанатга қарши бош кўтарибди.

Навойй (ҳаяжонда). Дарвиш Али бош кўтарибди? Сабаб?

Маждиддин. Сабабини сиз биласиз.

Навойй. Мен ҳали сизга ўхшаб фитначи бўлганим йўқ!

Маждиддин. Исёнчи билан тил бириктириб, салтанатга чанг солишнинг номини нима дейдилар?

Навойй. Шоҳим, ўлимдан хабарим бор, аммо бу гаплардин хабарим йўқ!

Хусайн. Улуғ амирнинг бу жавоблари бизни қаноатлантирмайди.

Навойй. Шоҳим мендан нима истайдилар?

Хусайн. Улуғ амирнинг кўнгли бизга рост бўлса, Дарвиш Али тўполонини бартараф қилиш ва фитначини тириклай тутиб, бунда келтиришни ўзларига ҳавола қилсак.

Навойй бошини қуйи солиб жим қолади. Бошқалар диққат билан унга тикилади.

Навойй (бошини аста кўтариб). Яхши, шаҳаншоҳнинг фармонларини ижро этишга тайёрмен.

Хусайн. Миннатдормен, Алишер! Балонинг олдини тезроқ олиш учун ҳозироқ йўлга тушишингизни илтимос қиламен. Дарвиш Алига уқтиринг, ёмон ниятларидан қайтсин, ҳузуримга келсин, саройда энг яқин аёнларимдан бўлуб хизмат қилғусидур. Оқ йўл!

Навойй. Шоҳим, бир илтимосим бор!

Хусайн. Марҳамат.

Навойй. Амир Мажиддин саройдан узоқлаштирилсин.

Ҳамма таажжубда.

Ҳусайн. Сабаб?

Навойй. Давлатимизни яксон қилмоқчи бўлган хонинга салтанат даргоҳида ўрин йўқ!

Мажиддин. Туҳмат!

Навойй. Тафтишлар шуни кўрсатдики, Ёдгорбек кўзғолонида бу одамнинг ҳам қўли бўлган.

Мажиддин. Бўхтон! Ифво!

Навойй. Тафтиш тамом бўлмагани ҳолда, Ёдгорнинг бошини олдириб юборишни нима деб фаҳмлаш керак!

Ҳусайн. Қачон? Ким олдириб юборди?

Навойй. Шу бугун, улуғ вазирингиз?

Ҳусайн (дарғазаб). Нечун?

Мажиддин (шошади). Ахир, шоҳим... маълум бўлган жиноятни ҳадеб текшира беришдан не фойда?

Навойй. Бу одам Ёдгорни хазинангиздаги олтинлар билан таъмин қилиб турган.

Мажиддин. Туҳмат! Қани далил!

Навойй (қўйнидан мактуб чиқариб Ҳусайнга беради). Мана далил!

Мажиддин шошади. Ҳусайн қоғозга кўз югуртириб чиқиб, ғазабга келади. Қоғозни гижимлаб, Мажиддиннинг юзига уради. Ҳусайн чапак чалиб, мулозимларни чақиради. Мулозимлар киради.

Ҳусайн. Хоин! Жосус! Бу муттаҳамнинг бошидан вазирилик кулоҳини олинг!

Мулозимлар Мажиддиннинг бошидан кулоҳини оладилар.

Навойй. Шоҳим, бошини кулоҳидин енгиллатдингиз, энди бўйинини бошидан енгиллатинг!

Ҳусайн. Жаллод!

Шайхулислом, Мунажжим шошиб чиқиб кетадилар.

Навойй. Хайр, шаҳаншоҳ, мен кетдим.

Ҳусайн. Оқ йўл!

Навойй кетади. Жаллод киради. Мажиддин Ҳусайн оёғига йиқилади.

Маждиддин (қаттиқ ҳаяжонда). Шоҳим, бу ҳужжат қалбаки ҳужжат! Мени ноҳақ ўлдириб, сўнг пушаймон бўласиз.

Ҳусайн. Сени шу чоққача ўлдирмаганимга пушаймонмен.

Маждиддин. Мени ўлдиришдан аввал тожу тахтингизнинг душмани ким эканини аниқ билиб олинг.

Ҳусайн. Аниқ билдим, тожу тахтимнинг душмани сен экансен.

Маждиддин. Тожу тахтингизнинг душмани ким эканини, Дарвеш Али қўзғолонининг қандай ҳал қилиниши кўрсатиб берур. Шоҳим, Дарвеш Али қўзғолони бартараф қилингунча сабр этинг.

Ҳусайн. Иблис, яна ҳийлага кўчмақчисен.

Маждиддин. Агар ҳийла қилсам, каломулло урсун!

Ҳусайн (чўчиб тасарилади). Каломулло урсун?!

Маждиддин. Қасамёд қиламен, ёлгон айтсам каломулло урсун! Алишер ўз жиноятларини яшириш учун, мени қурбон қилмоқчи. Муҳлат беринг, Алишернинг жиноятларини исбот қиламен, сизни ҳалокатдин қутқарамен. Хазинангизни бойитамен, ҳарамингизни ҳурлар билан тўлдирамен, сўнгра майли, бошимни кесинг, амрингизга мунтазирмен. (Бош эгади.)

Ҳусайн (чуқур ўйга чўмади. Ерда гижимланиб ётган қоғозни олади, оғир сўрайди). Бу қалбаки ҳужжат деб, ўйлайсанми?

Маждиддин. Каломулло урсун, қалбаки ҳужжат!

Ҳусайн (ўйланади. Узун пауза. Сўнг бир қарорга келгандек бўлади). Кулоҳингни кий.

Шоҳ ўйлаганича чиқиб кетади. Маждиддин кулоҳини кияди. Шоҳ томонидан унутилиб, ҳайрон бўлиб турган жаалодга кўзи тушиб, унга хўжайинларча кўз олайтиради. Жаалод қочиб чиқиб кетади.

Парда.

## УЧИНЧИ ПАРДА

### БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Қулмуҳаммадинг ҳовлиси. Гули супада ўтириб, Навоий тақдим қилган девонни мутолаа қилмоқда.

Г у л и

(ўқийди)

Ун сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб чун сарв нозим ўн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлгойким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн сакиз ёшинда мунча фитнаким, бошиндадур.  
Ўн сакиз йил демангиз, юз йил умр сурса нетонг,  
Ҳусни шоҳи бу балоларким кўзу қошиндадур.

(Девонни бағрига босади.)

Ғазал эрмас, бу бир меҳри гиёдур,  
Мунаввар айлаган дилни зиёдур.  
Ғазал ҳам шунчалар ширин бўлурму?  
Вафо нури билан лим-лим тўлурму?

Қ у н д у з киради.

Қ у н д у з

Вафо нури билан тўлсин дилингиз...

Г у л и

Келинг. Оҳ, шунчалар ширин тилингиз...

Қ у н д у з

Навониданми?



Г у л и

Ҳа, менга битибдур.

Қ у н д у з

Мусаффо ишқини изҳор этибдур?

Г у л и

Бу ишқ бахт йўлида сўнмовчи машъал,  
Бу ишқ бирлан бўлур ҳар мушкулим ҳал.

Қ у н д у з

Навойдек кишининг ёри бўлмоқ,  
Шеър даҳосининг дилдори бўлмоқ —  
Саодатдур буюк. Сиз бахтиёрсиз...

Г у л и

Фақат гул бўлмас эркан, асти хорсиз:  
Бу олтин севгининг ҳижрони аччиқ.

Қ у н д у з

Жудолик чоғининг ҳар они аччиқ,  
Бироқ, дил мулкининг гулзоридур ишқ.

Г у л и

Гаҳ ошиқ қалбининг озоридур ишқ.

Қ у н д у з

Ҳаёт, иқбол, севинчининг ёридур ишқ.

Г у л и

Гаҳи ғам-қайғунинг бозоридур ишқ.

Қ у н д у з

Эвоу севги кўнгила мулкида бир шоҳ.

## Г у л и

Узи ҳам ўлдурур, ҳам тиргизур. Гоҳ —  
Кўнгилни гул, этар гоҳ пора-пора.  
Узи ҳам дард берур, ҳам дардга чора...  
У кун гулзор аро ушлаб қўлимдин,  
Деди, айлаб халос ҳижрон ўлимдин:  
«Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз, бирга доим,  
Сени кўп кўрмасин менга худойим...»

## Қ у н д у з

Демак, тўй тез.

## Г у л и

Яқин кунларда.

## Қ у н д у з

Оҳ, соз.

## Г у л и

Саодат қушлари бошимда парвоз.

Ғамгин ҳолда Қ у л м у ҳ а м м а д киради.

Отажон, не хабарлар бор?

Қ у л м у ҳ а м м а д. Э... Сўрама қизим. Дунёнинг иш-  
лари қурсин.

Г у л и. Яна не бало юзланди?

Қ у л м у ҳ а м м а д. Балхда Дарвиш Али бош кўта-  
рибди. (Ҳаяжон.)

Г у л и (қаттиқ ҳаяжонда). Ё раббий! Алишер қаерда?

Қ у л м у ҳ а м м а д. Исёни бостириш ва Дарвиш  
Алини тириклай тутиб келтириш учун, шаҳаншоҳ уни  
кеча кечқурун саройдан тўғри Балхга жўнатибди.

Г у л и. Акани укага қарши йўллаш, аканинг қўли  
билан укани банд этиш, иблиснинг ҳам ақлига келмайдиган  
иш.

Қ у л м у ҳ а м м а д. Яқин кунларда машъум ҳодиса-  
лар юз берадиганга ўхшайди. Бугун тонг билан Жало-  
лиддинни ҳибсга олибдилар.

Гули. Ё раббий! Бу ёмон фол... (Йиғлайди.)

Қулмуҳаммад. Йиғлама қизим, Алишерга ҳеч нарса бўлмайди. Алишернинг орқасида бутун халқ турибди.

Ташқаридан овоз. Устоз бормилар?

Қулмуҳаммад. Биров келди, сизлар боққа чиқинглар, қизлар. (Чиқиб кетади.)

Гули. Ё раббий, ким бўлса экан? (Боққа чиқиб кетдилар.)

Қулмуҳаммад Маждиддинни бошлаб киради.

Қулмуҳаммад (таъзим билан жой кўрсатади). Қани, амир, марҳамат!

Маждиддин (ўтиради). Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. (Фотиҳа ўқийдилар.)

Қулмуҳаммад. Хуш келибсиз, амир.

Маждиддин. Хурсанд бўл, Қулмуҳаммад, бошингга бахт қуши қўнди.

Қулмуҳаммад (хавотирда). Иншоолло, айтканингиз келсин, амир.

Гули билан Қундуз ҳаяжон ичида қулоқ солади.

Маждиддин. Шаҳаншоҳ сени падар, қизингни малика қилмоқчи.

Гули. Оҳ... (Қундузнинг кўксига бошини қўяди.)

Қулмуҳаммад (зўр ҳаяжонда). Шаҳаншоҳнинг бизга бўлган илтифотлари учун миннатдормиз... Аммо.. аммо қиз унашилиб қўйилган...

Маждиддин. Алишерга, шундайми? Бу гапдан шаҳаншоҳнинг хабарлари бор.

Қулмуҳаммад. У ҳолда нечук бу жафо?

Маждиддин. Муҳаббат! Қизингга шаҳаншоҳда бўлган муҳаббат!

Қулмуҳаммад. Шаҳаншоҳ қизимни олгунча, бошимни олсалар, менга зўр шафқат қилган бўлур эдилар!

Гули ҳаяжонда қулоқ солади.

Маждиддин. Шаҳаншоҳнинг талабини рад қилсанг, бошинг кетиши турган гап. Сенинг бошинг кетса сенга жабр, аммо Алишернинг боши кетса...

Қулмуҳаммад. Сабаб?

Ма ж д и д д и н. Шоҳ қизингнинг васлига етиш йўлида нимаики кўндаланг келса, ўртадин шартга олиб ташлашга қатъий қарор берган. Ҳозир пайт нозик. Дарвиш Али қўзғолони муносабати билан, шаҳаншоҳнинг Навоийга қарши ғазаби кучайган. Шундай бир пайтда Навоийни кўндаланг қилиб, шоҳнинг талабини рад этишинг, ёниб турган ўтга ёғ қуйиш билан баравар бўлур. Шаҳаншоҳга баҳона топиб берасан, Навоий ҳалок бўлур. Қизингнинг ҳарамга бориши муқаррар. У ҳолда Навоийни ҳалок қилиб, сўнг бориши мақбулми ё ҳалок қилмасдан бориши мақбулми? Қизингнинг ақли бўлса улуғ шоир Навоийнинг ҳалокатига йўл қўймас. Сен, биз, қизинг майли ҳалок бўлайлик, аммо буюк Навоий ҳалок бўлмасун! Гап шунда!..

Қ у л м у ҳ а м м а д. Бошимизга оғир савдо солиб қўйдингиз, амир.

Ма ж д и д д и н. Ҳе... тақдир экан, Қулмуҳаммад, тақдир. Қандай қилайлик. Менга қолса шундай бўлсин дебманми? Ҳа... Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўр. (Сукунат.)

Қ у л м у ҳ а м м а д. Уйлашиб кўрамиз, амир.

Ма ж д и д д и н (қўзғалади). Ҳа, жавоби букун оқшомдин кеч қолмасин.

Қ у л м у ҳ а м м а д. Яхши, амир. (Чиқадилар).

Ешларини арта-арта қизлар ва йиғлаб она чиқади. Гули онасининг бағрига ташланади.

## Г у л и

Нечун туғдинг мени, бахти қарони?  
Балога мубтало, мотамсарони?  
Мурувват билмаган кунлар учунми?  
Жафокаш, бераҳм тунлар учунми?

## Х о с и я т

Онанг ўлсун болам, қандай қилай мен.  
Туғибменки сени, бахтинг тилаймен.

Қ у л м у ҳ а м м а д киради.

## Г у л и

Унут бахт сўзини, оғзингга олмай  
Хаёл у биз учун, қўй доғда қолмай

Фирибгар, бевафо бир қуш эрур бахт,  
Қўнар жойи анинг қон сачраган тахт.  
Хароб ўл, золим, эй, бахтингга лаънат!  
Зулум шоҳи, разил тахтингга лаънат!

### Қ у л м у ҳ а м м а д

Тилиннга берма эрк.

### Г у л и

Кессин тилимни!

### Х о с и я т

Қизим, кул қилмагил ожиз дилимни.

### Г у л и

Агар истар эса бошимни олсун.  
Танамни бурдалаб ўтларга солсун.  
Бу бирлан марҳамат қилгай менга шоҳ.  
Халос этгай мени кулфатдан... Эвоҳ,  
Тариқи зулм ила кийи бунча бўлгай,  
Жафо қилмоққа ойин бунча бўлгай.

### Қ у н д у з

Киши гар кўксини юз пора қилсун,  
Фалакнинг зулмига не чора қилсун!

### Қ у л м у ҳ а м м а д

Қизим, тақдир экан, тақдирга тан бер.  
Итоат қилмаган охирда ғам ер.

### Г у л и

Фалак... Тақдир... Қазо... Оҳ, қандайин ном,  
Заҳар-заққум қуйиб ич, деб тутар жом.  
Фалакнинг ҳар иши зулм ила найранг.  
Еруғ оламини у қилмиш менга танг.  
Саодат боғини зулм этди барбод.  
Фалакнинг жавридин, озоридин дод!..

## Қ у л м у ҳ а м м а д

Қизим, ундай эса йўқ, деб жавоб бер.

### Г у л и

Йўқ, асло! Бўлмасин қурбон Алишер!  
Қўйинг, эл булбули боз сайрасун оз!  
Қўйинг, юрт бахтини мадҳ айлаган соз —  
Вақтсиз синмасин. Шоҳона ижод —  
Тугалмай қолмасин... Мен қайда? Ҳайҳот...  
Мен — оддий бир киши, у — элга бошдур,  
Агар мен шаъм эсам, у бир қуёшдур.  
Анинг-чун, майлига, қурбон бўлай мен,  
Бало шамширига қалқон бўлай мен.

### Х о с и я т

Қизим, жоним болам, қўрқитма зинҳор.

### Г у л и

Нетай, шум толеим гар айласа хор.

Жимаик. Гули йирлайди. Сўнг секин.

Жавоб айтинг бориб, мен, майли рози...  
Мусаффо севгининг оҳ... синди сочи...

Қулмуҳаммад чиқа бошлайди.

Фақат шартим: бир ой ёндошмасин шоҳ!  
Бир ой муҳлат сўранг!.. Бахтим қаро... Оҳ!..

Қулмуҳаммад чиқа бошлайди.

### Х о с и я т

Онанг ўлсун болам, юргунча мундоғ,  
Сени гам қўйнида кўргунча мундоғ.

### Г у л и

Нетай гам аждари бахтим ютубдур.  
Қуёшимнинг юзин зулмат тутубдур.

Не бўлгай эрди чархи зулм пеша,  
Мени ундан жудо қилмай ҳамиша,  
Юрар чоғида йўлдош бўлсам эрди,  
Турар чоғида қўлдош бўлсам эрди.  
Фақат, ҳайҳот, қани ул севгили ёр?  
Балолар домига бўлдим гирифтор.  
Бу қандай ҳол эрур, ҳайҳот, ҳайҳот!  
Нетар жонимни олсанг, эй ажал, бот!

Парда.

## ОЛТИНЧИ КУРИНИШ

Навойнинг ҳовлиси. Мансур китоб мутолаасига машғул.

Мансур. Бир ўлимнинг азоби мени телба қила ёзди. Алишер, энди сен, бу ҳисобсиз азобларни қандай кўтара оласен? Миянг пўлатдин, асабларинг темирдин бўлса ҳам, бу оғир мусибатларга бардош беролмас. Мағрур Алишернинг сувдан чиқариб ташланган балиқдай жонсарақ, ини бузилган қушдай безовта бўлиши, қасос билан тўлган юрагимга тасалли беради.

Мабъус ҳолда Абулмалиҳ киради.

Абулмалиҳ. Кетканига бугун роса бир ой бўлди. Нега бунча хаяллади экан?

Мансур. Улуғ одамнинг иши ҳам улуғ, бирор муҳим иш чиқиб ушланиб қолгандур-да.

Абулмалиҳ. Охири бахайр бўлсун. Бу хаяллаш бежиз эмас.

Мансур. Ҳа, яна ёмон туш-муш кўрдингми?

Абулмалиҳ. Туш-мушку кўрганим йўғ-а... Аммо юрагимда аллақандай қўрқинчли шубҳалар бор.

Мансур. Чунки фикринг бузуқ, хаёлинг эгри. Шунинг учун ҳамма нарса сенга шубҳалик бўлиб кўринади.

Абулмалиҳ. Бўлмаса, нима учун бу воқеаларнинг ҳаммаси Алишер кетгандан сўнг юз берди?

Мансур. Тақдир, Абулмалиҳ, тақдир.

Абулмалиҳ. Э... Уша, тақдир... Тақдир! Бу тақдир эмас, хиёнат!

Мансур. Тилинг жуда узун, қулвачча, қисқартириб қўймасинлар, деб қўрқамен.

Абулмалиҳ. Ҳақ сўз учун тилимни кесадиган бўлсалар, кесаверсинлар, беквачча!

Мансур. Чакки қиласен, дўстим, кейин дунёга келганинга пушаймон бўласен.

Абулмалиҳ. Э, дунёга келганимга кўпдан пушаймонмен. Бу нима ахир, дунёми ё кушхонами?

Мансур. Ошингни пиширсанг-чи! Дунё тўғрисида қайғуришни сенга ким қўйибди? Дунё тўғрисида қайғурадиганлар бор.

Абулмалиҳ. Дунё тўғрисида қайғурадиганлар хўроз уриштириш, каптар учуриб ўйнаш, олтин қадаҳларда май ичиш билан овора.

Мансур. Борди-ю, сен шоҳ бўлиб қолсанг, нима қилар эдинг?

Абулмалиҳ. Муттаҳам бекларни қиличдан ўтказардим... Бемаъни урушларни тўхтатардим, юртни обод қилардим. Алишерга мадад берардим.

Мансур. Уҳў! Даҳмазанг катта-ю! Бироқ сенга ўхшаш таги пастлардан подшо чиқмайди-да.

Абулмалиҳ. Подшолик бошингда қолсин! Подшо бўлай деб, кўзим учиб тургани йўқ! Подшо бўлиб халқнинг уволига қолишга кимнинг тоқати бор экан? Гапнинг сирасини айтаман-да, аслзода.

Мансур. Хўп, бўлди, Абулмалиҳ пошшо, ётайлик, тун оғиб қолди.

Эшик тақиллайди.

Абулмалиҳ. Келди. (Эшикни очади.)

Соҳибдоро киради.

Соҳибдоро. Бугун ҳам келмадимми?

Абулмалиҳ. Йўқ, Мавлоно, шу чоққача ухламаб-сиз?

Соҳибдоро. Ташвиш зўр бўлса, уйқу қочади.

Абулмалиҳ. Бирор машъум ҳодиса юз бермас-микан?

Соҳибдоро. Бу кечаю кундузда ҳар бир машъум ҳодисанинг юз бериши мумкин. Бало бир келгандан сўнг, устма-уст кела беради.

Эшик тақиллайди.



Абулмалиҳ. Келди чоғи. (Эшикни очади.)

Жомий киради.

Жомий. Келмадими?

Соҳибдоро. Йўқ, тақсир.

Жомий. Е раббий! Соҳибдоро, ахир бундан ортиқ кутиш мумкин эмас. Тездан Алишер олдига жўнанг, уни воқеалардан огоҳ қилинг.

Соҳибдоро. Пирим, мени ўлимга йўлланг, борай, аммо бу оғир мусибатлар ҳақида хабар етказиб, Алишерга озор бериш вазифасини менга юкламанг.

Жомий. Биламан, азизим, бу вазифа ўлимдан ҳам оғир, аммо не чора? Бориб шоирни эҳтиёт қилиш керак, унга бирор шикаст етмасин.

Оғир жимлик. Жимлик Алишернинг хурсанд бир ҳолда кириб келиши билан бузилади. Унинг ёнида бошдан-оёқ қуролланган Турдибой.

Навой. Салом, дўстлар!

Жомий. Алишер!

Навой. Салом, устод!

Абулмалиҳ. Пирим!

Кўришадилар. Жомий ёшини артади. Фотиҳа ўқилади.

Навой. Азизлар, сизларни соғинтириб қўйганим учун узр сўраймен! Аммо айб менда эмас. Шаҳаншоҳ орқамдин мактуб қўндириб, Балхда узоқроқ туриб адолат ўрнатишимни, сўнгра мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига ҳам ўтиб келмоғимни илтимос қилган эдилар. Балхдин Машҳадга, ундин бўлак шаҳарларга ўтдим. Қишлоқларда бўлдим. О, қандай меҳнатсевар халқимиз бор! Фақат йўлларда кўзга ташланувчи қовжираган далалар, қақраган қишлоқлар кўнгилларни ғамгин қилади... Қишлоқ аҳлларига ариқлар чиқариб, халқни сувга маъмур қилмоқчи бўлганимизни айтдим. Кўзлари севинч ёшларига тўлди, ҳаққимга дуо қилдилар. Пирим, шу соф кўз ёшлар ҳурмати, ариқ қазиш ишларини кучайтираминиз. Ҳозир барча имконият мавжуд. Мамлакат тинчиди, шоҳни зулм йўлига бошламоқчи бўлган фитначи — ўргимчак янчилди. (Ҳамма жим.) Нечун жимси? Ташвишли кўринасиз?

Жомий (огир). Алишер, бахтга қарши, ҳали ўргимчак ҳаёт.

Навойй. Нечук? Маждиддин ҳаётми? Шоҳ кўз олдимда жаллодга буюрган эди-ку?

Жомий. Макр-ҳийла қаршисида шоҳлар ҳам бўйин ағади, Алишер.

Навойй (ҳаяжонда). Дарвиш Али қаерда?

Жомий. Зиндонда.

Навойй фожиани англай бошлайди. Унинг юзларини ғазаб ва ғам-гинлик қоплайди. Огир жимлик.

Навойй. Макр-ҳийла!.. Алдаш!.. Яшашнинг нақадар ярамас усуллари! Макр-ҳийла ожизларга қурол, олчоқларга қалқон, юзсизликнинг ниқоби! (Пауза.)

Ниҳоний игна санчар ёрлардин,  
Мунофиқ қалбаки дилдорлардин.  
Яширмай найза санчар ёвлар ортиқ!..  
Эмиш хўрлик, ҳақорат, ҳийла тортиқ —  
Садоқатлар билан қилган ишимга,  
Зарур деб, эзгу деб билган ишимга.

### Соҳибдоро

Ҳаёсиз билмагай ҳеч вақт вафони,  
Вафога алмашур шоҳлар жафони!..

### Навойй

Қўйинг, майли, алар билгунча қилсун!  
Зулум чақмоқлари, майли чақилсун,  
Евузлик денгизи, майли қутурсун,  
Ҳасад туйнуқлари қирғоққа урсун,  
Муқаррар оқибат бизнингча бўлғай!  
Адолат нурлари оламга тўлғай!

(Пауза.)

Халойиқ нафъидур ҳарнеки билдик,  
Халойиқ билса бас ҳарнеки қилдик.  
Қалай ишлар? Ариқ биткандур, албат?

Жимлик.

Нечун жимсиз? Нечун?

Жомий. Юз берди кулфат.  
Навойй. Не кулфат?  
Жомий. Тинчланинг.  
Навойй. Сўзланг!  
Жомий. Шаҳаншоҳ  
Ариқ қазимоқ ишин тўхтатди..  
Навойй. Эй воҳ!..

Жомий

Ариқ ковловчилар дуч келди зарбга,  
Сафарбар бўлдилар майдони ҳарбга.

Навойй

Оловга ташламиш шоҳ бизни алдаб.  
Нечун бу хилма-хил найранг? Қизиқ гап!

(Пауза.)

Жалолиддин қани? Қаерда?  
Жомий. Сўрманг.  
Навойй. Нечун?  
Жомий. Айтай, фақат озурда бўлманг.  
Навойй. Қани? Тез сўзлангиз!

Жомий

Қирқилди боши.  
Хунар осмонининг сўнди қуёши!  
Шаҳаншоҳ бирла Мажиддин баногоҳ  
Тўсатдан бошини олдириди..

Навойй

Эй! Воҳ!  
Бу — хўрлик! Бу — ситам! Бу — қонли ваҳшат!  
Бу — зулмат! Бу — жафо! Бу — зулм!  
Бу — даҳшат!

Гуноҳи не эди у тилла бошнинг?!  
Гуноҳи не эди порлоқ қуёшнинг?!

Жомий

Ғазаб тигин чиқарса подшоҳлар,  
Жиноятчи бўлурлар бегуноҳлар.

## Навой

Жавоҳир сақлаган денгиз эди у.  
Хунар, фан бобида тенгсиз эди у.  
У санъат юртининг шунқори эрди.  
У элнинг ифтихори, ори эрди.  
Эди қилмишлари пок, ҳам ўзи пок,  
Дили пок, ҳам тили пок, ҳам сўзи пок.

## Жомий

Кўнгил бўлса агар ҳар қанчаки пок,  
Бўлар у шунчалар кўпроқ аламнок.

## Навой

Ажал кўксини пора-пора қилмиш,  
Ачинмай бағрини садпора қилмиш.  
Етилгунча яна у сингари зот,  
Ва санъат бобида бўлгунча устод,  
Қуёш юз йилча нур сочмоғи лозим,  
Баҳор юз карра гул очмоғи лозим.

Ҳамма жим, бошини қуйи солиб, Навойини тинглайди. Жомий, Абулмалиҳ кўз ёшларини артади. Эшик тақиллайди. Мансур эшикни очади, рўмолга бурканган Қундуз киради. Ҳаммада саросималик... Навой ҳаяжон ва таажжубда.

Бу ким?

Қундуз. Қундуз...

## Навой

Неҳол бевақт юрибсен?

Гапиргил! Не сабабдин жим турибсен?

Қундуз. Гули хаста...

Навой. Нечук?

Қундуз. Йўқлайди сизни...

## Навой

Не кулфат қуршамииш бечора қизни?  
Қаерда? Уйдаими? Қай хилда аҳвол?

## Қ у н д у з

Ҳарамда, сўнгра...

## Н а в о и й

Ё раббий, бу не ҳол?!  
Тушумми ёки бу ўнгумми. Тангрим?!  
Бу машъум муждани ким шарҳ этар? Ким?

## Ж о м и й

Фалакнинг зарбига лозим чидашлик.

## Н а в о и й

Фалак солмиш менинг қалбимга ғашлик.  
Йиқил, золим фалак, чархи ситамкор!  
Балолар домига қилдинг гирифтор!  
Йиқил устимга, эй гардун, йиқил тез!  
Йиқил, бошимни янч! Гавдамни бос, эз!

Н а в о и й, орқасидан Қ у н д у з чиқиб кетади.

## Ж о м и й

Чиқинг тез! Қайтаринг! Мансур, югур, бор!  
Ҳарамга бормасун, йўл қўйма, зинҳор!

Парда.

## ТУРТИНЧИ ПАРДА

### ЕТТИНЧИ КУРИНИШ

Ҳарам. Сочлари паршон, озғин Гули тўшақда ётибди. Нозик кўллари билан Алишер берган девонни кўкрагига босган. Енида  
э н а га.

Гули

Ҳамон ёдимдадур: гул чоғи эрди,  
Кўришкан масканим гулбоғи эрди...  
Очилган ранг-баранг гуллар чаманда,  
Қуёшда барқ уриб айларди ханда...  
Сочилган инжудек баргларда шабнам.  
Упиб гул баргини ел ўйнаган дам...  
Очиб гул дафтарин булбул ўқурди,  
Муҳаббат ҳақида дoston тўқурди...  
Эсимда, бахтиёр, осуда кунлар.  
Муборакбод этиб бахтимни, гуллар —  
Табассум айлаган дамлар эсимда.  
Севинчдан кўздаги намлар эсимда...  
Эсимда, қутқариб ҳижрон, ўлимдин,  
Гапирган гаплари ушлаб қўлимдин:  
«Қилиб тўй, сўнг бўлурмиз бирга доим,  
Сени кўп кўрмасин менга худойим...»  
Фақат, ҳайҳот, мени кўп кўрди сенга,  
Ажал ўз заҳрини ичкизди менга...

Энага

Болам, тинчингни ол, безовта бўлма.  
Ҳадеб беҳудага ғамларга тўлма.  
Шукур қил тангрига, бир оз дурустсен.

Гули

Шукур... Ёрим учун қурбон бўлурмен...

## Э на га

Ҳали бир гунча сен, келгай баҳоринг.  
Очилгайсен, ҳали кулгай наҳоринг.

## Г у л и

Ажаб бир гунчамен, келмас баҳори...  
Очилмас ҳеч қачон, кулмас наҳори.

## Э на га

Нечун, жоним қизим?

## Г у л и

Оҳ...

## Э на га

Сўзла!

## Г у л и

Сўрманг.

Ҳақиқий гунчамен, дил гунчадек танг.  
Ҳақиқий гунчамен, дардим ниҳондур.  
Ҳақиқий гунчамен, бағримда қондур.  
Фақат фарқим шуким, гунча очилгай,  
Қуёшдин нур эмар, ҳам ханда қилгай,  
Мен очилмай туриб сўлдим умрбод.  
Мени унга худо кўп кўрди... Ҳайҳот!..  
Кўзимдин сочилур охирги ёшим.  
Қачон келгай экан порлоқ қуёшим?!

## Э на га

Сабр қил, жон болам, ҳозир келур.

## Г у л и

Оҳ...

Қуёшдин нур олиб кулган каби моҳ,  
Кулардим сўнгги бор у келса мен ҳам.

Э на га

Яқин қолди келур, албатта.

Г у л и

Қайдам...  
Кўролмай қолмасам...

Э на га

Қўй!

Г у л и

Балки келмас.

Э на га

Болам, не бўлди сенга? Йиғлама, бас, сабр қил.

Г у л и

Ранжигандур балки мendan...

Э на га

Нечун, жоним болам, ранжийди сендан?

Г у л и

Жаҳон гийбат ила бўҳтонга кондур.  
Қиличдин, найзадин бўҳтон ёмондур.

Э на га

Навоий ҳеч қачон бўҳтончиларга  
Қулоқ солган эмас, солмас уларга.

Г у л и

Эна, рост айтасиз! Рост, худди шундай!  
Келиб равшан қилур кулбамни кундай!

Ҳаяжонда Алишер киради.



## Навой

Кўзим чиқсун сени кўргунча мундоқ!  
Кесилсун тил сени сўргунча мундоқ!

## Гули

Алишер, номусим, орим ўзимда,  
Алишер, йўқ сира ёлгон сўзимда.

## Навой

Ишончим зўр, гулим, сен соф эрурсен.  
Баҳор осмонидай шаффоф эрурсен.  
Тубанлик чангидин холи фалаксен.  
Парисен, гул юзим, ҳурсен, малаксен.

## Гули

Дуруст, софмен... фақат... бахти қаромен.  
Саодатдин йироқ мотамсаромен.  
Тириклик битдию сақланди қисмат,  
Алишер, найлайн, шул бўлди қисмат!

## Навой

Гулим, англлат, бало қайдин ёпишди?  
На савдолар азиз бошингга тушди!

## Гули

Менинг дардимни қўй, қўзгатмагил... Оҳ!..  
Сен кўрдим шу бас, алҳамдулиллоҳ!..

## Навой

Тушунтир, қийнама! Англлат, бу неҳол?

## Гули

Саодат гунчасни зулм этди поймол.  
Фақат бир илтимос: кўркам чаманда,  
Очиб гул гунчалар этканда ханда,

Саҳарлаб, қилмайин одатни қанда,  
Кириб гулзор аро сайр айлаганда,  
Тилаб гуллар висолин мисли Фарҳод,  
Чаман булбуллари қилганда фарёд,  
Жуванмарг гунчани ҳам эсла, ёд эт,  
Унутма, доимо руҳимни шод эт...

### Навоий

Умидсиз бўлма ҳеч, ўйнаб кетарсен.  
Севинч гулзорида парвоз этарсен.

### Гули

Алишер, не учун хўрлик яралган?  
Нечун жабру ситам, зўрлик яралган?

Қўлида яланғочланган қилич, тунги кийим билан Хусайн кириб келади. Энага қичқириб юборади. Гули саросимада, Навоий ғазабли, жим.

Хусайн. Ҳайҳот, бу қандай шармандалик?!

Гули. Шоҳим, Алишерда гуноҳ йўқ! Уни мен чақиртирдим.

Хусайн (таажжубда). Бу қандай ҳол?!

Гули. Шоҳим сиз, Маждиддинни.

Навоий (ҳаяжонда). Маждиддин?!

Гули. Совчи қилиб юборганингизда, кўнишга мажбур бўлдим... Чунки у агар ҳарамингизга келишга рози бўлмасам, Алишернинг ҳалок этилишини айтди.

Хусайн. Алишерни ким ҳалок қилмоқчи экан?

Гули. Сиз.

Хусайн. Бўҳтон!

Гули. Қўлингиздаги яланғоч қиличингиз бўлмаса, сўзингизга балки ишонган бўлура эдим...

Хусайн (қилични ташлайди). Очiqроқ сўзланг!

Гули. Яна қандай нарса ёпиқ қолди?

Хусайн. Алишер билан қандай муносабатда эканингиз менинг учун қоронғу.

Гули. Вазилингиз шоҳнинг хабари бор деган эди-ку?

Хусайн. Нимадан?

Гули. Алишер билан менинг орамда бўлган муҳаббатдан.

Хусайн (ҳаяжонда). Муҳаббатдан?! Ё раббий, бу қандай ҳол!

Гули. Демак, сиз Алишернинг ҳалокатини..  
Хусайн. Ҳеч қачон истаган эмасман. Иблис Мажиддин!

Гули. Оҳ... Алданибмиз! Иблис ўз муддаосига етибди. Оҳ... Нақадар оғир.

Навой. Тинчлан, Гулим, янглишлар тузатилади.

Гули. Йўқ. Бу янглиш ҳаётимнинг сўнгги нуқтаси бўлди.

Навой. Хафа бўлма, Гулим, замон янглишлар билан тўла. Итнинг боши мис тобоқда, азизларнинг боши эса ерда депсалади. Ваъдалар унутилади. Ариқлар бузилади, гулистонлар чўл бўлади.

Хусайн ўзини айбдор ҳис қилади, нари кетади.

Гули. Алишер, азизим!.. Мен ўламен. Ҳозирга қадар ҳаммадан сир тутган дардимни энди айтмай иложим йўқ... Мен аста таъсир қилувчи заҳар ичган эдим.

Ҳаммада ҳаяжон.

Навой. Заҳар?!

Хусайн. Ё раббий, бу не ҳол!

Гули. Заҳар ўз ишини қилди. Адо бўлдим. Сўнгги тилагим сизни кўриб ўлиш эди. Тангри тилагимни қабул этди. Шоҳим, Алишерга озор берманг, у буюк одам!

Хусайн (боши қуйи солинган). Нечун аввалроқ билмадим! Янглишдим!

Навой. Раҳнамо иблис бўлгач, янглишиш табиийдир. Тушкан йўлингиз гоят мудҳиш йўл. Бу йўлдан борғувчининг қонлардан кечиб, каллаларни депсаб ўтмай илжи йўқ!

Хусайн (оғир). Етар, Алишер!.. Мен сиздан бунчалик таъналарни кутмаган эдим.

Навой. Мен сизни, мени Балхга юбориб, бунчалик «марҳамат»лар қиласиз, деб ўйламаган эдим.

Гули (безовта). Алишер, мени бу ердан олиб кетинг. Елғиз ўз қўлингизда жон берай.

Навой. Гулим, бизнинг кунларимизда адолатнинг дояси ҳақсизлик, мурувват ва шафқат гулзорининг боғбони зулм эмиш! (Пауза.)

Замон донога дор, жоҳил учун ёр,  
Ёмонга гул берар, яхшига деб хор.

Ёмонга бахт берур, яхшини бадбахт —  
Қилур, золим учун бахш айлағай тахт.

Навоий Гулини аста кўтарганича чиқиб кетади. Эзилган Ҳусайн бошини қуйи солиб, узоқ жим қолади. Сўнг бирдан газабга келади.

Ҳусайн. Ким бор! Ким бор!!  
Маждиддин (кириб). Шоҳим, хизмат?  
Ҳусайн (Маждиддинни бўғиб). Иблис, муттаҳам, нега айтмадинг?

Маждиддин. Нимани, шоҳим?  
Ҳусайн. Алишер билан Гули ўртасидаги муҳаббатни, аблаҳ!

Маждиддин. Е алҳазар! Бу гапларни биринчи маротаба эшитиб турибмен.

Ҳусайн (Маждиддинни итариб ташлаб). Иблис! Улуғ дўст Навоийни зўр душманга айлантирмоқчисен?

Маждиддин. Жалолиддиннинг ўлдирилиши, Дарвиш Алининг зиндонда ётиши, унинг устига мана бу сабил қизнинг можароси Алишернинг юрагига душманлик ва газаб оловини тўлдиради.

Ҳусайн. Хоинлар, мени Алишердан жудо қилмоқчисиз, менинг қанотимни қайирмоқчисиз.

Маждиддин. Миш-мишларга қараганда, шаҳзода Бадиуззамоннинг феъли биров айниган эмиш. Алишер сиз ўтирган тахтда ўғлингиз Бадиуззамон ёки набирангиз Мўминмирзони кўрмоқ орзусида юрган эмиш.

Ҳусайн. Бундай иғволарни эшитавериб қулоқларим кар бўлди!

Маждиддин. Бу иғво эмас, ҳақиқат. Агар салтанатимдан путур кетмасин десангиз, Алишердан воз кечинг, шаҳаншоҳ!

Ҳусайн. Сен иблисни деб, Алишердан воз кечайми?

Маждиддин. Мени деб эмас, бутун саройни деб, аслзодаларни, бекларни деб воз кечинг.

Ҳусайн. Алишер давлатимнинг таянчи, салтанатимнинг суянчи, ҳаётимнинг қувончи, ундан воз кечолмаймен.

Маждиддин. У ҳолда беклардин воз кечинг. (Шоҳ оғир ўйда.) Агар Алишердан воз кечмасангиз, бутун беклар, лашкарбошилар саройингизни тарк этиб, Са-

марқанд султонининг ҳузурига кетурлар. (*Шоҳ ўйда.*) Беклар, лашкарбошилар, «ота-боболаримизнинг урфи одатини қўмсаймиз, қиличларимизни занг босмоқда, юриш, жанг, ўлжа истаймиз; агар султон Ҳусайн бизни деса, йўлимизга гов бўлиб турган Алишердан воз кечсун, уни саройдин узоқлаштирсин», деб талаб қилмоқдалар.

Ҳусайн (*паузадан сўнг*). Яхши, мен Алишерни саройдан узоқлаштирамен... Аммо сиз ўйлаганча сургун қилиб эмас. Мен уни мамлакатнинг энг муҳим манзилларидан, сарҳадимнинг энг нозик мавзуъларидан бўлмиш Астробод вилоятига ҳоким қилиб юборурмен. Токи, нотинч Астрободда ҳам осойишталик ўрнатилсин, салтанатим яна ҳам мустаҳкамроқ, давлатим яна ҳам қудратлироқ бўлсун.

Маждиддин. Шоҳим, мёндан бекорга ранжийсиз, мен бақавли бир итингизмен, топкан-тутканимни тишлаб келиб, оёгингиз тагига ташлаймен.

Ҳусайн. Агар шу ҳунаринг бўлмаса, агар сени қўллаб-қўлтиқловчи аслзодалар, лашкарбошиларни андиша қилмасам, аллақачон бошингни олган бўлур эдим. Лекин андишанинг ҳам чегараси бор. Кўп ҳаддингдан ошаверма, тақдиринг менинг қўлимда!

Шоҳ оғир босиб чиқиб кетади. Маждиддин секин қарсак чалади.  
Мансур киради.

Маждиддин. Навойининг ҳарамга келганлиги ҳақида мени огоҳлантириб, зўр хизмат қилдинг. Шу билан сенинг бу ердаги хизматларинг тамом бўлди. Энди сен Алишер билан Астрободга жўнайсен. Неча хил тадбир билан султон Ҳусайнни Алишердан жудо қилолмадик. Зарарсиз! Ҳали бу йўлда кўрилгуси тадбирлар тугаган эмас. (*Бармоғидан олтин узук чиқариб Мансурга беради.*) Мана, бу тилла узукни ол!

Мансур суюниб олади.

Бурасанг, кўзи очилади. Ичига заҳар жойланган! (*Мансур даҳшатда.*) Марҳум отангинг арвоҳи мадаҳкор бўлсин!

Парда.

## САККИЗИНЧИ КУРИНИШ

Астробод саройидаги хоналардан бири. Кўклам фасли. Кечки пайт.  
Деразадан ойдинга чўмилган бор кўрниади. Тўғрида боққа, чапда  
қовлига, ўнгда бошқа хонага кирадиган эшик.  
Овғин ва ғамгин Навоий ёшишдан тўхтаб қулоқ солади. Кўшни  
боғдан қўшиқ айтган қизнинг овози келади.

Ун сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб чун сарв нозим ўн сакиз ёшиндадур.  
Деса бўлгайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор  
Ун сакиз ёшинда бунча фитнаким, бошиндадур.

Ичкари уйдан Абулмалиҳ чиқади ва у ҳам ашулага қулоқ  
солади.

То Навоий тўкди ул ой фурқатидин баҳри ашк,  
Ҳар қачон боқсанг қуёш акси анинг ёшиндадур.

### Абулмалиҳ

Бу ғамгин ўлкада йўқким бирор уй —  
Ки, сизнинг шеърингиз куйланмасин.

### Навоий

Куй!  
Ғазал!.. Оҳ!.. Қайтадан тирнар ярамни,  
Тагин эслатди у машъум ҳарамни...  
«Ғақат бир илтимос: кўркам чаманда,  
Очиб гул ғунчалар этканда ханда,  
Жувонмарг ғунчани ҳам эсла, ёд эт!  
Унутма, доимо руҳимни шод эт!..»

Навоий сўзлар экан, Абулмалиҳ чидаёлмай бир чеккага бориб йиғ-  
лайди, йиғисини Навоийдан яширишга ҳаракат қилади.

Унутмайман сени токим, тирикман,  
Сени жон ўрнида сақлар тирик тан.  
Ҳамон қалбимга сен илҳом солурсен,  
Менинг шеърим билан мангу қолурсен.  
Сенга беш бебаҳо ҳайкал қурурмен.  
Гаҳи Ширин, гаҳи Лайли бўлиб сен,  
Яшарсен доимо дostonларимда...  
Хазонсиз гул бўлиб бўstonларимда...

Мен эрсам, гам билан йиглаб кетармен.  
Сенинг ишқинг билан танҳо ўтармен...

Абулмалиҳнинг йиғиси кучаяди.

Яна кўз ёшими? Кўнглимни бузма!  
Бу ёш дарёсида беҳуда сузма!  
У дарё хавфлидур, гарқ айлагай бот.  
Учирмас дил ўтин кўз ёши, ҳайҳот!..

Абулмалиҳ. Пирим!..

Навойй. Ҳайҳот! Бирор осуда дам йўқ.  
Кўнгил йиглайдию, кўзларда нам йўқ.  
Эсиэ!.. Тақдир экан қайдин билибмиэ,  
Азизим, дуняга бевақт келибмиэ...

Навойй деразадан боққа қараб жим қолади.

Мана, фасли баҳор, кўркам чаманда  
Очиб гул гунчалар қилмоқда ханда.  
Гулимнинг қабрига эккан чечаклар —  
Очилгандур бу чоқ... Оҳим печаклар —  
Каби кўк тоқига чирмашмасунму?!

Абулмалиҳ. Пирим!

Навойй. Дўстим, менга сув бер, кетир сув!

Абулмалиҳ кетади. Навойй хонтахта устидан қоғоз олади, унда-  
ги «Занжирбанд шер» расмига тикилади.

Ажаб, занжирбанд шер, енгаман дер.

Абулмалиҳ чинни косада сув келтириб, Навоййга беради. На-  
войй сувнинг ярмини ичиб, қолганини хонтахта устига қўяди.

Абулмалиҳ. Мендаги қисмларини оққа кўчириб  
бўлдим. Яна тайёр қисмларни бўлса беринг.

Навойй (хонтахта устидан қоғоз олади). Қулоқ  
сол. Фарҳодни ҳийла билан банд этиб, Хусрав олдига  
келтирдилар. Хусрав савол айлади. Фарҳод жавоб берди.  
(Уқийди.)

Деди: қайдин сен, эй Мажнун гумроҳ!  
Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ?

Деди: недур сенга оламда пеша?  
Деди: ишқ ичра мажнунлик ҳамиша!  
Деди: қай чоқдин ўлдинг ишқ аро маст?  
Деди: руҳ эрмас эрди танга пайваст!  
Деди: ол ганжу, ишқинг қўй ниҳони!  
Деди: тупроққа бермам кимёни!  
Деди: ишқ ичра қатлинг ҳукм эткум!  
Деди: ишқида мақсудимга еткум!

Абулмалиҳ. Ҳеч ким ишқни бунчалик таъриф қила олмаган!

Навоий. Эро, ҳеч ким ишқ жабрини менчалик тортмаган. Бу — Фарҳод билан Хусравнинггина эмас, Фарҳодлар билан Хусравларнинг мунозарасидур. Ол, икки нухса кўчир, бирини шоҳга юборамен.

Абулмалиҳ. Ким билан юборасиз?

Навоий. Мансур билан.

Абулмалиҳ (севиниб). Худога минг қатла шукур! Пирим, мен сизга кўпдан бери айтмакчи эдим, Мансурнинг оёқ босишлари бежо, у...

Мансур киради.

Мансур. Бу ернинг ҳавосига сира тушуниб бўлмайди. Эрталаб совуқ эди. Кундузи ёмғир ёғди, ҳозир эса осмон чарақлаган, ойдин кеча.

Абулмалиҳ. Ҳа... Бу ерда бир кунда йилнинг тўрт фаслини бошдан кечириш мумкин (чиқиб кетади).

Навоий (хаёлчан). Ҳа... Астрободнинг бир куни бир йилга тенг! Биз ғариблар учун бу ерда умр ўтказиш мажбурий, сенга эса увол. Ҳиротга қайтиш ва тинч ижод билан шуғулланишга рухсат сўраб, шаҳаншоҳга бир неча бор мактуб юбордим. Аммо биттасига ҳам жавоб олганим йўқ. Агар мен сенга ўхшаш эркин қуш бўлсам, аллақачон гўзал Ҳиротга қараб учар эдим.

Мансур (қочиримлардан шошиб). Пирим... э... мен сизни ташлаб ҳеч қаёққа кетолмайман... э... мен сизни отам деганмен...

Навоий. Мен ҳам сенга оталик қилмоқчимен. Сени руҳий азоблардин қутқармоқчимен. Эрта тонг билан Ҳиротга қараб уч, шаҳаншоҳга янги ҳужжатлар ола борасен.

Мансур. Устоз, ҳазил қилманг, киши чўчир экан



Навойй. Ҳазилдан ҳам киши чўчийдими?

Мансур (сўзни бўлак ёққа бурмоқчи бўлиб). Пирим... э... бугун анча янги нарсалар ёзгандурсиз, ўқиб беринг. Янги нарсаларингизга муштоқмен.

Навойй. Янги нарсаларимга муштоқсен... Ҳа! Яхши эсимга солдинг. Бугун ажойиб бир нарса ёздим. (Қогозларнинг ичидан бир шеър олади.) Мана, эшит. (Ўқийди.)

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон —  
Чекма меҳнат, яхши бўлмас ҳеч касофат олами,  
Ким, кучук бирлан хўтукка қанча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмаслар асло одами!  
Қалай! Мақбулми?

Мансур (ўзини йўқотиб). Ҳа... Албатта... Жуда соз... Ёмон одамлар тўғрисида яхши айтибсиз.

Навойй. Дуруст, эътироф этасен. Ма, ол! Мендан сенга ёдгор бўлсун.

Мансур саросима билан шеърни олади. Шошади. Нима қилишини билмай, ҳадеб қўлидаги узукни айлантириб ўйнай бошлайди. Навойй унинг ҳаракатларини синчиқлаб кузатади.

Нечун безовтасен?

Мансур (ўзини баттар йўқотиб, ёлгон кулиш билан). Ҳеч... Безовта эмасмен...

Навойй. Кулишни унутаёзибсен. Илгари яхши ва самимий кулар эдинг. (Узукка кўзи тушиб.) О... узунг жуда чиройли. Қани менга бер-чи?

Мансур ўзини тамом йўқотади. У даҳшатда, узукни Навоййга берар экан, қўли қалтирайди.

Қўрқма! (Узукни олиб томоша қилади.)

Мансур зўр ҳаяжон билан Навоййнинг ҳаракатларини кузатади.

Ҳимматбаҳо узук. Катта хизматлар эвазига мукофот қилиб берса арзийдиган узук. Ма!

Мансур узукни олар экан, қалтирайди. Оғир нафас олади.

Қийин, сенга қийин! Вазифанг — оғир вазифа!

Мансур. Пирим... Мен ҳеч нарса онгламаётибмен.

Навойй. Мен қиладиган ишимни, ёзадиган шеъримни ҳеч кимдан яширмаймен. Асарларим офтобнинг нури сингари ўзи тарқалади. Ҳаммага, шу жумладан Ҳусайн Бойқарога ҳам, Маждиддинга ҳам бориб етади. Шундай эмасми, дўстим?

Мансур (эзилган овоз билан). Шубҳасиз...

Навойй. О... азоб қафасларидин бўшалган қушнинг кўкларга қанот қоқишдин бўлак муддаоси бўлурми? Тонг билан парвозга тайёрлан. Истеъдодингни бу ерларда хор қилма, йигит... Ғурбатда кун кечириб оғир... (Оғир қадам босиб боғ томонга кетади.)

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.

(Боққа чиқиб кетади.)

Мансур. Фаҳмлабди. Қаттиқ эди. Тўғри юзимга айтса, ўлдираман деса, бунчалик оғир бўлмас эди. Ҳиротга жўнатиши муқаррар. Аммо мен мушкул вазифамни бажармасдан Ҳиротга кетолмайман. (Шошиб келиб бармоғидан узукни чиқаради, ичидагини косадаги сувга солади.)

Бир даста қороз кўтариб, ичкаридан Абулмалиҳ чиқади.

Абулмалиҳ. Сувга нима солдинг?

Мансур. Ҳеч нарса!

Абулмалиҳ. Нега рангинг ўчди! (Сувга энгашади.) Заҳар солдинг шекилли, ит!

Мансур Абулмалиҳга пичоқ уради.

Ким бор! Пирим...

Мансур Абулмалиҳнинг оғзини босиб, судраб нариги уйга олиб чиқиб кетади. Бир оздан сўнг Навойй киради ва ўринга тез ўтириб ёза бошлайди.

Навойй. Абулмалиҳ!

Ичкаридан Мансур чиқади.

Мансур. Лаббай, пирим!

Навойй таажжуб билан унга қарайди.

Абулмалиҳ шеърингизни оққа кўчириш билан машғул.  
Хизмат?

Навоий (*ёзишда давом этиб*). Гулоб!  
Мансур (*косани узатиб*). Мана, пирим, гулоб.

Навоий

(*ўқийди*)

Деди: нўши лабининг топқай эл баҳр.  
Деди: ул нўшдин эл қисмидур заҳр.

Мансур. Ғоят гўзал! Мана гулоб!

Навоий кўзини шеърдан узмагани ҳолда косани олади. Мансур ҳаяжонда, Навоий сувни ичмоқчи бўлганда, Турдибой киради.

Турдибой. Пирим, Ҳиротдан чопар бор.  
Навоий. Чопар? (*Косани ерга қўяди.*) Қани?

Бир неча навакарлар билан Мўминмирзо кириб келади.

Мўмин. Салом, устоз!  
Навоий. Уғлим, Мўмин! Шаҳзодам! Марҳамат!  
Мўмин (*Навоийга тумор узатиб*). Бобомдан сизга нишони олийшон!

Навоий (*хатни очиб ўқийди. Ҳаяжонга тушади*). Яна исён! О, тангрим, энди жанжал навбати ота билан ўғилга келибди! Қандай мудҳиш, қандай ёмон тушқунлик!

Мўмин. Балх устида отам билан бобом ўртасида чиққан кўнгилсиз низо сизнинг зудлик билан бу ишга аралашишингизни тақозо қилади. Низони сизсиз бартароф қилиш мумкин эмаслигига барчанинг имони комил. Устод, отам билан бобомни яраштириб қўйинг!

Навоий ўйга толади. Жим.

Мавлоно Жомий салом дедилар ва бу сафар ҳам мамлакатни тинчитишни ўз зиммангизга олишингизни илтимос қилдилар. Бу улуғ можарони фақат Астрободдек нотинч бир вилоятда ҳам тинчлик ва осойишталик ўрната билган, соҳиби тадбир Навоийгина бартароф қила олур, дедилар.

Навойй. Улуғ устоз саломат бўлсунлар. Шаҳзода, бобонгиз билан отангизни яраштириш мумкин бўлуру, аммо, мамлакатни тинчитиш мумкин бўлмас.

Мўмин. Менинг бобомга раҳмим келади.

Навойй. Менинг халққа раҳмим келади. Шоҳ билан Шаҳзоданинг бемаъни жанжали халқ бошига яна огир ҳалокатлар келтиради.

Мўмин. Шунинг учун илтимосимни қабул этинг, устоз!

Навойй. Майли, шаҳзода, сизнингча ва устод Жомийча бўлсун. Мен эрта тонг билан отангиз ёнига жўнаймен, ундан Ҳиротга ўтамен.

Мўмин. Устоз, мени хурсанд қилдингиз, тангри сизга юз йил умр берсин!

Навойй. Азиз шаҳзода, дунёда юз йил яшамак — юз йил азоб чекмак эканини билсангиз эди, эҳтимол, менга юз йил умр тиламаган бўлуру эдингиз.

Мўмин. Азобларни енгиб, халқ учун, ижод учун яшанг! Санъат осмонида нур сочувчи улуғ юлдузга асло завоқ йўқ!

Навойй. Афсуски, у юлдузларни қуюқ зулмат ўраб олган.

Мўмин. Зулмат қанча қуюқ бўлса, юлдуз шунча равшан чарақлайди.

Навойй (*Мўминнинг жавобидан хурсанд*). Офарин!

Мўмин. Устоз, мен доим ёнингизда бўлишни истар эдим. Аммо вазият ҳозироқ Ҳиротга жўнаб кетишимни тақозо қилади. Мен сизни, хушхабар билан Ҳиротда кутамен. Менга рухсат.

Навойй. Оқ йўл, шаҳзода. (*Кузатади.*)

Мўмин кетади.

Мансур. Пирим, гулоб ичмоқчи эдингиз. (*Косани тутади.*)

Навойй. Ҳа... (*Косани олиб ичмоқчи бўлади.*)

Абулмалиҳ (*ичкаридан инграб*). Пирим, ичманг! Заҳар! Мансур заҳар солди!

Навойй. Ё раббий!

Турдибой (*ғазабли, қилични ғилофидан суғуради*). Йт эмган! Малъун! (*Мансурга ҳамла қилади.*)

Навой. Қизишманг! Табаррук қиличингизни бу ифлоснинг қони билан ҳаром қилманг! (Ичкарига кириб кетади. Бир оздан сўнг ҳаяжон билан қайтиб чиқади.) Турдибой, Абулмалиҳнинг ярасини боғланг!

Турдибой кириб кетади.

Мансур (Навойнинг оёғига ташланиб). Пирим, кечиринг, итлик қилдим!

Навой. Мен сенинг жосуслигингни билар эдим, аммо қотиллигингдан хабарсиз эдим. Нақадар разолат! Менинг ўлимим сенга нечук керак бўлди, қотил!

Мансур. Улуғ амир, афв қилинг, менда гуноҳ йўқ, менга буюриб эдилар.

Навой. Бас! Қуроллари қилич, дор, заҳар! Усуллари ҳийла-найранг!

Турдибой чиқади.

Турдибой. Рухсат этинг, устоз, бу ифлосни чопиб ўлдирай!

Навой. Шошилманг! Мен бу Ёсуманни ўз Хусравларига юбормоқчимен. Олиб чиқинг! Сафар жабдуғи ҳозирлансин!

Турдибой Мансурни олиб чиқиб кетади. Навой оғир ва-зиятда бориб қосани қўлига олади. Ичидаги сувга қарайди.

Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг,  
Зулум аждарлари озори жоннинг.  
Адолат деди халқ, янчилди боши.  
Деди, сув, ташналар, кўл бўлди ёши...  
Аниқ: тож гарчи ёқут, гарчи зардур —  
Халойиқ бошига биткан зарардур.

Парда.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

### ТУҒҚИЗИНЧИ КУРИНИШ

Ҳирот. Ҳусайн саройининг қабулхонаси. Ичкарида базм садолари эшитилмоқда. Маст амирлар, беклар, мулозимлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турадилар. Шайхулислом билан Мунажжим бир чеккада шахмат ўйини билан машғул.

Мунажжим. Кишт! Мот!

Шайхулислом. Э, ғалат! Ғалат!

Мунажжим. Мот! Мот, тақсир! Юлдузингиз яна наҳс буржига кирди. *(Кулиб ичкарига кириб кетади.)*

Ҳовлиқиб Маждиддин киради.

Шайхулислом. Алишер саройга қайтса, ғоят хунук бўлур, мавлоно.

Маждиддин. Хунук ҳам гапми, тақсир, даҳшат денг, даҳшат! У бизга ҳалокат олиб келади.

Шайхулислом. Бас, ҳалокатни даф қилмоқ зарур. Наҳотки, ҳеч қандай тадбир қолмади?

Маждиддин. Сўнгги тадбир қолди.

Шайхулислом. Хўш?

Маждиддин. Агар бу тадбир самара берса, Навоий умрбод сарой юзини кўрмагай.

Маст ҳолда Қутбиддин киради.

Қутбиддин. Мавлоно, қайда қолдингиз?

Маждиддин. Секин. Ўзингизни ҳушёр тутинг. Хизматингиз кўп. Шаҳаншоҳга кўпроқ қадаҳ сўнинг!

Қутбиддин. Шаҳаншоҳ қиёмда, сизни йўқлайдилар.

Маждиддин. Ҳозир, бора туринг!

Қутбиддин — чиқиб кетади.

Шайхулислом. Қандай тадбир?

Маждиддин. Мўминмирзо!..

Шайхулислом. Фаҳмадим! *(Ташқаридан овозлар.)*

Овозлар. Салом шаҳзода! Алишер саломатмилар?

Мўмин. Саломат. Келадиган бўлдилар.

Овоз. Илоҳи саломат бўлинг, шаҳзода!

Мўмин. Алишер отам билан бобомни яраштирадиган бўлдилар.

Овоз. Жуда соз!

Мўмин. Алишер, юртга бахт ва осойишталик олиб келади.

Овоз. Бали! Умрлари зиёда бўлсун!

Мўмин киради.

Мўмин. Бобом қанилар? *(Музыка товушига қулоқ солиб, хафа бўлади.)* Яна базм, яна май, яна кайфу сафо!..

Мажиддин. Бу кайфу сафо эмас, шодиёна... Шаҳаншоҳ шаҳзоданинг хушхабар келтиришларига ишонган эдилар.

Мўмин. Сиз бобомни майпараст қилиб қўйдингиз, саройни эса майхонага айлантирддингиз, мавлоно!

Мажиддин. Шоир Навоийнинг хизматлари бекорга кетмабдур, кинояларга моҳир бўлиб қайтибсиз, шаҳзода!

Гоят маст, қўлтигидан мулозимлар суягани ҳолда шоҳ чиқади.  
Енида қадаҳ кўтарган Қутбиддин.

Хусайн. Мўмин! Жигаргўшам, саломат келдингми? Алишер қани? Қани менинг дўстим? Қандай хабар келтирдинг? Сўзла!

Мўмин *(қийналиб)*. Шаҳаншоҳ, ҳозир барибир фаҳмамайсиз. Аввал ҳушёр бўлинг, сўнгра сўзлай. *(Кетмоқчи бўлади.)*

Хусайн. Таъна қилма, шаҳзодам.

Мўмин. Мени Алишер олдига жўнатар экансиз, бундан сўнг ичмасликка ваъда берган эдингиз-ку?

Хусайн. Бу энг сўнггиси. Хафа бўлма. Бундан сўнг сира ичмайман.

Мўмин хафа ҳолда кетади.

Мўмин! Шаҳзодам! *(Мажиддинга.)* Сўзла, шаҳзода не хабар келтирди?

Маждиддин. Не хабар келтирганликларини шаҳзоданинг жавобларидан фаҳламадингизми?

Ҳусайн. У менинг майпарастлигимдан хафа.

Маждиддин. У сизни ёмон кўради. Сиз Астро-бодга элчи қилиб юборган шаҳзода сизга душман бўлиб қайтди.

Ҳусайн (чўчиб). Нима? Нималар дединг?!

Маждиддин. Алишер Бадиуззамон томонга ўтмиш.

Ҳусайн. Бу қандай ҳол? Бу не ҳодиса?

Шайхулислом. Демак, тахтингиз хавф остида, шоҳим.

Ҳусайн. Май! (*Қутбиддин май қуяди, шоҳ устма-уст укки қадаҳ ичади.*) Чора топиш керак! Чора! Чора!

Маждиддин. Шаҳзода Бадиуззамонни тахт ҳавасидин воз кечишга мажбур этмак лозим.

Ҳусайн. Қандай қилиб? Сўзла!

Маждиддин. Шаҳзода Бадиуззамон ўз фарзанди Мўминмирзони гоят севади. Бас, Мўминмирзони ўртага солиб, шаҳзода Бадиуззамонга нома юборинг. Номада, агар шаҳзода жанг ҳаракатлариини тўхтатмаса, Мўминмирзонинг ҳалок этилишини уқтиринг.

Ҳусайн (чўчиб). Нима? Энди мени набирамдан жудо қилмоқчимисиз?!

Маждиддин. Мутлақо! Бу бир сиёсат!

Шайхулислом. Ва энг тўғри сиёсат!

Маждиддин. Ўз севгили фарзандининг ҳаёти хавф остида қолганини билган Бадиуззамон Ҳиротга қарши юришни дарҳол тўхтатишга ва сиз билан сулҳ қилишга мажбур бўлгай.

Шайхулислом. Шаксиз.

Қутбиддин шоҳга май узатади.

Маждиддин. Мана, нома ҳам тайёр. (*Шоҳга қоғоз узатади.*) Фақат муҳрингизни боссангиз бас. Шошилиш керак, шоҳим, фурсат оз. Шаҳзоданинг қўшинлари пойтахтга яқинлашиб қолди.

Ҳусайн (*қоғозни олиб ўқимоқчи бўлади*). Нима ёзилган ўқиёлмайман, ўқи!

Маждиддин (*қоғозни олиб, чўнтагига солади. Қўйнидан бошқа бир қоғоз чиқаради*). Мазмунини айтдим-ку, шаҳаншоҳ. Таҳририни эса севиқли малкамиз



Ҳадича бегим қилганлар. Муҳрингизни босинг! Номани зуд юбормоқ даркор. (*Шоҳ ёнидан муҳрини чиқариб, қоғозга босади. Мажиддин Қутбиддинга шоҳни олиб кет деган, мазмунда имо қилади.*)

Қутбиддин. Шоҳим, меҳмонларингиз мунтазир бўлиб қолди.

Ҳусайн. Мактуб зуд юборилсин! (*Қутбиддинга суяниб ичкарига кириб кетади.*)

Шайхулислом (*Мажиддинга қўл чўзиб.*) Қани!

Мажиддин унга қоғозни беради. Шайхулислом қоғозга кўз ташлаб.

Мавлоно, бу нома эмас, фармон-ку!

Мажиддин. Мазмуни ҳам бўлак.

Шайхулислом (*ўқиб, даҳшатга тушади*). Е рабий! Мавлоно, бу даҳшат-ку! Бу разолат-ку!

Мажиддин (*Шайхулисломнинг қўлидан фармонни юлиб олади*). Тақсир, ўзингизни масъулиятдан холи тутаман десангиз, тилингизга эҳтиёт бўлинг! Сиз, фармонни ўқиганингиз ҳам, кўрганингиз ҳам йўқ. Мен бу фармонни зудлик билан ижро этмагим зарур! (*Кетади.*)

Шайхулислом бошини қуйи солганича қолади.

Парда.

## УНИНЧИ КҶРИНИШ

Тўққизинчи кўринишдаги сахнанинг ўзи. Аммо ҳамма нарса мотам кўринишида. Ичкарига кириб-чиқиб турган даст амирлар, мулозимлар, икки томонда саф тартиб турган қуроли соқчилар — ҳаммаси мотам либосида. Ичкаридан базм ва музика садолари эшитилади. Бу зулматхонага оқ кийим ва оқ саллали Навоий кириб келади. Енида Турдибой. Ҳамма таъзим қилади.

Навоий. Яна базм, яна айшу ишрат!.. Саройдин шароб ва қон ҳиди келади. Бу қандай тўю тантана?

Соқчи. Тўй эмас, аза.

Навоий (*мотам либосларига назар солиб*). Дарвоқе аза...

Соқчи. Сиз Ҳиротдан кетганингиздан бери юртимизнинг боши азадин чиқмай қолди.

Навоий. Таажжуб, янгича аза, янгича базм. Кўзларида ёш, лабларида кулку. Эгниларида қора ли-

бос, қўлларида қизил шароб! Тушкунликнинг мужассам тимсоли!

Ичкаридан маст ҳолда Қутбиддин чиқади. Алишерни кўриб, ўзини тутишга тиришади, хушомад қилади.

Қутбиддин. О, Алишер! Хуш келибсиз, ичкарига марҳамат!

Алишер ундан нафратланиб, тескари қарайди. Қутбиддин ичкарига кириб кетади. Хондамир киради.

Хондамир. Алишер! Устоз!

Навойй. Хондамир, азизим! (Қучоқлашиб кўришадилар.) Дўстлар саломатмилар?

Хондамир (маъюс). Дўстлар зада бўлган қушлар сингари ҳар тарафга путраб кетдилар.

Навойй (ғамгин). Бу — куздан нишона!

Хондамир. Бири ўлдирилди, бири сурилди, бири қочди, бири қувилди. Букунги Ҳирот (саройни кўрсатиб) мана!

Навойй. Ғам устига ғам!.. Аза устига аза!.. Дарвоқе, бу кимнинг азаси?

Базмхонадан мотам либосида Ҳусайн чиқади. Орқасидан Шайхулислом, Мунажжим, Қутбиддин ва бошқа беклар, мулозимлар, сарой аҳллари чиқади.

Ҳусайн (қучоқ очиб). Алишер! Дўстим! Марҳабол! (Алишер билан қучоқлашиб кўришади.) Сизни кута бериб кўзларим тешилди. Давлатимизнинг таянчи, гариб мухлисингизга не хабар келтирдингиз?

Навойй. Шодиёна хабар. Мен шаҳзода Бадиуззамонга урушнинг фалокатини, осойишталик ва адолатнинг маъносини англатдим. Зийрак фарзандингиз шул куни хутбага номингизни қўшиб ўқутдирди. Бинобарин, ихтилоф тугади. Аммо мен хушxabар келтирганимда, шаҳаншоҳ саройининг мотамига ва бу мотам аро базмига боис нима?

Ҳусайн (йиғлаб). Азиз дўстим, мен бугун шодлигимдан эмас, аламимдан ичамен! Биз севикли фарзандимиз Мўминмирзодан ажралдик.

Навойй (ҳаяжонда). Нечук?!

Ҳусайн жавоб беролмай йиғлайди.

Хондамир. Мўминмирзо ўлдирилди.

Навойй. Ё раббий! Нечук? Ким ўлдирди?!

Хусайн. Мен ўлдирдим! Ўз қўлим билан ўлдирдим, Алишер. Мен тасбиҳ деб қўйнимга солиб юрган нарса, илон бўлиб чиқди. Иблис Маждиддин Мўминмирзони ўлдириш ҳақида фармон ёзиб, менга мастлигимда қўл қўйдириб олибди. Кеча тонгда у мени ҳам набирамдин, ҳам ўғлимдин жудо қилди. Энди Бадиуззамон менга фарзанд эмас, хундор душман!

Навойй. Ё раббий! Бу ҳодисалардин илгарироқ мени кар ва кўр қилиб қўйсанг бўлмасмиди! Қотил қани?

Хусайн. Ўлдирдим. Дўстим, сизнинг азиз жонингизга қасд қилган хоин Мансурни ҳам ўлдирдим... Алишер, ёвузлар жазоланди. Бир вақтлар сизнинг оёқларингиз безаган тахт покланди. Сиз яна ўз жойингизни эгалланг. (*Мулозимларга.*) Вазирлик либосини келтиринг! (*Муншига.*) Фармони олийшон ўқулсун!

Мулозимлар вазирлик либосини келтирадилар. Мунши фармон ўқишга тайёрланади.

Навойй (*рад этиб*). Икки ярамасни ўлдириш билан саройни зулмдин, ёвузликдин поклаш мумкин эмас!

Хусайн. Алишер, эски гиналарни унутинг. Гулига бўлган муҳаббатингиз туфайли қадимий дўстлик ипларини узманг.

Навойй. Гулига бўлган муҳаббатим халқимга бўлган муҳаббатимнинг фақат бир учқунидир... Сиз халқ бошига не кулфатлар солмадингиз? Сиз Маждиддинларнинг сўзига кириб, мамлакатда адолат эмас, зулмни кучайтирдингиз. Давлатимизни ҳалокат соҳилига келтирдингиз... Мавлоно Хондамир, бизнинг дарду қайғуларимизни неча асрлар кейинги наслларга элтувчи табаррук саҳифаларга рақам қилингим, Мўминмирзонинг ўлими Темурийлар хонадонининг инқирозидин нишонадур. Ўз қўли билан ўз набирасини ўлдирган, кеча-кундуз кайфу сафодин бош кўтармаган, тўйда ҳам, азада ҳам тўхтовсиз ичадиган Хусайн Бойқаро энди салтанатимизни ҳалокатдин сақлаб қолишга қодир эмас!

Хусайн. Дўстим, сиз яна кайфу сафони тилга олдингиз. Сиз дунё лаззатларидан воз кечиб нима орттирдингиз?

Навойй. Икки буюк дарё бўйидаги халқимни як-

қалам қилдим. Тилимизни тақдир ва ҳақорат ботқоғидан шеърят осмонига кўтардим. Мен умримга ачинмайман. Аммо сизга сарф қилган меҳнатларимнинг зое кетганига ачинамен, Мен янглишибмен. Мен писта пўчоғидан кема қилмоқчи бўлубмен. Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен мамлакатда зулм оловларини сўндириб, адолат машъалини ёқмоқчи бўлдим, аммо зулм мендан зўрлик қилди. Мен салтанатимизни мустаҳкамламоқчи бўлдим, аммо ҳаракатларим елга кетди.

Х у с а й н. Дўстим, ёшлигимизни замон олиб кетди. Саройга қайтинг, фоний дунёнинг орзу-ҳавасларидин воз кечиб, қолган умримизни хилватда ва фароғатда ўтказайлик. Тахт бебақо, дунё бевафо.

Н а в о и й. Ноумид — шайтон. Мен ҳали умидларимдан воз кечганим йўқ. Биз етолмаган умидларга келажак насларнинг етмоғи мумкин. Қачонлардур адолат офтоби барқ уриб чиқмоғи керак. Дунёда бахт ва ҳаққоният тантана қилмоғи лозим. Одамлар орасида низо йўқолмоғи даркор. Аммо қачон? Бу савол ҳамон жавобсиз қолди. Лекин инсоният бу жумбоқни ахир ҳал қилур. Чунки унинг қўлида ҳақиқат ва адолат йўлини ёритувчи тафаккур машъали бор. Шунда кишилар мени ўзларининг буюк ҳамкорликларига чақирурлар ва мен асрлар оша ўз шеърларим билан «лаббай» деб, жавоб берурмен!.. Мен кетдим!

Х у с а й н. Қаёққа?

Н а в о и й. Ижодимга. Халқимга! (Кета бошлайди.)

Х у с а й н. Алишер, қайтинг! Ҳузуримда қолинг!

Н а в о и й. Хатоларни кўпайтириш, гуноҳларни орттириш учунми? Хайр, шаҳаншоҳ!

Йўлида давом этади. Ҳамма бош эгиб, турган жойида қотиб қолади. Ташқаридан Навоийни олқишлаган халқнинг овози эшитилади.

Х а л қ (ташқаридан). Улуғ Навоийга шарафлар бўлсин! Шоир Навоийнинг умри боқий бўлсин!

Парда.

# **ИМОН**

*Икки қисмли драма*

Олим Хўжаевга бағишлайман.

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Йўлдош Комилов. Химия фанлари доктори, профессор.  
59 ёшда.

Рисолат. Унинг қайнаси. 75 ёшда.

Ойша. Комиловнинг катта қизи. Медицина фанлари кандидати. Илмий-текшириш институтининг директори, 34 ёшда.

Карим Собиров. Ойшанинг эри, журналист. 40 ёшда.

Ориф. Комиловнинг ўғли. Химик-фармацевт, фан кандидати.  
Ойша директор бўлган институтда илмий ходим. 32 ёшда.

Азиза. Орифнинг хотини. Врач, 29 ёшда.

Озода. Комиловнинг кичик қизи. Педагогика институтининг охириги курс студенти. 22 ёшда.

Сидиқжон Нуриев. Қишлоқ хўжалиги институтининг илмий ходими, агрохимик. Фан кандидати. 29 ёшда.

Наим Саижаров. Ойша директорлик қилаётган институтнинг илмий ходими. Комиловнинг мактабдош дўсти. 58 ёшда, аммо ёшроқ кўринади.

Воқеа бизнинг кунларимизда Тошкент атрофида, Комиловларнинг боғида, бир кунда ўтади.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

Комиловларнинг шаҳардан ташқаридаги боғи. Ҳам меҳмонхона, ҳам овқатхона вазифасини бажарувчи бўлма.

Тўрда иккинчи қаватга, профессор Йўлдош Комиловнинг кабинетига чиқадиган эгина. Унг ва чапдаги икки хоналарга ва ташқарига чиқадиган уч эшик. Меҳмонхона шинам дид билан жиҳозланган. Фақат шифтдаги катта, жуда ҳашаматли қандил бу ерга бегоналигини яққол билдириб турибди. Рўпарада ўртача ҳажмдаги икки портрет. Буларнинг бири Комиловнинг марҳума хотини Сожида (45—50 ёшларда), иккинчиси — 19 ёшларда оддий солдат кийимидаги йигит — Комиловнинг фронтда ҳалок бўлган ўғли Алишер.

Тонг пайти.

Ташқаридан Рисолат киради. Чироқни ёқади. Хона қандилнинг мўл нурига тўлади. Рисолат сервантдан ошхонага керакли бир нарсани олади-да, чироқни ўчиришни унутиб, чиқиб кетади. Тонг ёриша боради. Болохонадан уй кийими — халатда Озода чиқади. Қандилга кўзи тушади ва «вой, бувим тушгур, чироқни ўчиришни унутибди» дейди, чироқни ўчиради. Деразаларнинг пардасини кўтаради. Хона энди чарақлаган қуёшнинг оппоқ нурига тўлади. Ташқарида — баҳор. Озода тонг гўзаллигига мафтун бўлиб, дераза олдида ташқарига тикилиб қолади, завқ билан чуқур нафас олади.

Озода (*хаёлчанлик билан секин*). Салом, э қуёш!  
Салом э янги кун! Истайманки, сен ҳам шунча кунларим-  
дек ёруғ ва саодатбахш бўл!

Ташқаридан Азиза киради. У ҳам халат кийган. Уйчан ва ғамгин.  
Озоданинг бу ерда эканига эътибор қилмайди.

Озода (*Азизанинг пайдо бўлганига ажабланиб, аммо ҳамон ўз ҳислари асоратида*). Салом, келиной!  
Азиза. Салом, Озода!  
www.ozodahon.kutubxonasi

О з о д а. Қаранг, табиат қандай чиройли!

А з и з а (аввалги ғамгин кайфиятда, аммо табиатнинг ўзгаллигига қойил бўлмасдан иложсиз). Ҳа, ўзига маҳлиё қилади!..

О з о д а. Ҳозиргина мен кўнглимда ҳар бир кунимизнинг мана шундай ёруғ бўлишини тиладим.

А з и з а. Яхши тилак! Эзгу умид!

О з о д а. Осмоннинг тиниқлигини қаранг-а!

А з и з а (ташқарига тикилиб, афсус билан). Узоқдан қора булут кўтарилиб келяпти.

О з о д а (Азиза қараган томонга қараб, хотиржам). Уткинчи булут.

А з и з а (сўзларига ўзича бир маъно бериб). Уткинчи булут ҳам баъзан шундай иш кўрсатадики!..

О з о д а (Азизанинг маънос кайфиятини энди пайқаб, ажабланиб). Келинойи, бугун жуда эрта турибсиз? Дам олиш кунлари тўйиброқ ухлаб олиш одатингиз бор эди...

А з и з а. Сиз ҳам тонг отмасдан турдингиз? Мен ташқарига чиққанимда деразангизда чироқ кўрдим.

О з о д а. Ҳа, мен бугун ухлаганим йўқ, десам ҳам бўлади.

А з и з а. Қиз бола тунлари кўпинча бедор бўлади. Бу сафар оромингизни нима бузди?

О з о д а. Дадамнинг бугун кетиши... Узимнинг давлат имтиҳонларидан сўнг районга ишга жўнашим... (Уялиб жим қолгач.) Иннайкейин... Сидиқжон масаласи... Бошим қотиб, ярим кечагача ухлаёлмадим. Кейин жиндек кўзим илинди-ю, яна уйғониб кетдим. Қайтиб кўзимни юмолмадим. Туриб кундалик дафтар ёзишга ўтирдим.

А з и з а (ҳавас билан). Бир вақтлар мен ҳам кундалик ёзар эдим.

О з о д а. Ҳозир ёзмайсизми? (Азиза бош чайқайди.) Нега?

А з и з а. Энди мен ҳар куни неча-неча кишининг касаллик тарихини ёзаман. Касалхонадан уйга шунчалик чарчаб қайтаманки, яна қўлга қалам олиб, ўз тарихимни ёзишга мадорим қолмайди.

О з о д а. Ишингиз шунчалик оғир экан, ташлаб, уйда тинчгина ўтирсангиз яхши эмасми? Акам сизнинг ойлигингизга муҳтож бўлмаса.

А з и з а. Ҳа, бу уйда ҳеч ким менинг ойлигимга муҳтож эмас. Аммо бу уйдан ташқарида менга, менинг ҳунаримга муҳтожлар кўп. Мен йани, агар бир кун одамларга



керак бўлмай қолсам, одамликдан чиқиб қолганга ўхшайман.

Озода. Гапингиз қизиқ: гўё сиз бу уйда ҳеч кимга керак эмасдек. Сиз ҳаммамизга кераксиз. Айниқса акам сизни жуда севади.

Азиза. Шу гап ростмикин?

Озода. Бўлмасам-чи! (*Азиза афсус билан бош чайқайди ва алам билан юзини ўгиради.*) Вой ўлай! Рангингиз бир хил? Тобингиз йўқми? Нега кўэларингизда ёш? (*Азиза жим.*) Нима гап?

Азиза. Айтолмайман.

Озода. Менга-я?

Азиза (*яна ҳам қаттиқроқ алам билан*). Ҳатто сизга ҳам айтолмайман.

Озода. Нечук?

Азиза. Чунки бугунги кундан кутган эзгу умидларингизни чилпарчин қилгим йўқ.

Уз хонасига киради. Остонада у ёқдан елкасида сочинқ билан чиқиб келаётган Орифга дуч келади. Ундан юзини ўгириб, саломига сушт жавоб бериб ўтиб кетади.

Озода. Салом, ака.

Ориф. Салом. (*Мулойимлик билан кулиб.*) Сингилжон, келинойингнинг қовоғидан қор ёғиб қолибди. Нима бало?

Озода. Билмадим.

Ориф. Сенга ҳеч нарса демадимми?

Озода. Йўқ.

Ориф (*енгил тортиб*). Ҳа, яна очилиб, сочилиб кетарлар.

Чиқади. Рисолат киради.

Рисолат. Ҳой, Озода, чиқиб менга қарашворсанг бўлмайдами? Битта ўзим шошиб қоляпман.

Озода. Ўзим ҳам ҳозир олдингизга чиқай деб туриб эдим.

Рисолат (*сервантдан бир нарса олиб беради*). Ҳа-демай опанг билан поччанг ҳам келиб қолишади. Ма, ушла. Тандирга қарашворсанг бўлди.

Озода. Хўп. (*Кетаётиб, қайтади.*) Бувижон, келинойим нега хафа?

Рисолат (атайин билмасликка солиб). Билмадим.  
Нечундир настраги бузуқ.

Озода (ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб). Келин-  
ойимнинг настроениясини ким бузди экан?.. Кеча кечқу-  
рун овқат маҳалида ҳам эрига тумтайиб ўтирган эди...  
Кейинги вақтда акам билан келинойимнинг ўртасига ала-  
лақандай совуқлик тушди. (Ғазабланиб.) Буни дадам сез-  
майди шекилли!

Рисолат. Дадангнинг иши кўп, ўз ташвиши боши-  
дан ошиб ётибди, болам.

Ориф қайтади. Гап бўлиниб қолиб, Озода чиқади. Рисолат  
ичкарига кириб кетаётган Орифни тўхтатади.

Рисолат. Тўхта, болам, жиндек гапим бор, ўтир.

Ориф (сезиларли ҳаяжонда). Хўш, бувижон?

Рисолат. «Эру хотин орасига эси кетган тушади»  
дейдилар. Аммо лекин...

Ориф (жиддийлашиб, кампирнинг сўзини бўлади).  
Ҳа, келинингиз арз қипти-да сизга. Бирор нарса дедими?

Рисолат. Йўқ, ўзим кўриб турибманки, Азизахон-  
ни хафа қилиб қўйибсан. Орангизга совуқлик тушибди.  
Даданг билса хафа бўлмайдими?

Ориф (Рисолатнинг елкасидан қучоқлаб). Оббо бу-  
вижон-э, яна ваҳимачилигингиз тутибди шекилли. Ҳеч  
нарса бўлгани йўқ.

Рисолат (севиниб). Ҳеч гап йўқ дегин.

Ориф. Майда-чуйда гап. Ярашиб кетамиз.

Иккаласи эшикка йўналади.

Рисолат. Хайрият. Азизахонни ҳар нарсага хафа  
қилаверма, болам. (Бирданига йиғлаб.) Келиним бечора  
ўзи яхши бола. Ҳа, яхши бола!

Ориф (кампирнинг елкасидан қучоқлаб). Э, нега  
мен Азизахонни хафа қилар эканман? Бошимга кўтариб  
юраман!

Рисолат (йиғлашда давом этиб). Илоҳим умрла-  
ринг узун бўлсин. Қўшақаринглар. (Чиқади. Ориф ёлғиз  
йўланиб қолади.)

Санжаров пайдо бўлади.

Ориф (қўрқиб). Наимжон Санжарович?!  
Санжаров (шошиб). Салом!

Ориф (шошиб). Салом! Қаллайи саҳарлаб бу ерда нима қилиб юрибсиз?

Санжаров (жуда жиддий). Сира кутилмаган воқеа. Бугунги газетани кўрдингизми?

Ориф. Йўқ. Биласиз-ку, боғимизга газета кечикиб келади.

Санжаров (газетани беради). Мана, ўқинг. Мана бу жойини ўқинг.

Ориф Санжаров кўрсатган жойини ҳаяжон билан кўздан кечиради.  
Хуноб бўлиб «ух» тортади.

Ориф. Бало устига бало!

Санжаров (ваҳимада). Энди нима қилдик?

Ориф (зўрға ўзини босиб). Барибир ҳеч нарса қилишолмайди. Сиз маҳкам бўлсангиз нима қилиша оларди? Ўзингиз маҳкаммисиз ишқилиб?

Санжаров. Хотиржам бўлинг. Лекин бизни ҳам бир жиҳатдан хотиржам қилиб қўйсангиз, деб келувдим.

Ориф. Қайси жиҳатдан?

Санжаров. Ишим, хизмат жойим жиҳатидан.

Ориф. Тушундим. Бу мақоладан кейин сизнинг институтда ишда қолишингиз амри маҳол.

Санжаров. Шундоғ.

Ориф. Бўйингизга конкрет айб қўйишолмаса ҳам, бир баҳона билан ишдан бўшатишга ҳаракат қилишади.

Санжаров. Албатта.

Ориф. Майли. Мен опам билан гаплашай.

Санжаров. Директор опамиз, ўзингиз биласиз, бизни унча ёқтирмайдилар. Дадангиз билан гаплашинг. Дадангиз директор опамизга тайинласалар...

Ориф. Яхши... Агар хотиним олдингизга бориб, бирор гап суриштирадиган бўлса, сиз ҳам...

Санжаров (Орифнинг гапини бўлиб). Хотиржам бўлинг. «Кемага тушганнинг жони бир».

Ориф. Гапни чўзманг, тезроқ жўнанг.

Санжаров (кетаётиб). Кеча дадангиз Москвага кетяпман, деган эдилар.

Ориф. Ҳа, бугун кетади. Дадам билан бугуноқ гаплашаман. Опам ҳам бугун бу ерга келадиган.

Санжаров. Жуда соз бўлибди-да.

Ориф. Хотиржам бўлинг. Хайр. Бу томондан ўтинг. Биров кўрмасин.

Санжаров кетади. Ориф ўйланиб туриб қолади. Азиза чиқади. У халатини ташлаб кўйлак кийган.

Азиза. Биров билан гаплашаётувдингизми? (Ориф тумтайиб, индамай туради.) Нега индамайсиз? Нега аччиғланяпсиз?

Ориф. Қўлингизда қиттак далилингиз бўлмаган ҳолда, устимга тоғдек гуноҳни оғдариб ўтирибсизу, яна аччигим келмасинми?

Азиза (алам билан). Гуноҳингиз ҳақиқатан ҳам тоғдек.

Ориф. Яна ўша гап (Дарров юмшаб.) Келинг, жоним, ярашайлик.

Азиза. Мен ҳам шуни айтяпман. Ярашайлик. Аммо шартини бажарсангиз.

Ориф. Шарт? А! Иўқ гуноҳни бўйнингга олиб аҳмоқманми?!

Азиза (Орифнинг елкасига осилиб ялинади). Жон Орифжон ака, яна ялинаман. Гуноҳингизни бўйнингизга олинг. Ўзингиз бўйнингизга олинг. Ихлосимни қайтарманг. Муҳаббатимни поймол қилманг. Мен қийналиб кетдим: уйимизда катта бахтсизлик рўй берибди-ку, мен уни ҳаммадан яширишга мажбурман.

Ориф. Бекор айтибсиз! Ҳеч қандай бахтсизлик рўй бергани йўқ.

Азиза. Ялинаман, айбингизга иқрор бўлинг.

Кутилмаганда қўлида дастурхонга тааллуқли нарса билан Озода киради. Буларни бу аҳволда кўриб, аввал ҳайрон бўлади ва кейин севиниб кетади.

Озода. Ана холос! «Эру хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши». (Келинойисини ўпади.) Хурсандман, ярашганларингизга хурсандман. Раҳмат, келинойи, раҳмат, ака! (Дастурхон олдига бориб, олиб келган нарсани тузайди. Унғайсиз пауза.) Опам билан поччам ҳам ҳозир келиб қолса керак.

Ориф (гап топган бўлиб). Дастурхонни ташқарига тузасак, яхшироқ эмасми? Тоза ҳавода ўтирардик.

Озода (хурсанд кулиб чиқиб кетаётиб). Баҳор ҳавоси қурсин, дарров бузилади. Шамол кўтариляпти, да-

дам шамоллаб қолмасин деб бувим дастурхонни шу ерга тузашни буюрдилар. (Болохонага чиқиб кетади.)

А з и з а (жуда жиддий). Демак, бўйнингизга олгингиз йўқ.

О р и ф. Йўқ!

А з и з а. Мен гуноҳингизни бўйнингизга қўйсам-чи!

Орифнинг юраги гаш. У ўйланиб қолади ва Азизанинг кўзига бир тикилиб олиб, бир қарорга келади.

О р и ф (бирданига). Қўйнинг шу бемаъни гапларни! (Ичкарига кириб кетади.)

А з и з а (ўзига ўзи). Энди нима қилар экан?

Ичкаридан О р и ф кийиниб чиқади ва эшикка йўналади

Қаёққа?

О р и ф. Мен бир магазинга бориб, коньяк топиб келай. Дурустроқ бир ўтиришайлик. Ахир, бугун дадам сафарга кетяпти.

А з и з а (Орифнинг кўзига тикилиб). Сиз ҳозир шаҳарга тушиб кетмоқчисиз.

О р и ф (ниятини Азиза пайқатганидан ҳайрон, аммо билдирмасликка тиришиб). Шаҳарда нима қиламан?

А з и з а. Қишлоқ магазинида ҳар сафар ҳам коньяк бўла бермайди. Демак, сиз шаҳарга тушишга мажбур бўласиз. Шундай эмасми?

О р и ф. Шундай бўлса, нима бўлибди?

А з и з а. Овора бўлманг. Коньякни ўзим олиб келиб қўйганман. Кеча дадам буюрган эдилар.

О р и ф. Дадам ичмайди-ку, коньяк буюрадими?

А з и з а. Билмадим. Керакдир-да! (Буфетдан коньякни олиб, стол устига қўяди.) Мана коньяк.

О р и ф (катта умиди пучга чиққандек бўшашиб кетади. Аммо бунга ишонмагандек, яна хотиржам бўлади). Ҳа, майли, биз бир хизматдан қутулибмиз-да.

Чиқмоқчи бўлади. Азиза унинг йўлини тўсади.

А з и з а (ялиниб). Жон, Ориф ака...

О р и ф (жаҳл билан унинг сўзини бўлади). Бўлди-е! Сиз мени ҳақиқатан севсангиз, у гапни миянгиздан чиқариб ташланг. (Болохонадан янги кўйлак кийган Озода

тушади. Мулойимлашиб.) Бўлмаса, қаттиқ уришиб қола-  
миз, жонгинам.

Чиқади. Бу гап устидан чиққан Озода ҳайрон бўлиб қолади. Кейин  
ўзини билмасликка солади. Азизага қўшилиб дастурхон тузайди. Ази-  
за аввалгидан ҳам ортиқроқ ўйга толган.

Озода. Келинойи, ярашиб олганинглар жуда яхши  
бўлди-да! (Хаёл суриб.) Сидиқжон билан биз ҳам мана  
шундай бир уришиб, бир ярашиб яшармиканмиз-а, келин-  
ойи? Сидиқжондан менга озор етишига сира ишонмай-  
ман. Севган кишингга озор беришинг мумкинми?

Азиза. Севги ўзи севган кишингга озор етказишга  
мажбур этса-чи?

Озода ялт этиб келинойисига қарайди. Соат оғир занг уради.

Озода. Соат ўн. Дадам ҳозир бу ерга тушади.

Азиза. Юринг, нонуштани тезлатайлик.

Озода (кетаётиб). Келинойи, дадамни гуллар би-  
лан қарши олсак, нима дейсиз? Ахир, бугун дадам учун  
тантанали кун.

Азиза (руҳланиб). Юринг, албатта гул билан ку-  
тиш керак.

Чиқадилар. Саҳна бир оз бўш қолади. Ойша билан Собиров  
пайдо бўлади. Қўлларида совғалар.

Собиров. Ҳеч ким йўқ-ку?

Ойша. Ҳайронман.

Собиров (кулиб). «Айтмаган жойга йўнмаган  
таёқ» бўлиб кириб келибмиз шекилли, хоним. Ўзимиз эр-  
талабга таклиф этилганмидик?

Ойша. Дадам ўзлари кеча телефон қилиб, чойга етиб  
келинглар, кун бўйи бирга бўлайлик, деган эдилар. (Ик-  
каласининг ҳам назари қандилга тушади.)

Собиров (қандилга ишора қилиб). У-ў, янгилик?!

Ойша. Янгилик.

Рисолат киради. Қўлида дастурхонга тааллуқли нарса.

Рисолат. А-а, келдингларми, чироғларим! Сало-  
матмисизлар? Кайфларинг чоғми?

Ойша. Раҳмат, бувижон.

Собиров (қўлидаги совгани беради). Ўзларинг  
соғ-саломатмисизлар?

Рисолат. Худога шукур! (Совгани олиб.) Бекорга овора бўлибсизлар-да, болам. Раҳмат. Болалар қани?

Собиров. Болаларнинг пионер саройида ишлари бор экан.

Ойша. Аммо дадамни кузатгани аэропортга чиқшади.

Рисолат. Эссизгина! Эварагиналаримни жуда соғинган эдим!

Собиров (стол атрофидаги стулларнинг кўплигига эътибор этиб.) У-ў, бугун кўпчилик эканмиз-ку.

Рисолат. Йўқ. Узимиз. Сидиқжон ҳам келиб қолса керак.

Ойша. Сидиқжон? Уни райондан Озода чақиргандир?

Рисолат. Ҳа, чақирдим, деятувди. Улгуриб келармикин?

Собиров. Сидиқжон келадиган бўлса, тўй яқин экан-да?

Рисолат. Шунақа шекилли.

Ойша. Бу иш дадам билан бамаслаҳат пишибдими?

Рисолат (норози). Дадангининг болохонадан тушишга қўллари тегмайди. Озода бечора бу тўғрида дадасига қандай оғиз очишни билмайди... (Дастурхон билан машғул бўлиб.) Уэр. Сизларни ҳозир дастурхонга ўткиза олмайман. Ҳали ками-кўсти бор.

Собиров. Ундай бўлса, биз ҳам қарашвора қолайлик... (Кампирнинг фартуғини олиб, Ойшанинг олдига келиб, кулиб.) Сипоҳликни йнгиштириб қўйиб, пича хизматда бўласиз-да энди. Қани, бир ўринларидан туриб юборсинлар-чи, ўртоқ директор.

Ойша (ўрнидан турмай). Ташаббусингизга раҳмат! Аммо мени бир оз холи қўйинг. Озода билан гаплашадиган гап чиқиб қолди.

Собиров (ҳавиллашиб). Ҳа, бу гал ҳам раҳбарликдан қўлим бўшамайди денг.

Ойша. Ҳазилни қўятуринг энди. Гапим жиддий.

Рисолат (Собировга). Болам, Ойшахоннинг менга кераги йўқ. Аммо сиз жиндек ўтин ёриб берасиз-да. Боядан бери шу ишни кимга буюришни билмай туриб эдим. Орифжон бўлса, сира тутқич бермайди.

Ойша (кулади. Чиқиб кетаётган Рисолатга). Яшанг, бувижон. Куёвингизга хўн хизмат топдингиз-да! (Соби-

ровнинг семиэлигига ишора қилиб кулади. Тантана билан.) Ажаб бўлдими, ўртоқ ташаббускор!

Собиров. Бошга тушгани кўз кўрибди! Қани, ойижон, бошланг.

Рисолат. Каримжон, энди хафа бўлмайсиз-да. Сизга пизкультура бўлади, пизкультура.

Куладилар. Рисолат билан Собиров чиқади.

Ойша. Бувижон, Озодани чақириб юборинг.

Рисолат. Хўп, болам.

Чиқадилар. Ташқаридан Рисолатнинг Озодани чақиргани эшитилади. Қўлида катта гулдаста билан Озода киради.

Озода. Келинг, опа, саломатмисиз?

Ойша. Раҳмат. Қани ўтир-чи! (Утирадилар. Пауза.)

Озода. Нима гап?

Ойша. Нима гаплигини сен айт. Биздан бемаслаҳат куёвга чиқмоқчи бўлиб қопсан деб эшитдик?

Озода. Мен куёвга чиқар эканману, сизга маслаҳат солмас эканманми? Онам вафотидан кейин, сиз менга ҳам опасиз, ҳам она.

Ойша. Тўй масаласи менсиз пишиб қопти-ку!

Озода. Аксинча, бузилиб турибди.

Ойша. Ким бузмоқчи?

Озода. Дадам!

Ойша. Ажаб!

Озода. Кеча кечқурун дадам билан анча гаплашиб ўтирдик. Менинг районга кетиш-кетмаслигимни сўзлашдик. Кейин гап Сидиқжонга кўчди. Дадам мендан «нима учун Сидиқжонни куёв қилмоқчисан?» деб сўрадилар. «Чунки Сидиқжон сизнинг энг яхши шогирдингиз» дедим. Дадам: «Ҳар қандай яхши шогирд ҳам яхши эр бўлавермайди, сен янглишмагин тагин» дедилар. Мен яна: «Сидиқжон мени яхши кўради» дедим... Яхши кўради. Шунақамасми, опажон?

Ойша (самимий таҳсин билан). Жуда яхши кўради.

Озода. Дадам бу гапдан ҳам бир чатоқ топдилар. «Сидиқжон жуда яхши бола. Аммо сен унинг муҳаббатини синовдан ўтказганмисан?» деб сўрадилар. Мен нима деб жавоб беришимни билмай қолдим. Ҳақиқатан ҳам Сидиқжоннинг муҳаббатини синаш етти ухлаб тушимга кирган эмас.



Ойша. Аммо синовдан ўтмаган муҳаббат — муҳаббат эмас.

Озода. Дадам ҳам худди шуни айтдилар. Айтдилару, бошқа гапга кўчдилар.

Ойша. Демак, дадам Сидиқжон масаласини очиқ қолдирибдилар... Узинг Сидиқжонни яхши кўрасанми?

Озода. Бўлмасам-чи! Худди билмагандек гапирасиз-а.

Ойша. Қанчалик яхши кўрасан? Бутун гап шунда! Синглим, эркаклар ҳали ҳам шунчалик эркатойки эринининг ҳамма инжиқликларини кўтариш учун қаттиқ севган бўлишинг керак.

Озода. Наҳотки поччам ҳам шунақа эркатойлардан бўлса?

Ойша (мамнуният билан). Йўқ, поччанг бошқа олам. (Ташқаридан келаётган болта товушига қулоқ солиб, кулади.)

Озода. Нега куласиз?

Ойша (яна ҳам қаттиқроқ кулади. Бу кулгида унинг Собировга бўлган чуқур меҳри сезилади). Поччанг ўтин ёряпти! (Семиз кишининг терлаб-пишиб ўтин ёришини кўрсатади. Куладилар.) Айтгандек, чиқиб бувингга қарашайлик. (Озоданинг кайфиятига назар солиб, яқин келади.) Кўнглингга ғашлик солдим шекилли. Ниятим холис. Мен сенинг бахтингни кўзлайман, синглим.

Озода. Дадамнинг гапидан кейин бошим қотган эди. Сиз жумбоқ устига жумбоқ бердингиз. Бошим қотди. Тамом гангиб қолдим.

Рисолат киради.

Ойша. Сабр қил, синглим. Ҳаёт ўзи сени ҳам, Сидиқжонни ҳам синовдан ўтказади. Шошма! Умр савдоси!

Рисолат (Озодага). Ҳай, болам, сен Сидиқжондан айниб турибсанми ҳали?

Озода. Қайдам?!

Рисолат. Ие, нимаси қайдам? Сидиқжоннинг нимаси ёмон? Қўлида гулдёк ҳунари бор. Ақли ҳуши, афти башараси туппа-тузук. Бўйи-басти ҳам ўзингга ярашиқ... Иннайкейин, ҳалиги... ота-она, қавму-қариндош дегандек, оғир юки ҳам йўқ. (Куладилар.)

Ойша. Оббо бувижон-ей Сидиқжоннинг афти башараси-ю, бўйи-бастини ҳам қуймадингиз-а!

Рисолат. Энди... нафсамбир гапни айтаман-да, болам. Шу замона қизларининг нимаси ортиқ — нози ортиқ. Асли бизнинг замонамиз яхши экан; бизни ота-онамиз бошимиздан шундоғ ушлаб, бир эркакка тутиб берар эди-ю, биз ҳам «эр деган шунақа бўлар экан» деб ўтиб кетаверар эдик.

Ойша. Бувижон, одамлар дунёга ўтиб кетавериш учун келмайдилар...

Рисолат (Ойшага). Бу ёққа юр, қизим, гапим бор. (Озодага.) Жон деб турибсану, нега ноз қиласан, болам?

Озода. Вой, ким ноз қиляпти?

Рисолат билан Ойша чиқади. Озода ўйчан, беихтиёр пианино олдига ўтиради.

Озода (ўзига-ўзи). Ҳаёт! Ҳаёт! Мен сени ҳеч қачон шунчалик мураккаб деб ўйламаган эдим? (Уйларига берилиб фортепьянони очади, Шопеннинг лирик этюдини чала бошлайди.)

Сидиқжон пайдо бўлади. Қўлида гулдаста. Куйга қулоқ солиб туради. Куй тугайди.

Сидиқжон. Адабиётшунос — дипломантларга салом!

Озода (чўчиб тушади. Шошиб). Келинг, Сидиқжон ака.

Сидиқжон. Саломатмисиз? Аҳволларингиз?

Озода. Раҳмат. Сафарингиз қутлуғ бўлсин. Ҳорманг.

Сидиқжон. Саломат бўлинг. (Атрофда гул кўпчилигига эътибор этиб.) Ие, мен гул келтирганда ҳамма ёқ гул-ку?

Озода (тортиниб). Сиз келтирган гулнинг қадри бошқа.

Сидиқжон. Раҳмат! (Унгайсиз пауза. Иккаласи ҳам сўз тополмай қолади.)

Сидиқжон. Йўлдош Комфлович шу ердаларми?

Озода (рашк билан). Бу уйда сизга фақат устодингиз керак экан-да?

Сидиқжон. Йўқ. Йўқ. Нега ундай дейсиз? Мен у кишига бир хушxabар олиб келган эдим... (Озода ерга қараганича индамайди. Қизнинг кўзларига тикилиб.) Нега

маъюссиз? Ё қалбингизга яна гумон тушдими? (Тикилиб.)  
Кўнглингиздаги гапни топганимга ажабланманг. Менинг  
қалбимни ҳам баъзан шундай гумонлар чулғаб оладикки,  
мен бу гумонлар алангасида ипак толасидек ўртана-  
ман... Келинг энди гумонларни ташлайлик. Атрофингиз-  
га бир қаранг. Ҳаёт, табиат қандай гўзал, қандай дилкаш!  
Шундай дилкашки, шоир бўлиб, дostonлар тўқинг кел-  
лади киши. Мен йўл-йўлакай сиз севган шоирнинг ажойиб  
мисраларини эслаб, такрор-такрор ўқиб келдим. Уртоқ  
адабиёт муаллимаси, ёдингиздами бу мисралар?

Завқ билан шеърин ёд ўқиб кетади ва шу тарзда икки ёш орасида  
мушоира бошланади.

### С и д и қ ж о н

Зайнаб ўсган элнинг мисли йўқ,  
Зайнаб ўсган эл бахтга тўлиқ.  
Буни кўрган тез бўлар банда,  
Буни инсон бир қур кўрганда —  
Юрагида ҳеч армон қолмас,  
Бунга жаннат тенглаша олмас!..  
Бунда орзу қозонади от,  
Бунда севги ёзади қанот.  
Қўзғатади қиз ҳавасини,

(Озоданинг қўлидаги гулдастага ишора қилиб.)

Чиройнга ранг беради гул.  
Бунда қизга севги дарсини  
Уқитади энг аввал булбул...

### О з о д а

(мушоирага беихтиёр қўшилиб)

Одам зоти дунёдаки бор,  
Унинг билан муҳаббатдир ёр.

### С и д и қ ж о н

Ҳамон севги одамга йўлдош.

### О з о д а

Ҳамон севги қалбларга сирдош

Сидиқжон

Шудир — баҳор, очилган лола.

Озода

(Ғамгин)

Шудир — дилни қийнаган нола.

Икки ёш орқасида секин Собиров, Ойша, Азиза, Ориф ва Рисолат кўринади. Мушоира уларни мафтун этади ва улар жим қулоқ солиб қоладилар. Озода ва Сидиқжон ҳаяжонда, кишилар кирганини сезмай, мушоирани давом эттиради.

Сидиқжон

Шудир сабза, бинафша, кўклам.

Озода

(Ҳазин)

Шудир қизнинг бошидаги ғам.

Сидиқжон

Шудир атир сочувчи раъно.

Озода

Шудир аччиқ ва ширин маъно.

Шудир этган қиз кўксини оқ...

Сидиқжон

Ва йигитнинг кўрагини тоғ.

Меҳмонлар «Яшанглар!» «Браво!» «Браво!» деб қичқариб юборадилар. Чапаклар чалинади. Озода уялиб, ташқарига қочмоқчи, Сидиқжон унинг орқасидан чопмоқчи бўлади. Аммо Ойшанинг кутилмаган сўзи уларни тўхтатади.

Ойша. Дадам чиқиб келяпти!

Озода билан Сидиқжон орқага қайтади. Ҳамма Йўлдош Комиловнинг йўлига — зинапояга тикилади. Азиза билан Ойша қўлида гул. Йўлдош Комилов пайдо бўлади.

Комилов. Уў, жамоат жам-ку!.. Салом!

Хамма. Салом!

Комилов. Қандай тантана! (Ҳазилга кўчиб.) Ҳатто матбуот вакили ҳам шу ерда экан. Салом, Карим Собирович!

Собиров. Салом... (Ҳазилни қувватлаб.) Пресс-конференция деяверасиз, Йўлдош Комилович.

Комилов. Тантананинг тўла бўлиши учун фақат кинохроника етмайди денг.

Сидиқжон. Аммо фотохроника хизматга тайёр. (Фотоаппаратини чаққонлик билан тўғрилаб сурат олади.)

Комилов. Сиз ҳам шу ердамисиз, Сидиқжон, салом!

Сидиқжон. Салом, устод!

Комилов (кулиб). Ҳақиқатан ҳам пресс-конференциянинг худди ўзи!

Собиров. Бўлмасам-чи! (Ҳазил тўқиган бўлиб пресс-конференциялардаги суҳбатга тақлид этиб.) Кенг жамоатчилик сизни янги катта асарингизни тамомлашингиз билан қизгин табриклайди!

Чапак чаладилар. Озода табрик куйини чалиб юборади.

Комилов (кулиб). Миннатдорман!

Собиров (ҳазилни давом эттириб). Мен вакили бўлиб келган газета номидан бир-икки савол.

Комилов (ҳазил-мутойибани қўллаб, кулиб бош чайқайди). Марҳамат!

Собиров. Кайфиятингиз ва соғлиғингиз қалай?

Комилов. Жуда соз! Аъло!

Собиров блокнотига нимадир ёзган бўлади, Ойша отаси олдига боради.

Ойша. Дадажон, ўзингизни анча олдириб қўйибсиз-ку?

Комилов. Ҳа, энди ўзингга озор бермасанг, жиддийроқ бир иш қилиш қийин-да. (Кулиб Собировга.) Бу гап матбуот учун эмас.

Сидиқжон. Яқин кунлардаги режаларингиз?

Комилов. Бугун Москвага, дўстларим олдига, маслаҳатга жўнайман. (Сидиқжон ажабланади.) Маслаҳат пишгандан кейин, курорт. Икки ой энди бир-биримизни кўрмас эканмиз, қадрдонларим!

Собиров. Янги асарингизнинг мазмуни?

Комилов. Абурайхон Бируний, Абу Али ибн Сино каби устодларимиз одамлар учун фойдали ва шифобахш ҳамма нарсаларни шу жаннат ўлкамизнинг табиатидан топиб келганлар. Мен ҳам ўлкамизнинг ўсимлик моддалари химиясининг асосларини яратишга бел боғлаганларнинг бириман.

Ориф. Дадамнинг асари медицинада янги дориворлар яратишга имкон туғдиради.

Сидиқжон. Агрехимиядан аса гўзанинг навини яхшилашга ва пахтанинг пишиш муддатини қисқартишга ёрдам беради.

Комилов. Балли.

Сидиқжон. Устод, гўзанинг касалликларини йўқотиш учун чигитни қандай алколоидлар ёрдами билан ишлаш масаласи асарингизда ҳал этилганми?

Комилов. Бу жузъий масала. Бу масалани ҳал этишда сиз қилаётган тажрибаларнинг натижаларини кутишга тўғри келади.

Сидиқжон. Бизнинг тажрибаларимизнинг дастлабки натижалари яхши.

Комилов (хурсанд). Қани у натижалар?

Сидиқжон. Езиб олиб келганман. Шаҳарда. Мен сизнинг бугун Москвага кетаётганингиздан беҳабар эдим.

Комилов (Оводага қараб олиб). Шундайми?

Сидиқжон. У маълумотларни олиб келайми?

Комилов. Ҳозир дастурхонга ўтирадиганмиз.

Сидиқжон. Мен ғизиллаб бориб келаман. Кейин бемалол ўтиришамиз.

Комилов. Ундай бўлса, майли.

Сидиқжон. Дарров қайтаман. (Эшикка йўналади.)

Ойша. Менинг машинамда кета қолинг. Мана калит. (Машинанинг калитини беради.)

Сидиқжон. Хўп. (Калитни олиб чиқади.)

Собиров (аввалги руҳда гапни давом эттириб). Йўлдош Комилович, асарингиз неча йилда ёзилган?

Комилов. Бу асарни мен бутун умрим ва яна беш йил ичида ёздим.

Собиров. Ажойиб гап! (Блокнотига ёзади.)

Комилов. Орифжон!

Ориф. Лаббай!

Комилов. Бери кел, ўғлим! (Ориф шошиб отаси олдига боради.)

Комилов унинг елкасидан қучоқлайди.

Собиров. Бундан муқаррар равишда яна бир савол келиб чиқади.

Комилов. Журналистларимизнинг шу одатини яхши кўраман: бир масалага ёпишдими, тагига етмасдан қўйишмайди...

Озода. Айниқса бизнинг поччамиз.

Комилов (Собировга). Хўш?

Собиров. Сизнинг муваффақиятларингизнинг бош сабаби нима?

Комилов (ўйланиб). Имонинг бутунлиги ва софлиги.

### Ҳамма ҳайрон.

Рисолат (Комиловнинг сўзини ўзича тушуниб). Баракалло, болам!

Собиров. Фикрингизни тушундим. Аммо «имон» деган сўз тўғри келмайди.

Комилов. Нега?

Озода. Имон деб динни айтадилар. Бизга имон керак эмас.

Рисолат. Вой, болам, имонсиз ҳам одам бўладими?

Комилов. Инсон ҳайвондан даставвал икки нарса билан фарқ қилади: инсон ишонади ва яратади. Эътиқод ва ҳунар, имон ва идрок — инсонни инсон қилган нарсалар шу.

Собиров (Комиловга). Мен фикрингизни яхши тушуниб турибман. Аммо «имон» деган сўз... ҳар ҳолда бу сўзни матбуотда ишлатиб бўлмайди.

Комилов. Нега? «Муқаддас» деган сўз ҳам бир вақт фақат диний маънода эди. Энди сиз журналистлар бу сўзни янги маънода ҳар кун ишлатасизлар-ку? «Имон» сўзини ҳам маслак маъносида ишлатса бўлмайдимиз?

Собиров (таслим бўлиб). Бу гапингизда жон бор. Аммо бу гапга баъзи одамлар эътироз қилишади. Бунга имоним комил.

Комилов. А-а! «Имонингиз комил»ми? Демак, имонингиз бор экан-да. (Кули. Озодага.) Душманларимиз бизни «имонсиз» дейдилар. Ёлғон! Бўхтон! Биз имонсиз одамлар эмасмиз. Бизнинг юксак имонимиз бор. Давримизнинг энг илғор эътиқоди ва ахлоқи — бизнинг имонимиз бўлади.

Озода. Тушундим. (Радио мухбирига тақлид қилиб «микрофон тутади».) Яна бир савол.

Комилов. Жоним билан.

Озода. Жаноб профессор, бу асарингиздан кейин сиз энди академияга аъзоликка сайлансангиз керак?

Савол қалтис. Ҳамма Комиловнинг қандай жавоб беришини қизиқиб кутади.

Комилов (қалтис саволларга уста жавоб берувчи дипломатларга тақлид этиб). Бу ҳақда менда ҳеч қандай маълумот йўқ. Мухбир жаноблари, агар сизда бу ҳақда бирор маълумот бўлса, бу саволга сиз жавоб беринг. (Умумий кулли, чапаклар.) Аммо ҳаммангиз учун менда бошқа муҳим бир ахборот бор. Мен шу тантанадан фойдаланиб, сизларга ўзимнинг янги бир орзумни эълон қилмоқчиман. (Қўлидаги кўк папкани юқори кўтариб, «кўз-кўзлайди».)

Азиза (папкани таниб, севиниб, Орифга). Сизнинг папкангиз!

Ориф (жаҳл билан). Кўриб турибман!

Комилов (Орифга). Балли, гарчи чанг босиб, ўнгиб кетган бўлса ҳам танидинг. (Собировга изоҳ бериб.) Мен бир вақтлар Орифжонга катта илмий иш темаси тавсия этган эдим. Орифжон бирданига айниб, бошқа темада диссертация ёзишга ўтирди...

Ориф. Дадажон, бу иш ўзингизнинг рухсатингиз билан бўлган эди.

Комилов. Тўғри...

Озода (дадасининг сўзини бўлиб, севинч билан). Дадажон, сиз яна бир катта иш бошламоқчисиз шекилли?

Комилов. Балли! Сафардан қайтишим биланоқ мен (Папкани юқори кўтариб) бу темани ўз қўлимга олмоқчиман.

Ойша. Ажойиб ташаббус!

Комилов. Уртоқ директор, хурсандчилик изҳор этишга шошма. Бу иш сенга қимматга тушади; Орифжонни менинг институтимга кўчиришга тўғри келади. (Орифга.) Биргалашиб ишлаймиз.

Ориф (норизо). Аммо...

Комилов (Орифнинг сўзини бўлиб). «Аммо?» Шартинг борми? (Ориф дарров жавоб беролмайди.) Шартни мен қўяман.



Ориф (ажабланиб). Қандай шарт?

Комилов. Бу тўғрида кейинроқ гаплашсак ҳам бўлади. Қани, далаларни бир айланиб келайлик.

Ойша. Демак, ишдан кейин сайр этишни асло тарк этмаймиз.

Комилов. Асло! Режим — соғлиқнинг ва самарали ишнинг гарови. (Папкани пианино устига қўяди ва чиқаётиб, дастурхон олдида тўхтабди.) У-ў! Дастурхон киёмат-ку! Фақат иштаҳани карнай қилиб келиш қоптида. (Боядан бери қўз ёшини артиб ўтирган Рисолатга кўзи тушиб.) Ие, ойижон, йиғлаб ўтирибсизми?

Рисолат. Сизларга ҳозир қараб туриб, ҳавасим келди-ю, хўрлигим тутиб кетди.

Озода. Нега?

Рисолат (йиғлаб). Чироғларим, олам шундай яхши бўп кетганда, мен ўлиб қолсам нима қиламан?

Комилов. Э, ваҳимани қўйинг, ойижон. Сиз билан биз ҳали юз йил яшаймиз.

Ориф. Бувижон, ўзингиз ҳам қизиқсиз: хафа бўлсангиз ҳам йиғлайсиз, суюнсангиз ҳам.

Рисолат (жиддий). Нима қилай, болам, одам қаригандан кейин шунақа — нервинний сестимаси ошиб кетар экан.

Хамма ўз кулгисини зўрга тутати. Озода қаҳ-қаҳлаб кулмоқчи, Собиров кампирнинг орқасидан унга кулиб туриб пўписа қилиб, жим бўлишга мажбур этади. Шу сиполикни зўрга сақлаб, кампир етакчилигида т.шқарига чиқадилар. Ойша Азизани имлаб олиб қолади.

Ойша (Азизага). Азизахон, бувимнинг айтишига қараганда, Орифжон билан анча нари-бери бўлиб юрган эмишсизлар. Нима гап ўзи? Хўш?

Азиза. Ҳеч гап йўқ... Ҳар ҳолда бу гапни мен сизга ҳозир айтолмайман.

Ойша. Сабаб?

Азиза. Шу азиз уйдаги ҳаётнинг оқимига халақит бергим, уни бузгим келмайди.

Ойша. Очиқроқ гапиринг.

Азиза. Мен оиламизнинг мана шу ҳаётини жуда яхши кўраман. Оиламизнинг ҳаёти гўё бир мўл дарё. У тиниқ ва улуғвор оқади.

Ойша (ҳаяжонланиб, гурур билан). Ухшатишингиз гўзал.

**Азиза.** Мана шу дарёга биров тўсиқ ташламоқчи бўлса, нима дер эдингиз?

**Ойша.** Дарёнинг бутун куч-қудрати бирор тўсиққа дуч келганда билинади. Шундай довюрак одам топилса, майли, тўсиқ ташлаб кўрсин!

**Ориф** пайдо бўлади ва ичкари уйга кириб кетади.

**Хўш?** Ким экан у тўсиқ ташлайдиган?

**Азиза.** Шу саволингизга мен эртага жавоб берсам.

**Ойша.** Нечун?

**Азиза.** Сабаби кўп... Бугун дадамнинг дилини сиё қилмоқчи эмасман.

**Ойша.** Бу ҳам яхши маслаҳат... Мен чиқай бўлмаса. Эрингизнинг сизга гапи борга ўхшаб қолди.

**Ойша** чиқиши билан **Ориф** пайдо бўлади.

**Ориф** (*сезиларли ваҳима билан*). Подадан олдинчанг чиқариб, воқеани опамга ҳам айтдингиз шекилли?

**Азиза.** Қўрқманг. Айтганим йўқ.

**Ориф** (*мулойимлик билан*). Бу ёққа қаранг, Азиза-хон. Кеча сиз шаҳарга тушганда, уйга кирганмидингиз?

**Азиза.** Ҳа. (*Орифнинг шубҳаланганини пайқаб.*) Касалхонанинг бир папка материали уйда эди, шуни олгани кирган эдим.

**Ориф** (*тинчланиб*). Ҳа, шунинг учун кечқурун бу ерга газетага ўроғлиқ бир нарса кўтариб келган экансиз-да.

**Азиза.** Ҳа, ўша папка эди... Ҳозир сиз уйдан шу папкани ахтардингизми?

**Ориф** (*чўчиб кетиб*). Йўқ, йўқ! Э, сизнинг папкангизни бошимга ураманми?

**Азиза.** Қизиқ. Сиз мени ҳеч ёлғиз қўймайсиз-а?

**Ориф.** Рашким келади, жоним. (*Ташқарига чиқиб кетади.*)

**Азиза.** Ҳа, у папкани ахтаради! (*Чиқади.*)

**Рисолат** кириб, дастурхонга уйнайди. Озода ҳам кириб дастурхон тузашга иштирок этади. Бу орада **Азиза** ичкари хонадан рўмолга ўроғлиқ бир нарса олиб чиқиб, Қомиллов кабинетига кўтарилади.

**Озода** (*дастурхонни тузашда хато топиб, кампирга*). Бувижон, дастурхон тузаш қондасини ўрганиб олинг.

Қошиқ билан пичоқ ўнг томонга, вилка чап томонга қўйилади.

**Рисолат (хуноб бўлиб).** Тавба! Бизнинг замонамизда овқат топганимизга шукур қилар эдик. Энди қошиғи бу ёққа, вилкаси бу ёққа деган гаплар чиқибди. О, бандан ношукур! Қизим, қошиғи бу ёққа бўб қолса, нима — томоғингдан овқат ўтмай қоладими?

**Озода қаҳ-қаҳлаб кулади. Йўлдош Комилов бошлиқ Ориф, Собиров ва Ойша пайдо бўлади.**

**Комилов (кулиб, Озодага).** Қақажон, нима бўлди — яна дунёни бошингга кўтариб куляпсан?

**Озода.** Ҳозир бувим бир қизиқ гап айтиб, кулгимни қистатвордилар. Ҳа, майли, айби йўқ, қарилик-да! Қарилик!

**Комилов.** Ие, аканг қарияларни менсимайди десам, сен ҳам акангдан қолишмас экансан-ку! Ростини айтсам, сен ҳам акангга ўхшаб кетяпсан.

**Озода (ажабланиб).** Акамга ўхшасам нима қипти?

**Ориф (истеҳзо билан кулиб).** Акангга ўхшашнинг хавfli томонлари кўп экан, синглим. Мен илмга бефарқ бўлиб кетибман, (Атрофни кўрсатиб.) бойликка, зебу зийнатга, майшатга берилиб кетибман. Шунақами, дада?

**Комилов.** Шундай. Узингга зеб берасан. «Нима бўлса менга бўлсин» дейдиган бўлиб қолдинг.

**Ориф (Озодага).** Ана! Гап қайтарсам, яна қарияларни менсимас экансан, дейдилар дадам. (Отасига.) Дада, сиз ўзингиз ҳам жуда инжиқ бўлиб кетяпсиз. Кеча битта мана шу қандил масаласида бизни қанча койиндигиз-ку!

**Комилов.** Дарвоқе, Каримжон, Ойша, шу қандилга бир назар солинглар.

**Ҳамма қандилга тикилади.**

**Собиров.** Жуда яхши қандил!

**Ойша.** Ажойиб қандил!

**Комилов.** Йўқ. Йўқ. Яна бир қаранглар.

**Қандилни ёндиради. Собиров ва Ойша ажабланиб яна қандилга тикилади.**

**Собиров.** Бу қандилнинг нимаси ёмон, Йўлдош Комилович? (Уйланиброқ.) Асда бу ердан кўра бирор-та маданият саройига боп экану...

Комилов (Собировнинг сўзини бўлиб). Ҳа, баракалла! Мен ҳам худди шунга айтмоқчиман. (Қандилни ўчиради.) Бутун бир маданият саройида минглаб кишиларнинг баҳрини очишга ярайдиган қимматбаҳо нарсани беш киши турадиган бир уйга олиб келиб осиб қўйишнинг маъноси нима?

Ориф. Дада, бу қандил менинг пулимга келди. Сиз нега ачинасиз?

Комилов. Гап фақат пулда эмас. Шу ҳашамат, дабдабанг ўзи нега керак? Уэ бойлигинини кўз-кўз қилиб, одамларни ичини куйдириш учунми? Ё қолоқ кишиларнинг юрагида хусусий мулкчилик ўтини ёқиш учунми?

Озода. Дадажон, ундай бўлса, бу қандилни олиб қўя қолайлик.

Комилов. Олиб қўйишнинг иложи бўлса қани эди-я... Ҳа, майли, тураверсин. Барибир қайтариб олиб борганинг билан магазин қайтиб олмайди.

Ориф. Комиссионнийга топшириш мумкин.

Рисолат. Болам, битта қандилга шунча пул сарф этадиган бир лодон топилаунча қандилнинг комисскада нураб кетади.

Комилов. Яшанг, ойи.

Рисолат. Қани, бўлмаса, дастурхонга ўтиринглар.

Комилов. Сидиқжон келсин.

Рисолат. Ҳа, эсим қурсин-а!

Пауза.

Озода. Дадажон, сиз акамга жуда ортиқча айб қўйиб юбордингиз.

Ориф. Қўявер, синглим. Мен сира хафа бўлмайман. Дадам билан биз бошқа-бошқа даврда катта бўлганмиз. Шунинг учун баъзи масалаларга қарашимиз ҳам бошқа-бошқа.

Комилов (ажабланиб). Чунончи?

Ориф (ивоҳлашни истамай, аммо мажбур бўлиб). Чунончи... Чунончи, сиз катта бўлган даврда мамлакатимиз камбағал эди. Шундай эмасми, почча?

Собиров. Шундай.

Комилов. Хўш?

Ориф. Ҳозир эса бизнинг мамлакатимиз бой. Биз ҳатто бойликда Америкадан ўзиб кетмоқчимиз.

К о м и л о в. «Америка!» «Америка!» Америка дейиш оғзингдан тушмай қолибди. Ҳа, бойликда биз Америкадан албатта ўзиб кетамиз. Аммо биз бойликка чўқинмоқчи эмасмиз... Эътиқод ва ахлоқда Америка аввал бизга етиб олсин.

С о б и р о в. Бизнинг идеологиямиз, маслагимиз ўзгаргани йўқ, фақат имкониятларимиз ўзгарди.

К о м и л о в. Маълум бўлдики, бу масалада сенинг миянгда чалкашлик бор экан.

О р и ф. Ана холос! Ҳали чалкашлик ҳам топдим денг, дадажон.

К о м и л о в. Эҳтимол мен муболага қилаётгандирман. Зарари йўқ. Чунки миянгдаги чалкашликнинг оқибатлари ёмон бўлиши мумкин... Болаларим, гапимни тўғри тушунишлар. Мен истайманки, барча уйга бойлик кирсину, ҳеч бир уйдан имон кетмасин. (Пауза.)

О з о д а. Дадажон, сиз акамда кўрган нуқсонларнинг менга нима дахли бор?

К о м и л о в. Бор. Акангнинг маишатга интилиши билан сенинг районга ишга кетишдан қочишинг орасида катта фарқ йўқ.

О й ш а. Ҳали сен районга кетмоқчи эмасмисан?

Озода индаёлмаي ерга қараб қолади.

О р и ф. Сидиқжон районда шунча ишлагандан кейин энди Тошкентга келаман деса биров гинг деёлмайди. Тўй қиламиз, Озодага ҳам гап тегмайди. Шундай қилиб ишлар сип-силлиг битади.

О й ш а. Ҳа, усти сип-силлиқ, ичи қуп-қуруқ.

О р и ф. Опа, қайси катта олимнинг қизи районга ишга кетибди?!

К о м и л о в. Бундай масалаларда менинг бирдан-бир маслаҳатчим — ўз виждоним! Сизларга ҳам шуни тавсия этаман, болаларим.

О р и ф. Дадажон, болаларингиз сизнинг шунча меҳнат билан топган давлатингизнинг ҳузурини кўришни истаса, айбми?

К о м и л о в. Айб эмас. Лекин шу уйда шунча маърифат, обрў ва бойлик келтирган халқ олдидаги бурчларингни ҳам тан оласизларми, йўқми?

О й ш а. Бизнинг жамиятимизда бурчи йўқнинг бурди йўқ.

Собиров. Бурч нима эканлигини билмайдиганлардан бориб-бориб Санжаровга ўхшаш одамлар чиқади, укалар.

Ориф (асабий). Бу гапга Санжаровнинг нима алоқаси бор?!

Комилов (Озода билан ўрлининг елкасидан қучоқлаб). Болагиналарим, хафа бўлмайсизлар, сизларга меҳрим зўрлигидан гапираман-да! Аслини олганда сизларнинг шунақа бўлиб қолганларингга мен, мен ўзим ҳам сабабчиман. Мен сизларни эрка ўстирдим. (Орифга.) Айниқса сени. Нима қилайки, аканг Алишер фронтда ҳалок бўлгандан кейин, сен менинг бирдан-бир овуначоғим бўлиб қолдинг. (Гап оҳангини ўзгартириб.) Шу билан жиддий гап тамом. Утган ишга салавот. Қани, дастурхонга ўтирайлик. Сидиқжон ҳам ҳозир келиб қолар. Азизахонни чақиринглар.

Ориф Азизани чақириб киради. Утирадилар.

Ойша (ҳавиллашиб). Дадажон, сал насиҳатгўй бўлиб қолибсизми?

Комилов. Нима, «қариб қолибсиз» демоқчимисан?

Ойша. Йўқ, дадажон. Сиз ҳали чинакам қариганингиз йўқ. Ҳақиқий қариялар доимо насиҳатгўйлик қиладилар, доимо ўтмишни эслаб, хотира сўзлайдилар. Сиз энди-энди насиҳатгўй бўлиб келяпсиз. (Куладилар.)

Озода (кулиб, эркаланиб). Демак, дадамлар ёш ҳаваскор қарияларимиздан экан-да? (Куладилар.)

Комилов (кулиб). Ҳа, кулинглар, кулинглар биз бечоралардан.

Рисолат (астойдил Комиловнинг тарафини олиб, ҳавиллашиб). Ҳай-ҳай, чироғларим, катта кетманглар. Барибир қарияларсиз ишларинг битмайди. «Қари билганини пари билмайди». (Куладилар.)

Ориф. Дадажон, мени кечиринг: ёшликда хатолар бўлар экан-да. Ё сизлар ёшлигингизда хато қилмаганми-сизлар?

Комилов. У-ў! Хато қилганда ҳам қандай!

Сзода. Ҳа, бўпти-да! Сизлар хато қилсанглар айб эмасу, биз хато қилсак айбми?

Комилов. Сизлар ҳам хато қилсанглар айб бўлмаслиги мумкин. (Бир нарса эсига тушгандек илжаяди.) Аимо бунинг бир шарти бор.

Ойша. Дадажон, дастурхон устида энди жиддий гапни қўйсак.

Комилов. Жиддий гап эмас. Бир нарса эсимга тушиб кетди. (Озодага.) «Хато қилсангу, аммо дилинг соф, мақсадинг олий бўлса, сени ҳеч ким айб қилолмайди, Хатонгни ҳам ҳаёт ўзи тузатади.» Мен сизларга бир воқеани гапириб берай. Бу—(Озодага.) марҳума онанг Сожидага уйланишим воқеаси. (Орифнинг вилкаси шарақлаб қўлидан товоққа тушади. Ҳамма бир минут бунга эътибор беради...) Сен бугун аллақандайсан, ўғлим. Бирор гап борми?

Ориф (шошиб). Ҳеч гап йўқ. Давом этинг.

Комилов (ерга қараб жим ўтирган Орифга яна бир назар солиб олиб, аввалгича хушчақчақ давом этади). Қандай уйланганим эсимга тушса, ҳали-ҳануз кулгим келади... Бир минг тўққиз юз йигирма тўртинчи йил. Мамлакатимизда вазият анча жиддий. Биз ёшлар тушундикки, энди мамлакатимиз тақдирида бизнинг масъулиятимиз зўр. (Кулиб.) Мана шундай кунларнинг бирида мен тасодифан уйландим.

Ойша (ажабланиб). Тасодифан уйландингиз?!

Комилов. Ҳа, тасодифан, қўққисдан.

Озода (ўпка билан). Дада, сиз оинимга севиб уйланганман дер эдингиз-ку!

Комилов. У, севганда қандай? Аммо уйланиш ниятида эмас эдим... Агар уйлансам, онага ўралишиб қолиб, социализм қуришга яхши иштирок этолмайман, деб қўрқар эдим. (Ҳамма кулади.) Энди сизларга бу гап кулгили бўлиб туюлар. Аммо у вақтда битта мен эмас, анчагина ёшларимиз астойдил шундай деб ўйлар эди. Кунлардан бир куни шундай ёшлар она масаласида кенг мунозара ўтказишга қарор бердик. Катта афиша чиқардик. (Афишани кўз олдига келтириб.) «Ёшлар учун мунозара». Мавзу — «Уйланмаймиз ва эрга тегмаймиз». «Маърузачи — Йўлдош Комилов», яъни каминна. Мунозарага одам жуда кўп йиғилади. Бир соатдан ортиқ гапираман. Кўпчиликни ўз томонимга олдираман. Олқишлар!.. Ғалаба! Муваффақиятимдан маст-аласт кўчага чиқсам, Сожида турибди. Салом берсам, алик олмайди. Сўз қотсам, «йўқолинг, ёлғончи, алдоқчи» дейди. Маълум бўладики, мен доклад қилган мажлисга Сожида ҳам келиб, бир чеккада ўтирган экан. Менинг докладимдан кейин мен билан алоқани тамом узадиган бўпти. Қа-

расам, иш чатоқ, севган қизимдан ажраб қоладиганман. Мен тавба қиламан. Ишонмайди. Қасам ичаман, ишонмайди. «Ахир сизни ишонтариш учун нима қилишим керак?» дейман. «Чиндан севадиган бўлсангиз тўй қилинг, турмушга чиқайлик» дейди. «Сизга бир ҳафта муддат. Янаги пайшанба тўй қилмасангиз, мендан умидингизни узинг» дейди-ю, чиртта юз ўгириб жўнаб кетади. Мен ўшайиб қараб қолавераман. Кейин ҳушимга келаману, уйга чопаман. Қисқаси — бу пайшанба мен уйланишнинг зарари ҳақида доклад қиламану, келаси пайшанба ўзим тўй қилиб, уйланаман.

Умумий кулги. Ҳаммадан кўра кўпроқ Комилов ўзи завқланиб кулади.

Собиров (ўрнидан туриб). Йўлдош Комилович, сиз менга биринчи тост учун жуда яхши гап топиб бердингиз, раҳмат... Шу қадаҳни ўзининг ҳамма катта ва кичик ишларида, ҳатто ўз хатоларида ҳам бизнинг буюк ишимизга содиқ қолган кекса авлод учун ичайлик!

Ҳамма ўрнидан туради.

Комилов. Муҳим қўшимча. (Уғлига рюмка уватиб.) Ушла, ўғлим. (Ориф олади.) Оталарнинг пинжиги кириб уларни ютуғига ютуқ қўшадиган ёш авлод учун ичайлик.

Ичадилар, ўтирадилар. Ҳаммада кўтаринки руҳ.

Пауза.

Рисолат. Сомсани узиб олиб келаверсам бўладими?

Комилов. Шошмасдан, қизартириб узасиз-да.

Рисолат. Албатта. Дидингизни биламан, болам. (Чиқади.)

Комилов (хурсанд). Шу топда яхши бир музика бўлса, қани эди-а? (Озодага.) Болам, радиони қўйиб юбор.

Озода радиони қўяди. Ундан аввал Тошкент радиосида ТАСС ахборотини ҳижжалаб ўқиб бераётган дикторнинг овози эшитилади. Озода бошқа станцияни ахтаради ва чет элдан берилаётган сершовкин ва бемаза «атом даври музикаси»га дуч келади. Комиловнинг гаши келади.

Учириб қўй, қизим, ўчир.



Озода (Ўчириб). Ҳа айтгандек, дада, сиз янги музикани яхши кўрмайсиз-а?

Комилов индамайди.

Ориф. Ҳа, дадам фақат эски музикани яхши кўрадилар.

Комилов. Йўқ. Мен фақат яхши музикани яхши кўраман. (Кули.) Хўш... бу... Санжаров кўринмайди?

Ойша (кулиб). Ҳа, мактабдош дўстиягизни дарров соғиниб қолдингизми?

Озода (кулиб). Бу гал зиёфатингиз Санжаровсиз ўтса нима бўпти!

Комилов (кулиб). Санжаровнинг яхши бир одати бор: шодиёна ёки мотам кунларида кишининг кўнглини олишни сира унутмайди. Бу сафар шу одатини тарк этганига ҳайрон бўляпман.

Собиров. Санжаров бугун келмайди.

Комилов. Нега? Айтгандек, Санжаров ҳали шу ерда, ташқарида юриб эди. Мەм ойнакнинг пардасини кўтараётиб, кўзим тушган эди.

Ориф «Мен «Тошкент суви олиб келай» деган баҳона билан эшикка чиқади. Бунга Комилов эътибор беради.

Озода. Мен эрталабдан бери ҳовлидаман. Санжаровни кўрмадим-ку?

Комилов. Қизиқ. (Азизага.) Сиз ҳам кўрмадингизми?

Азиза. Йўқ. Лекин уйимизда ёт овоз эшитилгандек бўлган эди.

Комилов. Ҳа, Санжаров ичкарига кирган эди. Ким билан гаплашди?

Озода. Мен бувимдан сурштирай-чи? (Эшикка томон йўналади.)

Ориф сув кўтариб киради.

Комилов (асабийлашиб Озодага). Бувингни безовта қилма. Санжаров азонда кампир билан суҳбатлашгани келмайди.

Ориф. Сиз ҳам пашшадан фил ясайдиган бўлибсиз, дада. Санжаров келгандир, кетгандир, шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Комилов. Манфаат чиқмайдиган жойга Санжаров тумшугини тикмайди. (*Қизишиб ўрнидан туради.*) Бу уйнинг дарвозаси бор, хўжайини бор! Бир одам менинг уйимга келиб кетади-ю, уни биров кўрмайди, ё кўрган бўлсалар ҳам мендан яширадилар. Бу нимаси? Ё менинг уйимда алдоқчилар пайдо бўлганми?

Азиза беихтиёр чуқур хўрсинади ва туриб чиқиб кетади, Комилов Азиза орқасидан ажабланиб тикилиб тургандан кейин Орифга қарайди.

Ҳа, сенга яна бир нарсани айтиш эсимдан чиқибди: оилангда тинчлик йўқ.

Ориф. Бу масалада ҳам айб сенда, демоқчимисиз?

Комилов. Ҳа, оила нотинч экан, бунга даставвал эр айбдор. Бундай эр ё ўзи ёмон, ёки хотинини яхши йўлга бошлашга қодир эмас! Латта! (*Пауза.*) Хўш, Санжаров бу ерда ким билан гаплашиб кетди?

Ориф (*эътироф этишга мажбур бўлиб*). Мен билан.

Комилов. Мен ҳам худди шундоғ деб ўйлаган эдим. Хўш, Санжаров нима иш билан келган экан?

Ориф. Кейин айтаман.

Комилов. Йўқ, ҳозир айт. Мен булардан гап яширмайман. (*Оила аъволарини кўрсатади.*)

Ориф. Санжаров бир илтимос билан кепти. Бугун поччамни газетасида Санжаров ҳақида бир бўҳтон босилган.

Собиров. Бўҳтон эмас!

Ориф. Бўҳтон! Санжаровни гуноҳкор қилишга ҳеч қандай асосингиз йўқ.

Собиров. Бор, бу мақолани мен ўзим таҳрир этганман. Фактларини ўзим текширганман.

Ориф (*қатъий*). Ҳамма гапингиз тахмин. Агар фактларингиз бўлса мақолада тахминий гаплар билан чекланмаган бўлар эдингиз.

Собиров. Бизда профессор Юсупов оиласининг аризаси бор. Профессорнинг дўстлари ва хизматдошлари ҳам Юсупов қўққисдан вафот этгандан кейин унинг тайёр қўл ёзмаси унинг ҳамкори Санжаров қўлида қолганини тасдиқ этадилар.

Комилов. Практикада бор бир неча дорини яна бошқа касалликларга ҳам ишлатиш юзасидан Юсупов ёзган ишни айтасизларми?

Собиров. Ҳа. Уша асар.

Комилов. Бу эски гап-ку? Марҳумнинг қўл ёзма-си ҳали ҳам топилмадимми?

Ойша. Масаланинг баъзи чалкаш томонлари бизни қийнаб турибди. Марҳум Юсупов бизнинг институтда директорлик маҳалида бу ишни пландан ташқари, давлатдан пул талаб этмай бажарган. Шунинг учун унинг ишидан институтда ҳеч қандай из қолмаган.

Собиров. Биз бугун газетада институтнинг иши ҳақидаги мақолада бу масалани ҳам жамоатчиликка ҳавола қилдик. Токи жамоатчилик Санжаровни қўл ёзмани беришга мажбур этсин.

Ориф. Дада, Санжаров уни шу бўҳтондан ёқлашингизни, институтдан бўшатмоқчи бўлишса, йўл қўймаслигингизни илтимос қилади. Менимча, бунга унинг ҳаққи бор.

Комилов. Йўқ, Санжаровни мен бундан кейин ҳеч жойда мудофаа қилмайман.

Ойша. Мудофаа қиламан десангиз ҳам фойдаси йўқ. Биз уни барибир ҳайдаймиз.

Комилов. Тўғри қиласан. (Орифга.) Нима учун Санжаров менга мурожаат этмагани тушунарли. Аммо нега у сенга мурожаат қилади? Нега сен ҳам унга бунчалик куясан? Ё Санжаров билан бирор ишда шериклигинг борми?

Шу гап устига Санжаров киради.

Ориф (тамом қўрқиб кетиб). Мени нега ҳақорат қиласиз, дада! Санжаровдек бир муттаҳам билан менинг нима шериклигим бўлиши мумкин?

Санжаров (Орифга ғазаб билан). Ким муттаҳам? (Ориф индаёлмай қотиб қолади.) Муттаҳам сенми, мени? Яхши ҳам ўзим келганим. Бўлмаса, бир тийинга сотиб ер экансан мени! (Ҳаммага.) Юсуповнинг қўл ёзмасини ахтарасизларми? Йўлдош, қўл ёзма шу ерда, сенинг уйингда!

Комилов. Менинг уйимда?!

Азиза. Ана энди балонинг боши қаерда эканлигини тушундим! Дадажон, дадажон..

Ориф (Азизанинг сўзини бўлиб). Йўқ. Узим айтаман. Узим!.. Дадажон, профессор Юсуповнинг қўл ёзмаси менда!

Комилов. Сенда?! (Ишонмай.) Сенда?! Сен нима қиласан уни? Нега бекитиб ётибсан?

Ориф. Санжаров қўл ёзмани менга берган.

Ҳамма даҳшатда.

Санжаров. Углинг унинг бир қисмини кандидатлик диссертацияси қилиб ёқлаган. Қолганини эса докторлик диссертацияси қилиб ёқлаш учун босиб ётибди.

Ориф (гапдан тўхтатишга тиришиб). Санжаров!

Санжаров. Ҳа! Шундай!

Комилов. Наҳотки шу гап рост бўлса? (Ориф жим.) Қандай расвогарчилик!

Ойша. Қандай шармандалик!

Озода. Қандай хўрлик! (Оғир пауза.)

Ориф. Дадажон...

Комилов. Тўхта! Ахир диссертация ёзиш ўзингни ҳам қўлингдан келар эди-ку?

Ориф жим.

Санжаров. Углинг тезроқ кандидат, тезроқ доктор бўлай, деган.

Комилов. Нафс гадоси! (Санжаровга.) Сен энди йўқол! Жонингдан умидинг бўлса, йўқол!

Санжаров шошиб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Пауза. Ориф боядан бери ўйлаб пиширган бир қарорини амалга ошириш ниятида эшикка йўналади.

Комилов. Тўхта, беномус! Қаёққа шошасан?

Ориф. Мен шаҳарга бориб келай.

Комилов. Шаҳарда нима қиласан?

Ориф. Юсуповнинг қўл ёзмаси уйимизда. Олиб келиб сизга топширмоқчиман.

Азиза (Орифга). Мен сиз билан бирга бораман.

Ориф. Йўқ, йўқ. Узим олиб келаман.

Азиза. Мен сиз билан бирга борай.

Ориф (асабийлашиб). Узим дедим-ку, ўзим!

Ойша. Майли, қўйинг, ўзи борсин.

Ориф шошиб чиқиб кетади. Яна оғир сукунат.

Комилов (кабинетга йўналаётиб). Йўлдош Комиловнинг ўғли плагиатор, ўғри! (Зинапоядан оғир, секин

чиқа бошлайди. Ойшага.) Дарров, эртагаёқ совет чақириб, масалани қўясан, ёқлаган диссертациясини бекор қиласан.

Ойша. Албатта!

Комилов (яна ҳам ортиқроқ ғазаб билан). Иккаласини судга берасан.

Ойша. Албатта.

Комилов (винадан чиқаётиб). Бу ҳам оз. (Чексиз ғазаб билан.) Қани у беномус қайтиб келсин-чи, Комиловлар оиласига иснод келтириш нима эканини кўрсатиб қўяй мен унга! (Баландга кўтарилаётиб, бирданига юраги қаттиқ санчиб, кўкрагини тутуди.)

Умумий ҳаяжон. Ҳамма унга ёрдамга шошади.

Ҳозир... ҳозир ўтиб кетади.

Узига келиб, бошқалар ёрдами билан аста кўтарилиб, гойиб бўлади. Озода ёлғиз пиллапоё олдига боши солиниб қолади. Азиза болохонадан қайтиб тушади.

Азиза (винапоядан тушаётиб афсус билан ўзига ўзи). Шаҳарга бирга тушай десам, нега кўнмади у?

Рисолат киради. Ҳайрон, сомсани столга қўяди.

Рисолат. Ҳай, чироғларим, нима гап? Даданг қани? Нега тарқалишиб кетдинглар? (Озода ва Азиза нима дейишни билмай жим қоладилар.) Ошларингга ким заҳар солди?

Азиза. Бувижон, юринг, эшикка чиқайлик. Бир гап бор.

Рисолат (Озодага). Шамол авж оляпти, ойнакларни бекитиб ол, болам... Узи нима гап?

Чиқадилар. Озода чуқур ух тортиб дераза олдига боради, пардани ёпади ва боши қуйи солиганича қолади. Сидиқжон киради. У хурсанд, қўлида дафтар.

Сидиқжон (аҳволни тушуниб). Нима гап? Бирор ёқимсиз воқеа рўй бердимми?

Озода пикхлаб йнглаб боши билан тасдиқлайди.

Устодга бирор нарса бўлдимми? (Зинапоядан кабинетга чопади.)

О з о д а. Йўқ, йўқ, тўхтаг. Устингиз саломатлар. Фақат уларни ҳозир безовта қилиб бўлмайди. Сабр қилинг. *(Ташқарига тикилиб, узоқ жим қолади. Кейин ўзи-га-ўзи.)* Яна булут! Қора булут.

С и д и қ ж о н. Нима дедингиз?

О з о д а. Йўқ. Узим... Қора булут!

Сидиқжон унга чуқур ташвиш билан тикилиб қолади. Аста-секин парда тушади.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

Биринчи қисмдаги декорация. Деразаларнинг пардалари туширилган. Собиров, Ойша ва Рисолат ўтирибди. Азиза дераза олдида ташқарига тикилиб тик турибди. Озода асабий у ёқдан-бу ёққа юради. Ҳамма Орифнинг шаҳардан қайтишини бетоқатлик билан кутади.

Ташқарида шамол. Узоқдан момақалдироқ эшитилади. Соат тўртга занг уради.

О з о д а. Уфф! Акамнинг шаҳарга кетганига уч соатдан ошди.

О й ш а. Орифжоннинг бу бедарак кетиши жиноят устига жиноят бўлди.

О з о д а. Наҳотки акам бизни алдаб кетган бўлса?

Азизага қарайди. Азиза индамайди.

С о б и р о в. Орифжон алдашга уста экан. Юсуповнинг қўл ёзмасини ҳам у дарров эълон этмасдан яшириб қўйгану, бу орада ўша тема юзасидан тажрибалар ўтказган бўлиб, бир-икки йил одамларни чалғитиб юрган. Кейин Юсуповнинг тайёр ишини ўз тажрибаларининг якуни деб эълон этган. Ишни пухта қилган экан!

О й ш а. Иш қанча пухта қилинган бўлса ҳам, мен бунчалик бепарво бўлмасам, ўз вақтида шубҳа уйғониши мумкин эди.

О з о д а. Акамнинг шундай жиноятга қўли бориши<sup>9</sup> ни ким ўйлабди дейсиз?

Р и с о л а т *(эшикка чиқиб кетаётиб)*. Одам худога ишонмаганидан кейин, дўзах азобидан қўрқмаганидан кейин, шунақа — гуноҳдан ҳазар қилмайди! *(Чиқади.)*

С о б и р о в *(Рисолатнинг орқасидан)*. Ҳар ҳодисани ҳар ким ўзича тушунади.

Ойша. Йўқ, дин одамни гуноҳдан қайтара олмайди.  
Собиров. Тўғри. Санжаровни яширин намоз ўқийди дейишади. Мен бунга ишонаман.

Ойша. Уғри қариса сўфи бўлади, дейди халқимиз.

Собиров. Доно мақол.

Ойша. Агар дин одамларни жиноятдан қайтаришга қодир бўлса, дунёда уруш деган даҳшатли жиноят бўлмас эди, дарё-дарё қон тўкилмас, миллион-миллион одамлар бекордан-бекорга ҳалок этилмас эди.

Рисолат киради. Қўлида чойнак.

Рисолат. Чироғларим, овқат емаганларингга яраша, бир пиёладан чой ичиб олинглар, ахир.

Ойша. Раҳмат, буви.

Ҳеч ким чойга иштиёқ кўрсатмайди. Рисолат уҳ тортади ва чиқади.

Собиров. Дадамга жуда жабр бўлди. Яхши ҳамки севган шогирди ёнида.

Ойша. Ҳа, Сидиқжон эслик чиқди.

Озода. Мен бўлсам, акам воқеасини Сидиқжонга қўрқа-қўрқа айтибман! Биздан ихлоси қайтса-я, совуса-я, деб ҳадиксирабман!

Сидиқжон болохонадан тушади. Бир қарашдаёқ аҳволни тушунади.

Сидиқжон. Мен бир шаҳарга тушиб чиқсамминкин?

Азиза. Фойдасиз! Мен ҳозир қўшнимиз министрникидан уйга яна телефон қилдим. Орифжон уйда йўқ.

Озода. Акамнинг уйдан кетганига жуда кўп бўлди. Шу вақтгача қаерда юрибди экан?

Азиза. Орифжон йўлда.

Озода. Йўлда? Наҳотки, уч соат ҳам йўлда бўлса?

Азиза. Ҳа, йўлда. Менинг эрим жиноят кўчасидан шунча узоқ кетган экан, унинг орқага қайтиши учун уч соат етарли эмас.

Сидиқжон. Гапингиз тўғри Мен ҳам болалар уин да ўқиб юрган маҳалимда кичкина бир жин я. қиб қўйиб, бўйнимга олишга тоза қийналганман. Тавба қийин, аммо тавбанинг қалтис кўпригидан ўтиб олганингдан кейин, ўзинг ҳузур қилиб кетасан киши.

Эинапожда Комилов пайдо бўлади. У ҳам бир қарашдаёқ аҳволни тушунади. Индамай пастга тушади, у ёқдан-бу ёққа юради, бенг-тёр радиоприёмник олдида тўхтади ва унга суяниб, ўйлашиб туриб қолади. У ташқи дунё ҳақида ўйлайди. У шу бўғиқ муҳитдан отилиб чиқиб кетишга тайёр. Кўзи радиоприёмникка тушади ва унга бир оз тикилиб туриб, бирданига унинг клавишини босади. Приёмникда таятанали музика, шовқин ва дикторлар овози эшитилади.

Эркак диктор овози. Бизнинг микрофонларимиз Тошкент вокзалига ўрнатилган. Янгидан-янги поездлар келмоқда.

Хотин диктор овози. Пойтахт меҳнаткашлари Бутуниттифоқ пахтакор механизаторлар съезидга келаётган қишлоқ хўжалиги, саноат ва фан ходимларини қизгин қарши олмақдалар.

Эркак диктор овози. Уч миллион саккиз юз минг тонна учун курашаётган Ўзбекистон меҳнаткашлари бу йилги экиш ланини бажариб, бу съездга муносиб совға олиб келдилар. Эртага...

Комилов (радиони ўчиради ва ўйлашиб қолади. Чуқур афсус билан ўзига-ўзи). Зигзаг!

Озода. Бир нарса дедингизми, дада?

Комилов (уҳ тортиб). Зигзаг деяпман. (Ташқарига ишора қилиб.) У ёқда ҳаёт ўз оқимида давом этмоқда. Менинг уйимда эса ҳаёт изидан чиқарилган.

Ойша (хуноб). Бу шарманда аҳвол яна қанча давом этади!

Комилов (Ойшага). Уканг Ориф истайдики, бу шарманда аҳвол Комиловлар уйда абадий давом этсин. Ҳа, Ориф бизга Юсуповнинг қўл ёзмасини қайтариб беришни хоҳламайди. Шундай эмасми, қизим Азизахон?

Азиза. Шундай.

Озода. Келинойи, шундайлигини билиб, нега бодан берн индамай ўтирибсиз?

Азиза. Мен эримнинг ҳақ йўлга қайтишини кутаман.

Ойша. Менимча ҳам, Орифжон қўл ёзмани бизга топширмоқчи эмас. Бинобарин, у қайтиб келмайди.

Собиров. Борди-ю Орифжон қўл ёзмани нобуд этса нима қиламиз?

Сидиқжон. Наҳотки Орифжон шундай жиноятга ҳам қодир бўлса?

Собиров. Жиноятнинг тойғоқ, нишаб йўлига бир тушгандан кейин, пастга тўхтовсиз юмалаб кетаётганини



Ўзи ҳам сезмай қолади киши. Бир вақтлар бир одамнинг театрга костюм цехида ўғирлик қилиб қўйиб, фош бўла-ёзганида жиноятини яшириш учун бутун театрга ўт қўйгани асимда. Орифжон ҳам Юсуповнинг қўл ёзмасини ёндириб юбориши мумкин.

**Сидиқжон** (*даҳшатда*). Қўл ёзма нобуд бўлса, жиноятни исбот қилиб бўлмайди.

**Ойша**. Ана шунинг учун ҳам Орифжон қўл ёзмани нобуд қилади.

**Азиза**. Орифжон ҳатто қўл ёзмани нобуд қилмоқчи бўлса ҳам, барибир аввал бу ерга бир келиб кетишга мажбур.

Комилов ажабланиб, Азизага тикилиб қолади.

**Собиров**. Бундай дейишга қандай асосингиз бор? **Азиза**. Асосим бор. Сабр қилинг. Кўрасиз. Эрим бу ерга келиб сизларга нима дер экан, мен шуни кутиб ўтирибман. Шаҳарга бирга тушай десам кўнмаганидаёқ, мен Орифжоннинг бизни алдаганини тушунганман.

**Собиров** (*Азизага*). Нега Орифжоннинг ниятини билиб туриб шаҳарга қўйиб юбордингиз?

**Азиза**. Ҳақ йўлга қайтиш учун мен эримга яна бир неча соат муддат бердим. (*Яна қизишиб.*) Юсуповнинг қўл ёзмаси масаласи мен учун энди оила, муҳаббат, ҳаёт масаласи. Менинг севган кишимдан умид қилишга, уни ҳақ йўлга солиш учун курашишга ҳуқуқим борми, йўқми? Нега сиз мени бу ҳуқуқдан маҳрум этасиз?

**Собиров**. Кечирасиз, Азизахон.

**Комилов**. Раҳмат, Азизахон. Менинг ношуд ўғлимдан шунчалик умидвор бўлганингиз учун раҳмат, болам.

**Азиза**. Истайманки, эрим ўз гуноҳининг даҳшатини тушунсин, тавба қилсин, қайтадан менинг муҳаббатимни қозонсин. Бўлмаса (*қизишиб кетиб*) менинг ҳолим ҳароб: мен Орифжон билан ажралишга мажбурман. (*Комиловга.*) Кечирасиз, дада: мен сизни ранжитадиган яна бир гапни айтишга мажбур бўлдим.

**Комилов**. Бугун ўзи менинг бошимга бало тошлари ёғналадиган кун экан, қизим!

**Азиза**. Яна бир оз сабр қилинглар. Орифжон албатта келади. (*Ташқарига қулоқ солиб.*) Ана, биров келяпти. Ориф ака келяпти! (*Эшик томонга отилади. У*

эшикни очар экан, остонада бемалол оёғини артаётган Санжаровга дуч келади ва чўчиб орқага тисарилади. Ҳамма ҳайрон.) Дада, мен кўчага чиқай, назаримда Орифжон келгандек, шу атрофда айланиб юргандек бўлаётир.

Санжаров. Овора бўлманг. Орифжон келмайди.

Азиза. Келади! (Отилиб чиқиб кетади.)

Комилов (Санжаровга). Сен нега қайтиб келдинг?

Санжаров. Мен ҳеч қасқа кетганим йўқ. Бу ерда менинг тақдирим ҳал бўлаётиру, мен қасқа бораман!

Комилов. Сен яна биздан яхшилиқ кутяпсанми? Умидингни уз! Йўқол!

Санжаров. Мен сен билан гаплашмасдан ҳеч қасқа кетмайман.

Комилов. Шундайми? Нима гапинг бор?

Санжаров (атрофдагиларга ишора қилиб). Булар бизни холи қўйишсин.

Комилов. Менинг булардан яширадиган сирим йўқ. (Бошқалар чиқа бошлайди.) Кетманглар, ўтираве-ринглар.

Собиров. Майли, биз чиқиб турайлик. (Чиқади-лар.)

Комилов. Хўш? Тезроқ гапир.

Санжаров. Йўлдош, жаҳлингдан туш. Мен ўзим олдинга кириб узр сўрамоқчи...

Комилов (укинг сўзини бўлади). Амин бўл, суҳбатингга муштоқ эмасман.

Санжаров. Ахир мен воқеани тушунтириб беришим...

Комилов (яна Санжаровнинг сўзини бўлиб). Ҳожати йўқ энди. Мен сенсиз ҳам воқеани таг-туби билан тушуниб олдим. Бунинг учун ўғлим ўзи менга етарли муддат берди.

Санжаров. Аммо мен...

Комилов (жаҳл билан). Муддаонингни гапир!

Санжаров. Уғлингдан қўл ёзмани талаб этма. Ёпиқ қозон ёпиқлигича қолсин.

Комилов. Энди мени ҳам жинойт йўлига тортмоқчимисан? Уғлимни жинойтчи қилганинг етмасмиди?

Санжаров. Мен туфайли ўғлинг кандидат бўлиб олди, доктор бўладиган бўлиб турибди. Мен сенга яхшилиқ қилдим.

Комилов. Айёрлик қилма. Сен мендан қасос олиш учун ўғлимни жинойт йўлига тортгансан.

Санжаров. Қирқ йиллик дўстимда менинг нима қасосим бўлиши мумкин?

Комилов. Сен энди дўстликни тилга олма, аблаҳ!

Санжаров. Ҳаддингдан ошма!

Комилов. Йўқ. Мен бугун ҳаддимдан ошаман, тошаман! Ҳа, сен мени биринчи марта дўстим деб атаганинда мен буни қувонч билан қабул этган эдим. Ёш қалб учун «дўстингман» деган сўздан ҳам жозибалироқ нарса бўлиши мумкинми? Аммо ўша вақтдаёқ биз сенинг мактабдош дўстларинг яхши билар эдикки, сен дўстинг учун ўзингни на ўтга, на сувга урасан. Фақат бир масалада сен ўзингни бир кунда юз марта ҳам ўтга, ҳам сувга уришга тайёрсан. Пул масаласида! Ҳа! Пул масаласида. Кўп ўтмай сен пул топишинг яширин, аммо самарали йўлларини ўрганинг. Мен сендан совидим.

Санжаров. Мен ҳам сенга ёпишиб олганим йўқ эди.

Комилов. Мен ўша вақтдаёқ сендан тамом юз ўғирим, ҳеч тортинмасдан сенга «йўқол» дейшим керак эди. Афсуски, демадим, кўнгилчанлик қилдим... Йиллар ўтди. Юртим буюк ишларга бел боғлаган даврда сен ҳам мен билан бирга олий мактаб аудиторияларига кирдинг.

Санжаров. Чунки мен ҳам бошқалардан орқада қолишни истамадим.

Комилов. Йўқ. Сен фақат чўққиларга дадил кўтарилаётган мамлакатда илминг обрўйи борган сари ортиқ бўлишини тушундингу, ўз манфаатингни кўзладинг, холос... Кейин Ватан бизни қизгин меҳнат майдонига ташлади. Сен ҳам қанча талаб этсалар, тахминан шунча ғайрат кўрсатиб, аммо ўзингни мумкин қадар койитмасликка тиришиб ишладинг. Илм сенга на ҳавас, на бурч бўлмагандек, социализм қуришда иштирок этиш ҳам сен учун фақат бир ниқоб эди.

Санжаров. Бўхтон қилма!

Комилов. Жим тур! Эътирозинг бефойда... Сенинг асл қиёфанг юртим бошига катта мусибат тушганда яққол кўриниб қолди. Юртимизнинг ўғил-қизлари Ватан учун қон тўкаётганида, одамларнинг бир бурдагина ризқини ҳам яримта қилиб, кичкина нон дўконидан катта давлат орттиришни беҳаёлар сендан ўрганди.

Санжаров. Нима қилайки, тирикчилик экан.

Комилов. Тирикчилик эмиш! Халқ бошида зўр

мусибат турганида, хотинингга қимматбаҳо пўстин кий-  
гизишни ҳам сен чиқарган эмасмидинг, виждонсиз?

Санжаров. Мен ўз топган-тутганимни хотиним-  
гагина сарф этмадим, дўстларим билан ҳам баҳам кўрдим.

Комилов. Ҳа, ўша йиллари ҳам сен дўстинг Ко-  
миловни унутмадинг. Тўрт йиллик уруш ва бунинг усти-  
га сенга ўхшашларнинг ҳаромхўрлиги натижасида доцент  
Комилов ярим оч, ярим юпун эди. У ҳатто лекцияларни  
ҳам қаердандир орттирган биргина шинелини ечмасдан  
туриб ўқир эди. Фақат аудиториянинг совуқлиги учун  
эмас, балки шинели тагида дурустроқ костюми йўқлиги  
учун ҳам доцент Комилов шундай қилишга мажбур эди.  
Ушанда сен доцент Комиловга марҳаматлар қилиб, катта  
совғалар билан унинг уйига келдинг ва у, сени ўз уйдан  
ҳайдаб чиқарди. Бу — Комиловнинг энг бахтиёр кунла-  
ридан бири эди. Уў, нима учун мен ана шу доцент Коми-  
ловлигимда қололмадим!

Санжаров. Сен мендан юз ўгирганингга ҳам, мен  
дўстлигимизга содиқ қолдим.

Комилов. Ҳа, сен яна айёрлик қилдинг. Уғлим  
Алишернинг фронтда ҳалок бўлгани ҳақида шум хабар  
келганда, сен яна менинг уйимга келдинг, мен билан ҳам-  
дард бўлдинг, мен билан бирга кўз ёши тўкдинг, мен  
билан баробар ўкириб йиғладинг. (Ҳалқумига келган  
йиғини зўрға босиб.) Миннатдорлик юзасидан мен сен  
билан яна дўстлик қилдим. Ундан кейин эса, шу миннат-  
дорлик туфайли баъзан виждоним садосига қулоқ сол-  
мадим. Худди шундай пайтларнинг бирида менинг ёрда-  
мим билан сен илмий институтга хизматга жойлашдинг.

Санжаров. Буни ҳам пул учун қилдинг демоқчи-  
мисан?

Комилов. Сени обрў учун ёки катта ойлик учун  
ўзини илмий ишга урди десалар адолатсизлик бўларди.  
Йўқ, сенга фақат ниқоб керак эди. Ҳа, шу вақтгача ҳа-  
ром-хариш йўллар билан орттирган бойлигингни энди  
бемалол оёқ узатиб еб ётмоқ учун, каламушларча хуфёна  
кайфи-сафо учун сенга ниқоб керак эди, ниқоб! Мен бу-  
ни тез пайқадим. Лекин сени институтдан ҳайдата ол-  
мадим.

Санжаров. Сен барибир менинг ишимдан ҳеч  
қандай камчилик тополмас эдинг.

Комилов. Ҳа. Сен иссиқ жойга канадек ёпишиб  
профессор Юсуповнинг ўнг қўлига айланиб олган эдинг.

Мен кўп пушаймон бўлиб юрдим. Сени жинимдан ёмон кўрдим. Сен буни сезар эдинг. Севгини сезмаслик мумкин, аммо нафрат дарров ўзини билдириб қўяди. Сен мени ёмон кўрдинг. Бунинг устига ҳасад қўшилди. Сен ҳаром-ҳариш йўл билан топгани мен ҳалол йўл билан топдим, ҳалол ошимни кўчада ичдим.

Санжаров. Сенда димоғ пайдо бўлди!

Комилов. Йўқ. Мен халқимнинг ҳурмати билан самимий фахландим. Сенга алам қилди. Сен менинг тилимни қисиб қўйиш йўлини тополмай хуноб эдинг. Ниҳоят, бунга имконият туғилади. Марҳум профессорнинг қимматли қўл ёзмаси сенинг қўлингга тушади. Сен бу қўл ёзмани ўзингники қилолмасдинг. Чунки сенинг қўлингдан бу иш келмаслиги ҳаммага аён, сен шарманда бўлар эдинг. Аммо қаллобликка ўрганган кўнглинг энди сенга тинчлик бермайди. Сен Юсуповнинг қўл ёзмасидан ҳам ўзинг учун манфаат чиқариш йўлини ахтарасан. Сен бу қўл ёзмани менинг ўғлим қўлига суқасан ва уни жиноят йўлига итарасан. Шундай қилиб, ҳам менинг уйимда ўзингга содиқ қул топасан, ҳам кези келганда ўғлимнинг жиноятини менга пеш қилиб, тилимни қисиб имкониятига эга бўлганингга ичингдан қувониб юрасан... Бугун ўғлимнинг сирини очишдан мақсадинг ҳам бизни ўз йўлингга солиш эди... Қани, энди умрингга бир марта нисофга келиб, рост айт-чи, менинг сўзларимда қиттак бўлса ҳам ёлгон ё муболаға борми? (Санжаров индаёлмай ерга қараб қолди.) Ҳа, дамнинг ичингга тушиб кетдимми? Қани, энди чиқ бу ердан!

Санжаров. Мен ҳали кетмайман.

Комилов. Кет, деяпман.

Шовқинга Ойша ва Собир чиқади.

Йўқол!

Ойша. Йўқол, дегандан кейин йўқолсангиз-чи!

Санжаров. Бизнинг гапимиз ҳали тамом бўлгани йўқ.

Комилов. Гап тамом. Йўқол!

Санжаров. Ўғлингни кечирмагунигча, ундан қўл ёзмани олиш ниятидан қайтмагунигча, мен бу ердан кетмайман.

Ойша. Бекорга овора бўласиз.

Собиров. Бу ниятингизга ҳеч қачон эриша олмай-сиз! Умидингизни узинг!

Санжаров. Менинг ниятим холис. Мен сизларни ўйлаяпман. Сизлар балога қолманглар деяпман.

Ойша. Бекор айтибсиз. Ориф баҳонаси билан сиз ўзингизни қутқараяпсиз.

Озода билан Сидиқжон чиқади.

Санжаров. Бу сир очилиб кетса, фақат Ориф эмас, фақат мен эмас, сизлар ҳам жавобгарликка тортласизлар. (Ойшага.) Ўртоқ директор, Юсупов меросининг ўрганишга бепарво қараб, халқ соғлигига зарар етказганингиз ва укангизнинг ўрриликча кандидат бўлиб олишига йўл қўйганингиз учун сизни жавобгарликка тортганларида пушаймон бўлиб қолманг тагин!

Ойша. Мен буни сиздан аввал фаҳмлаганман. Пушаймон бўлмайман.

Комилов. Энди қўрқитишга кўчмоқчимисан!

Собиров. Пўписадан бошқа қуролингиз йўқ экан-да!

Санжаров (Собировга). Ахир сиз ҳам катта кетаверманг. Сизнинг Комиловлар атрофида кўтарган шовшувингиз Орифжоннинг силлиққина диссертация ёқлашига анча ёрдам қилди. Комиловлар оиласи атрофида дабдабали мақолалар ёзган сиз эмасмидингиз? Ҳар икки мақолангизнинг бирида Комиловлар оиласини ҳаммага ибрат қилиб, мақтамасмидингиз?

Собиров (самимий). Мен буни халқимизнинг ютуқларини пропаганда қилиш учун, бу ютуқларга самимий қувонганимдан ёзган эдим. У мақолаларни мен редакциянинг топшириғи билан ёзганман...

Санжаров (шошиб луқма ташлайди)... Энди редакцияни ҳам хижолатга солиб, ўзингизнинг ҳам обрўйингизни бир чақа қилиб, нима қиласиз?

Собиров (жаҳл билан Санжаровга). Бир чақа бўлса, менинг обрўйим бўлар экан, сизга нима?

Санжаров. Ахир сиз ҳам бунчалик ўжар бўлманг. Газетангизда Комиловларни мақтовчи яна битта мақола ташкил қилсангиз, иш ўз-ўзидан босди-босди бўлади-келтирилади-да!

Собиров. Бунинг учун сизга ўхшаш беюз, беномус бўлиш керак.

Комилов (истеҳво билан). Хўш, энди мен нимадан қўрқишим керак?

Санжаров. Йўлдош, ўзинг ўйлаб кўр: Академияга сайловлар олдида шундай шармандалик...

Комилов (*Санжаровнинг сўзини бўлиб*). Бўлди! Бас! (*Истеҳво билан.*) Сен яна одамман деб, ҳатто зиёлиман деб бош кўтариб юрибсан-а!

Санжаров. Менинг олий маълумотим бор!

Комилов. Фақат маълумот ва касбгина кишига «зиёли» деган улуғ номни кўтариб юришга ҳуқуқ бермайди. Биз зиёлilar биримиз муаллимиз, биримиз врач, биримиз — агроном. Ўзимиз ҳар хилмиз, касбимиз ҳар хил. Аммо бизнинг ҳаммамизнинг битта, ягона бош касбимиз бор. Бизнинг бош касбимиз — бизни рўёбга чиқарган халққа хизмат. (*Фурур билан.*) «Зиёли» деган сўз зиё эгаси, нур эгаси, ҳаётга нур сочувчи, одамларнинг зеҳнига нур бағишловчи демакдир. (*Нафрат билан.*) Сендан эса фақат қора сассиқ тутун бурқсийди.

Санжаров. Йўлдош, мени қўя тур. ўғлингни ўйла. Ўғлингга шафқат қил. (*Ҳаммага.*) Бунча энди фанатик бўлмасанглар! Ахир одаммисизлар ўзларинг? Наҳотки сизларда шафқат йўқ?

Озода. Акамнинг шафқат талаб этишга ҳаққи йўқ.

Комилов. Ориф қилмишига яраша жазо тортиши лозим.

Санжаров (*қаттиқ*). Ҳой, Йўлдош, бу нима золимлик? Ўғлинг нима қиптики, сен унга мунчалик қаҳр қиласан? Ориф бировнинг ишини ўзиники қилган бўлса, нима қипти? Дунёда бировнинг ҳақини емаган ким бор?

Сидиқжон. Ҳаммани ўз газингиз билан ўлчаманг.

Санжаров (*Сидиқжонга*). Сиз тек турунг. Сиз бу ерда бегонасиэ?

Комилов. Бу ерда фақат сен бегонасан.

Санжаров (*қизғин, ҳаммага*). Ҳаётда доимо биров бировнинг ҳақини ейди. Бировнинг ҳақини ейшдан ҳазар қилсанг, ҳаётдан қониб лаззатлана олмайсан киши. Ҳаётнинг, бутун табиатнинг қонуни шу. Ҳаёт — бир денгиз. Агар денгизда наҳангга ўхшаш катта балиқлар кичик балиқларни еб турмаса, балиқ кўпайиб кетиб, денгиз қуриб қолади.

Комилов. А-а! Ана энди сен умрингда биринчи марта ниқобингни ташладинг, наҳанг!

Санжаров. Ҳа, мен наҳангман! Ҳар бир одамнинг лчида наҳанг бор. Ҳар ким ҳаётдан қониб лаззатланиш

учун қўлидан келганини қилади. (Комиловга.) Сен ўзинг ҳам ҳаётнинг гаштини сурмаяпсанми? Мана ўзинг ҳам шундай кошона қуриб олибсан-ку?

Комилов. Мен бунинг ҳалол меҳнатимга қурдим.

Санжаров. Бунинг аҳамияти йўқ.

Собиров. Бунинг фақат сиз учун аҳамияти йўқ.

Санжаров. Сизнинг қариндошингиз Орифжон учун ҳам бунинг аҳамияти йўқ. (Комиловга.) Уғлинг бировнинг ҳақиғага (қандилни кўрсатиб) ҳашаматли нарсалар олиб келиб уйингни безатиб қўйибди-ку?

Комилов. Бу ишни менинг ўғлим эмас, сенинг шогирдинг қилган.

Санжаров. Агар ўғлингнинг ичида наҳанги бўлмаса эди, у менинг шогирдим бўлмас эди.

Комилов. Мен бу наҳангни қуришман!

Санжаров. Қуришолмайсан.

Собиров. Қуришамиз.

Санжаров. Наҳанглик одам ичида абадий яшайди. Сиз уни қуришга олмайсиз!

Ойша. Қуришамиз!

Собиров. Биз одамнинг ҳақиқий инсон бўлишига ишонамиз.

Комилов. Бу — бизнинг имонимиз.

Санжаров (Комиловга). «Имон!», «Имон!» Шу имоннинг билан сен бугун ҳатто ўз ўғлингнинг қўлидан бировнинг қўл ёзмасини олишга ҳам қодир бўлолмай турибсан-ку?

Ойша. Биз Орифни қўл ёзмани топширишга албатта мажбур этамиз.

Комилов. Гап фақат қўл ёзмада эмас. Биз Орифни сен наҳангдан юз ўгиришга ҳам мажбур этамиз.

Санжаров (истеҳзо билан). Қандэй қилиб?

Комилов. Биз Орифга ёнбосмаймиз! Таслим бўлмаймиз!.. Энди йўқол! Иккинчи марта остонамга қадам босма!

Санжаров (тантана билан). Мен кетаман. Аммо менинг руҳим сизларнинг орангизда қолади: Ориф сизлар билан курашни давом эттиради ва сизларни енгади. (Комиловга.) Уғлинг сенга қўл ёзмани бермайди. Уғлингни кутма, ўғлинг келмайди. (Чиқади.)

Комилов. Келмаса-келмасин! (Пауза.)

Рисолат киради.



Мен энди ўғлимни кутмайман. Кутиш шунчалик бўлар.  
Бас!

**Рисолат.** Бу нима деганингиз, болам? Жаҳлингиздан тушинг, шайтонга ҳай беринг. (*Ифлаб.*) Ундан кўра ўйласангиз-чи! Болангиз шу вақтгача қаерда қолиб кетди? Ўзини бир нарса қилиб қўймадимикин?

Умумий саросима.

**Озода.** Энди нима қилдик? Опажон, бир нарса қилиш керак эди.

**Ойша** (*саросимада*). Каримжон, бир фалокат бўлмасин, бир нарса қилиш керак.

Собиров ҳам саросимада елка қисади. Ҳамма ҳалжонда.

**Рисолат.** Ҳой, болам Йўлдошхон, айтсангиз-чи, нима қилайлик? (*Комилов индамайди.*) Вой, диссертациянлар ҳам қуриб кетсин. Болам бечора ўзини нобуд қилиб қўйган бўлса нима қиламиз? Ҳой, ҳой, Йўлдошхон, нега индамайсиэ?

**Комилов** (*кўзларидан ёш оқа туриб*). Шундай фарзанд менга керак эмас! Менинг ўғлим йўқ. Менинг ўғлим ўлган!

**Рисолат** (*қаттиқ ҳайратда Комиловга тикилиб қолади*). Ё олло!

Пауза. Озода секин дадаси олдига келади. Унинг кўзларига тикилади.

**Озода.** Дадажон, фақат акамгина эмас, мен ҳам сизга кўп озор бердим. Мени кечиринг. Ориф акам воқеаси менга катта сабоқ бўлди. Уйлаб кўрсам, Ориф акам билан мен бир йўлда турибмиз экан. Фақат акам бу йўлнинг охирига етгану, мен бошида турибман. Ҳозир шу йўлдан қайтмасам, мен ҳам акамдай бўламан. Эҳтимол мен бировнинг асарини ўғирламасман, аммо ўз роҳатини кўзлаш, балойи нафс, манфаатпарастликда акамнинг худди ўзи бўламан. Ҳа. (*Қатъий.*) Мен сизнинг йўлингиздан боришни истайман. Кечаги маслаҳатларингизни қайтарганим учун мени кечиринг. Мен шу бугуноқ районга жўнашга қарор бердим. Сизни кузатаману, ўзим ҳам учиб кетаман.

**Комилов.** Сен менинг ярамга малҳам қўйдинг, болам. Сенга бутун қалбимдан оқ йўл тилайман.

А з и з а пайдо бўлади.

А з и з а (ҳаяжон билан). Орифжон келяпти!  
Рисолат. Худога шукур!

О р и ф киради.

Рисолат (атайин эшикка чиқаётиб Орифга шивирлайди). Болам, дарров тавба қил. Дадангинг авзойи бузуқ. (Чиқади.)

О р и ф. Тавба қилдим. Иккинчи марта оиламизга иснод етказадиган иш қилмасликка қасамёд ётаман.

К о м и л о в. Бу ҳам оз! Сен ҳали тегишли жазонгни тортасан! Қўл ёзмани бер.

О р и ф. Мен қўл ёзмани сизларга топшираман. Аммо бир шартим, йўғ-э... илтимосим бор.

К о м и л о в (жаҳли чиқиб). Шарт? Илтимос! Қандай илтимос?

О р и ф. Илтимосим шуки, қўл ёзманинг ҳозир менинг қўлимдаги қисмини Юсуповнинг янги топилган асари деб эълон қилсак! Мен кандидатлик диссертацияси қилиб ёқлаган қисми эса меники бўлиб қолаверса.

Ҳамма даҳшатда. Пауза.

К о м и л о в (ғазаб билан). Уйлаб-уйлаб топган гапинг шу бўлдими ҳали!

А з и з а. Ақлингизни едингизми, Ориф ака?! Яхши уйлаб кўринг. Юсуповнинг қўл ёзмасини ўз қўлингиз билан дадамга топширишингиз мумкин. Шундай қилинг. Мени миннатдор этинг.

О р и ф. Мен шармандаликка чидолмайман.

О й ш а. Буни аввал уйлаш керак эди!

С и д и қ ж о н. Сиз қўл ёзмани топширишингиз лозим.

О р и ф. Мен бунга қўнолмайман.

О й ш а. Биз сенга «кўн» деб илтимос қилмоқчи эмасмиз.

А з и з а. Одамлар бирор юқумли касалга мубтало бўлсалар, ўзлари дарҳол докторга югурадилар. Сиз эса пул, давлатпарастлик ва обрўпарастлик касалига мубтало бўлибсизу, бу масалани яна бизга ҳам юқтирмоқчи бўласиз. Уят! Уят! Қайтинг, бу йўлдан!

Биричи пардада Комилов олиб чиққан кўк папкани олиб, эрига узатади.

Агар унвонсиз яшашга бўйнингиз ёр бермаса, эски те-  
мангиз юзасидан яна ҳалол иш бошланг.

Ориф папкани олмайди.

Комилов. Қўл ёзмани бер!

Ориф. Дадажон, менинг илтимосимга кўнинг, мен-  
га шунча яхшилик қилдингиз, яна бир яхшилик қилинг.

Азиза папкани афсус билан жойига ташлайди.

Комилов. Мен сенга яхшиликлар қила-қила, шу  
жойга етдим, нонкўр! Мен ҳозир ўша яхшиликларимни  
ҳар бирини ўнта ёмонликка алмаштиришга тайёрман, фа-  
қат, бу ёмонлик ўғлимни тўғри йўлга қайтаришга ёрдам  
берса бас. Мен энди сенинг бурнингни ерга ишқайман!

Ориф. Ҳа, энди менга кетмон чоптиринг.

Комилов. Керак бўлса, кетмон ҳам чоптираман.  
Кетмончи киму, сен кимсан? Сен — халқнинг тузини  
ичиб, тузлигига тупурган ноинсофсан! Сен текинхўрсан,  
ўғрисан, ўғри! Қўл ёзмани бер!

Ориф. Қўл ёзма менда эмас.

Озода. Ёлғон гапирманг.

Ориф (алам билан). Қўл ёзма менда эмас!

Ойша. Кимда? Ё куйдириб юбордингми?

Ориф (аламидан ўзини туголмай). Куйдириб юбо-  
ролсам қани эди-я.

Ҳачма газабда.

Комилов. Шундоқ дегин! Ҳали шундай ёвуз ния-  
тим ҳам бор эди дегин! (Таҳдид этиб.) Қўл ёзма қани?

Ориф индамай туриб қолади.

Азиза (Орифга). Эссиз, эссиз менинг умидларим,  
орзуларим! Сизнинг жиноятингиз ҳақидаги миш-мишлар  
қулоғимга чалингандан бошлаб то шу кунгача мен ҳақи-  
қатни билиш учун не ҳаракатлар қилмадим, сизни ҳақ  
йўлга солиш учун не азоблар чекмадим! Аммо сизнинг  
манфаатпарастлик занги босган қалбингиз менинг нидо-  
ларимни эшитмади. Сиз менинг умидларимни ер билан

яксон қилдингиз, муҳаббатимни топтаб ташладингиз. Сиз айбингизга иқрор бўлолмадингиз. Сиз номард экансиз! (Комиловга.) Дадажон, Юсуповнинг қўл ёзмаси менда.

Ҳамма ҳайрон.

Комилов. Сизда?!

Рисолат киради.

Азиза. Ҳа, қўл ёзма менда. Дадажон, мен кўп излагандан кейин Юсуповнинг қўл ёзмасини кеча уйимиздан топиб, ҳар аҳтимолга қарши, бу ерга олиб келиб қўйганман. (Ориф ҳаяжонда. Орифга.) Мен сизнинг ҳақ йўлга қайтишингизга умидвор бўлиб, шунча кишини эрталабдан бери қийнаб, индамай ўтиришга мажбур бўлдим-а! (Комиловга.) Дадажон, сизлардан кечирим сўрайман.

Комилов. Сиз арқонни узун ташлаган экансиз, қизим. Сиз кечирим сўраманг, миннатдорлик талаб қилинг. (Орифга.) Демак, сен қўл ёзмани ҳақиқатан нобуд қилмоқчи бўлиб шаҳарга борибсану у жойда қўл ёзмани тополмай, ноилож менинг олдимга қайтиб кепсан-да!

Ориф индаёлмай ерга қараб қолади. Истеҳзо билан.

Баракалло!

Азиза. Мен қўл ёзмани олиб, унинг ўрнига Орифжонга икки энлик хат қолдирган эдим, мен эримдан ҳақ йўлга қайтишни илтижо этган эдим.

Комилов. Бу ҳам фойда бермабди. (Азизага.) Қўл ёзма қани, қизим?

Азиза. Ҳозир олиб тушаман. Столингизнинг галаёнида.

Комиловнинг кабинетига йўналади. Ориф сапчиб ўрндан туради-да, кабинетга отилади. У ёққа Азизадан илгари кирмоқчи бўлади. Зинапоёда отасига дуч келади. Комилов ўғлининг йўлини тўсади.

Комилов. Тўхта, нима қилмоқчисан?

Зинапоё олдида тортишув. Собиров ва Сидиқжон Комиловга ёрдамга шошадилар. Ориф отасини улоқтириб ташлаб, юқорига чопади.

Собиров унга етиб олади ва орқага итариб ташлаб, Азиза орқасидан кириб кетади. Ориф яна юқорига ҳамла қилганда унинг йўлини Сидиқжон тўсади. Ойша ва Озода зинапоядан анча нари бориб йиқилган Комиловга ёрдамга келадилар.

Комилов. Мени қўйинг. Югуринг, қўл ёзмани олинг. Нобуд қилади!

Ойша. Дадажон, хотиржам бўлинг. Қўл ёзма ишончли қўлларда!

Рисолат (Орифга). Ўз отасига мушт кўтарган, имонсиз!

Комилов (Орифни кўриб). Ҳайвон! Йиртқич!

Ориф бошини қуйи солиб жим қолади. Зинапожда Собиров ва Азиза пайдо бўлади.

Собиров (қўлидаги қўл ёзмани баланд кўтариб). Юсуповнинг қўл ёзмаси мана!

Комилов. Хайрият!

Ориф беихтиёр ўзини қўл ёзмага ташламоқчи бўлади, уни яна Сидиқжон тўсади.

Собиров (Орифга). Ололмайсан! Куйдира олмайсан! Қариндош, сенлаганимга ажабланма, сизлашга тилим бормади!

Ҳамманинг газабли кўзи Орифда.

Комилов (ёлвориб отасига тикилиб қолган Орифга). Менга тикилма! Сенинг олазарақ бежо кўзларингга қопқонга тушган йиртқичнинг даҳшатидан бошқа ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса! Ўғлим Алишер тирик қолса-ю, сен ўла қолсанг бўлмасмиди...

Ойша (Орифга). Тириклардан қўрқмасанг (Сожида ва Алишернинг портретларини кўрсатиб.), марҳумлардан уялмадингми, беор!

Комилов. Менинг ўғлим, бутун ҳаётимни бағишлаган ўғлим, битта-ю битта, ўғлим шуми ҳали? Шуми? (Пауза. Ўзини тугиб олиб, Орифга.) Биз енгдик! Комиловлар оиласидан бир бегона, бир якка мохов чиқибди-ю, бутун оилани нафс йўлига тортмоқчи бўлибди. Сурбетлигининг оқибатини ўзинг кўриб турибсан. Биз сени енгдик!

Ойша. Биз сенинг устодингни ҳам енгдик.

Комилов. Биз енгдик! (Қўл ёзмани завқ билан варақлайди. Кўзойнагини ахтариб тополмайди.) Кўзой-

нагим болохонада қолибди. Қизим Озода, чироқни ёқиб юбор. (Озода қандилни ёқади. Комилов қўл ёзгани ва рақлашда давом этади.) Уў, неча-неча дорининг неча касалларга шифоси ҳақида сўз бораётир-ку асарда! (Орифга газаб билан.) Одамлар касал бўлаверибди, улардан қанчаси ўлаверибди-ю, сен бу дориларни босиб ёта берибсан-да, инсофсиз! (Қўл ёзмада жуда муҳим бир нарсага кўзи тушиб, бирданига Орифга бақиради.) Тўхта! Тўхта! Даҳшат!

Ориф талвасада.

Комилов. Азизахон, сиз бу қўл ёзма билан танишишга улгурганмидингиз?

Азиза. Йўқ. Мен топдим, бекитишга мажбур бўлдим.

Комилов (Орифга). Энди сен айт, аблаҳ, сен айт, онанг қандай касалдан вафот этган эди? (Орифнинг тили лол.) Гапир, тилинг кесилгур, гапир!

Ориф. Онам пенфигус касалидан вафот этган эди.

Комилов (ҳаммага). Бу асарда эса пенфигус касалига картизон дориснинг шифо бўлиши аллақачон айтиб қўйилган экан.

Азиза. Даҳшат! Даҳшат! (Орифга.) Демак, онангиз хавфли касал билан оғриб ётганида сиз унга шифо бўлувчи дорини бекитиб ўтиргансиз?

Ойша. Қотил!

Ориф. Йўқ, йўқ! Мен онамни ўлдирганим йўқ! Айб докторларда. Докторлар анчагача онамнинг касалини аниқ тайинлаша олмади. Бири — пенфигус деди, бири — бошқа касал деди.

Озода. Сиз ҳам иккиланибсиз-да!

Азиза. Сиз дорини ўша вақтда эълон этсангиз, бу асар сизники эканига одамлар ишонмай, шарманда бўлишингиздан қўрқибсиз-да!

Ориф. Мен шошиб қолдим. Шошганимдан дорини оймга яширинча бериш ҳам хаёлимга келмабди. Мен фақат бир-икки кун иккиландим. Кейин дорини дарров эълон этишга қарор бериб, азонда касалхонага чопдим. Аммо...

Ойша. Аммо сен кечиккан экансан.

Ориф. Ҳа, ойим вафот этган экан. (Ҳўнграб йиғлайди.)

Қаттиқ момақалдироқ эшитилади. Чақмоқ чақади.

Рисолат. Ё олло!

Ориф. Кечиринг мени! Кечиринглар мени, кечиринглар. (Отасининг оёғига йиқилади.) Узим пушаймонман! Пушаймонман!

Яна чақмоқ чақилганда деразада Санжаровнинг силуэти кўринади.

Комилов (Орифга). Тур ўрнингдан! (Ориф туради. Комилов унга тикилиб туриб, ўзини тутолмай шалпалоқлаб юборади.) Йўқол!

Ориф чиқа бошлайди ва остонага борганда онасининг портретига тикилиб, мадорсиэлашиб, деворга суяниб қолади. Комилов Сожида портретига тикилади.

Сожида! Сожида!

Рисолат пиқилаб йиғлаб, унинг бўйига осилади. Комилов кампирни тинчлантиради ва унинг қучоғидан чиқади.

Менинг уйимга бойлик инсонни юксакларга кўтариш учун эмас, разолатга ва қасофатга судраш учун кираётганини билсам эди, мен уни итдек қувиб солар эдим! (Шифтда бу ердасиларни худди масхара этгандек париллаб ёниб турган қандилга кўзи тушади ва унга мурожаат қилади.) У-ў, бойлик, бойлик! Менинг уйимга сен келадиган бўлсангу имон кетадиган бўлса, мен сенга ўт қўяман, ўт! (Оғир стулни тутуди, бошқаларнинг «ҳай» деб огоҳлантиришига қарамай, шартта кўтаради ва қандилга отмоқчи бўлади, аммо бирданчага кўкрагини ушлаб ҳолсиэланади, стул қўлидан тушади.)

Умумий саросима, ҳаяжонли овозлар. Ҳушидан кетган Комиловни Сидиқжон ва Собиров ушлаб қолади.

Азиза (дарров қўмондонликни қўлга олиб). Маҳкам ушланг. Секин-секин. Ичкарига олиб кирайлик. Каравотга ётқизинг.

Комиловни чап томондаги хонага олиб кириб кетадилар. Ориф ҳам ичкарига кирмоқчи бўлади. Рисолат унинг йўлини тўсади.

## Рисолат (Орифга). Кирма! Кўзига кўринма!

Рисолат ичкарига кириб кетади.

Ориф (ёлғив. Талвасада). Нима қилиб қўйдим мен! Яна касофат! Яна ўлим!

Озода шошиб ичкаридан чиқади ва эшикка йўналади.

Ориф. Қаёққа?

Озода. «Тез ёрдам» чақиршига. (Чиқади.)

Ориф (ёлғив). Наҳотки яна ўлим! Ҳаммасига мен сабабман, мен!

Ойша чиқади.

Дадам...

Ойша (унинг сўзини бўлиб). Дадамни тилиннга олма! (Аптечкадан бир нарсани олиб, кириб кетаётиб.)

Чиқ бу ердан, бегона!

Кириб кетади. Ориф эшикка томон секин йўналар экан, кўзи стол устида ҳамма томонидан саросимада унутилиб қолдирилган қўл ёзмага тушади.

Ориф. Юсуповнинг қўл ёзмаси! Унутибдилар! (Қўл ёзмани қўлига олиб ўйланиб қолади.) Яна сен менинг йўлимни тўсасан! Яна юрагимга гулгула соласан! (Бир қарорга келолмай, қўл ёзмага бош қўйиб ўйланиб қолади.)

Санжаров пайдо бўлади. У ёмғирда ивиб, сувга ботган мушукдек шумшайиб қолган. У индамай Орифнинг орқасига келади, қўл ёзмани танийди, севинади. Орифни туртади. Ориф кўзларига ишонмай Ҳайрон.

Санжаров (шивирлаб). Ташлама! Ол! Қоч!

Ориф. А-а! Яна келдингми? Кет бу ердан! Мени сен адаштирдинг, сен расво қилдинг! (Санжаров қўл ёзмага чанг солмоқчи бўлади. Ориф унга имкон бермайди.)

Санжаров. Қўл ёзма меники! Уни сенга мен берганман!

Ориф. Йўқол! (Санжаровнинг гирибонидан сиқиб, жаҳл билан ташқарига чиқариб ташлайди.)

У ёқдан шарақлаб синган ойна товуши эшитилади. Бу овозга Азиза шошиб чиқади. Ориф Азизанинг кўзларига умид билан тикилади. Аммо Азиза уни кечирмоқчи эмас. Азиза қўл ёзмани



эслайди. Шошиб қўл ёмани ахтаради. Топиб севинади. Энди  
Орифин ахтарар экан, тополмайди: у секин чиқиб кетган эди.

Азиза (чексиз севинч билан). Олмапти! Қолдириб-  
ди! (Қўл ёмани бағрига босиб, завққа тўлиб, бир оз  
жим қолади. Кейин қўл ёмани олиб ичкарига шошади.)

Саҳна бир оз бўш қолади. Ичкаридан Собиров ва Сидиқжон  
чиқадилар. Улар жуда асабий. Собиров папирос чекади  
ва Сидиқжонга папирос узатади.

Сидиқжон. Раҳмат, мен чекмайман.

Собиров «ҳа, ростдан ҳам чекмас эдингиз-а!» дегандек бош чайқайди.  
Иккаласи ҳам оғир ҳолатда жим қоладилар.

Сидиқжон (ғазаб билан). Афсуски Санжаров  
ҳозир шу ерда эмас.

Собиров. Аммо Санжаров энди жазодан қочиб қу-  
тулолмайди.

Озода киради.

Озода. «Тез ёрдам» йўлга чиқди.

Сидиқжон. Хайрият!

Собиров папиросни дарров кулдонга босиб, ўчириб, яхши  
хабарни ичкаридагиларга етказиш учун шошиб кириб кетади.

Озода. Дадам қалай?

Сидиқжон. Йўлдош Комилович умидсизларни  
ёмон кўрар эди. Умид қилайлик, дўстим!

Пауза.

Озода (бутун қалбдан секин). Раҳмат сизга. Си-  
диқжон ака.

Сидиқжон (самимий ажабланиб). Мен раҳматга  
арзирлик ҳеч бир нш қилганим йўқ-ку?

Озода. Сиз бир синовдан ўтдингиз.

Сидиқжон. Қандай синовдан?

Рисолат чиқади.

Рисолат. Уфф. Қандай қора кун бўлди бугун. Яна  
бу ҳавонинг бузилганини айтмайсизларми?!

Сидиқжон. Ҳа, ҳаво ҳам Йўлдош Комиловичнинг  
юрагига ёмон таъсир қилди.

Рисолат (ташқарига чиқиб кетаётиб Озодага). Деразаларни очиб юборсанглар-чи! (Чиқади.)

Озода деразани очади. Шабада кириб дераза пардаларини ўйнатади.  
Қип-қизил уфқ кўринади.

Озода. Хайрият! Ҳаво очиқ, офтоб қизариб ботаяпти!

Сидиқжон. Бу — яхши аломат!

Озода (умид ва интизорлик билан). Эртага ҳаво яхши бўлади!

Иккаласи ҳам уфққа тикилиб қоладилар. Секин-аста парда тушади.

1960

# НОМАЪЛУМ КИШИ

*Уч парда, пролог ва саккиз кўринишли шеърий драма*

14 И. Султон, I том

## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Ниёз (Номанлуи киши). Қўзғолчи деҳқонлар бошлиғи.  
Нурбобо. Халқ шоири.  
Турғуной («Кичкинтой»). Нурбобонинг набираси.  
Азамат. Хонавайрон бўлган деҳқон, мардикор ва ҳаммол.  
Чорибой. Муштумаўр, қишлоқ оқсоқоли.  
Фазлиддин. Унинг ўғли (бешинчи кўринишда — Маҳбус).  
Самд Фулом. } Амир амалдорлари.  
Тўпчибеги. }  
Раҳмонқулбек. Маҳаллий беклардан.  
Собир. Қари деҳқон, Нурбобонинг ҳамқишлоғи.  
Барот, }  
Аъзам, } Деҳқонлар, Нурбобонинг ҳамқишлоқлари.  
Назир. }  
Ризохожи. Қишлоқда дўкондор.  
Ҳаким. Раҳмонқулнинг маҳрами.  
I жаллод.  
II жаллод.

Оммавий саҳналарда: деҳқонлар, сарбозлар, Ниёзнинг йигитлари  
Воқеа 1905 йилда Бухоро амириликда ўтади.

## БИРИНЧИ ПАРДА

### ПРОЛОГ

Парда олдида кекса шоир Нурбобо. Қўлида соз.

### Нурбобо

Ёмонликнинг умри мангу эмас ҳеч.  
Ёмонликни доно мангу демас ҳеч.  
Асрлардан бери зулм пичоғи —  
Бота-бота суякка етган чоғи —  
Сабри битган мазлум бошин кўтарур,  
Янги замон, янги даврон бошланур,  
Мана чиқмиш Ниёз деган баҳодир,  
Мазлумларни ёқламоққа у қодир.  
Журъатида замонадан бор нишон:  
Бағишлайди улуғ ишга мардлар жон...  
Ҳеч ким билмас, Ниёз деган ўзи ким?  
Кўзим ожиз, аммо кўрар бу дилим:  
Халқ орзуси ёнар Ниёз қалбида,  
Адолатда баландпарвоз қалбида...  
Яша, Ниёз, сафдошларинг бор анча,  
Кўпайгуси жасур бўлсанг сен қанча.  
Мана мен ҳам — кекса шоир ва инсон,  
Қидираман дўст бўлай деб қадрдон.  
Бухорода балки сени топарман,  
Қутлаб сени, пешанангдан ўпарман.  
Улуғ ишда сенга тилай мен омад,  
Сенга доим йўлдош бўлсин матонат,  
Сендек мардга қанот берсин бу замон.

Турғуно й бўлаб киради. У ўғил бола кийинида.

### Турғуно й

*(Нурбобонинг оёғига ҳолсиз йиқилиб)*

Оҳ, бобожон, шум тақдирдан бағрим қон.

Н у р б о б о

(ҳаяжонда)

Нима бўлди?

Т у р г у н о й

Халққа тўла Регистон.  
Осилармиш дорга Ниёз паҳлавон.

Н у р б о б о

(сира ишонмай)

Бу ёлгондир?

Т у р г у н о й

Юринг ўша томонга.

Н у р б о б о

Бошла, болам, бошла машъум майдонга.

Кетадилар. Чироқ ўчади.

## БИРИНЧИ КУРИНИШ

Бухорода Регистон майдонида бир четда баламд супа. Майдон кўринмайди, фақат майдондаги халқнинг кичик бир қисмигина кўринади. Супада Саид Фулом, Тўпчибеги ва бир неча мансабдор ва муллалар. Нарироқда дор тағнада икки жаллод, соқчилар ва бошига қоп ёпилган бир киши турибди. Тўпчибеги ҳозиргина амир ҳукмини ўқиб тамомлаган.

Т ў п ч и б е г и

(Ҳукми қайта ўраб, ўпиб бошидан баланд кўтаради)

Эй, худойим омон қилгин амирни,  
Адолатда тенгсиз соҳиб сарирни.

М у л л а л а р

Омин!

## Су па да ги лар

Омин!

Са и д Ғу л о м

Регистонга йигилган, эй халойиқ,  
Бухорода мавқеимга мувофиқ  
Бир оғиз сўз қилмоқчиман қўшимча:—  
Сиз эшитган улуғ амир ҳукмига.  
Тушунинг сиз: бебошликни мутлақо —  
Улуғ амир кечирмагай... Фуқаро,  
Биласизки, чиқиб Ниёз баччағар,  
Атрофига йигилди қулбаччалар.  
Жуда озор берар эди тинч халққа,  
Қилмишлари зарар эди тинч халққа.

Т ў п ч и б е ги

Минг шукурким, бахтимизга амир бор.

Са и д Ғу л о м

Мана бўлди қулбаччалар тору мор.  
Мана бало бебошларга ёпишди,  
Ниёз ўғри амир қўлига тушди.  
Сиз кўрдингиз, ишондингиз фуқаро,  
Мамлакатга ғавго солган бу расво —  
Олдингизда турар... Мана, мунофиқ —  
Жазо тортар қилмишига мувофиқ.  
Ҳаммамизга сабоқ бўлсин бу ғавго.  
Бошимизга қайтмасин ҳеч бу савдо.  
Унутилсин кўрган бўлсак биз неки,  
Минг уч юзу йигирма уч бу ҳижрий,  
Минг тўққиз юз бешинчи йил мелодий —  
Ҳеч қайтмасин, ўзинг сақла, ё раббий.

Т ў п ч и б е ги

Қулоқ солинг бу сўзимга халойиқ,  
Ушбу дорга осилғувчи бетавфиқ,  
Авбошларга, осийларга бўлиб бош,  
Халқ ичига солди адоват, талош.

Лозим эрур уни ҳамма қарғаса:  
«Омин» денглар, кирсин тўғри дўзахга.

Супадагилар «омин» дейдилар.

Н у р б о б о н и н г о в о з и  
(халқ ичиди)

«Омин», денглар жойи бўлсин жаннатда.

Бутун майдон устида гулдурос «омин» хитоби янграйди.  
Супадагилар ғазаб ва ваҳимада.

С а н д Ғ у л о м

Ҳой, фуқаро, бизлар яхши биламиз:  
Орангизда кўпдир бебош, бетамиз.  
Бебошларга дарак бўлиб ўлимдан,  
Улуғ амир фармонига биноан,  
Дор устида Ниёз ўғри ўлиги  
Бир кун эмас, бир неча кун тургувси.

Осишга ишора беради. Жаллодлар маҳбус бўйнидаги сиртмоқни  
торта бошлайдилар. Халқ ғазаб изҳор этиб, «Ниёз! Ниёз!» деб  
шовқин кўтарадилар. Чироқ ўчади.

## ИНТЕРМЕДИЯ

Саҳна олдида гамгин Н у р б о б о ва Т у р ғ у н о й пайдо бўладилар.

Т у р ғ у н о й

Мана, бобо, Ниёздан ҳам айрилдик!

Н у р б о б о

Энди, болам, Бухородан кетайлик.

Т у р ғ у н о й

Бунча шошмоқ?



## Н у р б о б о

Шошмоқ керак... Бугун мен —  
Қартайганим сезиб қолдим... Бугун сен —  
Кўзларимга бирдан катта кўриндинг.

Т у р ғ у н о й

(ажабланиб)

Бу сўзларнинг маъносини англадинг.

## Н у р б о б о

Ҳа, жонгинам, катта бўлиб қолгансан...  
Уч ёшингдан бирга юриб мен билан  
Ожизлигим сездирмадинг... Менга сен  
Чин фарзандлик қила олдинг. Сенга мен —  
Йўл кўрсатдим, етакладим ҳаётга.

Т у р ғ у н о й

Миннатдорман, устод.

## Н у р б о б о

Бошқа устодга  
Кўпроқ раҳмат изҳор этсанг арзийди:  
Ҳаммамизга ҳаёт сабоқ ўқийди.  
Гўдакликдан сен ҳаётга шогирдсан,  
Ачкиқ-чучук сабоқ олдинг ҳаётдан.  
Фаросатинг, жисминг пишди, етишди,  
Шунинг учун балки эсимга тушди —  
Қора ўтмишгина эмас, келгувсинг.

Т у р ғ у н о й

(алам билан, юракдан)

Келажагим ўйламанг ҳеч, унутинг.

## Н у р б о б о

(ҳайрон)

Келажагинг ўйламай? Хўш, не учун?

Т у р г у н о й

Келажагим ҳозир дорга осилди.

Н у р б о б о

(яна ҳам ажабда)

Умид боғлаб эдинг ўша Ниёзга?

Т у р г у н о й

Сафдош бўлмоқчийдим жасур шоввозга.

Н у р б о б о

Унутмаки, йигитмассан, сен қизсан.

Т у р г у н о й

(қаттиқ аламда)

Ҳа, мен қизман, йигитмасман, мен қизман.  
Шунинг учун бугун жуда бахтсизман.

*(Жаҳл билан қалпоғини юлиб олади, чилвир сочлари  
ёйилиб кетади. Хаёлга берилиб.)*

Тирик бўлиб учрашайди мен билан  
Мен Ниёздан яширардим қизлигим,  
Яширгандек шунча йиллар бу сирим.  
Сиз албатта бўлардингиз ҳамроҳим,  
Яширдим-ку мен сиз учун бу сирим.

Н у р б о б о

(миннатдорлик билан)

Ҳа, албатта. Сен яширдинг мен учун.  
Кўп хагарди йўлда, эдинг мен учун.

## Турғуной

Хатарлардан қўрқмасликка ўргандим,  
Шунинг учун ширин хаёл сургандим:

*(Хаёлга берилиб.)*

Оҳки, тирик бўлса Ниёз паҳлавон,  
Унинг каби улуғ ишга тикиб жон,  
Йигит бўлиб, унга сафдош бўлардим,  
Йигитликда мен боши тош бўлардим,  
Фидойидек кўрсатардим мен хизмат,  
Қозонардим тўдасида кўп ҳурмат,  
Сўнгра кимман, билдирардим ўзига.

*(Ғайри ихтиёрий равишда.)*

Мафтун бўлиб боқар эдим кўзига,  
Бахтим келса, маҳбубаси бўлардим!

## Нурбобо

*(ажабланиб жаҳлсиз)*

«Бахтим келса, маҳбубаси бўлардим?»

## Турғуной

*(иқрор бўлишга мажбур, бошини қуйи солади.)*

Тушган эди у Ниёзга ёш меҳрим.  
Достон бўлиб сиздек шоир тилида,  
Меҳр уйғотди мен бечора дилида.  
Меҳр гули гунча очмоғи учун —  
Лозим эди қуёш чиқсин, кун туғсин.  
Кечалари тўкиб кўз ёшимни мен.  
Кундузлари кутдим қуёшимни мен.  
Юрагимга меҳрин солган бу тақдир,  
Раҳми келиб, топиб яна бир тадбир,  
Қилар, дедим, Ниёз билан мени дуч.  
Аммо бугун умидларим чиқди пуч.

*(Йиғлайди.)*

Хатто қиёфасини кўрмай қолдим мен.  
Дийдорига бир бор тўймай қолдим мен...  
Қиз бўлганим учун жуда бахтсизман.

## Н у р б о б о

(қизининг бу сиридан қаттиқ таъсирланиб, Турғунойга)

Гофил қолган экан бобонг сирингдан!

(Уйланиб қолади. Узига-ўзи.)

Гунчасидан очилганин қизил гул —  
Бир кўраин, бир тўяин деб булбул —  
Шомдан саҳаргача нола қиларкан,  
Гунча очилганда ухлаб қоларкан...  
Ота-она қисмати ҳам худди шу:  
Бола учун бутун умр еб қайғу,  
Гўҳ қувониб, гоҳи заҳар ютаминз,  
Балоғатга етишини кутаминз...  
Балоғатнинг нишонаси — муҳаббат,  
Еш кўнгилда гунча очиб қатма-қат,  
Уз ёрини танлаганда боламинз,  
Эй, афсуски, биз гафлатда қоламинз!

(Турғунойга.)

Меҳр ҳали муҳаббатмас жонгинам,  
Сенинг учун келур ҳали ажиб дам.

Т у р ғ у н о й

Севаман мен фақат Ниёз кабини  
Энди сира Ниёз каби сахийни  
Учратмасман.

Н у р б о б о

Фақат шайтон умидсиз!

Умидвор бўл.

Т у р ғ у н о й

(алам билан)

Энди қолдим мен ёлғиз.

Н у р б о б о

(бошқа оҳангда, юпатиб, эркалатиб)

Айтмовдимми, улгайдинг деб, кичкинтой...  
Кичкинтойлик тамом бўлди, Тўрғуной.

Пауза.

Яна сени Тўрғуной деб атармиз,  
Юргин, болам, қишлоғимга қайтармиз.  
Умрим сўнгги ўтсин азиз диёрда,  
Бахтингни топ сен ҳам азиз бир ёрда.  
Куёвга чиқ... Ёлғиз юрма. Сўзга кир.

Т у р ғ у н о й

Оҳ, бобожон, энди менга барибир.

Н у р б о б о

Меҳр ҳали муҳаббатмас, жонгинам.  
Сенинг учун келур ҳали ажиб дам.  
(Тўрғунойни стақлаб чиқиб кетади.)

Чироқ ўчади.

Чироқ ёнганда Саид Ғулом ва шериклари саҳнада йўқ. Майдон жимжит... Биз дорда ўликни кўрмаймиз. Уликни уч киши кўтариб шошиб олиб чиқиб кетади. Бу кишиларга бошчилик қилаётган Номаълум киши чиқиб кетаётиб, бир чеккада йиртиқ чопон тагида одам ухлаб ётганини кўради. Уни уйғотмоқчи бўлиб, секин гапиради.

Н о м а ъ л у м к и ш и

Туринг, ака!

Ётган киши уйқусираб бош кўтаради. Бу — Азамат. У узун ҳомуза тортади. Узининг қасрда эканини эслолмай, норозн тўйғиллайди.

А з а м а т

Ким қилади хархаша?  
Дунёда бор битта бепул томоша:  
Яхши тушлар...

(Тушини эслаб.)

Маза эди, кўп маза!

(Номаълум кишини кўриб айқ уради.)

Нега мени уйғотвординг?

Номаълум киши

(катта хавфдан огоҳлантиргандай оҳангда.)

Бўлмаса —

Сиз балога қолдингиз. Бу ердан кетинг тезроқ.

Азамат

(ҳамон беғам. Шабададан роҳат қилиб.)

Шу шабада ёқувди,

Шунинг учун мен бу ерда қўнудим.

Номаълум киши

(бетоқат, қатъий)

Кетинг тезроқ!

Азамат

(тажани)

Эй, ажаб:

Ваҳимага, дағдагага не сабаб?

Номаълум киши

(аччиқлана бошлаб)

Дорга қаранг.

Азамат ҳамон бефарқ ҳолда Ииё осилган томонга қарайди.

Азамат

(даҳшатда)

Улик қани?

Номаълум киши «билмайман» деб елка қисади.

---

Ё олло!

(беихтиёр)

Қайси мардлар қилди буни, ажабо?  
Азаматнинг бу сўзлари Номаълум кишига ёқади.  
Ким обқочди?

Номаълум киши  
(жаҳл билан, атайин)

Сиз бўласиз обқочган.

Азамат илон чаққандек сапчиб ўрнидан туради ва қочади.  
Майдондан ташқарида орқасига қайтади ва бошқа томонга шошиб  
кстаётган Номаълум кишига етиб олиб, этагидан маҳкам ушлайди.

А з а м а т

Тўхта, йигит... Бундай қалтис ҳазилдан —  
Улим яхши... Майли, сени кечирдим:  
Уйғотмасанг аниқ эди ўлимим.  
Сен ҳам кечир, мен бефаҳмлик қилибман;  
Савоб ишни қилган одам ўзингсан!  
Номингни айт? Кимсан ўзинг? Қаердан?  
Дуоингни қилай, чин мард экансан.  
Супага ҳам дуо учун чиқувдим,  
Ниёз раҳматликни дуо қилувдим.

Номаълум киши

Ниёз тирик.

А з а м а т

(сира ҳам ишонмай)

Ниёз тирик?!

Номаълум киши  
www.ziyouz.com kutubxonasi

А з а м а т

(дор томонга ишора қилиб)

Ниёзмасми ўғирланган у ўлик?

Н о м а ъ л у м к и ш и

Бошқа одам... Бир бегуноҳ.

А з а м а т

(ишониб-ишонмай)

Қўйсанг-чи!

Н о м а ъ л у м к и ш и

(қатъий)

Ниёз тирик!

А з а м а т

(ишонгиси келиб)

Рост бўлса мен севинчи  
Берар эдим шу бошимни.

Н о м а ъ л у м к и ш и

(қувониб)

Меники экан сизнинг бошингиз ҳам.

А з а м а т

Узинг ким?

Н о м а ъ л у м к и ш и

Мен Ниёзман.

(севиниб)

Сен Ниёзсан?



Номаълум киши

Ниёзман.

Азамат

(Ниёзни қучоқлаб кўзига ёш олади)

Ука сени, худди сени излайман!

(Ниёзни қучоқлайди.)

Чироқ ўчади. Парда тушади.

### ИНТЕРМЕДИЯ

Тўпчибеги югуриб киради. Бошқа томондан чиқиб келган  
Саид Фуломнинг йўлини тўсади.

Тўпчибеги

(додхоҳнинг оёғига йиқилиб)

Улуғ додхоҳ, кечиринг,  
Бир қошиқ қонимдан кечинг.

Саид Фулом. Нима бўлди?

Тўпчибеги. Ёмон хабар келтирдим.

Саид Фулом. Қандай хабар?

Тўпчибеги. Ниёзнинг ўлиги ўғирланган.

Саид Фулом. Ким ўғирлаган?

Тўпчибеги. Номаълум киши.

Саид Фулом. Номаълум киши? Аҳмоқ! Амир-  
нинг буйруғини атайин бузиб, Ниёзнинг ўлигини ўғир-  
лашга журъат этган киши номаълум бўлиши мумкинми?

Тўпчибеги. Бу одам ўзини Ниёз деб атар экан.

Саид Фулом. Ниёз?

Тўпчибеги. Ҳа, Ниёз.

Саид Фулом. Шўринг қурибди, Тўпчибегил! Сен  
Ниёз деб бошқа одамни тутиб келган экансан.

Тўпчибеги. Бўхтон қилманг. Дорга осилган одам  
«Ниёзман» деб иқрор бўлди-ку?

Саид Фулом. Сен уларни билмас экансан. Улар  
бир-бирларини қутқариш учун «менман» деб дор тагига  
бора берадилар.

Тўпчибеги. Йўқ! Бу номаълум аблаҳ — сохта Ниёз.

Саид Фулом. Менимча, ҳақиқий Ниёз.

Тўпчибеги. Йўғ-э!

Саид Фулом. «Йўғ-э» эмиш! «Ниёзман» деган кишини итдек дорга осганимизни кўриб туриб, бу одам: «Ниёз — менман?» — дебдими, демак ҳақиқий Ниёз шу!

Тўпчибеги. Наҳотки?

Саид Фулом. Албатта-да. Ўликни ўғирлаш билан у ўз гуноҳини енгиллаштирамоқчи, холос.

Тўпчибеги (қаттиқ даҳшатда). Ниёз тирик! Шўрим қуриди! Амир эшитса, нима дейди?

Саид Фулом. Амир терингни шилиб олади!

Тўпчибеги (ялиниб). Қутқаринг! Қутқаринг мени! Сиз доим менинг мададкорим бўлиб келдингиз. Бу гал ҳам мени фақат сиз қутқарарсиз, паноҳгоҳим!

Саид Фулом. Бу гал қутқаришнинг ҳеч иложи йўқ.

Тўпчибеги. Иложи бор! Раҳмингиз келсин! Ҳозирча бу ҳақда амирга индамай туринг.

Саид Фулом. Барибир амир кўп ўтмасдан бу гапни бошқалардан эшитади.

Тўпчибеги. Амир эшитгунча мен Ниёзни тутиб келаман.

Саид Фулом. Шошил, чоп!

Тўпчибеги. Бу яхшилигингизни ҳеч қачон унутмайман, додхоҳ!

Додхоҳ орқасига қайтиб кириб кетади.

Эй, Ниёз, энди сен мендан қочиб қутулмайсан.

(Шошиб чиқади.)

## ИККИНЧИ КУРИНИШ

Қишлоқ гузари. Оломон йиғилган. Тўполон, қийқириқ.

### Чорибой

Гапим битта! Қарзни дарров тўлайсиз.

Ё бўлмаса ерингизни хатлаймиз.

### Барот.

Йўқ. Бу — адолатсизлик.

На з и р

Ноинсофлик.

С о б и р

Уйинг куйгур, бой.

Б а р о т.

Йўқ. Бунга биз кўнмаймиз.

(бойга)

Инсоф борми?

На з и р

Бизни ким энди ёқлайди.

Б а р о т.

(бойга)

Ноинсофлик қилманг!

Ч о р и б о й

Аввал қарзингни  
Тўлаб қўйгин. Ундан кейин арзийди  
Бундай оғиз кўпиртирсанг.

Б а р о т

Бой ота!  
Уз қарзидан тонган киши йўқ бунда.

Ч о р и б о й

Тонмас бўлсанг, тўлаб қўй-да.

Б а р о т

Аmmo сиз  
Қарзингизни бевақт талаб қиляпсиз,  
Қарзни бизлар куз келганда тўлаймиз.

### Ч о р и б о й

Сен тушунгин, ақли калта, бетамиз,  
Мен сенларга қарзни берган замонда —  
Бу ғавғолар ҳеч йўқ эди жаҳонда.  
Бўлди энди кўп шум замон, шум замон.

### Р и з о ҳ о ж и

Русияда дарё-дарё оқар қон.

### Ч о р и б о й

Тил чиқарди бизда ҳам қулбаччалар,  
Бетгачопар дарров ҳар бир баччағар.

### Р и з о ҳ о ж и

Ким билади, эртан нима кўргумиз?

### Ч о р и б о й

(халққа)

Тўлаб қўйинг мендан олган қарзингиз.  
Нурбобо ва Турғуной пайдо бўлади.

### Б а р о т.

(қаттиқ ғазабда)

Қани энди Ниёз полвон келсайди,  
Бу золимнинг адабини берсайди!

### Ч о р и б о й

(тантана билан)

Умидинг пуч: Ниёз дорга осилган.

Халқ ачиниё гурунглайди.

Н у р б о б о

(Чорибойга ҳайиқмай)

Шунинг учун сен қутурган экансан.  
Сира-сира ўзгармабсан ҳой, Чори.

Ч о р и б о й

Ўзинг кимсан? Қайдан келдинг? Тур нари!

Н у р б о б о

Нурбобони унутдингми, Чорибой?

Халқда овозлар: «Нурбобо», «Нурбобо экан».

Н а з и р

Наҳот Нури?!

С о б и р

Сенмисан, эй Нурибой?

Чорибой ҳаяжонда.

Танимабмиз. Узр. Узр.

Н у р б о б о

Бир талай вақт ўтди. Кўришмадик.

С о б и р

Кел, дўстим, бир қучоқлай.

Иккаласи бир-бирига томон борар экан, Нурбобо Собирнинг ёнидан  
ўтиб кетади. Ҳамма Нурбобонинг кўрлигини фаҳмлаб ҳайрат  
ва ачинишда.

Кўзларингга...

Н у р б о б о

(Собирнинг сўзини бўлиб)

Дўстларим,

Йиғлай-йиғлай адо бўлган кўзларим.

*(Чорибойга)*

Ҳамон дарра тушмабди-да қўлингдан.

Ч о р и б о й

Жонинг ширин бўлса турма йўлимда.

Н у р б о б о

*(халққа)*

Бўш келманглар, мусулмонлар, ҳеч қачон  
Жим ўтириш вақти эмас бу замон.  
Кўряпсиз-ку: бойлар итдек қутурган.

Ч о р и б о й

*(қаттиқ ғазабда)*

Ўзингдан кўр, жондан тўйган экансан.  
Бир зарб билан шунда тамом қилурман.

Чорибой катта даррани баланд кўтариб, астойдил урмоқчи бўлганда  
қўққисдан пайдо бўлган Ниёз унинг қўлидан тутаяди.

Н и ё з

Тўхта, жаллод! Кимга кўтаряпсан қўл?

*(Бойни улоқтириб ташлайди.)*

Ч о р и б о й

Ўзинг кимсан?

Р и з о ҳ о ж и

Ҳовлиқма кўп! Эҳтиёт бўл!  
Сен Чорибой билан сира олишма.

Ниёз

*(Чорибойга)*

Чорибойсан. Яхши билиб турибман.

Чорибой

Жонинг ширин бўлса бундан тез йўқол!  
Савол берур сенга Чори оқсоқол;  
Ким чақирди сени бунда? Ўзинг ким?

Азамат халқ ичидан ўртага чиқади. Халқ уни танийди, севинади.

Азамат

Бу йигитни қишлоққа мен чақирдим.

Чорибой

А, Азамат?

Азамат

*(тап тортмай)*

Шундай, тақсир, Азамат!

Чорибой

*(истеҳзо билан)*

Қарз тўлолмай, халққа бўлиб мазамат,  
Қочган эдинг...

Азамат

Мен қозини обкелдим.

*(Ниёзга.)*

Сен қилиб бер бу жанжални ажрим.

Чорибой

*(Ниёзни эрмак қилиб)*

Сен қозисан?

Ниёз Азаматдан изим олиб, супага кўтарилади.

Ниёз

Мен — Ниёзман!

Халқ ажабланиб гуриллайди, Турғуной беихтиёр қийқириб юборади.

Чорбой

(ҳаяжонда)

Сен — Ниёз?

Турғуной

Наҳот Ниёз?

(Тикилиб қолади.)

Ниёз

(халққа)

Сиз бир оз ҳайрондирсиз...

Чорбой

(Ниёзнинг сўзини бўлиб)

Чунки яхши биламиз...

Азамаг

(Чорбойнинг сўзини бўлиб)

«Бухорода осилган у», деярсиз...

Ниёз

Мен тирикман!



А з а м а т

(Чорибойга)

Бошқа одам осилган.

(Халққа.)

Мана Ниёз — сиз эшитган ва билган.

Т у р г у н о й

(Нурбобога)

Оҳ, бобожон, тирик экан Ниёзим!

Н у р б о б о

Тирик бўлсин, омон бўлсин, илоҳим!

Ч о р и б о й

Бу ёлгон гап!

Н и ё з

(Халққа)

Ишонинглар, рост гапим:

Мен тирикман. Ниёз деган мен ўзим.

Русиянинг халқи исён этибди,

Оқ пошшонинг тагига сув кетибди,

Типирчилаб қолди бизда ҳам беклар,

Бош кўтардим бирлашсин деб мендеклар.

Ч о р и б о й

Ёлгон!

Р и з о ҳ о ж и

Ишонманглар. Алдаяпти.

Т у р г у н о й

(халққа)

Қошингизда турар Ниёзининг ўзи,  
Неси ёқмас сизга: ўзи ё сўзи?

Ч о р и б о й

(Турғунойга дўқ уриб)

Сен тирранча, маҳмадана...

Н и ё з

(Чорибойнинг сўзини бўлиб)

Оқсоқол,  
Нега ҳадеб дўқ урасан бемалол?  
Қилмишингдан ҳозир сўроқ берурсан!

Ч о р и б о й

Мени сўроқ қилиш келмас қўлингдан.

Н и ё з

Йўқ, адашдинг.

Ч о р и б о й

(қўрқа бошлаб)

Ҳигитларинг шу ерда?

А з а м а т

Адашмадинг.

(Орқа томонга қичқиради.)

Бир кўрининг бу шерга!

Одамларга четроқ кетишга ишора қилади. Одамлар орқасида биз олтига забардаст йигитни кўрамай. Ниёз ишораси билан халқ яна уни қуршаб олади, йигитлар улар орқасида қолади.

## Ч о р и б о й

(таъна қилиб Ниёзга)

Зўравонлик қилмоқчисан?

Н и ё з

Ҳамоқат!

А з а м а т

Бу Ниёзда қурол — фақат адолат.

(Халққа муурожаат этади.)

Мусулмонлар, Собир деган бечора  
Борми ҳозир орангизда?

Б а р о т.

Бор.

Н а з и р

Бор.

С о б и р

(олдинга чиқиб)

Ҳа?

А з а м а т

(чиройини халққа кўрсатиб.)

Қурумсоқнинг чоракори Баротжон?

Ўз номининг тилга олиганига ҳайрон бўлган Б а р о т ўртага чиқади.

Барот,

Шу ердаман.

Ниёз

*(Баротнинг белида арқон кўриб)*

Хайрият, бор бир арқон!

*(Собир билан Баротга Чорибойни кўрсатиб буюради.)*

Боғланг буни!

Собир билан Барот бир оз иккиланадилар.

Азамат

Биз шу ерда — қўрқманг сиз.

Собир

*(дадил)*

Жонга тегди!

*(Бойнинг қўлини қайиради.)*

Барот.

*(бойни боғлайди)*

Жондан кечиб қўйганмиз!

Ниёз

Тиз чўктиринг.

Бойни тиз чўкишга мажбур этадилар.

Чорибой

*(ўз кўзларига ишонмай, ғазабда.)*

Ҳой, нонкўрлар, нонкўрлар!

Уридан турмоқчи бўлади, уни қайта тиз чўктирадилар.

Н и ё з

(Чорибойга)

Мана энди сўроқ бермай кўр, занғар!

Р и з о ҳ о ж и

(даҳшатда беихтиёр)

А! Ниёз!

О в о з л а р

Ниёз!

Н и ё з

Худди ўзи!

Р и з о ҳ о ж и

(секин, шерикларига)

Жонингда умидинг бўлса, қочиб қол!

У бошлиқ бир неча киши бирпасда ғойиб бўлади.

Н у р б о б о

(Ниёзга)

Арз сўрашни мендан бошла, нор йигит.

Чорибой даҳшатда, Нурбобо тикилиб қолади.

Н и ё з

Майли, бобо.

(Чорибойга)

Бошинг тушир! Жим эшит!

(Нурбобога «бошланг» деб ишора қилади.)

Н у р б о б о

(Чорибойга)

Жуда узун жиноятинг дафтари.  
Номим кирди ҳаммадан ҳам илгари —  
Уша қора дафтарингга.

(Ниёзга.)

Бу одам —  
Мени бебахт қилди, куйдирди кулбам.

Ч о р и б о й

(Ниёзга.)

Эски гап бу!

Н и ё з

Гуноҳнинг йўқ эскиси.

(Нурбобога.)

Гапиринг тез, йўқдир бунинг ҳечқиси.

Н у р б о б о

(Чорибойга)

Бир вақтлар мени сиқиб ҳар бобдан,  
Ҳам лоф уриб инсофдану, одобдан —  
Ойхонимни чўриликка сўрадинг.  
Мен ҳам бердим.

(Кўнгли тўлиб, гапиролмай жим қолади.)

Тургуной чидаёлмай йиғлайди.

С о б и р

(Ниёзга.)

Бир йил ўтмай орадан —  
Сочин юлиб қизи қайтди уйига.

## С о б и р

Алдаб туриб, кириб қизнинг қўйнига —  
Чорбойнинг арзандаси Фазлиддин —  
Уз нафсини қондирибди.

## Н у р б о б о

(чидамай)

Унутдим —  
Ўзимни ҳам, дунёни ҳам... Пичоқни,  
Яланғочлаб кеза бердим қишлоқни.  
Ҳар кавакдан Фазлиддини ахтардим,  
Фазлиддиннинг қонин ичмак истардим!

## С о б и р

Аммо илон ёғин еган газанда  
Қочирибди боласини азонда.

## Н у р б о б о

(халққа)

Узоқ ўтмай эшитдингиз сиз яна  
Қизгинамнинг ҳомиладор эканин.

(Оғир паузадан кейин Ниёза.)

Бу ёғини айтишимдан не фойда?

(Жим қолади.)

Б а р о т

(Ниёза қараб)

Адолатни тополмади ҳеч жойда.

С о б и р

(Нурбобога)

Момо қизни бундан олиб кетдинг сен.

Н у р б о б о

(Ниёза.)

Узоқларда кўзёришин кутдим мен.  
Турди ҳамки ўзин нобуд этди қиз,  
Бир қизчани менга ташлаб кетди қиз.

Пауза. Турғуной йиглаб бир четга кетади.

Киндигимнинг қони томган шу ердан —  
Ун олти йил узоқ бўлганим билан,  
Аммо кўнгил узоқмадим, қайтдим мен.

Оғир жимлик. Ҳаяжонда жим қолган Ниёза.

Хукминг чиқар! Ҳақиқатни айтдим мен!

Н и ё з

(Чорибойга)

Ўғлинг қайда?

Чорибой жавоб беришни истамайди.

С о б и р

Уқийди у шаҳарда.

Н и ё з

(Чорибойга)

У газанданг бунда бўлса, осардим.

Ч о р и б о й

Мени кечир! Мени кечир бир карра!

Н и ё з

Кечирмайман.

(бошқаларга Чорибойни кўрсатиб, буюради.)

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

Бунга беринг кинк дароа!



Уэ даррасини узатади. Чорибойни четга олиб кетиб, ура бошлайдилар. Биз унинг «оҳ-воҳини» эшитиб турамыз. Барот бошлиқ уч-тўрт йигит Ниёзнинг олдига келади.

### Барот

Бу қишлоқда янги одам бўлсам ҳам,  
Чорибойдан менга ўтди кўп алам.  
Қололмайман бу ерда мен... Кетайин,  
Рухсат берсанг, сенга хизмат этайин.

### Назир

Тўдангизга  
Олинг бизни.

### Ниёз

*(Барот ва бошқа йигитларга)*

Кўп раҳмат.

### Барот

Биз сафарга отланайлик?

### Азамат

*(хўжайинларча)*

Тез!

Барот ва бошқа йигитлар Ниёздан рухсат кутадилар.

### Ниёз

Рухсат.

Барот ва шериклари шошиб чиқадилар. Ниёзнинг йигитлари калтак зарбидан зўра қимирлаётган Чорибойни олиб кирадилар.

### Йигит

Буйруғингиз бажарилди.

А з а м а т

(кулиб)

Бой ака,  
Аҳволингиз қалай?

Ч о р и б о й

(Зўрга алам билан)

Жим бўл.

А з а м а т

Қанақа  
Бўлар экан дарра емоқ?.. Узингиз —  
Бизни урмоқ ниятида эдингиз?

Ч о р и б о й

Жим бўл, дейман. Мен ўлай, деб турибман.

(Кетмоқчи бўлади.)

Н и ё з

Тўхта! Тиз чўк! Сен қасамёд этасан!

(Тиз чўккан Чорибойга даъвогарларни ва халқни  
кўрсатиб.)

Буларни сен сиқма қарзлар важдан,  
Ҳамма қарзни кузда йиғиб олурсан.

Ч о р и б о й

Китоб урсин, бажараман шартингни!

Н и ё з

Яна шартим: маҳкам тутиб тилингни —  
Арз қилмайсан бекка мана булардан.

(Халқни кўрсатади.)

Ч о р и б о й

Худо урсин, шартинг бажо ʼэтаман!

Н и ё з

Сен билиб қўй: одатим бор...

Ч о р и б о й

Биламан:

Қасамимни бузсам, жоним оласан.

Н и ё з

Тур ўрнингдан! Йўқол

А з а м а т

Чопинг, тақсирим.

Азаматнинг пичингидан «жони чиққан» Чорибой унга қаттиқ хўмрайиб олади ва зўрға юриб чиқиб кетади.

Н и ё з

(Нурбобога)

Энди кетмоқ керак менга, дўстларим.

Турғуной

(Нурбобога)

Рухсат бўлса, биз ҳам сафдош бўлардик,  
Кўланкадек ёнингизда борардик.

Н и ё з

(Нурбобога)

Нима дейсиз бу тадбирга, эй, пирим?

Нурбобо жим.

Т у р ғ у н о й

(Нурбобога)

Бир сўз билан очинг менинг толеим.

Н у р б о б о

(секин)

Бу йўлларда қийинликлар кўп улуг!

Т у р ғ у н о й

(бобосига секин)

Орзулардан жудоликка қурбим йўқ!

Н у р б о б о

(Ниёзга)

Қани, бошла, биз кетамиз сен билан.

Н и ё з

Миннатдорман.

Т у р ғ у н о й

Ургилайин бахтимдан!

Н и ё з

(халқ билан хайрлашиб)

Соғ бўлинглар яна дийдор кўргунча.

Х а л қ

Омон бўл сен, токи дунё тургунча.

Халқ тарқалади.

Т у р ғ у н о й

(Ниёзга суқ назар ташлаб, ўзига-ўзи)

Севгилимни топдим ахир. У — зебо.  
Шундай барно деб ўйловдим доимо!

Н и ё з

(Нурбобога)

Ҳа, айтгандек, набира қиз қаёқда?

Н у р б о б о

(дарров жавоб тополмай)

Денов атрофида кичик қишлоқда.

Н и ё з

Не учундир набирангиз кетмайди —  
Асло, асло хаёлимдан... Бўлсайди —  
Уша қизча ёнгинамда, силардим —  
Бошини мен. Узимга қиз қилардим.  
Қиз болани етим кўрмоқ кўп азоб...

Н у р б о б о

Етим қизнинг бошин силаш кўп савоб.

Н и ё з

Насиб бўлса, учрашармиз у билан.

Т у р р у н о й

(Ўзига-ўзи)

Умидворман мен бечора шу бахтдан!

Б а р о т югуриб киради.

Б а р о т

(Ниёзга)

Бу томонга келаётир сарбозлар.

Н и ё з

*(Ўз одамларига ва отрядга янги кирганларга)*

Тездан жўнанг, ғойиб бўлинг, шоввозлар.

*(Турғунойга.)*

Сен бобони олиб кет бу томонга.  
Учрашамиз тезда ўрмон томонда.

Н у р б о б о ва Т у р ғ у н о й ч и қ а д и л а р .

А з а м а т

*(Ниёзга)*

Тезроқ жўна... Мен шу ерда қоламан.  
Бекни ушлаб туриш йўлин қиламан.

Н и ё з

Бу хатарли!

А з а м а т

Бошқа илож қолмади.  
Тез кетмасанг, тўданг қўлга тушади.

Н и ё з

Сени...

А з а м а т

*(унинг сўзини бўлиб)*

Жўна! Жўна тезроқ. Йигитлар —  
Кутиб қолди. Имиллашда кўп хатар.

Н и ё з

Омад сенга йўлдош бўлсин!

## А з а м а т

Омон бўл.

Ниёз кетади. Азамат ёлғиз қолади.

Эй, худойим, сен ошир бой дардини,  
Кўрсатмасин Чори бунда турқини.

Тўпчибеги, Раҳмонқул ва сарбозлар киради.

Т ў п ч и б е г и

(атрофга қараб, ҳеч кимни кўрмай, ажабланиб)

Бу нимаси?!

(Бекка.)

Ҳеч ким йўқ-ку.

А з а м а т

Безовта бўлманг сира,  
Йиғамиз биз бирпасда.

(Атайин чўзиб.)

Ҳой, халойиқ!  
Борда битган бодомлар,  
Қишлоқдаги одамлар,  
Йиғилинглар, гап катта.  
Эшитинглар, албатта.

Халқ йиғилади.

Т ў п ч и б е г и

Ниёз қани?

Халқ жавоб бермайди.

Р а ҳ м о н қ у л

Ниёз қани? Айтинглар!

Халқ индамайди.

## А з а м а т

Эй тақсирлар, аввал рухсат беринглар:  
Қадамлари учун раҳмат деяйлик,  
Ҳаққингизга бизлар дуо қилайлик.

(Халққа)

Қишлоқ аҳли, мусулмонлар, халойиқ,  
Олдингизда турур ҳурматга лойиқ —  
Улуғ зотлар!

(Раҳмонқулни кўрсатиб.)

Юртимизнинг бекалари.

(Тўпчибегига назар ташлаб тахмин этиб.)

Ҳамда амир сарбозлари раҳбари.

Тўпчибеги халққа таъзим қилади. Раҳмонқул гапга оғиз очмоқчи  
бўлганда, у яна ялиб кетади.

Қўлни очинг бир дуога.

Узи қўл кўтаради. Ҳамма унга эргашади.

«Омин», денг!

Амиримиз омон бўлсин!

Ҳамма «омин» деб юзга қўл тортади. Раҳмонқул яна сўзламоқчи  
бўлганда, у шошиб яна халққа мурожаат этади.

Кўтаринг

Қўлингизни яна бир бор, илоҳим:

Халқ дуога қўл очади.

## А з а м а т

(Тўпчибегига имо қилиб)

Бу зотга ҳам омон берсин худойим!



Ҳамма яна «омин» дейди. У яна шошиб давом этади.

«Омин» денглар яна бир бор: бек акам —  
Омон бўлсин.

Халқ яна «омин» дейди.

Раҳмонқул

(эриб, Азаматга)

Бўлма сен ҳам сира кам.

Халққа мурожаат этмоқчи бўлиб, юз ўгиради, Азамат унга  
сўз бермайди.

Азамат

(Тўпчибегига)

Баланд экан толенгиз, бахтингиз,  
Бу соатда азиз жойда турибсиз:

(Бир чеккадаги туғлик мазорни кўрсатиб.)

Азиз мазор! Улуғ мазор!.. Лозимдир —  
Номингиздан қуръон ўқиш.

(Қуръон ўқиш учун тиз чўкади. Ҳамма унга эргашади.)

Тўпчибеги

(тоқатсиз, аммо бўйсунушига мажбур)

Ташаккур!

(Тиз чўкади.)

Азамат

(мазорга астойдил сизиниб, секин)

Эй, азиз зот, сендан нажот тилайман,  
Ниезимни сен асрагил балодан.

(Чала-чулпа билган оятларидан қуроқ қилиб, чин ихлос билан дуо қилади. Кейин мўлжаллаб кўриб, Ниёзнинг узоққа кетганига қаноат ҳосил этади.)

Хайриятки, мақсадимга эришдим.

Азамат этагини қоқиб ўрнидан тураётганда, Чорибой билан  
Ризохожи пайдо бўлади.

Чорибой

(Азаматни кўрсатиб)

Бу одамни маҳкам ушланг, тақсирим.

Азамат қочмоқчи бўлади.

Раҳмонқул

Тутинг уни!

Сарбозлар Азаматни ушлайдилар.

Чорибой

Сиз вақтида келдингиз!  
Ниёзнинг ўнг қўлидир бу бетамиз.

Тўпчибеги, Раҳмонқул

Ростми бу гап?

Ризохожи

Мана бизлар гувоҳмиз.  
Ҳозир Ниёз урди бойни раҳмсиз.

Тўпчибеги

Узи қани?

Чорибой

Билолмадим.

Р и з о ҳ о ж и

Қочгандир.

Т ў п ч и б е г и

Қайга қочди?

Халқ жавоб бермайди. Тўпчибеги Азаматга мурожаат этади.

Т ў п ч и б е г и

Ниёз қайда? Сен гапир!

А з а м а т

Билолмадим.

Ч о р и б о й

Билолмадинг, баччағар,  
Ҳозиргина сендек ўғрибаччалар —  
Зўравонлик қилмадимми шу ерда?

Р и з о ҳ о ж и

Урдинглар-ку бой акага қирқ дарра!

Р а ҳ м о н қ у л

Билади-ку, истамайди айтишни.

Т ў п ч и б е г и

(Раҳмонқулга)

Қўяверинг, мен тилини очишнинг  
Йўлларини жуда яхши биламан.

(Азаматга)

Энди дўзах азобини кўрурсан!

(Буюради.)

Мугамбирни олиб кетинг зиндонга!

А з а м а т

(дарров, истеҳзо билан)

Омад келди мендек балогаardonга:  
Бибарака ризқинамининг бир чети —  
Амирининг зиндонига тушибди.

Халқ кулади. Чорибой ўртага чиқиб тантана қилади.

Ч о р и б о й

(Азаматга)

Гўр тузатар сени, яна куласан,  
Бир кун келиб кула-кула ўласан.

А з а м а т

(бемалол ва дарров)

Демакки, мен бахтиёрман ҳаммадан:  
Ҳали ҳеч ким кула-кула ўлмаган.

Халқ хохолаб кулади.

Р а ҳ м о н қ у л

(Азаматга)

Йўқол тезроқ, йўқол, дейман бу ердан!

А з а м а т

(Тўпчибегига)

Чин қалбимдан бир маслаҳат бераман:  
Туёгингиз шиқиллатиб, жўнанг тез,  
Ниёз қурғур кўп қасосчи ва хунрез,  
Ёнингизда ўзи турган бўлмасин,  
Орқангиздан қўққис пичоқ урмасин!..

Тўпчибеги беихтиёр чўчиб орқасиға қарайди. Халқ гулдурос кулади. Азамат тантана қилиб, қаҳ-қаҳ уради.

Тўпчи беги .

(қўлга тушганидан чексиз ғавабда, сарбозларга)

Ураб олинг қишлоқни тез шу онда!

(Халққа.)

Ҳаммангизни чиритаман зиндонда!

А з а м а т

Бу дағдаға, тақсир, тамом беҳуда:  
Халқ орзуси чиримайди зиндонда.

Парда.

## ИККИНЧИ ПАРДА

### УЧИНЧИ КУРИНИШ

Тоғ этагидаги ўрмон орасида чакалакзор. Қайнарбулоқ бўйида  
Н и ё з гаггин хаёл суриб ўтиради.

#### Н и ё з

Золимларни жиловлашни ўйловдим,  
Ҳеч аримас аммо зулм ва ўлим.  
Бу зулмга қарши борми бир чора?  
Бу чорани топарми халқ бечора?  
Бу жумбоқнинг қайда эрур замири?  
Қайда эрур бошланиши, ахийри?  
Мен ёлғизман! Мен ёлғизман! Мен ёлғиз!  
Азаматим яна кетди дараксиз.

Узокдан Турғунойнинг қўшиғи эшитилади.

Ё раббий, ким экан?

#### Қ ў ш и қ

Дарё тошқин, сувлар тўлқин, ўтолмайман,  
Отим ориғ, манзилимга етолмайман.  
Отгинамни ориғ қилган шу майда тош,  
Раггинамни сариғ қилган у қаламқош...  
Дарёлардан ўтар эдим, ўтар эдим.  
Манзилимга етар эдим, етар эдим.  
Билолмайман қаламқошнинг юрагини,  
Англармикан юрагимнинг тилагини?  
Юрагимнинг тилагини англамаса,  
Мен танласам, аммо мени танламаса,  
Мен куйсаму, у куймаса, мен нетаман?  
Шўрлик бошим олиб қайга мен кетаман?

Паридек гўвал қи з пайдо бўлади. Бу — Турғуной дашаами қиз ли-  
босида. Ниёз сапчиб ўрнидан туради ва лоа бўлиб, Турғунойга тики-  
либ қолади.

## Н и ё з

Кимсан ўзинг?  
Одаммисан ё пари?

Турғуной яқинлашади.

## Т у р ғ у н о й

Рухсат бергин, мен борайин сен сари.  
Ҳайрон бўлма, турсам бунда жилмайиб:  
Ростдан, ўзим келиб бунда, кўп айб —  
Бир иш қилдим, кечир мени шаҳона,  
Айбим эрур висолингга баҳона.

## Н и ё з

Узинг кимсан? Одаммисан ё пари?

Турғуной қаҳқаҳлаб кулади.

Лабларингдир қизил гунча сингари.  
Шу лаблардан ажиб кулгу узилди,  
Туш кўрдимми, дуч келдимми парига?

## Т у р ғ у н о й

Туш эмас бу. Ҳақиқатдир.

## Н и ё з

Сен, нега —  
Узинг кимсан, қаердансан, айтмайсан?

## Т у р ғ у н о й

Айтиб бўлмас буни вақти келмасдан.

## Н и ё з

Шу атрофда, демак, сенинг маконинг?

## Т у р ғ у н о й

Қандай бирга бўлса тананг ва жонинг,

Мен ҳам доим биргадирман сен билан.  
Ошиқ бўлсанг, мен маъшуқинг бўлурман.

Н и ё з

Тушунмадим мақсадингни бу гапдан.

Т у р г у н о й

Вақти келур, тушунарсан сен албат.  
Мардлик қайда бўлса, шунда муҳаббат.  
Мард бўл доим! Адолатга посбон бўл.  
Ҳақиқатни ёқлашда сен дoston бўл!  
Ана шунда мен бўлурман ёнингда.

(Кета бошлайди.)

Н и ё з

Тўхта. Кетма асло.

Т у р г у н о й

Соғинганимда —  
Келгин яна шу булоқнинг бўйига,  
Мен ташлайман зирак тиниқ сувига.  
Бу зирагим келишимдан бир дарак.  
Бу деганим: «Кутгин, бўлсам мен керак».

Н и ё з

(Ўйланиб, Турғуноининг сўзларини такрор этади)

«Бу зирагим — келишимдан бир дарак».  
«Бу деганим — кутгин, бўлсам мен керак».

(Турғуноига мурожаат этади)

Энди менга сен доимо кераксан!

Т у р г у н о й ғойиб бўлганди.

Бу ҳилватда пайдо бўлди қиз қайдан?  
Хайронман мен, тушунмайман бу сирга.



Аmmo қалбдан шукур дейман тақдирга —  
Кутилмаган шу бахт учун... Бу висол —  
Башоратдир, кароматдир бамисол.

(Эслаб.)

«Вақти келур, тушунарсан, сен албат,  
Мардлик қайда бўлса, шунда муҳаббат.  
Мард бўл доим. Адолатга посбон бўл,  
Ҳақиқатни ёқлашда сен дoston бўл...»  
Эртак каби сирли, гўзал бу висол  
Менга айтур: «Умидингга йўқ завол».

(Уйланиб хаёлчан.)

Замонанинг нидоси бу... Гўзал қиз,  
Ғайратимга ғайрат қўшдинг мислсиз!..

(Яна эслаб.)

«Келгин яна шу булоқнинг бўйига,  
Мен ташлайман зирак тиниқ сувига...»  
Келармикин сувга ташлаб у зирак —  
Вафосидан, нидосидан бир дарак.

Т у р г у н о й

(ташқаридан қичқиради)

Ниёз ака! Ниёз ака!

(Пайдо бўлади. У энди йигит кийимида.)

Ниёз шошиб унинг қаршисига боради.

Барот ака тез келсин деб сўради.

Ниёз

Бир қизни сен кўрмадингми?

Т у р г у н о й

Кўрмадим.

Н и ё з

Утмадими паридан ҳам гўзал қиз?

Т у р ғ у н о й

Қайдан келсин у қиз? Қизиқ гапингиз!

Н и ё з

У қиз ҳозир ўзим билан гаплашди.

Т у р ғ у н о й

Наҳот у қиз гўзал пари сингари?

Н и ё з

Паридан ҳам чиройлироқ... Рост гапим,  
Бир кўрдиму, мен ҳушимни йўқотдим.

Т у р ғ у н о й

Шундай қиз ҳам бўларканми дунёда?

Н и ё з

Боласан-да, умринг бўлсин зиёда!  
Сен ҳам йигит бўлганингда билурсан:  
Муҳаббатнинг ўти кучли оташдан.

Т у р ғ у н о й

Умидворман мен ҳам ўша синашдан.

Н и ё з

Сен ваъда бер: менга ёрдам қилурсан —  
Уша қизни топишликда.

Т у р ғ у н о й

Албатта!

Бугу товушлари эшитилади. Иккаласи ҳам ташвишда, ҳайрон.  
Узоқдан бировни кўриб.

Барот ака ўзи келур бу ёққа.

Барот

(ташқаридан)

Ниёз ака!

(Пайдо бўлиб, ҳаяжонда.)

Ниёз ака!

Ниёз

Нима гап?

Барот

Тўдамизда йнгитларни даргазаб —  
Қилди ҳозир келган хабар...

Ниёз

Не хабар?

Барот

Уша ҳамон Азаматни бой зангар —  
Сарбозларга тутиб берган.

Ниёз ҳам, Тургуной ҳам чексиз газабда.

Ниёз

Отланинг!

Жазосини берай дарров аблаҳнинг!

Шошиб чиқиб кетадилар.

## ИНТЕРМЕДИЯ

Саҳна олди қоронғи Бу қоронғиликни узоқдаги улкан ёнинг  
шуълалари тез-тез ёритиб туради<sup>1</sup>. Чорибой қаттиқ  
ҳаяжонда чопиб қиради.

---

<sup>1</sup> Воқеа Чорибойнинг ёнаётган кўраси (проекция) фонида ҳам бо-  
риши мумкин.

## Ч о р и б о й

Дод, одамлар, дод Ниёзнинг дастидан!  
Шўрим қурди бу Ниёзнинг қастидан.  
Талон-торож қилди молу мулкимни,  
Утга солди қўра, омбор, уйимни.  
Ана ёнар қолган-қутган бисотим...  
О, Фазлиддин, ўғилгинам, қанотим —  
Қаердасан? Отанг ожиз, ҳоли танг.  
Учимни ол, асл фарзанд сен бўлсанг!

*(Қандайдир шарпани эшитиб чопиб чиқиб кетади.)*

Ниёз, Барот ва Турғуноё кирадилар.

### Ниёз

*(шерикларини тўхтатиб, завқ билан)*

Тўхтанг, дўстлар, назар солинг бу ёққа:  
Ғазаб ўти шуъла ташлар қишлоққа.

Учаласи мамнуният билан узоқдаги ёнғинга тикилиб бир зум жим  
қоладилар.

### Турғуноё

*(тантана билан)*

Ён энди, ён, эй ўргимчак уяси!

### Ниёз

Шундай бўлур энди золим ҳиссаси.  
Золимларни мен чақирсам инсофга,  
Улар зулмни оширди ўн марта.  
Дўстлар, энди билинг яхши: бугундан —  
Мен тамоман бошқа йўлга кираман:  
Мен инсофга чақирмайман золимни.

### Барот

Қурол билан сен ёқлайсан мазлумни.

## Н и ё з

Боракалло! Йигитларга айт очиқ:  
Кураш бўлур ҳеч тўхтовсиз ва қаттиқ.  
Жондан кечган қолсин бизнинг қаторда.  
Кечолмаса, эргашмасин бекорга.

## Б а р о т

Мен айтаман, аммо, кўнглим сезади:  
Кўпчилиги Ниёз билан кетади.

(*Чиқади*)

## Н и ё з

Ранжимайман озчилиги кетса ҳам.

(*Турғунойга*)

Энди сен ҳам эргашмагин, жон укам.  
Жуда мушкул йўлга кирдик энди биз.  
Бобонг билан қийналуурсиз энди сиз.

## Т у р ғ у н о й

Мардлик қайда бўлса, доно шу ерда.  
Ёшлик борур доно борса қаерга.

## Н и ё з

Энди бизга донолик кам, ёшлик кам,  
Раҳнамодир бизга нафрат ва алам.

## Т у р ғ у н о й

Менга бешик бўлган алам ва нафрат.

## Н и ё з

Тинчимайман то енгмаса ҳақиқат!

## Т у р ғ у н о й

Рухсат беринг, бирга борай шу йўлда.

## Н и ё з

Ихтиёринг.

(Чиқади)

Т у р ғ у н о й

Мен ҳам кирдим шу йўлга.  
Бунда бугун менинг кўзим очилди,  
Кўз олдимда ғариб онам тирилди.  
Менинг онам шунда чўри-қул бўлган  
Шу тупроққа онам ёши тўкилган.  
Асло, асло мен бўлмайман чўри-қул.  
Шунинг учун жондан кечдим мен буткул.

## Т У Р Т И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Тог этагидаги ўрмон орасида чакалакзор. (Учинчи кўриниш декорацияси). Қайнарбулоқ бўйида Н и ё з тоқатсизлик билан бировни кутади.

## Н и ё з

(хаёл суриб)

Наҳотки мен ошиқ бўлдим?.. Ҳайронман...  
Уша кундан бери кўнгли вайронман.  
Уша кундан рашк чулғайди қалбимни...  
Билолмайман: ўнгимми бу, тушимми?

(Қўлидаги зиракка тикилиб.)

Тушим десам, қолдирибди бир зирак,  
Вафосидан, нидосидан бир дарак...

Н у р б о б о киради. Ниёзининг хаёллари узилиб қолади.

Пирим, ёлғиз нима қилиб юрибсиз?

Н у р б о б о

Турғунбойни изларман мен. Уятсиз —  
Айтмай-нетмай қаёққадир кетибди.

Н и ё з

Уйнаб кетса бирор ёққа нетибди?  
Ташвиш қилманг.

Н у р б о б о

(кета бошлайди)

Қайга кетди? Э, ажаб!

Н и ё з

Тўхтанг, пирим, саволим бор.

Н у р б о б о

Нима гап?

Н и ё з

(шайдоларча қизгин)

Шу атрофда қиз бўлиши мумкинми?  
Ёки менга кўринган қиз бир жинми?

Н у р б о б о

(жуда ҳайрон)

Нима дединг? Мажнунлардек жаврайсан!

Н и ё з

Ошиқ бўлдим шекилли мен. Ҳайронман.

Н у р б о б о

Эй, ажабо, пайдо бўлди қиз қайдан?

Н и ё з

Ҳайронман мен. Ростин айтсам мен сизга —  
Бетоқатман, махталдирман у қиёга.

## Н у р б о б о

(яна ҳам қаттиқроқ рашк билан)

Келишидан умидворсан?

Н и ё з

Бу аниқ!  
У фаришта ваъдасига мувофиқ —  
Ташламишди шу булоққа бир зирак.  
Бу дегани «Кутинг, бўлсам мен керак».

## Н у р б о б о

Менга бер-чи шу зиракни!

Ниёз зиракни беради. Нурбобо зиракни қўлига олиб, узоқ сийпалайди, охири танийди, бирданига рангги ўзгариб газабга келади.

О, нодон!

Н и ё з

Бу не аҳвол: юзингиздан қочди қон?

(жиддий ташвишда)

Ростини айт: шу беҳаё, аҳмоқ қиз...

Н и ё з

(унинг сўзини бўлиб)

Сўкмаңг уни, йўқдир сира ҳаққингиз!

Н у р б о б о

... (ўзини унутиб, ҳаяжонда)

Йўқ, ҳаққим бор!

Н и ё з

(севиниб)



Ҳаққингиз бор? Сиз у қиз —  
Кимлигини биласизми?

Нурбобо индамай қолади.

Айтинг тез!  
Утинаман, айтинг тезроқ.

Н у р б о б о

*(Ўзига келиб, зиракни қайтариб беради)*

Билмайман!  
Не илож бор аммо уни сўкмасдан!  
Сен бунда кут. Қароргоҳга мен шошай.

*(Алам билан.)*

Ташвишим кўп қари бошим ёргудай.

*(Ўзига-ўзи)*

Тезроқ борай, Турғунойни топай мен,  
Пайти ўтмай, йўлини тез тўсай мен.

*(Тез чиқиб кетади.)*

Н и ё з

*(чолнинг орқасидан ажабланиб қараб қолади.)*

Шоир мунча ҳаяжонда не учун?  
Узук солди ҳаяжонга не учун?

*(Атрофга интизор тикилиб.)*

Аммо нечун шу вақтгача келмас қиз?  
Мен мафтунга нечун шафқат қилмас қиз?

Т у р ғ у н о й пайдо бўлади. У яна келинчакдек кийинган.

Т у р ғ у н о й

Омонмисиз? Ассалому алайкум!

Н и ё з

(Турғунойга тикилиб, ўзига-ўзи)

Яна кўрдим! Титрар қалбим! Титрар тан!  
Мен ошиқман! Ҳеч шубҳасиз, ошиқман!

Т у р ғ у н о й

Барно йигит, хуш келибсиз, ҳормангиз!  
Саломимга нега алик олмайсиз?

Н и ё з

Кечирасан, мен йўқотдим ҳушимни:  
Бахтиёрлик лол айлади тилимни.

Т у р ғ у н о й

(нов билан)

Бахтиёрлик?

Н и ё з

Интизорман, интизор!  
Висолингдан бахтиёрман, бахтиёр!

Т у р ғ у н о й

Интизорсиз? Эҳтимол, бу ёлғондир.

Н и ё з

Бу сўзларинг менга фақат бўҳтондир!

Т у р ғ у н о й

Кўп ўтмади у учрашув — висолдан...

Н и ё з

Дийдорингга у гал тўймай қолганман...  
Бу ҳодиса бўлди бехос ва қизиқ:

Гўё тушдинг осмондан сен, ҳур қизи,  
Ғариб кўнглим юзларингдан нур олди,  
Қарашларинг дил-дилимга ўт солди.  
Кўзларингда ёнар эди муҳаббат.

*(Умид ва афсус билан.)*

Муҳаббатдан эшитмадим сўз фақат.

Т у р г у н о й

*(ҳаяжонда)*

Сўйлай беринг. Мен эштай, эштай!  
Сўзларингиз дил ёритар қуёшдай.

Н и ё з

Ғавғо солдинг, савдо солдинг юракка,  
Сўнг ногаҳон, кўтарилдинг фалакка.  
Бир кўриндинг, ғойиб бўлдинг оҳудек.  
Яна еган ошим бўлди оғулик.

Т у р г у н о й

*(ҳаяжонда)*

Сўзланг. Сўзланг. Яна сўзланг. Эштай.  
Улгунимча қалбим ичра сир тутай.

Н и ё з

Уша кундан бери кўнгли вайронман.  
«Сени севдим» деганиннга ҳайронман.  
Ҳа, ҳайронман... Ишонишим қийиндир,  
Наҳот мендек дарбадару, мусофир —  
Меҳр уйғотса сендай дилбар қалбида.  
Узи лобар, сўзи гавҳар қалбида?

Т у р г у н о й

Сиз сахийсиз, қадрингизни билмайсиз.  
Фазилату шуҳратингиз ҳеч чексиз.  
Қиз ўйласа сизни, ҳуши кетади,  
Йигитлар-чи? Сизга тақлид этади.

Н и ё з

(кулиб)

Эшитганман: чиқмиш янги бир Ниёз.

Т у р ғ у н о й

(завқ билан кулиб)

Таърифингиз қилай десам сўзим оз.

(Рашк билан.)

Гумоним йўқ: сизга ошиқ туман қиз.

Н и ё з

Менга керак фақат-фақат сен — ёлғиз,  
Муҳаббатим шу булоқдек мусаффо,  
Сен кераксан менга ёлғиз ва танҳо!

Т у р ғ у н о й

Мен ҳам севдим жондан ортиқ.

Н и ё з

Севаман!  
Сен эурсан жонга тортиқ! Севаман!

Т у р ғ у н о й

... (илтижо ва фахр билан)

Қаттиқ айтинг! Одамизод эшитсин.  
Одамизод ва коинот эшитсин.  
Қолмас албат мени ҳавас қилмаган —  
Битта ҳам жон... Қаттиқ айтинг!

Н и ё з

Севаман!

Бутун ўрмонда Турғунойнинг бахтиёрона қаҳқаҳаси жаранглайди.

Н и ё з

*(Турғунойдан кўзини олмай)*

Шу қаҳ-қаҳдан ўт туташган қалбимга,  
Наҳот етдим мен орзумга, бахтимга?

*(Турғунойга зиракни қайтариб бераётиб.)*

Айт энди қиз: ўзинг қайдан ва кимсан?

Т у р ғ у н о й

Айтолмайман. Рухсатим йўқ...

Н и ё з

*(ваҳима босиб, унинг сўзини бўлади)*

Отангдан?

Т у р ғ у н о й

*(завқланиб кулади, сўнгра жиддий)*

Сира кўрқманг.  
Бахтимизга йўқ тўсиқ.

Н и ё з

*(жуда хурсанд)*

Ундай бўлса тўй қилайлик биз улуғ.

. Турғуной жим.

Нега жимсан?

Т у р ғ у н о й

Умидворман шу бахтдан.  
Аммо бир шарт ва сирим бор.

Н и ё з

Айтурсанг

Т у р г у н о й

Шартим шуки, доим юрай сиз билан.

Н и ё з

Минг бор, минг бор миннатдоринг бўлурман.

Т у р г у н о й

Тўдангизни тез чақиринг йигинга.  
Тўйимизга дуо олинг йигинда.

Н и ё з

Жоним билан!

Т у р г у н о й

Мен келурман йигинга.

Ниёз ҳайром.

Н и ё з

Аmmo ошно қилганинг йўқ сирингга.

Т у р г у н о й

Туширмаслик учун сизга бирор доғ,  
Шу йигинда сирим очсам яхшироқ.

Н и ё з

Сен ҳадя қил мен ғарибга саодат.

Т у р г у н о й

Кўришгунча бўлайлик соғ-саломат.

*(Ниёзга таъвим қилади ва шошилиб чиқиб кетади.)*



Т у р ғ у н о й

Уни кўриб, билмоқчийдим мен фақат:  
Уйгонурми унда менга муҳаббат?

Н у р б о б о

Мақсадинга етишибсан: у ошиқ...

Т у р ғ у н о й

Рухсат беринг, тўй қилурмиз биз улуғ.

Н у р б о б о

Ҳовлиқма сен! Ҳали сенга номаълум:  
Тўдасида юрганингни...

Т у р ғ у н о й

(бобосининг сўзини бўлиб)

Мен билдим:  
Ваъда берди; мен бўлурман сафдоши.

Н у р б о б о  
(севиниб)

Тунинг битиб, чиқмиш бахтинг қуёши!

Т у р ғ у н о й

Зимистоним битди, келди баҳорим.  
Алпомишдек ботирим бор, шунқорим,  
Мен Барчиндек унга қанот бўлурман.

Н у р б о б о

Қанотин у халос этар занжирдан?

Т у р ғ у н о й

Ваъда берди: тўдасини йиғишга.  
Тўйимизга халқдан дуо олишга.

Буғу товушлари эшитилади.



Ана, ботир тўдасини чақирар!

Н у р б о б о

Худди тўйга чақиргандек жар солар.  
Минг ташаккур у бахтинг наққошига.

Т у р г у н о й

Юринг, бобо, юринг ёрим қошига!

Кетадилар.

### Б Е Ш И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Ниёз қароргоҳи. Бутун тўда (отряд) йирилган. Нурбобо билан  
Тургуной ҳам шу ерда. Тургуной йигит кийимида.

Н и ё з

Акаларим, биродару дўстларим!  
Кечирасиз солган бўлсам мен ваҳим.  
Ваҳим эмас, қувончимдан чақирдим.  
Ҳақиқатан чексиз бугун қувончим...  
Гўзал қизга берган эдим мен кўнгил,  
Бахтим келиб, у ҳам бериб менга дил,  
Меҳрибоним, ёстиқдошим бўлишга  
Ваъда берди... Гувоҳ бўлинг бу ишга,  
Тўйга беринг оталарча фотиҳа.

Ҳаима ҳайрон.

І ё ш қ ў з г о л о н ч и

(жуда қизиқиб)

У қиз қайда?

Т у р г у н о й

(Ниёз ўрнига жавоб бериб)

Ҳозир келур бу ерга.

Ҳаима, шу жумладан Ниёз ўзи ҳам ҳайрон.

Н и ё з

Қизни кўрган кишидек сен сўзлайсан?

Т у р ғ у н о й

Сиз эмасми менга қаттиқ топширган  
Бир амаллаб ўша қизни топишни?

Н и ё з

Бажардингми, ука, ҳали бу ишни?

Т у р ғ у н о й

Топдим уни.

Н и ё з

Чақир тезроқ!

Турғуной кетмоқчи бўлади, ammo ярим йўлда тўхтайдн.

Т у р ғ у н о й

(*Ниёзга*)

Шошилманг.

(*халққа*)

Қиз бечора бир жумбоқдан боши ганг,  
Нима қилсин у бояқиш?.. Қайғуси —  
Фақатгина эр — топишмас... Орзуси —  
Сизу бизга сафдош бўлиш.

Н и ё з

Ростдан ҳам:

Сафдошликка ваъда бердим мен маҳкам.

Т у р ғ у н о й

(*халққа*)

У қиз келиб, орангида ўтирса,  
Нима дейсиз, донм бирга у юрса?

Кекса қўзғолончи

(Ғазабда)

Мусулмонлар, ким эшитган, ким кўрган —  
Аёл киши бирга юрсин эр билан?  
Қандай қилиб бузиб дину одатни  
Кўрурмиз биз ўшандай беуютни?

(Ниёзга)

Сен қайтишинг лозим берган ваъдангдан.

Ниёз

Менга ўлим жудо бўлмоқ қиз билан!

Кекса қўзғолончи

Ундай бўлса ажралурсан тўдангдан!

Ниёз

(бутун отрядга)

Наҳотки сиз ажрашасиз мен билан?

Отряд қовоқ солиб, ерга қараб жим қолади.

Кекса қўзғолончи

Гуноҳига қолишга йўқ тобимиз!  
Биз кетамиз. Юринг.

Отряд кета бошлайди.

Турғуной

Тўхтаган!

Отряд тўхтамайди.

Н у р б о б о

Тўхтанг сиз!

Отряд тўхтайдн.

Қизишманглар!

Т у р ғ у н о й

Ниёз эрур бегуноҳ,  
Сафдошликка ваъда берса, не гуноҳ?  
Алпомишдан қолмас эди қиз Барчин,  
Алпомиши бургут бўлса, у — лочин,  
Қанотини қоқар эди ёнида,  
Доим бирга эди ўтирганида.  
Гулойим ҳам қирқта мард қиз бошида,  
Юрт сўрарди эркакларнинг қошида.

О в о з л а р

— Бу ҳам тўғри!

— Балли!

— Аммо...

К е к с а қ ў з ғ о л о н ч и

Бу гапларинг ҳаммаси ҳам афсона.

Т у р ғ у н о й

Ҳар афсона тагида бор дурдона.

Н и ё з

Дурдонаки, ҳақиқатдек бебаҳо...  
Рухсат беринг, мен қиламан илтижо.  
Рухсат беринг, орангизда юрсин қиз.

Т у р ғ у н о й

Афсонамас, ҳақиқатни кўрурсиз.

И ё ш қ ў з ғ о л о н ч и

Бўлу р эди бу ҳам бир бор муъзижа.

## Кекса қўзғолончи

Муъжизага қодир эмас ожиза.  
Ожизада йўқ матонат, садоқат.

Турғуной  
(жаҳли чиқиб)

«Ожизада йўқ матонат, садоқат!»  
Ҳақоратдир аёлга бу, ҳақорат!  
О, эркаклар нега писанд қилмайсиз,  
Узингизга аёлни тенг билмайсиз?  
Аёл сизга нима ёмонлик қилди?  
Ҳар бир эркак шу аёлдан туғилди.  
Шу аёлниг ҳеч тинимсиз кунлари,  
Мижжа қоқмай тонг оттирган тунлари —  
Сизга берди қувват, ҳусн ва идрок...  
Азоб чекиб она, бўлиб аламонк,  
Барно йигит ўсар унинг қўлида.  
Бир кун келиб, у муҳаббат йўлида —  
Йиқилғуси оёғига бир қизнинг,  
Латофати, ҳусни билан ёлғизнинг,  
Ғолиб келиб қиз қалбида муҳаббат,  
Йигит учун ҳаёт бўлур бир жаннат.  
Шу жаннатнинг гуллари ҳам ўша қиз —  
Ҳадя қилур: туғиб берур саноқсиз.  
Набирага ғамхўр доя ким яна?  
Уша аёл, сизни туққан шу она...  
Сиз қарирсиз, соқол-сочга оқ тушар,  
Она ҳамон парвонангиз муштипар.  
Йиқилсангиз, ҳориб ҳаёт йўлида,  
Ким қолади бўзлаб, рўмол қўлида?  
Яна — она. Яна — хотин бечора.  
Икки жонки, сизлар учун овора...  
Матонат не? Садоқат не? — билсангиз,  
«Ожизалар» ожиз эмас, сиз — ожиз.

(Узини йўқотиб.)

О, эркаклар, қачон кирар ақлингиз?  
Қачон бизнинг қадримизга етасиз?

Ҳамма ҳайрон. Нурбобо даҳшатда Турғуноини туртади. Турғуной  
энди ўз хатосини тушуниб, тилини тишлаб қолади. Хатосини тезроқ  
тузатиш йўлини ахтаради ва топади.

Шундай деди у қиз менга бир кун,  
«Ожиза» деб айтганимда мен уни.

Узи ва Нурбобо енгил тортади.

II ёш қўзғолончи

(таҳсим билан)

Уста экан у одамни ёқлашга.

I ёш қўзғолончи

(Ниёзга)

Бундай қизни кўтарардим мен бошга.

. III ёш қўзғолончи

Ақли расо экан у қиз.

II ёш қўзғолончи

Ҳа, балли!

I ёш қўзғолончи

Шу қизни бир кўрсак эди ақалли.

Халқ маъқуллаб гуриллайди.

Ниёз

(шошиб, Турғунойга)

Тезроқ чақир. Тезроқ келсин у ёрим.  
Узи лобар, сўзи гавҳар нигорим.

Турғуной ташқарига отилганда, кекса қўзғолончи унинг  
йўлини тўсади.

Кекса қўзғолончи

Тўхта!

(Нурбобога.)

Нури, нега жимсан? Бу ишни  
Увинг тўхтат. Сен гуноҳкор бўлишни —  
Истамассан?.. Энди сенда ихтиёр.

Ҳамма Нурбободан жавоб кутади.

Н у р б о б о

Эр хоҳласа, менинг нима ишим бор?  
Эр хоҳласа, олиб кетсин сафарга,  
Эр хоҳласа, шерик этсин зафарга.  
Фақат хотин риоя қилсин одобга,  
Қолдирмасин эрни ёмон бир гапга.

Н и ё з

Одобидан мен жуда ҳам мамнунман.  
Ҳаммамизга сабоқ бўлур одобдан.

Т у р г у н о й

(бўшашган кекса қўвролончига ролибларча илжайиб)

Чақирайми?

Кекса қўвролончи

(жаҳл билан Ниёвни кўрсатиб)

Эрдан сўра.

(Чиқиб кетади.)

Н и ё з

Тез чақир!

Н у р б о б о

Кячкинтойим, сен тез югур, тез югур!

Т у р г у н о й

(қаттиқ севинчда)

Зимистонинг битди энди, Турғуной!  
Бахтинг кулди, бамисоли тўлган ой!

Чопиб чиқиб кетаётганида бир йигит етаклаб келаётган  
маҳбусга дуч келади, чўчиб қичқиради, орқасига қайтади.  
Маҳбус оғир ҳолатда ўртага йиқилади. Унинг кўзини ечадилар.

Маҳбус

Ниёз қайда?  
Ниёз қайда?

Ниёз

Не дейсан?

Маҳбус

(Ниёзнинг оёғига йиқилади)

Қутқар тезроқ Азаматни ўлимдан,  
Азаматни эртан дорга осурлар.

Ниёз

Эртан? Дорга?!

Маҳбус

Эртан. Дорга. Муқаррар!

Нурбобо

(Ўзига-ўзи)

Э, ажабо, менга таниш бу овоз.

(Ниёзга)

Ким бу одам? Сўрамадинг сен, Ниёз?

Маҳбус

Мен ҳам сиздек бир ғарибман дарбадар.



Н и ё з

Қайдан билдинг Азаматдан сен хабар?

М а ҳ б у с

Бошқалардек мен ҳам қўлга олиндим,  
Дўстинг билан мен зиндонга солиндим.  
Кўчирганда бизни бу ёқ томонга,  
Мен қочолдим сен томонга, ўрмонга.  
Хайриятки, адо этдим бурчимни!

Н и ё з

Раҳмат сенга. Мен ҳам бир кун қарзимни —  
Қайтарурман.

М а ҳ б у с

Ҳозир шошил шаҳарга,  
Азаматни осмоқчилар шаҳарда.

Н и ё з

Чучварани хом санабди душманлар!  
Одаммасман, одаммасман мен агар —  
Азаматни қутқармасам!

(Отрядга.)

Дўстларим!

Истайманки, бажарайин мен бурчим.  
Тайёрланинг сизлар дарров сафарга.  
Биз етайлик тонг-саҳарда шаҳарга.

М а ҳ б у с

Раҳмат сенга. Чинакам дўст экансан!

І ё ш қ ў з ғ о л о н ч и

(Ниёзга)

Аmmo тўйинг чиқди сенинг эсингдан.

Н и ё з

*(тўйи масаласи энди эсига тушиб)*

Тўйим... тўйим...

Т у р г у н о й

*(маъюс)*

Чақирайми?

Н и ё з

Билмадим:

*(Уйга толади ва маслаҳатлашгандай Турғуноёга  
мурожаат этади.)*

Кечирарми у гўзал қиз бу ишим:  
Сира сизмас тўйим ҳозир юракка...

Турғуноё жавоб беришга улгурмайди. Барот югуриб киради.

Б а р о т

Қулоқ бергин, Ниёз, янги даракка.

Н и ё з

Наҳот сен ҳам ёвуз хабар келтирдинг?

Б а р о т

Санд Фулом, бошида зўр қўшиннинг —  
Бораётир шаҳар томон.

Бу хабар ҳаммани ўйлаштириб қўяди.

Н и ё з

Қушбеги —

Қўшин тортиб ўзи кепти... Демакки,

Йўқотмоқчи бизларни у астойдил.

(Уйланиб отрядга.)

Йўқ! Йўқ!.. Токи бунда юрар у қотил,  
Мен сизларни чиқармайман ўрмондан.  
Санд Гулом кучли. Агар у билан  
Биз дуч келсак, қириб ташлар бизларни.  
Қилолмайман ўлимга дуч сизларни.

Н у р б о б о

Азаматни ким қутқарур?

Ниёз ўйланиб қолади.

Н и ё з

Мен ўзим!  
Қутқаришга уни белим боғладим.

Б а р о т

Бир ўзинг?

Н и ё з

Ҳ а л

М а ҳ б у с

Қандай қилиб?

Н и ё з

Билмадим.

Аmmo уни қутқарурман ўлимдан.

Б а р о т

Боракалло. Яна сенга қойилман.

Н и ё з

(отрядга).

Мен мабодо кетсам узоқ дараксиз.  
Сиз Баротга бўйсунингиз ҳеч шаксиз.

(Баротга)

Вақтимиз зиқ. Сен отимни тайёрлат.

Барот чиқади.

(Ҳаммага.)

Сизга хайр!

Ҳамма

Саломат бўл!

Ниёз

Кўп раҳмат!

Отряд тарқалади. Нурбобо ва Турғуной қоладилар.

Нурбобо

Утир, болам... Қалтис сафар олдидан —  
Пиринг истар: дуо қилсин қалбидан.  
Омад бўлсин доим сенинг йўлдошинг,  
Балолардан омон бўлсин ёш бошинг.  
Қасофатлар тупроқ бўлсин йўлингда,  
Бахтинг қуши сайроқ бўлсин қўлингда.  
Доим олгин, олдирмагин сен асло,  
Бағримизга омон қайтгин, илоҳол!

Нурбобо ва Турғуной кета бошлайди

Ниёз

(Турғунойга)

Сен кетмай тур.

(Нурбобога.)

Кичкинтойга гапим бор.

Н у р б о б о

(маъноли)

Гаплашинглар. Сизга бердим ихтиёр.

Чиқади. Ниёз ўйга толган. У Кичкинтойнинг кутиб турганини ҳам  
унутади

Н и ё з

(ўзига-ўзи)

Ҳар бир ҳаёт бир кун сўнар ахийри,  
Мана шундай ҳар бир жоннинг тақдири.  
Ҳукмрондир азаллардан бу қонун...  
Бахтиёрдир кимки сўнмасдан бурун  
Машъал каби ёнса порлоқ ва равшан,  
Инсонга йўл ёруғ бўлса нуридан.  
Мен ҳам шундай ёна олган бўлсайдим  
Сира зое кетмас эди бу умрим.  
Эҳтимолки шундай куним келгандир,  
Эҳтимолки сўнгги туним келгандир...

Т у р ғ у н о й

(ўзига-ўзи)

Эндиликда мен бечора найлайман?  
Ҳеч бўлурми энди сирим очмасдан?!

Н и ё з

(Турғуной эсига тушиб)

Яна нозик топширигим бор сенга:  
Ҳар тонг бориб, ўтир булоқ бўйида.

Т у р ғ у н о й

Кутасизми, ўша қизни сиз ҳамон?

Н и ё з

Кутаман мен токи танда эрур жон.

Турғуной

Истайсизми ҳозир келса ўша қиз?

Ниёз ўйланиб қолади.

Ниёз

Бу саволинг жуда қалтис.

Турғуной

(бетоқат)

Айтинг тез!

Ниёз

Ростин айтсам, келмагани яхшироқ.

Турғуной

Нечун?

Ниёз

Бўлур ҳолим кўриб бағри доғ.  
Хайрият, қиз воқифмас бу ишлардан,  
Эҳтимол мен қайтмасман бу сафардан.

Турғуной

*(ўзини йўқотиб бўзлайди. Ниёзнинг йўлини тўсади)*

Йўқ! Йўқ! Кетманг. Асло кетманг, жон ака!

Ниёз

(кулиб)

Ана холос! Худди мана шунақа —  
Тўсар эди йўлимни у гўвал қиз.  
Кетмоқликка балки бўлиб мен ожиз.

Кўзларимга қараб турса мўлтираб,  
У нигорим мендан нажот, бахт тилаб,  
Бажаролмай қолар эдим бурчимни,  
Сўнг нафрат-ла қоралардим ўзимни...  
Йўқ, ростдан ҳам келмагани яхшироқ.

Т у р ғ у н о й

(ўзига-ўзи)

Сирим билиб, бўлмасин у бағри доғ.

Н и ё з

У қиз келса айтгин: мени у кутсин.  
Ҳалок бўлсам, у куймасин, унутсин.

Т у р ғ у н о й

Ундоқ деманг. Мумкинми ҳеч унутмоқ?

Н и ё з

Истамайман ўтимда бўлсин адоғ.  
Чақалоқдек қувноқ эди, мусаффо.  
Ут солмасин юрагига бу савдо.

Турғуной йиғлайди.

Мен жўнайман. Менга зарур шошилмоқ.  
Қанча эрта кетсам, шунча яхшироқ.

Т у р ғ у н о й

Еш умримнинг йўлдошидир шу тумор,  
Худди мендек сизга бўлсин мадақдор.

(Ўз бўйидаги туморни Ниёзнинг бўйига илади.)

Тилай сизга қалбингиздек оппоқ йўл.

Н и ё з

Кўришсагу кўришмасак омон бўл.

(Чиқади.)

Турғуной ёлға қолади. Бир оздан кейин чопиб кетган отнинг ду-  
кир-дукири эшитилади.

Т у р ғ у н о й

(*Ниёз хаёлида*)

Мен қолдиму, сен йўл олдинг узоққа,  
Насиб бўлсин яна сени кўрмоққа.

(*Ниёзнинг сўварини эслаб.*)

«Кечирарми у гўзал қиз бу нишим?»  
Эшит, Ниёз. Мен тамоман кечирдим.  
Яна мардлик зоҳир этдинг сен шу чоғ,  
Севаман мен аввалгидан ортиқроқ...

Пауза.

Мен жувонмарг бўлай сени унутсам...

Пауза.

Жудоликда соғинсаму, қон ютсам —  
Босган изинг дардларимга шифодир.  
Бу Турғуной изларингга гадодир,  
Изларингдан юрай доим мен эслаб,  
Йўлларингда сендан нишон мен излаб.  
Умид билан ширин хаёл сурай мен,  
Узоқлардан кўзим узмай кутай мен.  
Сен тезроқ қайт, сен тезроқ кел, эй, Ниёз!  
Йўлларингга ёниқ қалбим пояндоз.

Чироқ ўчади.

Парда.



## УЧИНЧИ ПАРДА

### ОЛТИНЧИ КУРИНИШ

Парда очилмасдан илгари баэм тантаналари, музика ва ялла эшитилади. Бу Раҳмонқулнинг меҳмонхонаси (болохона). Раҳмонқул икки киши бошида туриб, ётишга икки ўрин солдиromoқда. Бу кишиларнинг бири Саид Ғулом додхоҳнинг маҳрами Ҳақим. Солнаётган ўриларнинг бири жуда назик азия меҳмон учун эгани кўрииб турибди.

Ҳақим

(Раҳмонқулнинг кишисига)

Яна кўрпа!

Раҳмонқул

(ўз кишисини койиб)

Борми сенда сал ақл?  
Буни солма. Ёстигини бошқа қил.

Ҳақим

(Ғурур билан)

Кимга ўрин соляпсан, унутма.

Ўрин солиш тамом бўлади.

Раҳмонқул

(иккаласига)

Боринг энди пастда бўлинг хизматда..

Соғ-саломат етиб келди додхоқ ҳам,  
Улуғ ишга бел боғлабди мустаҳкам.

*(Ташқаридаги овозларга қулоқ солиб.)*

Бази авжда... Емон эмас ишларим.

*(Уйланиб қолади.)*

Аммо нечун ваҳм босар юрагим?

Ниёз киради. У чўлоқларча оқсайди, кийимини ўзгартирган, ўзини хўжайинларча бемалол, хотиржам тутади ва бир оз ширакайф кўри-нишга ҳаракат этади.

Ниёз

*(Раҳмонқулга, хўжайинларча)*

Чиқа берсак бўладими?

Раҳмонқул

*(лаганбардорлик билан)*

Жой тайёр!

Аммо бунча шошмоққа не ҳожат бор?  
Эиёфатлар ҳали айни авжда-ку!

Ниёз

Додхоқ ҳазрат буйруқлари худди шу.

*(Ойнак олдига бориб пастни яхшилаб кўздан кечиради)*

Боғни жуда жаннат қилган экансиз.

Раҳмонқул

Азиз меҳмонларни шунда кутамиз.

Ниёз болохонанинг ичинини кўздан кечиради ва ойнакни бер-китади.

Н и ё з

Хўжайиним шамоллашдан қўрқади.  
Шундай турсин.

Раҳмонқул

Яхши қилдинг. Ҳа, балли!

*(Ниёзининг пинжига кириб.)*

Додхоқ ҳазрат хурсандмилар бизлардан?

Н и ё з

*(атайин муболага қилиб)*

Бўлмасам-чи!

Раҳмонқул жуда мамнун.

*(Ниёз кўрпаларни кўздан кечиради.)*

Мен қаерда ётаман?

Раҳмонқул

*(севиниб)*

Сен ҳам бунда ётмоқчимисан?

Н и ё з

*(фахр билан)*

Ҳар қачон —

Мен ётаман додхоқ билан ёнма-ён.

Раҳмонқул

*(авваллидан ҳам ортиқроқ севиниб, ўринларининг бирини кўрсатади)*

Ундай бўлса менинг ўрним...

Н и ё з

*(унинг сўяини бўйиб)*

Иўқ, йўқ, асло.

*(Узига бошқа ўрин солмоқчи бўлиб.)*

Бунда ётай рухсат бўлса мабодо.

Раҳмонқул

*(Ниёзни кўндиришга бел боғлаб)*

Иўқ, тортинма. Сен шу ерда ёта қол

*(иқкиланган бўлиб, жим қолади).*

Ўзим пастда ётар эдим бемалол.

Раҳмонқул

*(ўзига-ўзи)*

Бўлмоқ хавfli улуғларнинг олдида.  
Хуррагим зўр, тегвораман ғашига.

Ниёз

*(зўрға кўнган бўлиб)*

Буюрсангиз, майли, ётай шу ерда.

Раҳмонқул

*(Ниёзнинг елкасига қоқади)*

Баракалло!

Ниёз

*(севиниб, ўзига-ўзи)*

Яна омад келди-я!

Раҳмонқул

Яхши йигит, исминг нима?

Н и ё з

(сал тугилгандан кейин)

Комилжон.

Раҳмонқул

Дилкаш йигит, бўлайлик биз қадрдон.

(сирдошларча.)

Нима деса додхоқ менинг тўғримда  
Менга етказ... Хизматингга яраша  
Ҳақ оласан.

Н и ё з

(ноз қилгандек, кетишга шошади)

Кутиб қолди хўжайин.

Раҳмонқул

Хотиржам бўл: мукофотинг нақд, тайин.

(Пул узатади.)

Ниёз нима қилишини билмай туриб, бирдан олади ва қуллақ қи-  
либ чиқади.

Минг шукурким, силлиқ битди бу иш ҳам.

(Ваҳима босиб.)

Бузмасин-да ишни Ниёз муттаҳам.  
Дейдиларки «одати бор: бирпасда —  
Босиб қолар кеча, кундуз демасдан...»  
Фаҳмлашимча, шундан қўрқар додхоқ ҳам,  
Савлат сотар, аммо эмас хотиржам...

(Уҳ тортади.)

Аскарлари нечун кетди шаҳарга?  
Додхоқ нечун қолди ўзи бу ерда?

Эй худойим, яхши ўтса шу туним,  
Мен мозорга уч қўй назир қилардим...  
Шошмоқ керак, аммо, меҳмон олдига.  
Қолмай яна ғазабига, қаҳрига.

Шошиб чиқиб кетаётганида, Ниёз ширакайф Саид Фулов додхоҳни қўлтиқлаб киради. Додхоҳ хиргойи қилади, Ниёз унга қўшилади. Ҳаким киради.

Саид Фулом

*(дарров Ҳакимга кўзи тушиб)*

Пангбош, қайда итдек санқиб юрибсан?

Ҳаким

Уэр, тақсир, уэр...

*(Додхоҳни ечинтирмоқчи бўлади.)*

Саид Фулом

*(унинг сўзини бўлиб)*

Йўқол кўзимдан!

Ҳаким унинг қўлтиғига кирмоқчи бўлади.

Йўқол дейман! Керагинг йўқ!

Ҳаким Ниёзга қаттиқ хўмрайиб чиқиб кетади. Унинг ўрнига Ниёз Раҳмонқул додхоҳнинг қўлтиғига киради. Додхоҳ Ҳакимни орқасидан сўкади.

Лапашанг!

Ниёз

*(Саид Фуломни ўрнига ўткавиб юпатади)*

Қўйинг, тақсир, хафа бўлманг.

*(гап топган бўлиб)*

Койманг.

С а и д Ғ у л о м

*Ниёвнинг елкасига қоқиб, Раҳмонқулига)*

Комилжонни маҳрам деса арзийди

Р а ҳ м о н қ у л

(тез)

Маҳрамларнинг маҳрами бу, тақсирим.

С а и д Ғ у л о м

*(узоқ мақтамоқчи бўлиб)*

Ҳақиқатан...

Н и ё з

*(бетоқатлик билан унинг сўзини бўлиб)*

Тақсир, тезроқ ётайлик.

Ярим кеча бўлиб қолди.

С а и д Ғ у л о м

*(ҳориганлик сезиб)*

Ҳа, майли.

Жиндаккина мизғиб олай.

Р а ҳ м о н қ у л

*(ғамхўрлик кўрсатиб)*

Саҳарда —

Жўнашингиз керак узоқ шаҳарга

С а и д Ғ у л о м

*(ўз ўрнига киради ва даҳшатли бир нарса эсига тушиб атрофига қарайди. Ёнидаги ўримда Ниёз ётаётганини кўриб севинади)*

Сен ҳам бунда...

Раҳмонқул

(Унинг сўзини бўлиб, ўзининг тadbиркорлиги билан  
гурурланиб.)

Ҳа, эҳтиёт керак-да...

Саид Ғуломнинг хаёлига бир нарсa келиб, мастлиги тарқалади. Шу-  
минутда у Ниёзани эслаган бўлса керак. У Раҳмонқулга миннат-  
дорчилик билдирди

Саид Ғулом

Худди шуни айтмоқчийдим мен сенга.  
Миннатдорман!

Раҳмонқул

(жуда мамнун)

Бизга рухсатми, тақсир?

Саид Ғулом

(Ниёзга қараб олади, хотиржам)

Рухсат. Рухсат. Сен ишингга кетавер.

Раҳмонқул таъзим қилиб чиқади. Саид Ғуломни аллақандай  
қўрқув боса беради. Худди бир хавфдан қочгандек, бошини кўрпага  
ўрайди, аммо кўрпа ичида ҳам безовта бўлиб, у ёқ-бу ёққа ағдари-  
лади. Ниёзнинг хаёли ташқарида. У ҳамма ухлаб, ташқарининг тин-  
чишини кутади. Узоқдан ит ҳуруши эшитилади. Ахири Саид Ғулом  
кўрпадан бош чиқариб, Ниёзани «уйғотади».

Менга қара!

Ниёз «уйғонади».

Саид Ғулом

Битта эмас, иккита —  
Ниёз бормиш. Фикринг қалай бу ҳақда?

Бу саволга Ниёзнинг ўзида ҳам аниқ жавоб йўқ. У жим қолади.

Лйтгин қўрқмай



Н и ё з

(Синд Фуломдан кўра ўзига ортиқроқ живоб бериб)

Бу гап ростга ўхшайди.

С а н д Ғ у л о м

(сирдошларча)

Биз уларни йўқотмасак бўлмайди,  
Йўқотмасак икки Ниёз бирлашур.  
Сўнг уларни енгил жуда мушкулдир.

(Жуда муҳим сирни айтгандек секин.)

Янги Ниёз ахтарармиш эскисин

Н и ё з

(ваҳимага тушган бўлиб)

Не қиламиз топиб олса бир-бирин?

С а н д Ғ у л о м

(мақтанчоқлик билан)

Тополмайди.

Н и ё з

Нечун?

С а н д Ғ у л о м

(қаттиқ ишонч билан)

Ниёз — қўлимда.

(«Чангалимда» ишорасини қилади.)

Н и ё з

(ожабланиб)

Қайси Ниёз?

Саид Фулом

Эски Ниёз.

Қўлимга —

Тушмас эди ўша Ниёз муғамбир,  
Чунки қиёфасин ҳеч ким билмайдир.

Ниёз

Мен биламан. Кўрган эдим.

Саид Фулом

(севиниб)

Қанақа?

Ниёз

Ҳайрон қолдим қиёфаси — афтига,  
Салобатли. Худди девдек басавлат  
Бир кўзи кўр.

Саид Фулом бўйинини кўрсатиб

Тиртиғи бор.

Саид Фулом

Кўп раҳмат.

Энди уни тутиш бизга кўп осон

(Мақтаниб.)

Биз Ниёзга қўйдик ажиб бир қопқон:  
Қўлга олиб Ниёзнинг ўнг қўлини.  
Тополдик биз уни тутиш йўлини:  
Довруқ солдик қишлоққаю шаҳарга,  
«Азаматни осамиз — деб — шаҳарда»  
Биз Ниёзни жуда яхши биламиз,  
Қутқаришга Ниёз келур шубҳасиз...  
Фуқароча кийим кийиб майдонда —  
Аскар турар. Ниёз тушар қопқонга

Н и ё з

(қувонган бўлиб)

Ишларингиз шунда бўлур жуда соз.  
Дорга кетур ҳам Азамат, ҳам Ниёз

С а и д Ғ у л о м

(жуда ҳовлиқиб)

Йўқ. Ниёзни бундай кичик шаҳарда  
Осмайман мен, Бухоройи шарифга  
Обкетаман. Амиримнинг олдида  
Осаман мен, қуриб катта тантана.

Н и ё з

(тамом бошқа оҳангда)

Кечинг, тақсир, бундай ширин хаёлдан

С а и д Ғ у л о м

(аччиқланиб)

Сен кимсанки менга буйруқ берасан?

Н и ё з

Мен — Ниёзман! Ниёз турар қошингда!

С а и д Ғ у л о м

Ҳаянлашма! Ажраласан бошингдан!

Н и ё з

Мен — Ниёзман!

(Тўппонча ўқталади.)

Жим гур сен «ғик» этмасдан.  
Тўдам келиб, чор атрофни ўраган

Саид Фулом

*(тамом бўшашиб кетиб, бирданга Ниёзнинг оёғин  
йиқилади)*

Жон, Ниёзбек, етим қилма уч болам!

Ниёз

Улдирардим боланг мингта бўлса ҳам,  
Аммо ҳозир менга тирик кераксан.

Саид Фулом

Не буюрсанг ҳаммасини қиламан,  
Фақатгина тирик қолдир!

Ниёз

Қасам ич!

Саид Фулом

Худо урсин!

Ниёз

Бу атрофни қўйиб тинч,  
Қўшинингни дарров олиб кетасан.

Саид Фулом

Худо урсин, дарров олиб кетаман.

*(Узи ҳам билмай, Ниёзнинг буйруғини астойдил  
бажариш учун кетмоқчи бўлади.)*

Ниёз

Шошма!

Саид Фулом

Яна нима қилай. гадаб қил

Н и ё з

*(қўйнидан мактуб чиқариб, додхоҳга тутади)*

Муҳрингни бос!

С а н д Ғ у л о м

*(мактубни кўздан кечириб)*

Азаматни?..

Н и ё з

*(дўқ уриб)*

Бос дадил!

*Додхоҳ дарров муҳрини босади.*

С а н д Ғ у л о м

Бори шуми?

Н и ё з

Яна битта бор тадбир,  
Маҳрамингни сен бу ерга тез чақир.  
Топширасан, у мен билан кетади.  
Азаматни дордан озод этади.

*Санд Ғулом иккиланади.  
Ниез унга тўппонча билан таҳдид этади*

Чақир, дейман! Тезроқ чақир!

С а н д Ғ у л о м

*(ойнакдан пастига)*

Ҳой, Ҳаким!

Н и ё з

Секин чақир

С а н д Ғ у л о м

Ҳой, Ҳакимжон

Пастдая овоз: «Лаббай, гақсир».

Н и ё з

Энди мен жим тураман бу гомонда.

Тўппончани яланғоч ушлаган ҳолда Санд Ғуломнинг орқасидан  
гуртади.

Ҳ а к и м киради.

Ҳ а к и м

Хўш. тақсир?

С а н д Ғ у л о м

Дарров отлан. Бор жуда ҳам зуд тадбир

Н и ё з

Азаматни келтурурмиз бу ёққа.

С а н д Ғ у л о м

(такрорлайди)

Азаматни келтурурсиз бу ёққа.

Ҳ а к и м

(ҳайрон)

Агар, улар...

Ниё Санд Ғуломнинг орқасидан тўппонча билан гуртади

С а н д Ғ у л о м

(«жони чиқиб» Ҳакимга)

Сен гапингни қисқа қил.

Н и ё з

От эгарла

С а и д Ғ у л о м

(тўтиқушдек такрорлаб)

От эгарла, беақл!

Ҳ а к и м

Доим тайёр...

С а и д Ғ у л о м

(унинг сўзини бўлиб)

Олиб чиқ, тез!

Ҳ а к и м

Хўп, тақсир.

Н о н б чиқади.

Н и ё з

(юмшаб, истеҳво билан)

Боракалло, миннатдорман кўп, тасқир.  
Аммо жиндек жим турасиз.

С а и д Ғ у л о м

(итоат билан)

Тураман.

Н и ё з ашула айтади, додхоҳни ҳам айтишга мажбур этади, ашула  
айтиб туриб, додхоҳни боғлайди, оғзига латта тиқади

Н и ё з

(масхара қилиб)

Амиригга кўп салом денг сиз мендан.

(Чиқади.)

Саид Ғулом даҳшат билан ташқаридаги шарпаларга қулоқ солади. Ниёзининг жўнаб кетишини бетоқатлик билан кутади. Ниҳоят отлар дукур-дукури эшитилиб, ғойиб бўлади. Саид Ғулом енгил тортиб, чуқур нафас олади. Шошиб Раҳмонқул киради.

Раҳмонқул

Е, худоё! Не аҳвол бу, тақсирим?

Саид Ғулом қаттиқ даҳшатда «жим бўл, жим бўл» ишорасини қилади. Раҳмонқул нима учун жим туриш кераклигини тушунмай гаранг, тажанг.

Нима бўлди?

Саид Ғулом «оғзимни бўшат» ишорасини қилади.

Раҳмонқул

Нима бўлди?

Саид Ғулом

Жим бўл, жим.

Қуршовдамиз.

Раҳмонқул

(ажабланиб)

Қандай қуршов?

Саид Ғулом

Бетамиз!

Жим бўлмасанг, ҳозир ҳалок бўламиз.  
Ураб олган бизни Ниёз тўдаси.

Раҳмонқул

(ойнадан пастки кўздан кечириб, хотиржам)

Йўқ ҳеч қандай тўда-пўда парпаси



С а и д Ғ у л о м

Ростми бу гап?

Р а ҳ м о н қ у л

Худо урсин, гапим рост.

С а и д Ғ у л о м

*(масалига тушуниб, қаттиқ аламда)*

Аҳмоқ қибди, аҳмоқ қибди у Ниёз!

Р а ҳ м о н қ у л

Қандай Ниёз?

С а и д Ғ у л о м

*(ғазабда)*

Қандай Ниёз? Сен гапир!

Р а ҳ м о н қ у л

Гапингизга тушунмайман, эй тақсир.  
Тушунмайман, қайга кетди чопарлар?

С а и д Ғ у л о м

*(алам билан)*

У чопарнинг бири Ниёз, эй занғар!

Р а ҳ м о н қ у л

Ниёз?

С а и д Ғ у л о м

Ниёз!

Яъни сенини маҳраминг

Раҳмонқул

Бўхтон қилманг!

Саид Ғулом

Ярим йўлда у сенинг  
Вакилингман, деб қутлади-ку бизни.

Раҳмонқул

Худо урсин, аҳмоқ қибди у сизни

Саид Ғулом

Нима учун бизлар билан келганда,  
Сен бу ҳақда индамадинг?

Раҳмонқул

Ушанда —  
Маҳрамингиз деб ўйладик уни биз

Саид Ғулом

Аҳмоқ бўпсиз, аҳмоқ бўпсиз ҳаммангиз!

*(Бошини ушлаб қолади, кейин ўзига келиб, чексия  
газабда.)*

Турсин ҳамма! Тайёрлансин сафарга!  
Орқасидан етиш керак шаҳарга.

Раҳмонқул шошиб чиқади

Саид Ғулом

*(қаттиқ оламда)*

Аҳмоқ қипти, аҳмоқ қипти, муттаҳам,  
Аҳмоқ қипти мендек улуг яотни ҳам

Парда.

## ИНТЕРМЕДИЯ

Нуробобо ёлғиз ўтирибди.

Н у р б о б о

(ғамгин)

Ботирларим путраб кетди ҳар ёққа...

Пауза.

Эй, Ниёзим, сен юрибсан қаёқда?  
Еткурдингми Азаматга сен нажот?  
Е узилди нодир ва пок у ҳаёт?  
Не кулфатлар соя солди бошингга?  
Соғ-саломат қайтурмисан қошимга?  
Сени кутиб Барот турар йўлларда,  
Сени кутиб Турғун сарсон чўлларда.

Ма ҳ б у с шошиб киради.

Ма ҳ б у с

Хайриятки, сизни топдим, азиз пир.

Н у р б о б о

(ҳаяжонда, ўзига-ўзи)

Яна ўша таниш овоз.

(Фавлиддинга.)

Хўш, гапир.

Ма ҳ б у с

Хато қилди Ниёз, ожиз фикримча.  
Азаматни озод этиш Ниёзга  
Ҳеч муяссар бўлмас... Бизлар ўзимиз  
Шаҳар томон йўл олайлик тўхтовсиз...

Н у р б о б о

(бирданига эсига бир нарса тушиб маҳбуснинг  
ёқасидан тугади)

Сен хоинсан!

М а ҳ б у с

(чўчиб)

Ҳеч асоссиз бу гумон.

Н у р б о б о

Мен танидим сени охир, беимон!  
Фазлиддинсан. Чорибойнинг ўғлисан.

М а ҳ б у с

(дўқ уради)

Фазлиддиннинг, Чорибойнинг билмайман.

Н у р б о б о

Ўз номингдан, ўз отангдан тонасан?  
Мен ҳозироқ сўзим исбот этаман.

М а ҳ б у с

Валақлама! Исботинг йўқ!

Н у р б о б о

Исбот бор:  
Аввал ташлаб, кейин бўлган интизор —  
Қизинг тирик.

М а ҳ б у с

(ўзини йўқотиб)

Қизим тирик? Қаерда? •

Н у р б о б о

(кулади)

А!

Мажбур бўлдинг ахир иқрор бўлишга...  
Тўдамизни олиб чиқиб майдонга —  
Ботирмоқчи бўлибсан-да сен қонга?

Ф а з л и д д и н

Сен олиб бор тўдани шу майдонга,  
Амир афв эълон этиб ҳар жонга,  
Ҳаммангиз ҳам соғ-саломат қолурсиз.  
Амир, бекдан мукофотлар олурсиз.

Н у р б о б о

Тўда юрмас бундай хатар бир йўлга.

Ф а з л и д д и н

Сен гапирсанг, тўда кирар ҳар йўлга.

Н у р б о б о

Гапирмайман.

Ф а з л и д д и н

Сен Ниёздан қўрқасан?

Н у р б о б о

То ўлгунча унга содиқ қолурман.

Ф а з л и д д и н

Ниёз тушган алақачон қопқонга!

(Тўппонча ўхталади.)

Тўдани сен тез бошлайсан майдонга.

Н у р б о б о

Бошламайман.

Ф а з л и д д и н

Олмоқчисан мендан ўч,  
Утмишдаги дашном учун.

Н у р б о б о

(кулиб)

Тамом пуч  
Бу гапларинг. Сендан ўчим олганман:  
Мен қизингни одил йўлга солганман.  
Юрагини тўлдирганман нафрат-ла  
Сендек ёвуз ҳайвонларга — бойларга.

Ф а з л и д д и н

Қололмайман ортиқ энди бу ерда,  
Сен тезданоқ кирмас бўлсанг сўзимга  
Отаману, мен бу ердан кетаман.

Н у р б о б о

Одат эмас бизда қўрқиш ўлимдан.  
Отавер сен!

Фазлиддин иккиланади.

Отмайсанми, эй қўрқоқ?

Ф а з л и д д и н

Ўлдирардим сени итдек ҳозироқ,  
Аммо бердим мен зўр ваъда додхоҳга.  
Мен кутаман сени бугун майдонда.  
Тўдаю сен егиб бормас бўлсангиз,  
Додхоҳ билан келурман мен бунда тез.  
Ана шунда пушаймонинг ортиқча.

(ўзига-ўзи)

Ниёз етиб бормай туриб майдонга,  
Мен бўлишим лозим эрур у ерда.

*(Чопиб чиқиб кетади.)*

Н у р б о б о

*(Фазлиддиннинг орқасидан)*

Орзум сени кўрмоқ яна бир марта.

Т у р ғ у н о й югуриб киради.

Т у р ғ у н о й

Оҳ, бобожон, қаерларда юрибсиз?

Н у р б о б о

Кутилмаган хабар. Эшит.

Т у р ғ у н о й

Айтинг тез...

Н у р б о б о

Ҳозир кўрдим мен отангни.

Т у р ғ у н о й

*(севиниб)*

Қани у?

Н у р б о б о

Ҳақир этди у бобонгни.

Т у р ғ у н о й

*(нафрат билан)*

Қани у?

Нурбобо

У Ниёзни ўлдирмоқчи.

Турғуной

(чексиз ғазаб билан)

Қани у?

Нурбобо

Тез кўрурсан. У келтирур зўр қайғу.

Чироқ ўчади.

## ЕТТИНЧИ КУРИНИШ

Майдон. Дор. Азамат дор тагида намоз ўқимоқда. Атрофида Тўпчибеги, I ва II жаллодлар. Азамат намоз ўқиб бўлади. Унинг қаттиқ қийновларга дучор этилгани кўришиб турибди. Саҳнада майдондаги халқнинг бир қисмигина кўринади.

Тўпчибеги

(майдондаги халққа)

Шу майдонга йиғилган, эй халойиқ!  
Ушбу бебош қилмишига мувофиқ  
Жазосини тортар ҳозир... у аммо  
Ўжарликдан шартта кечиб, мабодо  
Бир саволга жавоб берса астойдил,  
Бу ўлимдан озод бўлур.

(Азаматга.)

Сен айтгил:  
Ниёз қайда?

Азамат

Савол берма бекорга.



Тўпчибеги

(Ғазабда)

Демак энди осиласан шу дорга...

Азamat

(Тўпчибегини туртиб ташлаб)

Фуқаро,  
Орангизда турган бўлса мабодо  
Андижондан келган бирор мусофир,  
Қулоқ солсин...

Ижаллод

(Азаматга.)

Жим бўл!

Тўпчибеги

(жаллодга)

Майли. Қўй.

(Азаматга.)

Гапир!

Азamat

Эй, мусофир, азиз юртга сен етсанг,  
Яккачинор маҳаллада сайр этсанг,  
Узримни айт муштипар онамга,  
Қани энди ҳозир бўлса ёнимда,  
Оёғига йиқилардим, йиғлардим,  
Йиғлай-йиғлай мен онамга деярдим:  
«Кечиринг сиз, узоқларга йўл олдим,  
Уғил бурчим бажаролмай мен қолдим.  
Мен ўйласам, бу бағримга қон тўлур,  
Мендан кейин аҳволингиз не бўлур?»

Пауза.

Бир нон учун одамларни хор этган,  
Оналарни боласига зор этган —  
Бу замонга лаънат бўлсин! Минг лаънат!

І ж а л л о д

(ваҳимада Тўпчибегига)

Галаёнга қилаётир бу даъват.

Т ў п ч и б е г и

(жаллодга, секин)

Майли, Майли... Майдондаги одамлар.  
Бу гапларга қулоқлари тамом кар.

А з а м а т

(сиртмоқ тагига бориб)

Осмайсанми?

Т ў п ч и б е г и

Сен шошилма ўлишга,  
Пайти келиб киришамиз бу ишга.

А з а м а т

Эй, ажабо, ўлдиришга шошмайсиз?  
Еки борми бирор гараз-ўйингиз?

Тўпчибеги индамайди.

Айт, эй жаллод, нега мени осмайсан?

Тўпчибеги яна жим.

Наҳот ҳатто ўлимимни мен сендан —  
Талаб қилиб олмоқликка мажбурман?

(Майдондагиларга қарата.)

Бундай зулми ким кўргану, эшитган.  
Айтинг-чи сиз эй...

*(Майдондаги кишиларни таниб.)*

Адашдим.. Сизларни мен халқ дебман.

*(Тўпчибегига.)*

Нега сизлар аскарни  
Фуқароча кийинтириб қўйибсиз?

Тўпчибеги индамайди.

Аниқ, бордир бирор ёмон ўйингиз.

Тўпчибеги индамайди. Азамат ўйланиб қолади.

А!

Сиз Ниёзнинг келишини кутасиз!  
Тўда билан Ниёз келса, тутасиз...  
Йўқ! Йўқ! Асло мен бунга йўл бермасман,  
Сиз осурсиз мени Ниёз келмасдан...  
Улимидан Ниёз олиб шум хабар,  
Йиглай-йиглай орқасига тез қайтар.  
Мен бўлсам-чи? Қувонурман гўримда,  
Қутқардим деб дўстларимни ўлимдан.

*(Тўпчибегига.)*

Осмайсанми?

Тўпчибеги қатъий бош чайқайди.

Узим топай йўлини!

*(Узини-ўзи осмоқчи бўлади.)*

І ж а л л о д

*(ваҳимада)*

Намоздан сўнг боғламабмиз қўлини!

Жаллод ва Тўпчибеги Азаматнинг устига ташланадилар, аммо Азамат уларни улоқтириб ташлаб дорга интилади. Тўпчибеги нима қилишини билмай гаранг. Ахир унинг бошига яхши бир фикр келади; у сиртмоқни Азаматнинг бўйи етмайдиган қилиб, баланд кўтариб кўяди.

Т ў п ч и б е г и

(масхара қилиб)

Ана энди не қилсанг, эрк ўзингда.

А з а м а т

Эрк ўзимда? Маҳкам тур шу сўзингда.

(Тўпчибегининг кўзига тикилиб.)

Нима учун менга шафқат қилдинг сен?  
Е ҳозирдан мени ўлик билдинг сен?  
Бухорода эркин фақат ўликлар.  
Аммо ҳали мен тирикман, эй хумпар!

Т ў п ч и б е г и

(аччиги келиб)

Тилингни тий. Тиймасанг, мен...

(Нима дейишни билмасдан қолади.)

А з а м а т

Осасан.  
Ҳа, ос дарров! Сен қасдингни оласан.

Т ў п ч и б е г и

Ҳа, муғамбир, тегмоқчисан гашимга.

А з а м а т

Боракалло!

(Жаллодларга, Тўпчибеги ҳақида.)

Жиндек фаҳми бор экан.  
Кутмовдим мен бундай фаҳми занғардан.

### І ж а л л о д

Сен чиранма, ҳаракатинг беҳуда.

### Т ў п ч и б е г и

Валақлай бер. Парвойим йўқ мен бунга.  
Не қилардинг? Бир парча гўшт у тилинг.

### А з а м а т

Одам тили бир парча гўшт? Адашдинг.  
Не ганимат келган бўлса жаҳонга,  
Неки инсон топган бўлса жаҳонда,  
Не фазилат касб этибди бу одам,  
Кўрган бўлса одам шодлик ёки ғам,  
Юксак бўлса, ёки бирдан йиқилса,  
Фахрланса, пушаймондан сиқилса,  
Ё пушаймон хаёлига келмаса,  
Нажосатда ётса қилиб у маза,  
Ҳаммасининг боисидир ушбу тил...  
Ҳой, ноинсоф, унутмагил, бўл қойил!  
Сен мансабдор бўлдинг шу тил важидан:  
Керак бўлса, ҳеч тортинмай тил билан  
Амирингнинг товонини яладинг.  
Ким паст бўлса сендан, қопдинг, таладинг.  
Шу тил билан дўстни дўстдан ажратдинг,  
Шу тил билан яхшиларни қақшатдинг...  
Одам тили бир парча гўшт жим турса,  
Аmmo бу тил ҳақиқатдан гапирса,  
Ҳақиқатдан гапирсаю жўш урса,  
Ҳеч куч йўқдир бундай кучга тенг турса.  
Ҳақиқатдан гапираман мен ҳозир.

### Т ў п ч и б е г и

*(ваҳимада, жаллодларга)*

Унинг оғзин маҳкам боғлаш лозимдир.

Жаллодлар Азамат томонга отилади. Азамат уларни улоқтириб ташлайди.

А з а м а т

(Тўпчибегига)

Қўрқма, қўрқма. Гапирмайман...

Жаллодлар хотиржам бўлиб орқага қайтишади. Азамат Тўпчибегига мурожаат этади.

Агарда —

Осар бўлсанг мени ҳозир шу дорга.

Тўпчибегни тажанг. Бир офтобга, бир соатга қарайди, ноилж у ёқдан-бу ёққа юради.

Кутиб қолдим мен ўлимни. Сен чўзма!  
Мажбур этма ҳақиқатни айтишга.  
Бир бошласам мен тўхташни билмайман.

Т ў п ч и б е г и

Жим туришга ҳозир мажбур бўлурсан.

(Майдондаги аскарларга.)

Жим қилишга ёрдам беринг, шоввозлар.

Майдон жим. Ҳеч ким чиқмайди.

Нега жимсиз? Чиқмаяпсиз, сарбозлар?

(Бу сукунатни ўзича тушуниб.)

Ҳа, айтгандек, сизлар буйруқ кутасиз,  
Фақат додхоқ изми-ла иш тутасиз.

А з а м а т

(Тўпчибегига)

Бу гапингда бор зигирдек ҳақиқат.  
Аммо ўзинг бу кўзларга қил диққат.  
Бирини кутар буйруқ улуғ додхоқдан,

Яна бири эҳтимолки қасд қилган,  
Бўлмасин деб Ниёз амир ўлжаси.  
Эҳтимолки яна аллақанчаси  
Ҳақиқатни мендан билмоқ истайди.

(Майдонга.)

Ҳақиқатни айтай сизга мен, майли:  
Биласизми, Тўпчибеги не важдан —  
Бу амалга кўтарилган?

Тўпчибеги

Сен қайдан  
Хабардорсан бу гаплардан?

Азамат

Доимо  
Ҳамма гапдан хабардордир фуқаро.

Тўпчибеги

(ялиниб)

Оғиз очма сен бу ҳақда.

Азамат

Хўп, майли,

(Истеҳзо билан.)

Оғиз очмай «дўстлигимиз» туфайли,  
Аммо тезроқ сен ос мени.

Тўпчибеги бир соатга, бир офтобга қараб, хуноб бўлади ва асабий  
у ёқдан-бу ёққа юради.

Тўпчибеги

Не важдан  
Шу вақтгача келмас додхоқ бек билан?

Азамат

Осмайсанми?

Тўпчибеги

Осолмайман.

Азамат

Бўлмаса,

(Майдонга.)

Ҳақиқатни эшитинг сиз...

Тўпчибеги

Жон ука, тилингни тий.

Азамат

Тиёлмайман... Биласизми, одамлар,  
Хотинига қайси зотни бу хумпар —  
Уйнаш қилган?

Тўпчибеги

Ҳалок этма сен мени.  
Тилга олма у улур зот номини.

Азамат

Айтаман мен.

Тўпчибеги

Айтма зинҳор. Шафқат қил.  
Раҳминг келсин. Сен ўласан барибир,  
Ачин менинг бола-чақаларимга,  
У эшитса, сомон тиқар теримга.

Азамат

(атайин)

Ким эшитса?



Тўпчибеги

(йўламасдан)

Саид Ғулом.

Азамат

(халққа)

Саид Ғулом экан, додхоқ экан!

(Қаҳ-қаҳлаб қилади.)

Тўпчибеги

(йўз хатосини тушуниб, даҳшатда)

Вой шўрим!

Энди мен ҳам сендек дорга осилдим.

Азамат

Ақлинг шошди. Бу ваҳиманг беҳуда.  
Сени амир сақлаб қолур... У жуда —  
Миннатдор-ку сендан. Ахир сен унга  
Кўп ажойиб хизмат...

Тўпчибеги

(қаттиқ қўрқиб)

Тўхта! Мен бунга йўл бермайман.

Азамат

Албатта-да... Йўл берсанг,  
Эртагаёқ дорда бўлур бу калланг.

Тўпчибеги

(жаллодларга)

Осинг бунин!

А з а м а т

Гапни чўэмай бояёқ  
Шундай қилиш керак эди.

*(Сиртмоққа бўйнини тутиб, жаллодга.)*

Торт тезроқ.

От тўғқларининг товуши эшитилади.

Т ў п ч и б е г и

*(жаллодга)*

Шошма! Чопар келаётир бу ёққа.

Ҳ а к и м

*(ташқаридан)*

Тўхта! Тўхта!

А з а м а т

*(жаллодга жаҳл билан)*

Торт, деяпман! Торт!

Ҳ а к и м

*(Ниёз билан пайдо бўлиб)*

Шошма!

*(Тўпчибегига Саид Фуломнинг хатини беради.)*

Т ў п ч и б е г и

*(хатни шошиб кўздан кечиради, ҳайрон бўлиб, Ҳақимга қарайди. Яна хатни ўқийди. Ҳақимга тикилади ва хотиржам бўлади)*

Сен оводсан осилишдан, ўлимдан.

А з а м а т

Ишонмайман!

Ҳ а к и м

Сен биз билан кетурсан

А з а м а т

*(ўжарлик билан)*

Бундан чиқди, барбод бўлди режангиз.  
Мен кетмайман, мени шунда осасиз.

Н и ё з

*(Азаматнинг олдига бориб уни шапалоқлаб ташлайди)*

Тез юр, аҳмоқ!

А з а м а т

*(Ниёзни таниб, ўзига-ўзи)*

Ниёз-ку бу? Наҳот у?  
Унгимми бу? Унгимми бу? Е туш бу?

*(Ниёзга дўқ қилиб.)*

Қани, золим, яна ур-чи бир марта!

Ниёз яна шапалоқ тортиб юборадн. Азамат чексиз қувонади.

Унгим экан!

Н и ё з

*(Азаматни қаттиқ тепади)*

Юр-эй теяроқ, надаванг!

## А з а м а т

Бошла мени қай томонга хоҳласанг.

А з а м а т, Н и ё з, Ҳ а к и м чиқадилар.

Т ў п ч и б е г и

(енгил тортиб)

Тўпчибеги, бутун қолди бу калланг.

Парда.

## САККИЗИНЧИ КУРИНИШ

Ниёз лагери. Отряд қамал ҳолатида мудофаага тайёр турибди.

Н и ё з

Демакки биз қамалдамиз.

Н у р б о б о

Шунақа

Шу тариқа сотди бизни бойвачча.

Турғуной узоқдан бир нарсани кўради.

Т у р ғ у н о й

Бу томонга келаётир уч одам.

(Отишга тайёрланади.)

Н и ё з

(Турғунойни отишдан тўхтатиб)

Улар элчи. Улар нима деса ҳам қизишмайсан.

(Отрядга.)

Қимирламай турасиэ,  
Душманимиз маккор ҳамда бетамиз.

Барот

(кириб)

Саид Гулом юборибди вакилин.

Ниёз

(узоққа тикилиб, вакилни таниб)

Биз биламиз у додхоҳнинг бу итин.

Икки сарбоз билан Фазлидин пайдо бўлади. Отряд уни таниб, нафрат билан шивирлайди.

Фазлидин

Ниёз, эшит: ақлинг бўлса бошингда,  
Тўданг билан тез таслим бўл бизларга.

(Жанг майдонини кўрсатиб.)

Қаршилиқдан фойда йўқдир ҳеч қанча.  
Сенга аён: биз қанчаю сиз қанча.

Ниёз

(истеҳво билан)

Сен ҳақиқий бой боласи экансан:  
Шу ерда ҳам қолмайсан чўт уришдан.  
Одамзодда афзалият чўт билан  
Улчанмайди.

Фазлидин

(жавоб тополмай, жириллайди)

Бажараман мен бурчим,  
Сафсатага йўқдир асло фурсатим.

## Н и ё з

Нега шошмоқ?

(Қўл силтаб.)

Майли. Гапнинг қисқаси:

Ниёз билмас таслим бўлмоқ нимаси.

Отряд гуриллаб маъқуллайди. Фазлиддин яна ҳеч нарса дея олмай.  
жони чиқиб жим қолади.

## Б а р о т

Жаноб элчи гап тополмай бўлди жим.

Т у р р у н о й

(Нурбобога, секин)

Мен отамни кўрдим, шу он йўқотдим.

Н у р б о б о

Сен ҳеч нарса йўқотмадинг, жонгинам.

Ф а з л и д д и н

(юмшаб, Ниёзга)

Амир сени кечиради... Бу ҳам кам.  
Таслим бўлсанг, саройига у олур,  
Сенга дуруст лавозимлар у берур.

Отряд ишонамай, шовқинлайди.

Ф а з л и д д и н

Амиримнинг қасами бу. Рост арур.

Н и ё з

(Фазлиддинга)

Ишонаман қасамига амирнинг.

(Отрядга.)

Маъноси бор ушбу қизиқ тадбирнинг:  
Амир тутиб мени олтин қафасда,  
Ниёзларни йўқ қилмоқчи бирпасда.  
Тирик Ниёз амир олдида турса,  
Юзта одам «Ниёзман» деб гапирса,  
Ким ишонсин?

(Фазлиддинга)

Амирингга етказгин:  
Олтин қафас ёки олтин у тизгин —  
Ярашади сенга... агар арзисанг.

Отряд завқланиб кулади.

Ф а з л и д д и н

(жони чиқиб)

Сен ҳаддингдан ошма. Билгин: сен аранг  
Бебошларга бошчи бўлган бекамсан.  
Таги пастсан. Номаълумсан. Бадномсан.

Т у р ғ у н о й

(Фазлиддинга тўппонча ўқталиб)

Йўқол тезроқ, отвораман шу топда.

Н и ё з

Жон Кичкинтой, аралашмай тур гапга.

(Фазлиддинга.)

Сизлар машҳур. Биз номаълум. Беноммиз,  
Аmmo эсдан чиқармагин, номуссиз:  
Бу дунёда неки бўлса яралган —  
Мен — меҳнаткаш яратганман қўл билан.  
Дастурхонинг неъматлари еримдан,  
Сен егувчи таом менинг теримдан.  
Устингдаги либос менинг қўлимдан,  
Уйингдаги жиҳоз менинг уйимдан.

Шу билагим сенга қурган кошона...  
Қўшин тортиб менга қарши равона —  
Бўлганинга олган яроғ, отинг ҳам  
Менинг кучим билан бўлган, муттаҳам!

### Ф а з л и д д и н

Токи одам пайдо бўлди дунёда,  
Ушбу тартиб ўрнатилмиш дунёга.  
Шу тартибда абадий куч, мазмун бор.  
Шу тартибни худо қилди ихтиёр.

### Н и ё з

Худони ҳам, тартибни ҳам ўзингиз —  
Нафсингизга қурол қилиб олдингиз.  
Бу тартибни бизлар энди бузамиз.  
Меҳнаткашлар яратади ҳар миҳни,  
Меҳнаткашлар ўзгартади тарихни!

### Ф а з л и д д и н

Бундай ишга кучни қайдан оласиз?

### Н и ё з

Нафратимиз, бирлигимиз — кучимиз!

### Ф а з л и д д и н

(кулиб)

«Қум йиғилиб тош бўлмас,  
Қул йиғилиб бош бўлмас».

### Н и ё з

Сен ҳозироқ бунинг аксин кўрурсан...  
Энди йўқол ҳаялламай бу ердан.

### Ф а з л и д д и н

(хуноб. Кетаётиб орқасига қарайди)

Аммо битта саволим бор.

(Нурбобога.)



Сенга, чол.  
Сен ўлишдан сал илгари аҳтимол  
Билдирарсан: қизим кетди қаёққа?

Нурбобо жавоб беришни истамай, юзини тескари ўгиради.

Т у р ғ у н о й

*(Нурбобо ўрнига жавоб бериб)*

Қайда бўлса адолат, қиз шу ёқда.

Ф а з л и д д и н

Сен қаердан биласан бу гапларни?

Т у р ғ у н о й

Биламан-да... Эшит яна хабарни,  
Бўлса қизинг бунда ҳозир деярди:  
«То ўлгунча энди номус қиламан  
Тугилибман мен сен каби аблаҳдан».

Ф а з л и д д и н

*(Турғунойга дарра кўтариб)*

Бир зарб билан ҳозир нобуд қиламан

Н и ё з

Қўлингни торт.

*(Фазлиддинни улоқтириб ташлайди.)*

Фазлиддин жаҳл устида Ниёзга ўқ узади. Турғуной Ниёзни тўсиб қолмоқчи бўлади. Ўқ Турғунойга тегади. Қочмоқчи бўлган Фазлиддинни Барот тутиб қолади. Қаттиқ ярадор Турғуной Фазлиддиннинг олдига боради, ғазаб билан «аблаҳ-аблаҳ» дейди-ю, ярасининг

огригидан оқ тортиб, бошини орқасига ташлайди, телпаги ерга тушади, кокиллари сочилиб кетади. Турғунойнинг қиз бола эканини биллиб ҳамма ҳайратда. Турғуной Ниёзга юз ўгиради, Ниёз уни биринчи мартаба танийди, ҳайратдан лол бўлиб қолади. Турғуной Ниёзга томон интилиб, «Ниёз ака, Ниёз...» дейди-ю, Ниёзга етмай йиқилади.

## Нурбобо

(Турғунойнинг бошида)

О, Турғуной! Шўрлик болам!

Ниёз

(дахшатда)

Сен эдингми ўша гўзал, ўша хуб?!  
О, Турғуной, кўзингни оч, кўзингни оч,  
Айтадиган гапим кўп.

Турғуной жим Барот Фазлиддинни судраб олиб чиқиб кетади.

Ниёз

Евуз тақдир, бу не ҳолдир? Бу не ҳол?  
Ўлим бўлди қўлларингда шум қурол.  
Наҳот сендан шунча зулм кам эди?  
Зулм устига яна ўлим кам эди?  
Тўймабмидинг сен зулмга бемалол  
Икки жонни қилганингда интизор?

Турғуной

(ҳушига келиб)

Икки жонки, доим туриб ёнма-ён,  
Жудоликда ёш ўрнига тўкди қон...

(Ниёзнинг кўзига тикилиб.)

Мен ҳам сенга айтадиган гапим кўп...  
Тикилиб тур, дийдорингга тўйя хўп...

Йўқ! Мадорим, иложим йўқ мутлақо,  
Турғунойнинг деяр сенга: «Алвидо!»

(Улади.)

Н и ё з

Бу не ҳолдир? Бу не ҳолдир, бу не ҳол?  
Индамайсан? Энди абад тилинг лол?!  
Жавоб топмас энди сендан ҳеч савол.

Н у р б о б о

Муносибми гул ҳаётга шу завола?  
Муносибми мен қолсаму, у кетса?  
Мендан аввал уни тупроқ чиритса?

Турғуной атрофида айланишиб, хайрлашадилар. Ташқаридан Фаз-  
лиддиннинг ўлим олдидаги қичқиряги эшитилади, ўқ узилади.  
Сукунат.

Н и ё з

(Турғунойга)

Кечир бизни, кечир мени сафдошим,  
Вақти келиб бажарурман мен бурчим.  
Яна келиб сени дафи этамиз,  
Уч олишга ҳозир жангга кетамиз.

Ниёз ишораси билан Турғуной жасадини эҳтиёт билан таш-  
қарига олиб чиқиб қўйиб, қайтиб кирадилар.

Н и ё з

(оҳ уриб)

Эй замона, тақдир билан тилинг бир,  
Қўлинг билан иш битирар шум тақдир...  
Эҳтимолки мен адашдим, эҳтимол  
Тақдир сенинг қўлингдасир шум қурол.  
Иккингиизнинг қонунингиз бир эрур,  
Иккингиздан инсон фақат зулм кўрур.  
Йўқолсин, эй, йўқолсин зулм даҳоси,

Жаҳаннамга кетсин кўҳна дунёси,  
Қани дўстлар, жангга киришг улугвор,  
Зарба есин шу замона ситамкор.

## Ҳ а м м а

Зарба есин!

Жангга кетадилар. Нурбобо ёлғиз қолади.

## Н у р б о б о

Жоним болам, кичкинтойим, чароғим,  
Тўйимда ҳам, азамда ҳам яроғим,  
Шунча йиллар етакладинг қўлимдан,  
Адашмадим асло ҳаёт йўлимдан.  
Қувноқ эдим, буколмасди ҳеч қайғу,  
Энди дунё қўққис бўлди қоронғу.  
Билмас эдим қоронғулик нима у?  
Қоронғулик экан фироқ ва қайғу.

Бир неча й и г и т ярадор Н и ё з и олиб кирадилар.

## Н и ё з

Мен ҳақимда сиз безовта бўлмангиз,  
Қайтинг, дўстлар, қайтинг дарров жангга сиз.

Жангчилар кетадилар.

О, Турғуной, мана келдим ёнингга,  
Сўнг нафасим олай сенинг ёнингда!

Пауза.

Мен ёлғизман. Мен ёлғизман. Мен ёлғиз,  
Зулм олдида мен ожизман. Мен ожиз.  
Ожиз эди мenden аввал ботирлар,  
Кимга бўлур зафар кўрмоқ муяссар?

Б а р о т югуриб киради.

Барот

Қара, Ниёз! Чопиб келур Азамат

Азамат пайдо бўлади.

Ниёз

Бажардингми топширигим?

Азамат

Ҳа.

Ниёз

Раҳмат!

*(Азамат келган томонга отилади, аммо дармонсизланиб  
йиқилади.)*

Азамат

Ярадорсан? Юзларингда қонинг йўқ?

Ниёз

Қайғурма ҳеч. Шилиб ўтди дайди ўқ...

Азамат

*(йиғилган отрядга)*

Янги Ниёз етиб келур бу ёққа.

Барот

Янги Ниёз? Яна Ниёз қанақа?

## Н и ё з

Бир Ниёзки менга тақлид этди у...

*(Бирданига қаттиқ авоб тортиб.)*

Биродарлар, умр бўлмас ҳеч мангу,  
Мен ўламан... Илтимосим, дўстларим.  
Ўзингизга раҳбар қилинг адашим.

## Б а р о т

У адашинг Ниёз эмас, тақлидчи.

## Н и ё з

Эй, дўстларим, энди иқроор бўлайки,  
Мен ҳам асил Ниёзмасман!

## Б а р о т

Сен кимсан?

## Н и ё з

Сизлар каби бир меҳнаткаш одамман.  
Уша Ниёз, асил Ниёз у дорга  
Бухорода осилганда, овоза  
Тарқатдимки, «Ниёзман» деб... Ҳеч тинмай.  
Мен иш қилдим доим ўша Ниёздай.

## Б а р о т

Шу сабабли бизга асил Ниёзсан.

## Н и ё з

Шундай ишни кутинг янги Ниёздан.  
Бир мен эмас, ҳаммангиз ҳам Ниёзсан.  
Ниёз ишин адо этмоқ — бурчингиз.

А з а м а т

(узоқни кўрсатиб)

Душманларни тирқиратиб у Ниёз  
Келаётир бу томонга.

Н и ё з

(Отилиб, баландга кўтарилади, жанг майдонини  
кузатади)

Жуда соз!

(Отрядга.)

Қасам ичинг: ўша янги Ниёзга  
Садоқатда сиз бўлурсиз намуна.

Ҳ а м м а

Қасамёд этамиз!

Н и ё з

Миннатдорман!

(Яна жанг майдонига тикилиб.)

О, Турғуной, шошиб кетдинг сен жиндай,  
Қара! Ниёз учиб келур лочиндай.

(Отрядга.)

Демак, энди кўпаярлар ботирлар,  
Зафар кўрмоқ сизга бўлсин муяссар.

(Улали.)

Барот

Ниёз ўлди!

Азамат

Ботирларга ўлим йўқ!

Нурбобо

Ботирларга ҳаёт берган халқ улуғ.

Сўзсиз саҳна. От кишнаши эшитилади, ҳамма жанг томонга юз ўгириб  
янги Ниёзнинг пайдо бўлишини кутади. Аста-секин парда  
тушади.

1963 йил.



# ШОИР ҚАЛБИ

*8 кўринишли опера либреттоси*

## ҚАТНАШУВЧИЛАР

Фурқат. XIX—XX аср ўзбек демократ, маърифатпарвар шоири  
Санобар. Фурқатнинг севгилиси.

Муқимий. }  
Нисбат. } Шоирлар.  
Завқий. }

Громов. Ёш прогрессив офицер.

Фарзиджон. Ҳофиз (ашулачи). Фурқатнинг дўсти

Буреев. Рус олими, этнограф.

Эшон Муҳаммад Саид. Санобарнинг отаси.

Ниёзмат. Собиқ беклардан. Мингбоши.

Туркистон генерал-губернатори.

Маша. Петербургдан келган ёш ашулачи.

Поливанов. Қўқон шаҳар ҳокими. Машанинг отаси.

Халқ, муридлар ва бошқалар.

## БИРИНЧИ КУРИНИШ

Фурқатнинг уйи. Баҳор. Уй саҳнида гулвор. Атроф бог. Деворнинг нариги томонида Эшон Муҳаммад Саиднинг ҳовлиси кўринади. Кечки пайт. Сўрида Фурқат ва унинг дўстлари базм қилиб ўтирибдилар. Бу—ўртага Тошкентга жўнаб жетаётган Фурқатни кузатиш мажлиси. Меҳмонлар орасида вамондош шoirлардан Муқимий, Завқий, Нисбат, Фурқатнинг шоғирди ва дўсти ҳофиз Фарзинжон (Фарзинча), темирчи Уровбой, деҳқон Ермат, яллагчилар, машшоқлар бор. Мажлис давомида янги меҳмонлар пайдо бўлади. Фурқат сўзган шеърни машшоқлар ялла музикасига солмоқда. Яллагчилар, машшоқлар, Завқий, Нисбат, Фарзинжон, Уров, Ермат шу «яллани» айтадилар.

### Ҳ а м м а

Дўстлар, айшу тараб фасли баҳор истар кўнгил,  
Ҳар куни саҳрода сайри лолазор истар кўнгил,  
Айламак ҳар сори оҳулар шикор истар кўнгил,  
Кабк рафторин кўрарга кўҳсор истар кўнгил,  
Доғи хурсанд этгувчи ҳар неки бор истар кўнгил.

Фурқат якка экспромт — речитатив шаклида давом этади.

### Ф у р қ а т

Бу на ҳолатдур санго, деб кулманг, эй аҳбоблар,  
Йиғлай-йиғлай кунда чексам оҳу афғон бу кеча.

(Яллага қўшилади.)

Гар фалак кажравлиғидин бахт ёвар бўлмаса,  
Фурқате узлат учун бир кунжи гор истар кўнгил.

### Ҳ а м м а

Фурқате узлат учун бир кунжи гор истар кўнгил.

Муқимий Фурқатнинг шеърини машоқларнинг қўлидан олади, диққат билан кўздан кечиради.

## Муқимий

«Ғар фалак кажравлиғидин бахт ёвар бўлмаса,  
Фурқате увлат учун бир кунжи ғор истар кўнгил».

(Фурқатга хитоб қилади.)

Камолатга етишибсиз, мавлоно.  
Яна бизни айладингиз мафтун.

## Завқий, Нисбат

Балли!

Фарзинжон, Уроз, Ёрмат

Балли!

Хор

Балли!

Завқий

Кўп антиқа газал!

Фарзинжон

Жуда соз!

Нисбат

Нафис ва доно!

Муқимий

Аммо,

Ноумидлик раво эмас шонрга.

## Ф у р қ а т

Устод, дўстларим,  
тушунингиз бундаги сирга,  
Бу сўзларим ғам-ғуссамдан нишона.

## Н и с б а т

Хабардормиз бу сирдан.

## З а в қ и й

Элга афсона.

## Н и с б а т

Афсус, ноинсоф эшон  
Қайтди қилгон аҳдидан.

## М у қ и м и й

Эшонларга лойиқ эрур лақаб «баччағар».  
(Аввали фикрини давом эттириб, ҳажвий мушоира  
бошлайди.)

Маҳзани ҳоли даҳан, тил мори гўё, баччағар.  
Заҳри қотил, суҳбати монанд, дунё, баччағар.

## З а в қ и й

Дангаса, номардлик майдонида сарпо улуғ,  
Муттаҳамлик дафтارين бошида туғро, баччағар.

## Н и с б а т

Ётқизиб тилсанг баногоҳ, қорнидин чиқмас алиф,  
Саллани кўрган киши дер: «Катта мулло баччағар».

## Ф у р қ а т

Гар асо тутса қўлига сиз уни айб айламанг,  
Воқеанким, кўзи очиқ, ботин аъмо, баччағар.

## С а н о б а р

(қириб, мушоирата қўшилиб)

Илгари филжумла номуси, ҳаёси бор эди,  
Қайси кун, ҳажданки келди бўлди расво бу қадар.

Шоирлар

(Санобарга)

Офарин. Баракалло доно қиз!

Ҳамма

(Санобарга)

Офарин!

Дуэт. Фурқат.

Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай!<sup>1</sup>  
Арзи жамол этурму ойина об кўрмай.

Санобар

Кимдин чиқар бу сўзлар бағрин кабоб кўрмай,  
Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай.

Фурқат

Ганж ўлмағай муяссар, ҳолин хароб кўрмай.

Муқимий, Завқий, Нисбат,  
Фарзинжон, Уроз, Ермат

Гўзал жавоб!

Хор

Офарин.

Фурқат

Оҳ!

Мастураи суҳанга пўшидалиғ муносиб.

Санобар

(Фурқат билан бир вақтда)

Мастураи суҳанга?

---

<sup>1</sup> Бу дуэтнинг тексти Амирий ва Увайсий мушоирасидан олинган.

Ф у р қ а т

Манъи арусини бас ман бениқоб кўрмай.

С а н о б а р

Йўқ айби сўэларимнинг гар бўлмаса муаддаб,  
Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Ф у р қ а т

(бир вақтда)

Андоқки ўт кўкаргай ҳеч офтоб кўрмай.

Ҳ а м м а

Борақалло! Доно қиз!

Ф у р қ а т

Оҳ,  
Мундоғки нуктадонсан, ким эрди устодинг?

С а н о б а р

(бир вақтда)

Мундоғки нуктадонсан?  
Устодинг?

Ф у р қ а т

Ой касби нур қилмас то офтоб кўрмай.

С а н о б а р

Кўп наҳрлар йиғилса, дарёйн пурдур ўлғай,  
Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Ф у р қ а т

(бир вақтда)

Илм аҳлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

## Муқимий

Боракалло, нодир шоира!  
Санъатимиз осмонида янги Нодира.

## Ҳамма

Омон бўлинг!

## Санобар

Кечиргайсиз, бир ожиза бузди одатни,  
Олдингизга чиқибман мен ташлаб уятни.  
Чиқмас эрдим, ғамдин хаста қалбим қўймади,  
Шум тақдирдан қалбга етган зарбим қўймади.

## Муқимий

Уялманг ҳеч.  
Ғуссангизга мудом ўртоқмиз.

## Завқий

Нодиралар суҳбатига обдан муштоқмиз.

## Санобар

Ниятимдир: шубҳа қўймай кимса бошида,  
Садоқатдан қасам ичсам дўстлар қошида.

Орқа томондан Эшон мурид ва мухлисларни билан ўтади.  
Эшон деворнинг нариги томонида турар экан, кўзи Санобарга ту-  
шади. У чексиз ғазабда.

## Эшон

*(Фурқатнинг ҳовлисига қиради. Санобарнинг сўзини  
бўлиб)*

Ҳой, шарманда!  
Ҳой, беномус!  
Не қилганинг бу?

## Санобар

*(жасорат билан)*

Отажон!



Сўзим битта!  
Дил берганим шу!  
(Фурқатни кўрсатади.)

Э ш о н

Йўқол!  
Кет! Кет!  
Кет дейман!  
Шунча номаҳрам ичида менинг қизим!  
Йўқол!

С а н о б а р

Не иложим бор  
Кетмагимни менинг отам қилса ихтиёр.

(Ҳаммага.)

Билинг, мени фақат шоир қилар бахтиёр.

(Кетади.)

Ф у р қ а т

Оҳ, эсиз Санобар!

Э ш о н

(Ғазаб билан Фурқатга)

Совчиларингга мен рад жавобин берган бўлсам ҳам,  
ҳеч ташвишдан қутулмадим.

Ҳ а м м а

Бу қандай бемаъни гап!

Ф у р қ а т

Оҳ!

(Ўзига-ўзи.)

Эсиз Санобар!

Ҳ а м м а

(ҳар ким ўзича)

Эсиэ шоира!

Муқимий

(эшонга)

Шунча шоир, деҳқон ва косиб,  
Эрган Тошкент жўнагувчи дўстга муносиб —  
Мажлис қурдик. Ўзи хоҳлаб чиқди қизингиз.

З а в қ и й

Инсофли зот қизингизни демас одобсиз.

Муқимий

Оқилангиз, шоирангиз, Шоирга муносиб...

Э ш о н

(Муқимий сўзини бўлиб.)

Бас!

Қизимни мен тутқизайми бир бенавога?  
Йўлдан озган, диндан чиққан бир бедавога.

(Фурқатга.)

Гоҳи боён, эшонларга ҳужум этасан,  
Гоҳи руслар макон этмиш Тошкент кетасан.  
Сенга йўқ, сенга йўқ,  
йўқ қизим!

Ҳ а м м а

Бу қандай бемаъни гап!

Ф у р қ а т

(ўзича)

Ох!

Эсиз Санобар!

Ҳ а м м а

(ҳар ким ўз-ўзига)

Эсиз шоира!

Ниямат кириб, суҳбатга қулоқ солади.

Ф у р қ а т

(журъат билан)

Ҳа, албатта.

Қалб қийнаган саволларга изларман жавоб,  
Нажот излаб халқим учун мен кетай, савоб —  
Русия томон!

Э ш о н

Нажот йўлини кўрсатишга  
Қодир бир худо.

Н и ё з м а т

(эшонга)

Сизга, тақсирим, интизор мурид-мухлислар.

(Шоирларга.)

Нажот йўлини ахтаришга бўлманг даъвогар.

Ҳ а м м а

Хато бу сўзингиз.

## Н и ё з м а т

Юрт сўрашга бизлар бормиз: беклар, ашонлар.

### Ҳ а м м а

Хато, беъмани гап!

### Э ш о н

Санобарга муносибдир беклар ва хонлар.

*(Ниёзматни кўрсатиб.)*

Мана унга муносиб куёв.

*(Ниёзмат билан кетади.)*

### Ф у р қ а т

Эвоҳ!

Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғман,  
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.

## И К К И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Фурқатнинг уйи (биринчи кўринишдаги декорация). Тонг отмоқда.  
Ф у р қ а т гулзор ичида хаёл суриб ўтирибди.

### Ф у р қ а т а р и я с и

Келмади ҳолим сўраб ул шўхи жонон бу кеча.  
Шавқ ила мен ўртаниб чун шамъи сўзон бу кеча.  
Оҳким, мен хаста сори қилмади ҳаргиз гузор,  
Кўрмайин ул шўхни ҳолим паришон бу кеча.  
Чиқса уйдин маҳвашим юз ноз бирла ваҳ нетонг,  
Чиқса истиқболиға журъат била жон бу кеча.  
Неча кундир мен ётурман остонанг ястаниб,  
На эмиш ҳам айласанг бир лутфу эҳсон бу кеча.  
Эътироз этсанг магар келмоқда сен агёрдин  
Ошкора қилма лутфинг, айла пинҳон бу кеча.  
Келмади ҳолим сўраб ул шўхи жонон бу кеча.  
Шавқ ила мен ўртаниб чун шамъи сўзон бу кеча.  
Фурқате ҳажринг туни васлингни истаб йиғлади,  
Сендин ўзга ким қилур дардимға дармон бу кеча.

Фурқат интизорлик билан қўшни боққа тикилади. Санобар пайдо бўлади.

Фурқат ва Санобар дуэти.

### Ф у р қ а т

Туриб ҳар эрта жононим йўлингда,  
Оқарди чашми ҳайроним йўлингда,  
Фалак узра малакларга етушти,  
Сенга етмасму афгоним йўлингда.  
Муродинг қатлим эрса келмагингдин,  
Фидодир бир қошиқ қоним йўлингда.

### С а н о б а р

Кошки бир ерда бўлсак эрди, жонон иккимиз,  
Кўзи шум ағёрлардин анда пинҳон иккимиз.

### Ф у р қ а т

(бир вақтда)

Кўзи шум ағёрлардин анда пинҳон иккимиз.

### С а н о б а р

Ул замон сайри гулистон айласак қўл ушлашиб.

### Ф у р қ а т

(бир вақтда)

Ул замон сайри гулистон айласак қўл ушлашиб.

### С а н о б а р

Рашкдин айлаб гулу булбулни яксон иккимиз.

### Ф у р қ а т

(бир вақтда)

Рашкдин айлаб гулу булбулни яксон иккимиз.

## Ф у р қ а т

Туриб ҳар эрта жононим йўлингда,  
Оқарди чашми ҳайроним йўлингда.  
Гар ўлсам интизоринг бирла Фурқат,  
Ётар жисмим менинг жоним йўлингда.

## Ф у р қ а т, С а н о б а р

Муродинг қатлим эрса келмагингдин,  
Фидодир бир қошиқ қоним йўлингда.  
Фидодир бир қошиқ қоним йўлингда.

## Ф у р қ а т

Бахтиёрман, хайрият келдингиз.

## С а н о б а р

Бир худоға шукрим, ҳали кетмабсиз.

## Ф у р қ а т

Келмасму деб узган эдим умид риштасин.

## С а н о б а р

Наҳот келмай, видолашмай севганим билан,  
Ҳам висолим орзусида куйганим билан.

## Ф у р қ а т

*(зўр муҳаббат билан)*

Санобар!

*(Ҳаяжонли.)*

Ниезбекнинг умиди зўр,  
Чангал солмоқчи бахтимизга.

## С а н о б а р

Еғду излаб, нажот излаб йўлга чиқдингиз.  
Эзгу йўлдан, шер йўлдан сира қайтмангиз.

Қасамёд эгай:

Асло отам орзусига бўйин эгмасман,  
Бошим олсин, Бекниёзга асло тегмасман.

### Ф у р қ а т

Оҳ, Санобар!

### С а н о б а р, Ф у р қ а т

Сақлагайман хаста дилда аҳду паймон, алвидо,  
Алвидо, то яхши кунда кўргунимча, алвидо.  
Алвидо!

Парда.

## У Ч И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Туркистон генерал-губернаторининг Тошкентдаги қароргоҳи. Подшоҳ Александр учинчига тож кийдирилган кунга бағишланиб ҳар йил ўтказиладиган традицион базм (бал). Туркистондаги рус киборларининг «қаймори» йиғилган. Константин Буреев, Петр Громов, Маша Поливанова ва полковник Поливановлар ҳам шу ерда. Базм қизган.

### П о л о н е з

### М е ҳ м о н л а р

(хор)

Бу ажойиб базм!  
Кўп улугвор бал!

### С о п р а н о л а р, а л ь т л а р

(хор)

Подшоҳи аъзам...

### Т е н о р л а р, б а с л а р

(хор)

Подшоҳи аъзам...

Ҳ а м м а

(хор)

Пойтахтда тож кийган кун.  
Улуғ айём бу.  
Шодиёна базм.

Ҳ а м м а

(хор)

Бу ажойиб базм.  
Подшоҳи аъзам  
Тахтда барқарор,  
Олиймақом.  
Шодиёна, улуғвор айём.

Б у р е е в

(Громовга)

Шоир Фурқат ташриф этилган,  
Бу базмга бўлур ҳусн.

Г р о м о в

Кўб моҳир, кўб доно.

Б у р е е в

Шоир кўзлар халқи саодатин.

Г р о м о в

Россиянинг дўстидир у.

Б у р е е в

Ҳа, рус халқининг дўстидир у.



## Ҳамма

(хор)

Бу ажойиб базм!  
Кўб улуғвор бал!  
Подшоҳи аъзам  
Пойтахтда тож кийган кун.  
Петербургда шу кунларда тантана.  
Шодиёна базм, улуғвор айём.

Поливанов хоними билан киради.

### Поливанов

Эй, жаноблар!  
Сенсацион янги бир хабар:  
Базмимизга сарт шоири ташриф буюрар.

### Меҳмонлар

(I группа хор)

Ким экан у шоир?

### Меҳмонлар

(II группа хор)

Ким экан у шоир?

### Маша

(губернаторга)

Ростми, жаноб губернатор?

### Генерал-губернатор

Рост.  
Шоир Фурқат ташриф этилган балга.  
У, кўп истеъдодли шоир.

Биз уни қўллашимиз даркор.

М а ш а

Фурқат?  
Яъни газетаю, театримиз, виставкамиз,  
машинамиз мақтаб шеър ёзган шоир?

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

Янглишмадингиз.

П о л и в а н о в

Хўқандлик у.

М а ш а

Ажойиб талант.

Б у р е е в

Шеърларида айлади истеъдод зоҳир.

Б и р м еҳ м о н

Сарт ўғлидан чиқармиди дуруст бир шоир?!  
Ишонмайман.

Х о р

(I баслар)

Ишонмайман, дилетантдир албатта.

(II баслар)

Ишонмайман, дилетантдир албатта.

Б у р е е в

Ишонинг, Туркистон халқи кўп истеъдодли.

(Бир меҳмон!) libxonas

Сиз Фурқатни билмассиз балки.

Г р о м о в

(суҳбатга қўшилиб)

Севиб қолдик бу шоирни чин қалбдан.

П о л и в а н о в

Мана, шоир Фурқат.

Ф у р қ а т

Кечиргайсиз, қолган бўлсам кеч.

(Шоир губернатор ва дўстлар билан кўришади.)

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

Хонимлар, жаноблар!  
Машҳур шоир Фурқат  
Тошкент келиб, шуҳратига шуҳрат қўшилди.

Ҳ а м м а

(хор)

Шуҳратига қўшилди шуҳрат.

Ф у р қ а т

Халқим одатин бажо этиб,  
Дўстларга мен қучоқ очаман.  
Жаҳолатдан, адоватдан жадал қочаман.

Б у р е е в

Оқилона гап!

(Фурқатга.)

Раҳмат сизга!

## Бир меҳмон

Ортиқчадир мунча ҳурмат  
Таги паст шоирга.  
Дилетант, дилетант!

Хор

(I баслар)

Таги паст шоир дилетант!

Хор

(II баслар)

Таги паст шоир дилетант!

Фурқат

Ё раббий!

(Буреева.)

Не дер булар?  
Мен таги паст?

Буреев

Сиз чекманг озор.  
Бу киборларда йўқ ҳаё.

Фурқат

Не саодат,  
Сизнинг каби ҳамдамларим бор.

Церемонмейстр пайдо бўлади.

Церемонмейстр

Бизга ташриф буюрдилар  
Улуғ меҳмонлар,

Бухородан ҳам Хивадан амиру хонлар  
юбормишлар вакиллар.

Ҳамма катта қизиқиш билан янги меҳмонларни кутади. Амир ва  
Хива хонларининг сафирлари билан беклар ва муллалар  
кирадилар. Улар орқасидан қимматбаҳо совғалар кўтарган навақар-  
лар пайдо бўлади. Сафирлар генерал-губернатор билан қуюқ кў-  
ришадилар. Бу манзарани Фурқат ҳайрат ва газаб билан кузатади.

А м и р с а ф и р и

(генерал-губернаторга)

Муборакбод, эй олиймақом.  
Император тахтга барқарор бўлган айём —  
Муборакбод! Муборакбод! Муборак!  
Эй, Туркистоннинг волиси,  
Тўю хангом муборакбод! Муборак!

Х о н с а ф и р и

Муборакбод, эй олиймақом.  
Император оёғига қўйиб бошимиз,  
Дуосини қиладурмиз тўкиб ёшимиз.  
Муборакбод! Муборакбод! Муборак!

Ф у р қ а т

(ўзича)

Ё раббий!  
Тушимми бу ёки ҳақиқат?

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

Олий ҳазратларидан  
Миннатдорман.  
Садоқатларин еткурурман  
Император олий ҳазратларига.

Ф у р қ а т

(ўзича)

Ана халқ ва шоирни ҳақирловчи икки дунё  
инноқ.

Шу эмасми қора манба?  
Бу сирни сезган юрак . . . . .  
Нечун тўлмас дарду ҳасратга!

Б у р е е в

Қаро манба, икки дунёмиз!

Ҳ а м м а

(сафирларга хитоб билан)

Кўп раҳмат садоқатларига.

Генерал-губернаторга заррин тўн кийгизадилар. Сўнгра амир сафирлар ва уларнинг ҳамроҳлари генерал-губернатор таклифи билан бошқа залга чиқадилар. Вальс (трио) бошланади. Биринчи вальс охирида бир тўда ёш офицерлар Машани ўраб оладилар, ундан роялда машқ қилишни, қўшиқ айтишни илтимос қиладилар. Маша роялга яқинлашади, ўзи рояль чалиб, ёшлик ҳақида қўшиқ айтади.

М а ш а қ ў ш иғ и

(Ёшлик вальси)

О, ёшлик, о, ёшлик! Гўзалсан баҳордек,  
Висолинг саодат келтирур оламга.  
Нафасинг бахш этар завқ-шавқ ҳар дамга.  
Ҳам ҳаёт, ҳам сурур, ҳам бахт одамга.  
О, ёшлик, ёшлик!  
Садоқат, муҳаббат саройи сенда,  
Оламнинг чиройи сенда!  
Сенда, сенда!  
Сен гўзалсан, гўзал, гўзал.  
Саъвалар, булбуллар хиргойи сенда,  
Сенда, сенда!  
О, ёшлик, о, ёшлик! Гўзалсан баҳордек,  
Нафасинг бахш этар завқ-шавқ ҳар дамга.  
О, ёшлик, о, ёшлик гўзалсан, гўзал.  
О, ёшлик, ёшлик!

Ҳамма хор вальсга қўшилади.

Ҳ а м м а

Оҳ, қандай ажойиб бу айём, бу кеча,  
Қалбимиз ёритар улуғ ком бу кеча.

Уйнайлик тонггача, куйлайлик тонггача,  
Ҳаётнинг завқини сурайлик бу кеча,  
Шоҳона базмимиз гулласин тонггача.  
Музика гулдурос, лиммо-лим қадаҳлар,  
Шифтларда қандиллар қуёшдек ярқирар,  
Сузилган кўзларда муҳаббат чарақлар.  
Уйнайлик тонггача, куйлайлик тонггача  
Ҳаётнинг завқини сурайлик бу кеча.  
Шоҳона базмимиз гулласин тонггача.

### Ц е р е м о н м е й с т р

Азиз меҳмонлар, боққа ташриф буюрсинлар!

Меҳмонлар аста-секин чиқиб кетадилар. Саҳнада ёлғиз Фурқат  
хаёлларга чўмган ҳолда қолади. Рояль олдига келади, чалиб  
кўради.

### Ф у р қ а т

(*хаёл суриб*)

Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиш хуш,  
Ки шояд наслимиз солғай дебон гўш...

### Б у р е е в

(*Фурқатга яқинлашиб*)

Азиз дўстим Фурқат, хаёл сурмоқдасиз?

### Ф у р қ а т

Ҳа, ширин хаёллар! Ажойиб базм!  
Экандур нағмаи Русия дигар,  
Ани асбоби ҳам ғайри муқаррар.  
Мукулмон ичра лекин нағма кўп бор,  
Чунончи гижжагу танбуру сетор,  
Дутору аргунун, қонун ила руд,  
Рубобу доира, чангу наю уд.

Маша, Громов ва яна бир неча меҳмонлар пайдо бўлиб Фурқатга  
қулоқ соладилар.

### Ф у р қ а т

На суд аммоки йўқ устоди комил,  
Эмас таълими ҳам онинг таомил.

Генерал-губернатор амир ва хон сафирлари ва бир  
неча меҳмонлар билан залга кириб, Фурқат сўзига қулоқ солади.

## Ф у р қ а т

Русияни азимдан бизлар  
Ибрат олсак арзирликдир.  
Мусулмон қизлари қани энди  
Шу аёлдек эркин, ҳур бўлса.

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

Янглишасиз.

## Ф у р қ а т

Хўш?

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

Ҳар бир халқнинг урфи бор, одати бор.  
Биз уларни бузишга ҳеч чўзмаймиз қўл.  
Фақат аёл эмас дўстлар. Туркистонда ҳол —  
Биз келгунча қандай бўлса  
Худди шу аҳвол ўзгартилмай сақланажак.  
Бу абадийдир.  
Император иродаси шундай,  
Бу қатъийдир. Қатъий.

## Ф у р қ а т

Бу не хўрлик! Ҳайҳот!

А н с а м б л ь

(Ҳар ким ўзича)

Б у р е е в

Рус халқи-чун бундай сўзлар эмасми хўрлик?  
Ҳа, хўрлик!

Г р о м о в

Рус халқи-чун бундай сўзлар эмасми хўрлик!  
Ҳа, хўрлик!



М а ш а

Рус халқи-чун бундай сўзлар эмасми хўрлик!  
Ҳа, хўрлик!

Б у р е е в

Туркистонда шундай аҳвол қолмас абадий  
Қолмас албат бундай.  
Хўрлик, хўрлик.

Г р о м о в

*(бир вақтда)*

Туркистонда шундай аҳвол қолмас абадий.  
Йўқ, қолмас албат.

Ф у р қ а т

Оҳ, бу қандай хўрлик. Қандай хўрлик!

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

Туркистонда шундай аҳвол қолур абадий  
Ҳа, шундай!  
Бу қатъий!  
Олий ҳазрат иродаси шундай.  
Бу қатъийдир.

Г р о м о в

Наҳот мен адашганман?

М а ш а

*(бир вақтда)*

Наҳот мен адашганман?

П о л и в а н о в

*(бир вақтда)*

Туркистонда шундай аҳвол қолур абадий!

## Ф у р қ а т

Туркистонда шундай аҳвол қолмас абадий.  
Йўқ, қолмас бундай хўрлик.

## Г р о м о в

Бундай аҳвол қолмас абадий.  
Йўқ, қолмас албат.

## Б и р м е ҳ м о н

Туркистонда шундай аҳвол қолур абадий.

## М а ш а

Оҳ, қандай хўрлик! Қандай хўрлик!

## Х о р

Туркистонда шундай аҳвол қолур абадий.  
Ҳа, шундай. Бу қатъий.  
Олий ҳазрат иродаси шундай.  
Бу қатъийдир. Бу қатъий.

## Ф у р қ а т

Жаноб губернатор!  
Жаноблар!  
Бир дақиқа сизларни банд этайин аммо,  
Кўп халқларга оид эрур ушбу муаммо...

## Г е н е р а л - г у б е р н а т о р

(Фурқатнинг сўзини бўлиб)

Муаммолар ҳал этишга бошқа одам бор,  
Император.  
Мадҳ ўқимоқ шоирдан даркор —  
Улуғ зот шарафига. Вазифангиз шу.  
Хирадмандлар орасида бўлажак кулгу,  
Кимки билмас ўз мавқеин ҳам вазифасин.

## Ф у р қ а т

(Ўзича)

Оҳ, бу қандай хўрлик!  
Қандай хўрлик!

(Ҳаммага мурожаат қилиб)

Агар шоир қаламини муқаддас билса,  
Маддоҳликни пеша этиб бўлмас таъмакор.  
Маддоҳлик-чун бунда таклиф этилган бўлсам,  
Бу маъвода қололмасман. Менгадир бу ор.

(Чиқиб кетади.)

М а ш а, Г р о м о в, Б у р е е в

Бу — шоирга ҳақорат!

Г е н е р а л - г у б е р н а т о р, П о л и в а н о в,

Б и р м е ҳ м о н

(хор, киборлар)

Бу қандай одобсизлик!

Г р о м о в

Мен ҳам бунда қолмасман,  
Шоир изидан кетмоғим даркор.

М а ш а

(Громовга)

Оҳ, кетманг.  
Бошингизга ортасиз бало,  
Ортасиз бало.

Б у р е е в

Мен ҳам бунда қолмасман,  
Шоир изидан кетмоғим даркор.

(Кетади.)

## Поливанов

Одобсизлик олий ҳазратга!  
Эй, нодонлар!  
Бошингизга ортасиз бало,  
Ортасиз бало.

## Генерал-губернатор

Одобсизлик!  
Олий ҳазратга бу ҳақорат.

## Бир меҳмон

Паст пастлигини қилди,  
Тўхтаг, ҳали сиз тортасиз муносиб жазо.

## Ҳамма

(хор)

Бу даҳшат, бу пастлик.  
Олий ҳазратга бу ҳақорат.  
Паст пастлигини қилди,  
Олий ҳазратга ҳақорат.

Громов, Буреев ва бир неча ёш офицерлар шоирга  
хайрихоҳлик юзасидан залдан чиқиб кетадилар. Ҳамма газабда.

## ТУРТИНЧИ КУРИНИШ

Тошкентдаги Кўколдош мадрасаси олдида хилватда, муаззам бир чинор тагида Фурқат маънос ўтирибди.

## Фурқат

(речитатив)

Бераҳмлар тирнадилар  
яна ярамни...

## Ария

Билолмасман, менинг бошимга тушган бу нечук савдо?  
Қарорим йўқ, қуюн янглиғ, на менда манзилу маъво.

---

Биёбони таҳийюрда қолибман волаю танҳо.  
На ёру ҳамдамим бордир, на қўлда ҳосили дунё,  
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Фалак, тоқинг бузилсин, кўп балоларга дучор этдинг,  
Қулоқ солмай фиғонимга мени кўп бемадор этдинг.  
Биров ишқида анжоқ, нотовону дилфигор этдинг,  
На қилсанг қилғил энди, ҳаддин оша интизор этдинг.  
На ёру ҳамдамим бордир, на қўлда ҳосили дунё,  
Замона пурхатар, душман ададсиз, дўст бепарво.

Буреев пайдо бўлади, Фурқат ёнига келади.

Буреев

Азиз дўстим Фурқат, кўп қайғурманг,  
Азалдан ҳам доно инсон —  
Ҳаёти ғурбат ва кулфатларга тўла.  
Яна бир совуқ хабар —  
Громовни мансабидан бекор қилдилар.

Фурқат

Нега? Менга хайрихоҳлик қилгани учун?

Буреев

Йўқ. Золимликни тубанлик деб билгани учун.

Фурқат

Зўр мусибат... Не қилади Маша бечора?

Буреев

Рус аёлининг тақдирини шу: доим овора,  
Иккаласи жўнаб кетди Хўқанд шаҳрига,  
Шукур қилинг дуч келмаса подшоҳ қаҳрига.  
Сиз қайғурманг.  
Доим шу аҳвол  
Киборлар орасида.

Буреев арияси

Доно шоир қисматида шундай кулфат бор:  
Қаро кучлар берур доим шоирга озор.

Аммо тунда чақнагандек ёрқин бир чақмоқ,  
Даҳоси-ла шоир қилур зулматни оппоқ,  
Миллионларга шоир очар порлоқ истиқбол.  
Сизга, Фурқат, муяссардир буюк шу иқбол.  
Сиз сочган нур асрлардан ўчмайди асло.  
Сиз айтган сўз ҳам диллардан ўчмайди асло.  
Келур кунлар, халқларимиз кўргаймиз озод,  
Маърифатнинг боғларида ҳам кўргаймиз шод.  
Ушланг қўлим, дўстлигимиз самимий, ҳалол,  
Дўстлик бўлса, халқларимиз билмагай завол.

Мадрасадан муллабаччалар, ҳар томондан оломон — руслар, ўзбеклар,  
қозоқлар, татарлар тўпланади.

### Ё ш ш о и р

Азиз дўстлар!  
Мавлоно Фурқат янги ижодларидан бизни баҳраманд  
қилсалар.

### Ҳ а м м а

(хор)

Сўраймиз шоир Фурқатдан.

### Ф у р қ а т

Эй, суханвор, нуқтарас аҳбоблар,  
Фазл бобида дури ноёблар,  
Қилиб таклиф бир зоти кироми,  
Кеча гимназия кўрдим тамоми...  
Будир даврони фархунда нишони,  
Замон ўлди ўрусия замони,  
Бўлиб шул аср ҳикмат аҳли ҳадсиз,  
Урисдир аҳли донишманд ададсиз.

### Ҳ а м м а

Браво, браво, шоир Фурқат.

### Ф у р қ а т

Неча иш илм бирла бунёд қилди,  
Хусусан тилгиром ижод қилди.

Неча илму, неча фан андин ижод  
Улуб хосиятидир олам обод...  
Музтариб халқим ўёнсайди дебон,  
Илм сари ҳам йўл олсайди дебон,  
Алғараз бу кеча, эй, аҳбобилар,  
Тонггача ўчди кўзимдин ҳоблар.

Б у р е е в

Раҳмат шоир!

Ё ш ш о и р

Раҳмат устод!

Ҳ а м м а

Раҳмат шоир!

Ф а р з и н ж о н

Устод! Устод!  
Гуноҳқорман, эсиб бало саҳросидан ел!  
Мажбур бўлдим келтиришга мен мудҳиш хабар.  
Мана, Хўқанддин хат.

Ф у р қ а т

*(ҳаяжон билан хатни олади ва кўздан кечиради.)*

Муқимийдан хат:

*(Хатнинг айрим жойларини ташлаб ўқий бошлайди.)*

«Менга йўқ сендин ўзга бир мувофиқ,  
Нечунким аҳли дилсан, ёри содиқ.

.....  
Хўқандда пок юзингга интизор кўп,  
Узингга ҳам сўзингга интизор кўп.  
Йўлингга интизордир ул Санобар,  
Ниёзбек ҳам турибдир тўйга тайёр»...

*(Фарёд этади.)*

Ҳ ай ҳ от!

Хўқандга, Хўқандга!

(Шошиб чиқиб кетади.)

Унинг орқасидан Буреев ва Фарзиджон кетади.

Парда.

## БЕШИНЧИ КУРИНИШ

Хўқанд шаҳрида сайилгоҳ. Илк тонг пайти. Бир ёқда — хонақоҳ, унинг атрофида камбағал халқ йиғилган. Камбағаллар Эшон Муҳаммад Саиднинг хонақоҳдан чиқишини кутадилар. Камбағал халқ хор бошлаганда, унга қабристондаги паранжили хотинлар кўшилади.

### Халқ хори

Эй, тангри, сен роҳ бўл, биз бахти қаролардан,  
Мазлуму, гадоларни сен сақла балолардан.  
Раҳминг-ла халос айлаб, оламни жафолардан,  
Жумлан мусулмонни сен асра қазолардан.

Келгайму бу оламга бечорани ёқловчи,  
Мазлумга назар айлаб, ҳолини сўроқловчи,  
Золимга итоб айлаб, зулм йўлини боғловчи,  
Эй, тангри, сен огоҳ бўл, биз бахти қаролардан.  
Оллоҳ! Бизга раҳм эт!

Саҳнага Фурқат, Буреев, Муқимий, Громов, Фарзиджонлар кириб келадилар.

Фурқат

(Буреевга)

Мана, дўстим, халқимнинг ҳоли.

Буреев

Оғир аҳвол.

Муқимий

Ҳа, оғир аҳвол.



Эшон Муҳаммад Санд хонақоддан чиқиб, фақат саломла-  
шиб ўтиб кетмоқчи бўлади. Аммо халқ унинг йўлини тўсади.

### Ҳ а м м а

Ҳазрат, раҳм этинг.  
Қутқаринг зулмдан.  
Золимлардан дод.

### У р о з

Мингбоши Ниёзмат зулмни оширди!  
Ерларимизни сувсиз қолдирди. Золимдан дод!

### Ҳ а м м а

Золимдан дод!  
Сувсиз қолдирди ерларимизни.

### Э ш о н

Болаларим,  
Бу дунё деб чекманг машаққат.  
Ед этинглар доим худони.  
Худо деган барча муслимнинг,  
Роҳат топар жаннатда жони.

### Х а л қ

Яна шу жавоб,  
Шўримиз қурсин.

### Е р м а т

Ниёзматнинг нияти ёвуз.  
Еримизни сотишга мажбур қилмоқда. Золимдан дод!

### Ҳ а м м а

Золимдан дод! Сувсиз қолдирди ерларимизни.

### Э ш о н

Нажот тиланг ёлғиз худодан.

Б у р е е в

Оғир аҳвол!

М у қ и м и й

Ҳа, оғир аҳвол.

Ф у р қ а т

Халқим заволи —  
Хуноб этмас ҳеч бир эшонни.

Э ш о н

Фурқат, Фурқат!

Х а л қ

*(шоирни таниб, хурсанд)*

Фурқат, Фурқат.  
Мавлоно Фурқат!

Э ш о н

*(давом этиб)*

Йўлдан урма сен мусулмонни!  
Ибодатдан қайтарма уни.

Ф у р қ а т

Ибодатдан кўра беҳисоб —  
Мазлум бошин силамоқ савоб

Б у р е е в

Доно жавоб.

М у қ и м и й

Доно жавоб.

Халқ тантана билан шоирни қуршаб олади.

Х а л қ

Офарин, шоир!

М у қ и м и й

Омон бўл, шоир!

Х а л қ

Хуш келибсан, бизга далда берувчи!  
Омон бўл сен, зулмга зарба берувчи!

Э ш о н

*(ҳасад билан, ўяига-ўзи)*

Е, олло, бу қандай ҳурмат.

*(Ўз ўйлари билан банд, чиқиб кетади.)*

Х а л қ

*(Фурқатга)*

Омон бўл, омон, нодири замон!

Ф у р қ а т

Биродарлар, миннатдорман ҳурматингиздан,  
Улгунимча бўлай доим хизматингизда.

## ОЛТИНЧИ КУРИНИШ

Эшон Муҳаммад Саид уйида меҳмонхона. С а н о б а р югуриб  
киради.

С а н о б а р

Эй худойим, гуноҳкорман, кечир мени,  
Гуноҳкорман, кечир, эй худо.  
Ғолиб келур қалбимда вафо.  
Эй худойим, тўзим бер менга.

Икки савдо ўт солур танга.  
Иродасин рад этсам агар,  
Отам мени қилур оқпадар.  
Адо этсам отам сўзини,  
Ҳеч кўрмасман Фурқат юзини.

(Ўйга толади, кўчага қараган ойнак олдида туриб,  
интизорлик билан.)

Шу ердан ўтар, кутиб турайин,  
Севгилим юзин сўнг бор кўрайин.

С а н о б а р а р и я с и

Термулиб, қон йиғлаюб, мен ошиқона кўз тутай.  
Юзи гул, лаъли лаби ул жонажона кўз тутай.  
Уйнатиб келгай самандин, эй улус, ман айла кўз,  
Интизоридин қолон шўхи замона кўз тутай.  
Ғам танаъум эрди доим Фурқати дилдор аро,  
Ҳар сўзи жон бергувчи ширин забона кўз тутай.  
Бошима солса маломат қушлари кошонае,  
Ишқида ашкимни айлаб дона-дона кўз тутай.

Э ш о н пайдо бўлади. Қизини бу ерда кўриб, ҳайрон ва дарғазаб.

Э ш о н

Санобар?!  
Не қилиб турибсан меҳмонхонада?

Санобар хижолат, индаёлмай, гуноҳкорларча ерга тикилади.

Е Фурқатни кўришга чиқдинг?

С а н о б а р

Кечиринг, ота, мен гуноҳқорман,  
Кўришга уни кўп интизорман.

Э ш о н

Беҳаё қиз! Қайт сен Фурқатдан!

## С а н о б а р

Асло қайтмасман.

(Отасининг оёғига ўзини ташлаб ялинади.)

Бошим олинг, мана мен тайёрман.  
Жудо этманг аммо Фурқатдан.

Иккаласи ҳам ўйланиб қоладилар ва ўзига-ўзи гапирадилар.

Э ш о н

Айбим не худо.  
Бошимга солдинг оғир муаммо?

С а н о б а р

(бир вақтда)

Айбим не худо.  
Тингламас отам, қилсам илтижо?

Э ш о н

(Санобарга)

Орзумдир сени кўрмак бахтиёр,  
Аммо отангининг не иложи бор,  
Севганинг менга бўлмади сафдош,  
Тошкентда яна қилди бизни фош.

С а н о б а р

Йўқ, йўқ,  
Маърифат учун у наъра торғди.  
Халойиқ ичра шуҳрати орғди.

Э ш о н

Ёлғон! Фурқатни лаънатлар ҳамма!

## С а н о б а р

Ишонмайсизми? Қулоқ солинг.

(Ташқарига ишора қилади.)

Ташқаридан таянган билан Фурқатни кузатиб бораётган халқнинг овози эшитилади.

## Х а л қ о в о з и

Хуш келибсан бизга далда берувчи,  
Омон бўл, сен зулмга зарба берувчи.

Шовқин билан халқ ўтиб кетгани эшитилади. Эшон ўйланиб қолади.

## Э ш о н

(афсус билан, аллақандай иккиланишда ўзига ўзи)

Рақибим қўли кун сари баланд,  
Не режа тузай қилмоқ учун банд?

## С а н о б а р

(отасига)

Икки юракка соласиз оғу,  
Айтинг, отажон, инсофданми шу.

Эшон ўйланишда давом этади. Санобар яна унинг оёғига йиқилиб ялинади.

## Э ш о н

(уйидан чиқиб, қизига)

Енгдингиз мени сен ва у шоир —  
Қалбларга олов ёқишга моҳир.  
Кўзим юмулмай орзумга етай,  
Елғиз боламнинг бахтини кўрай.  
Юртга қарорим тез эълон етай,  
Янаги шанба тўйинг ўтказай.

## С а н о б а р

(отасини қучоқлайди)

Оҳ, отам, отам!  
Меҳрибоним отам!

(Хаёлига Фурқатни келтириб, чексиз хурсанд.)

Сен енгдинг, Фурқат, шоир ва доно!  
Муборақ бўлсин тўйлар, мавлоно.

Эшон ҳамон аллақандай ўйлар асоратида боши солиқ, жим  
қолади.

### Э ш о н

Тузиб режа,  
Қилай уни тузоққа банд?

## Е Т Т И Н Ч И К У Р И Н И Ш

Хонақоҳнинг ичи. Эшон Муҳаммад Саид ёлғиз ўйга толиб  
ўтиради.

### Э ш о н

Ўйларим менинг, ўйларим!  
Ўйларимнинг сўнги йўқ!  
Ун беш йилки, мен шу ўйлар асоратидаман.  
Аммо қайда нажот? Қайда нажот?  
Замон тескари айланмоқда. Авом итоатдан  
чиқмоқда...

Нима бўлди оламга?  
Йўқ, йўқ! Биз ё ҳалок бўламиз, ё тантана қиламиз!

### Э ш о н а р и я с и

Не замонки, ҳар кун кўнгулда дарду изтироб,  
Дилни қийнар минг муаммо, ҳеч бирига йўқ жавоб.  
Эътибори кетди диннинг, фойдасиз панду итоб,  
Халқ ичида кун сайин кофирнинг дўсти беҳисоб.  
Эй худойим, бу балодан қолмади ҳеч бизда тоб,

Сен паноҳ бўл, сен мадад бер, бўлмайик ортиқ хароб.  
Не замонлар бор эдиким, ҳукмифармо биз эдик,  
Барча муслим олдида устоди танҳо биз эдик,  
Хонлару бекзодаларга қўлда ассо биз эдик.  
Барча дардларга шифо бергувчи маъво биз эдик.  
Бош кўтаргаймиз газаб-ла, қолмади ҳеч бизда тоб,  
Эй худойим, сен мадад бер, бўлмайик бизлар хароб.

Ҳаяжонда Н и ё з м а т югуриб киради.

Н и ё з м а т

Ҳазратим, даҳшатли хабар эшитдим, ростми?

Э ш о н

Рост. Санобарни берадиган бўлдим Фурқатга.

Н и ё з м а т

Бу мумкин эмас!

Э ш о н

Иложим йўқ, ёлғиз болам севар шоирни.

Н и ё з м а т

Бу ишингиз хонлик. Қўзғолон режаси бузилур энди.

Э ш о н

Хотиржам бўл, бек. Қўзғолон режаси сира ўзгармайди.

Н и ё з м а т

Ўзгартирсак-чи? Бекор қилсак-чи?

Э ш о н

Йўқ!



## Н и ё з м а т

Рус подшоҳи бизга дўстлик қўлини чўзмоқда.

Э ш о н. Аммо унутма, мусулмон авом ҳам рус халқига дўстлик қўлини чўзмоқда. Фурқат уларни бирлаштирмоқчи. Улар бирлашсалар, рус подшоҳининг ҳам, бизнинг ҳам уйимиз куяди... Низо! Халқлар орасида низо — бизга нажот... Шанба оқшоми тўй бўлади, фақат сенинг тўйинг эмас, Фурқатнинг тўйи.

Н и ё з м а т (ғазабда). Фурқатнинг тўйи?!

Э ш о н. Ҳа, Фурқатнинг тўйи, Хўқанддан ва атрофдан минглаб муридлар йиғилади. Никоҳ ўқилгандан кейин, мен кўзғолонга фотиҳа бераман. Сен янги шаҳарни босасан, уйқуда ётган бединларни қирасан, хон саройи устига кўк байроқ тикасан.

Н и ё з м а т (эшоннинг ниятини тушуниб). Никоҳдан кейин эса, эшонимнинг куёви ўз Санобари учун бизнинг тарафимизни олишга мажбур, шундайми, ҳазратим?

Э ш о н. Баракалло! Худди шундай!

## Н и ё з м а т

(ўзига ўзи)

Йўқ, бермайман Санобарни гадога.  
Бу гадонинг бошин тикай балога.

М у р и д л а р кирадилар. Ибодат бошланади.

## Ҳ а м м а

Парвардигор, имонимизни сақла!

## М у р и д л а р

Жонимизни, молимизни асрағил.

Ибодат тамом бўлади.

## Э ш о н

Муридлар, сиз кўпдан кутган шарофатли кун яқин.  
Қишлоқларга, овулларга тарқалинг.

Муридларимни, содиқ қулларимни йиғинг,  
Янаги шанба тўй.  
Тўй кунда фармоимни кутинг.

## Муридлар

Интизормиз!

Ҳамма тиз чўкади.

## Эшон

Бошлагаймиз ҳарбу зарбни, қасдимиз — олмоқ қасос!

## Ҳамма

Қасдимиз — олмоқ қасос!

## Ниёзмат

Хону мону жонни тикдик, кийгумиз қондин либос!

## Ҳамма

Кийгумиз қондин либос!

## Эшон

Тиз чўкиб ичдик қасам биз, э худоё ҳақшунос,  
Қонимизнинг ҳаққига сен қил гуноҳлардан халос.

## Ҳамма

Қонимизнинг ҳаққига сен қил гуноҳлардан халос.

Парда тушади.

## Саҳна

Санобар ёлғиз. Уз қаллиғига қийиқ (белбоғ) тикиб ўтирибди

## Санобар романи

Сурғали ҳолимни, эй соҳиб қалам, кел эртароғ,  
Йиғламоқдин қолмади кўзларда нам, кел эртароғ!

Сендин айру гўшан ҳижрон аро ёлғиз топиб,  
Уртага олди мени дарду алам, кел эртароғ!  
Марҳабо, бош устина, айлаб карамлик шахсувор,  
Кўзларимни устина қўйғил қадам, кел эртароғ!  
Муддатедур даҳр аро топмай вужудингдин сўроғ,  
Эл аро анқо каби бўлдим адам, кел эртароғ.  
Эй хуш ул тунлар фироқинг ёдима келмас эди,  
Билмайин комим висоли муғтанам, кел эртароғ,  
Фурқате, ошуфта дил то чанд тортар интизор,  
Дилда тоқат қолмади, жоним-танам, кел эртароғ.

## САККИЗИНЧИ КҮРИНИШ

### БИРИНЧИ САҲНА

Хўқандда машҳур «Ғишткўприк» — эски ва янги шаҳар (рус аҳлиси яшайдиган жой) ўртасидаги чегара. Бу кўприк катта гулзор олдида бўлиб, унга эски шаҳардан бир неча кўча чиқади. Кўприкка кўндаланг қилиб бир неча арава қўйилган, қандайдир кишилар бу арваларни шошилнич равишда бир-бирига боғламоқдалар. Бу кишиларга Хўжа Солиҳ бошчилик қилади.

Қоронги тун. Ниёзмат пайдо бўлади. Хўжа Солиҳни у бир ёққа тортиб, сирли гаплашади.

### Ниёзмат

Ишлар қалай?

Солиҳ

Ҳамма нарсa тахт.

Ниёзмат кўприкдаги арваларни кўздан кечириб, тўсиқнинг маҳкамлигига қаноат ҳосил этади.

Солиҳ. Узимиз арваларни олиб ташламагунча ҳеч ким у ёққа-бу ёққа ўтолмайди.

Ниёзмат. Раҳмат!.. Никоҳ ўқилиши биланоқ бу ёққа муридлар етиб келади. Кўприкни очиб, у ёққа дарров ўтказиб юборасан. (Янги шаҳар томонини кўрсатади, ёлғиз қолиб тантана билан яна атрофни кўздан кечиради. Ишларнинг боришидан у жуда хурсанд.)

## Н и ё з м а т а р и я с и

Мен бекман, мен бекман, менинг авлодим  
Бекликдан ўзгани билмаган асло.  
Мен бекман, мен бекман, менинг аждодим  
Бировга итоат қилмаган асло.  
Ё ўлай, ё бўлай дедим ҳукмрон,  
Шу йўлга ишқни ҳам қилдим мен қурбон.  
Эй Фурқат, шошилма, қилма тантана!  
Бошингга кулфатлар соламан яна.  
Тантананг азага айлантиргайман,  
Тобутинг устида базм қургайман.

Узоқдан ялла қилиб келаётган куёвнавкарлар овози эшитилади.

## Н и ё з м а т

Ана «куёв тўра»— Фурқат.  
Сен тўйга эмас, азага шошиляпсан.  
Кел, кел, ўзим кутиб оламан.

(Хўжа Солиҳга.)

Ҳушёр бўл!

Хайр.

(Кетади.)

Ялла овози борган сари яқинлашади.

## Я л л а

Жаннатни гулларида гулзорингиз чиройлик,  
Ҳуру пари юзидан рухсорингиз чиройлик.  
Кўрганда қоматингиз бўлгай хижил сановбар,  
Товусни жилвасидан рафторингиз чиройлик.  
Олма қизил юзингиз, бодом эрур кўзингиз,  
Таърифи анжирингиз, анорингиз чиройлик.  
Ҳар қанча айласангиз, келмас малол ҳаргиз,  
Яхши эрур жафонгиз, озорингиз чиройлик.

## ИККИНЧИ САҲНА

Эшон Муҳаммад Санднинг уйида тўй. «Андижон самоси»  
айтилади.

Қизлар «Катта ўйин»га тушадилар. Деворлар ортидан мўраловчи  
эркаклар чирманда билан уларга жўр бўладилар.

## УЧИНЧИ САҲНА

Эшон ҳовлисининг бир чеккасидан Эшон Муҳаммад Санд  
ва Ниёзбек пичирлашиб ўтадилар. Улар орқасидан сездирмай  
борувчи Санобар уларнинг пичирлашларини эшитади, даҳшатга  
тушади, бир зум йўқ бўлиб, қўлида паранжи билан қайтади ва қаёққа-  
дир шошади.

## ТУРТИНЧИ САҲНА

Саҳна ўзгаради. Яна «Ғишткўприк» олдида куёвнавкарлар,  
Фурқат ва унинг дўстлари пайдо бўладилар. Чирманда ўйин  
бошланади (эркаклар ўйини). Уйин авжга чиққанида, куёвнавкарлар  
кўчалардан бирига йўналадилар, ammo уларни хотин кишининг қич-  
қирғи тўхтатади. «Тўхтаг, тўхтаг!» деб саҳнага ҳаяжонланган  
Санобар югуриб кириб келади. Ҳамма ҳайрон.

Ҳамма

Келин бу ерда?

Тўй кунда?

Не бахтсизлик?

Фурқат

Санобар?

Санобар

Ҳа, менман, бахти қаро Санобар.

Фурқат

Не бахтсизлик юз берди яна?

Санобар

Шум хабар эшитдим: отам бизнинг тўйимизни қўзғолонга  
айлантирмоқчи. Янги шаҳарга ҳужум этмоқчилар.

Ф у р қ а т

Е раббий!

М у қ и м и й

Қандай маккорлик!

Ҳ а м м а

Қандай маккорлик!

Ф у р қ а т

Тездан беҳуда қон тўкишнинг олдини олмоқ керак.  
Рус дўстларимизни огоҳлантирмоқ керак. Улар гафлат  
уйқусидадир. Фарзинжон!  
Тез, тез янги шаҳарга чоп, чоп!

Ф а р з и н ж о н

Устод, у ҳолда тўйингиз бузилади.

Ф у р қ а т

Ҳозир буни ўйлайдиган пайт эмас.

Ф а р з и н ж о н кетади.

С а н о б а р

Муридлар ҳозир бу ерга етиб келади.

Ф у р қ а т

Тез рус дўстларимиз олдига шошмоқ керак.

Е р м а т

(ҳаяжонда)

Улар гафлат уйқусидалар!

## У р о з

Уйғотмоқ керак.

Фурқат бошлиқ ҳамма кўприк томон отилади. Аммо Хўжа Солиқ бошлиқ муридлар пайдо бўлиб, уларнинг олдини тўсади.

Солиқ

Тўхта, рухсат йўқ!

Фурқат

О, Ниёзмат, ишни пухта қилган экансан!

Босиб келаётган оломоннинг ҳайқирини эшитилади.

Санобар

Муридлар келяпти!

Муқимий

Ана, газавот бошланди!

Муридлар

Қўзғолон! Қўзғолон!  
Е оллоҳ, мадад бер бизга.

Қуролланган кишилар саҳнага кирадилар.

Фурқат

Тўхтанг!  
Муридлар! Мен шоир Фурқат —  
Қулоқ солинг!

Муридлар, Ниёзмат, Хўжа Солиқ  
Фурқат! Бу ерда?!

Муқимий

Билингким, сизни эшон алдамишдир,

Ниёзмат ҳам сизга ёлгонламишдир.  
Алар истар: яна хону бек ўлсин,  
Тириклик ҳам яна ўтмишдек ўлсин.

Муридлар

Огзингни юм! Бадбахт!

Муқимий

У кунларни худо кўрсатмасин ҳеч,  
Балолар бошимизга қайтмасин ҳеч.

Фурқат

Қачон Русия халқи келди бизга,  
Ушанда кирди тинчлик юртимизга.  
Беку хонлар нифоқидин омонмиз,  
Яна илму ҳунарга ошёнмиз,  
Нажотдир иттифоқ Русия бирлан,  
Бўлайлик у билан бир жон ва бир тан

Оломон иккиланиб, тек қолади. Эшон пайдо бўлади.

Эшон

Бас!

Ниёзмат

Мусулмонларни йўлдан урма,  
Сен гуноҳкор!

Фурқат

Мен ҳақлиман.

Эшон

Болаларим, бўшашманг,  
Фурсатни қўлдан берманг!



## Н и ё з м а т

Бўшашманг, фурсатни қўлдан берманг.

### Э ш о н

Ўлдирган гози, ўлган шаҳид.  
Ўлдиринг кофирларни, ўлдиринг!  
Қўзғолон!

### Ф у р қ а т в а д ў с т л а р и

Тўхтанг! Тўкмангиз қон!

Оломон янги шаҳарга отилади, аммо у ёқда черков бонг уради. Замбарак овози муридларни тўхташга мажбур этади. Ҳамма ваҳимада жим қолади. Огоҳлантириш учун отилган замбарак ўқлари оломон устидан гулдурас солиб ўтади. Янги шаҳар аҳолиси пайдо бўлади.

### Г р о м о в

Раҳмат сизга шоир Фурқат!

### Б у р е е в

Доно Фурқатга шарафлар бўлсин.

### Ҳ а м м а

Доно Фурқатга шарафлар бўлсин.

### Э ш о н

Оҳ, фурсат қўлдан кетди!

*(Ҳушидан кетади.)*

Кўприкнинг нариги томонида Поливанов бошлиқ рус аскарлари пайдо бўлади. Кейинчалик уларга Фурқатнинг рус дўстлари ҳам келиб қўшилади.

## Н и ё з м а т

Оҳ, омад қўлдан кетди. Мусулмонлар! Эшон ҳазратлари дунёдан ўтмоқда, қилинг тавба.

## О л о м о н

Худо, сақла ўзинг!

Фурқатдан ташқари ҳамма мусулмонлар тиз чўкади. Эшон ўзига келиб бош кўтаради, атрофга тикилади, Фурқатга кўзи тушади.

Э ш о н

Фурқат, даҳрий Фурқат, сен ҳамон тавба қилмайсанми?

Ф у р қ а т

Йўқ, мен ҳақлиман.

Ҳ а м м а

Яша, доно шоир!

Э ш о н

Лаънат сенга, даҳрий, лаънат!

Ҳ а м м а

Бу қандай гап?

С а н о б а р

Ҳайҳот, шўрлик шоир.

Ф у р қ а т в а д ў с т л а р и

Шоирга шон-шарафлар!

Э ш о н

Санобар!

С а н о б а р

Отажон!

Э ш о н. Сен гуноҳқорсан. Отангинг розилигини оламан десанг, сен ҳам лаънатла Фурқатни!

Санобар даҳшатда.

Х а л қ

Бу — золимлик.

С а н о б а р

Эвоҳ! Бу — мусибат!

(Паузадан кейин.)

Йўқ, йўқ, Фурқат ҳақли!

(Фурқатга.)

Шарафлар бўлсин сенга, Фурқат!

Э ш о н

(даҳшатда)

Ё олло!

(Санобарга.)

Лаънат сенга!

Улади. Уни олиб чиқиб кетадилар.

Ф у р қ а т

Оҳ! Эсиз Санобар!

Х а л қ

Эсиз шоира!

Муридалар билан эшонни олиб кетган Ниёзмат қайтади.

Н и ё з м а т

Йўқ!

Мен бекман, мен бекман, менинг авлодим  
Бировга бўйин эгмаган асло.

Мен бекман, мен бекман, менинг аждодим,  
Ҳиссасини бировга бермаган асло.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

(Фурқатга пичок цомокчи бўлади.)

## Х а л қ

Бу — жаҳолат!  
Қандай маккор!  
Қўлингни торт!

С а н о б а р Фурқатни мудофаа этмоқчи бўлиб, орага киради. Ниёзматнинг пичоғи унинг кўкрагига қадалади. Санобар йиқилар экан, Фурқат уни суяб қолади. Поливанов буйруғи билан солдатлар Ниёзматни қамоққа оладилар.

## Х а л қ

Қотилга ўлим!

Ниёзматни олиб кетадилар.

## С а н о б а р

*(Фурқат қўлида жон бераётиб)*

Алвидо, севгилим! Шарафлар бўлсин сенга, эй шоир!

## Ф у р қ а т а р и я с и

Тушиб бошимга кулфат лаҳза-лаҳза,  
Чекарман ранжу ҳасрат лаҳза-лаҳза.  
Нетай, бермас омон даврон жафоси,  
Магар ғам бўлди қисмат лаҳза-лаҳза.  
Нетай, жавридин ўлса рўзи равшан —  
Кўзимга бўйла зулмат лаҳза-лаҳза.  
Ғами ҳижрон ҳужум айлаб дамо-дам  
Чекар тиғи балият лаҳза-лаҳза,  
Мақомим энди саҳро, лола янглиғ —  
Юракда доғи Фурқат лаҳза-лаҳза.

## (А в а н с ц е н а д а м у з и к а с и з)

Фалакнинг жавридин бағрим тўла қон.  
Умид-орзуларим кул этди даврон...  
Келар авлодлара оҳим етурму?  
Тотувлик, иттифоқлик уйғатурму?

Парда.

# ФИДОЙИ

Сценарий<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> «Ўзбекфильм» томонидан суратга олинб, 1966 йилда экранга чиқарилган. Постановкachi-режиссёр: Э. Собитов.

Сценарий фильмнинг «монтаж листи» бўйича босилди. (Адабий сценарийнинг узил-кесил, экранлашган варианты.)

## ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР

Мақсуд. Инқилобчи, Қизил Армия арбоби.  
Мулла Навир. Унинг ўғли.  
Аббос. Шайх.  
Акбарали. Камбағал деҳқон.  
Раҳмонқул. Қўрбоши (босмачилар лашкарбошиси).  
Камолдин. Шайх Аббоснинг ўнг қўли.  
Замира. Шаҳарлик қиз.  
Ойгул. Акбаралининг қизи.  
Азим. Собиқ босмачи.  
Сафар. Қишлоқ бойи.  
Аъзам. Шайхлардан.  
Қизиласкарлар, полк командири,  
босмачилар, қишлоқ аҳолиси.

Воқеа Фаргона водийсида 1920 йилда бўлиб ўтади.

Тоғлар.

Улуғвор тоғлар. Оғушида оппоқ булутлар, сокин чўққилар.

Атрофида, бутун табиатда шу улуғворликка монанд бир сукунат ҳукм суради.

Водий устида тонг ёришмоқда.

Тоғлар. Кинокамера бизни улуғвор ва жимжит чўққилардан пастга бошлайди ва тоғ ён бағрига олиб тушади.

Қоя ёнида инсон тиз чўккан. Бу— Мулла Назир. У, ибодат билан машғул.

Табиат, инсон ва худо! Бу бирлик худди ҳалиги чўққилардек абадий туюлади.

Камера бизни яна ўша улуғвор чўққига олиб келади. Бу жойда ҳамон жимлик, абадият ҳукм суради.

Узоқдан инсоннинг овози эшитилади.

О в о з (Мулла Назир). Парвардигор, қулингга мадад бер! Бандалар қалбига мен амрингни еткизай!

Атрофда ҳамон сукунат ҳукмрон.

Лекин...

Чўққи фониди қўққисдан «1920» рақами пайдо бўлади, у биз томонга отилган ўқдек шиддат билан яқинлашиб, зўрая бориб, бирданига ғойиб бўлади.

Чўққидан бир шапалоқ тош ушалиб, пастга юмалаб кетади, унинг кетидан бир ҳовуч шағал сирғалиб тушади.

Мулла Назир ҳамон пичирлаб, худога илтижо қилади. Тош парчаси юмалаб келиб, ундан бир қадам нарида тўхтаб қолади. Мулла Назир сесканиб, унга бир назар ташлайди-ю, яна худо билан суҳбатга шўнғиб кетди. Энди унинг овозида ташвиш ва алам эшитилади.

Мулла Назир. Ё раббий! То тирикман, илтижо қилишдан толмайман. Қай чоққача юртим устида офтоб барқ уради-ю, сен яратган энг азиз зот — инсонни азобу уқубатда, хору зор кўради. Низодан одамлар чарча-

дилар. Бугун инсон қони тупроқдан беқадр... Қудратингни кўрсат, ё раббий! Авлодларнинг телбалигига фақат сенигина барҳам беришга қодирсан.

Шов-шув, отларнинг ташвишли кишнаши эшитилади. Мулла Назир ибодатни тўхтатиб, қайрилиб пастга қарашга мажбур.

Қишлоқ.

Бир тўда отлиқлар қишлоққа босиб кирмоқда.

Улар қишлоқ кўчаларидан қичқириб, ҳавога ўқ узиб, чопиб ўтмоқдалар.

Биз ёниб турган бир хонадоннинг тоmidан бутун қишлоқ манзарасини кўраимиз. Отлиқ босмачилар қўллари боғланган икки деҳқонни судраб кетишмоқда.

Ваҳимага тушган қишлоқ аҳолиси босмачилар қиронидан қочиб тараддуида. Биров томга чиқади, биров томдан ўзини қаёққадир ташлайди.

Деҳқон Акбаралининг ҳовлиси. Акбарали отини етаклаб, эшикдан чиқади, отга шошиб мина бошлайди. Ичкаридан бола кўтарган Ойгул югуриб чиқади.

Ойгул. Дада, қаёққа?

Акбарали. Бошим оққан ёққа! Отни обқочай!

Акбарали бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Ёлғиз қолган Ойгул укаларини чақиради.

Ойгул. Маъмур, Самад, Ширин! Бу ёққа келинлар... Санобар, қайдасан? Тез-тез, уйга киринлар. Тезроқ.

Ҳовлида тўрт-беш бола пайдо бўлиб, унинг орқасидан уйга югуриб кириб кетишади.

Акбарали икки тепалик ўртасидаги йўлдан от чоптириб бораётир.

Раҳмонқул қўрбоши бошчилигида қишлоқнинг бошқа томонидан босмачиларнинг асосий тўдаси бостириб кирмоқда.

Қишлоқ манзараси. Икки деҳқонни судраб бораётган икки босмачи Раҳмонқулнинг йўлини кесиб чиқади.

Раҳмонқул отининг жilовини тортади, тўхтатади. Босмачилар арқонни силтаб, икки банди деҳқонни Раҳмонқул оёғига тиз чўктирадилар.

Раҳмонқул (деҳқонларга дўқ уриб). Кимнинг ерини булғаганингни биласанларми, ҳўкизлар!

Деҳқон (дадил). Биз ўз еримизни ҳайдаётган эдик.

Иккинчи деҳқон (яна ҳам қатъий). Ҳа!



Раҳмонқул (ғазабда босмачиларга буюради).  
Осинглар!

Раҳмонқул отига қамчи босади ва тепаликдаги масжид томонга отини буради, тезда масжид дарвозасига кириб ғойиб бўлади.

Босмачилар тўдаси отдан тушиб, қишлоққа тарқалмоқда: афтидан, улар бу ерда узоқ турмоқчи.

\* \* \*

Шайх Аббоснинг ним қоронги ҳужраси. Кекса Шайх Аббос қошида мурид қўл қовуштириб турибди. Улар қишлоққа босмачилар келганини пайқаб кимнидир тоқатсизлик билан кутишади. Ҳужра эшигига тикилишган. Шайх Аббоснинг тоқатсизлиги унинг одатдагидан тезроқ тасбеҳ ўгиришидан ҳам сезилиб туради.

Эшик очилади. Ҳужрага гуриллаб карнай-сурнай овози киради, ҳужра қуёш нурига тўлади.

Раҳмонқул ва унинг орқасидан Камолиддин ҳужрага кириб келади.

Раҳмонқул мурид олдида тўхтаб, унга қамчисини улоқтиради. Мурид ишорани дарров пайқаб, ташқарига отилади. Аммо Камолиддин ўрнидан жилмайди. Раҳмонқул унинг ҳам чиқишига ишора қилади. Камолиддин ноилож чиқади, эшикни нариги ёқдан бекитади.

Раҳмонқул ўнг томонга, Шайх Аббос ўтирган томонга назар ташлайди. Шайх Аббос чурқ этмай ғазабда жим турибди. Узининг бу келиши Шайх Аббосга ёқмаганини тушунган Раҳмонқул, салом беришни ҳам унутиб, у ёқ-бу ёққа юради.

Камера энди бизни ҳужрада ўтирганларнинг ҳаммаси билан таништиради: оғир касалликдан ўликдек оқарган Шайх Аббос пўстинга ўралиб ўтирибди, унинг тепасида шайх Аъзам хизматга тайёр тик турибди. Пастроқда Сафарбой тиз чўккан. Шайх қаттиқ нотоб кишидек йўталади.

Раҳмонқул Шайх Аббос оёғи остига индамай тиз чўкади. Ташқаридан карнай овози келиб турибди.

А б б о с (норози). Нега келдинг!

Раҳмонқул Шайх Аббос ғазабини сезмаганга солиниб, орадаги муомалага енгиллик киритмоқчи бўлади.

Раҳмонқул. Тўйнинг карнай-сурнайини эшитма-япсизми, пирим?

Шайх Аббос жавоб бермади. Аъзам Шайх Аббоснинг ёстиқларини тўғрилаб туриб, Раҳмонқулга заҳар сочади.

Аъзам. Ҳаддингдан ошибсан, бек! Карнай-сурнайнинг донғига қизиллар етиб келса, нима қиласан?

Сафарбой (Раҳмонқулга, жаҳл билан). Икки гадони дорга осдиму, ерларимизни қайтариб бердим, деб ўйлаган бўлсанг, тушингни сувга айт, бек!

Шайх Аббос яна бир оз жим тургандан кейингина тилга киради.

Аббос. Ҳукмдорларнинг гашига тегмоқ — ҳамоқат, бек! Улар қайтиб келиши мумкин.

Бу ердагиларнинг кайфияти Раҳмонқулда жиддий ташвиш туғдиради.

Раҳмонқул. Наҳотки, сиз ҳам уларга ёнбосдингиз, пирим?

Шайх Аббос жавоб беришдан аввал оғир хўрсинади.

Аббос. Пайт пойлаш... Тадбир ахтариш... Нажот йўлини топиш керак.

Шайх Аббос томоғига бир нарса тиқилгандек қаттиқ йўталади.

Унинг сўзлари Раҳмонқулда умид туғдирган эди.

Раҳмонқул. Мен қизилларни юртимизга қайтмас қилиб ҳайдашга қодирман.

Энди Шайх Аббоснинг ўлик танасига жон киради.

Аббос. Не тадбир топдинг?

Раҳмонқул. Тақдиримизга ҳамон сиз ҳукмфармо-сиз, пирим.

Шайх Аббос Раҳмонқул томонга ўгирилди.

Аббос. Қулогим сенда.

Раҳмонқул ўйланиб жим қолади. Унинг ҳолатига тушунган Аббос Аъзам билан Сафарбойга ташқари чиқишни ишора қилади. Улар чиққач, Раҳмонқул шайх олдига келиб ўтиради ва яна эҳтиёткорлик билан эшикка қараб қўяди. Шайх тоқатсизликдан йўталади: бу жуда қаттиқ ҳаста одамнинг йўтали

Раҳмонқул ўзига тикилиб турган Аббосга яна ҳам яқинлашади.

Раҳмонқул. Ҳалок бўлишимизни истамасангиз, улуғ шайхим, бошқача тадбир керак.

Шайх бутун вужуди қулоққа айланиб, Раҳмонқул томонга ўгирилди.

Дарё. Унинг қиргоғи бўйлаб Акбарали от чоптириб бормоқда. У узоқлашиб, кўздан гойиб бўлади.

Дарё бўйида қизил аскарлар лагери. Биров чўмилмоқда, биров отини дарёга етаклаб кетмоқда, бировлар милтиқ тозалашмоқда ва ҳоказо.

Акбарали ўзи ҳам билмай бу ерга от чоптириб келиб қолади. Милтиқ кўтарган икки аскар унинг йўлини тўсади.

А с к а р. Тўхта!

Иккинчи аскар осмонга ўқ узиб, тревога беради. Қизил аскарлар Акбарали томонга югуриб келади ва унинг отини қуршаб олиб, тўхташга мажбур этадилар.

О в о з л а р.— Кимакан у?

— Ким билади!

— Нима бўпти?

— Туш бу ёққа!

А к б а р а л и (отининг жиловидан маҳкам ушлаб).  
Тушмайман! Қўйиб юбор, дейман сенларга!

Акбарали бу сўзларни йиғлагудек бўлиб айтади. Унинг ёлвориши фойда бермайди, уни зўрлаб отдан туширадилар. Акбарали ўзини ерга отади ва йиғи аралаш қарғаб кетади.

А к б а р а л и. Лаънат!.. Ҳаммангизга лаънат!.. Пешонам қурсин! Мен туғилган кунга лаънат!.. Лаънати-дан туғилган ақанман!

Қуршаб олган қизил аскарлар унга ҳам ҳайрат, ҳам раҳм билан тикиладилар.

Камера бизни йиғилган аскарлар билан таништирар экан, биз улар орасида Мақсуд билан полк командирини кўрамиз.

П о л к к о м а н д и р и (Мақсудга, Акбарали ҳақида).  
Яна бир жафокаш.

Кадр орқасида Акбаралининг йиғи аралаш овози эшитилади. Акбаралининг устида Мақсуд пайдо бўлади.

А к б а р а л и. Бола-чақамни ҳоли энди нима кечади? Ҳолимизга вой! Бизга ер қаттиқ, осмон узоқ!

М а қ с у д. Макиёнини ўғри урган кампирдай, нега дод соласан? Тепангда осмон, тагингда ер. Тур ўрнингдан!

Акбарали аста кўтарилади. Арз қилган оҳангда гапирди.

А к б а р а л и. Одамларингиз келишди, бизга ер бўлиб беришди, кетишди... Бизни алдабсизлар. Раҳмонқул яна келди. Осяпти, отяпти. Қандай тирикчилик қилайлик биз? Бошимизни қайси тошга урайлик!

Мақсуд. Белинга белбоғинг бўлса, ўпкангни бос... Ундан кейин тирикчиликни гаплашамиз.

Мақсуд Акбаралининг оти олдига боради.

Унинг жиловидан олиб, бир оз жим қолади.

Мақсуд (аскарлардан бирига откинг жиловини тутқазиб). Отни совут, нобуд бўлмасин. От — унинг жони.

А с к а р. ЕСТЬ!

Мақсуд нари кетади. Полк командири унинг орқасидан боради.

\* \* \*

Дарё бўйи. Мақсуд ва полк командири биз томон аста-секин келмоқдалар. Ҳар иккаласи ҳам ҳозиргина гувоҳлари бўлган манзаранинг қаттиқ таъсирида жим келадилар. Бу жимликни биринчи бўлиб Мақсуд бузади.

Мақсуд. Бу деҳқоннинг таънасини эшитдингми? Ҳақ гапни айтди.

К о м а н д и р. Биз — аскармиз. Қўлимиздан яна нима келар эди?

Мақсуд. Гапинг тўғри, дўстим! Аммо бу вазифа ўхшаб қолди.

К о м а н д и р. Бизнинг ўз вазифамиз бор.

Командир тўхтади, унинг ёнида Мақсуд ҳам тўхтади. Командир аскарнинг биринчи вазифаси ҳақидаги фикрини давом эттиради.

К о м а н д и р. Ҳарбий буйруқни бажариш... Атрофни душмандан тозалаш...

Мақсуд. Гапинг тўғри, дўстим! Аммо бу вазифаларни бажаришнинг ўзи энди камлик қиляпти.

Мақсуд жуда муҳим бир ишни амалга оширишга ният қилгандек ўйланиб қолади. Шу вақтгача атрофни бефарқ кўздан кечириб турган командир унинг ниятини пайқагандек, ялт этиб унга қарайди ва қўлидан маҳкам ушлаб талаб қилади.

К о м а н д и р. Яна нима ният қилдинг. Гапир, чўзмай!

Мақсуд ўз ниятининг олижаноблигидан завқлангандек илжайди ва у ниятни албатта амалга оширишга қасд қилгандек, дадил қадам босиб кадрдан чиқади.

Командир Мақсуднинг орқасидан ҳайрон қараб қолади.

\* \* \*

Шайх Аббос ҳужраси. Раҳмонқул шиддат билан у ёқдан-бу ёққа юрмоқда.

Раҳмонқул. Нега қизилларнинг қўли доимо баланд?

Раҳмонқул ҳужра ўртасида тўхтади ва ҳукм чиқаргандек қатъий сўзлайди.

Раҳмонқул. Чунки улар — ҳукумат. Улар — зўр. Улар лашкар.

Раҳмонқул яна бир қадам босиб, Шайх Аббос рўпарасида тўхтади.

Раҳмонқул. Хўш, бизлар киммиз? Қашқирдай одамларнинг оғзидан ошини тортиб оламиз.

Аббос уни жуда диққат билан эшитади.

Раҳмонқул. Йигитларимиз бизни ташлаб кетяпти. Чунки биз талончимиз.

Раҳмонқул жаҳл устида пирига орқасини ўгириб турганини ҳам сезмайди: ўй ва орзулари унинг бутун вужудини қамраб олган.

Раҳмонқул (*шартта Аббос томон ўгирилади*). Менга ҳам ҳокимият беринг... лашкар беринг, қизилларнинг уруғини қуритаман. Чет элларда ишбилармонлар бор, яроғ-аслаҳа бор. Олтинни менга беринг, нима қилишни ўзим биламан! Ким йиққан у олтинни? Узимиз! (*Тез бориб Аббоснинг ёнига ўтиради.*) Қизиллар бизни қиряптию, сиз олтинни босиб ётибсиз. Қўлимдан иш келмайди деб ўйлайсизми? Орзуларим зўр... Фурсатни қўлдан бермайлик, пирим! Худо гўрдан бизни қайтариб олиб чиқмайди.

Раҳмонқулнинг қизгинлиги ҳам, тоймаслиги ҳам шайх Аббосга ёқади.

Аббос. Ҳақ гап!

Эшик олдида Камолиддин пайдо бўлиб, суҳбатни бўлади.

Камолиддин. Тўй тайёр! Ҳамма нарса тахт!..

Кетмоқчи бўлган Камолиддинни Шайх Аббоснинг овози тўхтатади.

Аббос. Тўхта. (*Давом этади.*) Утир!.. (*Камолиддин кириб ўтиради. Бирданига тутган қаттиқ йўтал Шайх*

Аббосга халақит беради.) Қулоқ сол! Тўй — аҳмоқларни лақиллатиш учун... Бек улуғ ният билан келипти. (Бек ғурур билан бошини кўтаради.) Бугун тунда, тўйдан кейин, Раҳмонқулни хазинамизга олиб тушасан.

Камолиддин учун ҳеч қутилмаган бу хабар уни Раҳмонқулга катта ҳурмат билан назар ташлашга мажбур этади.

\* \* \*

Қишлоқнинг энг тепа жойида — масжид, туғлик мазор ва майдон. Бу ер сайилгоҳ.

Тепаликдан, зинапоядан Мулла Назир тушиб келмоқда. У ердан тўй тайёргарлиги билан овора босмачилар кўринади. Оддий фуқаро ҳам тўй тараддудига тортилган: катта ва кичик, хотин ва бола-чақа гилам, идиш, хонтахталар кўтариб сайилгоҳга кириб кетмоқда. Узоқдан келаётган йиғи овози Мулла Назирни зинапояда тўхташга мажбур этади.

Қишлоқ майдони. Икки деҳқон дарахт шоҳларига осилтанича турибди. Қора кийинган уч аёл дарахт тагида фарёд этади.

Мулла Назир ғазабда, масжид дарвозаси ёнида ҳамон осилганлар томон тикилиб турибди. Унинг орқасида тўйга тайёргарлик яна ҳам қизиб кетган.

Раҳмонқул ва Камолиддин Мулла Назир томонга келаётир. Уларнинг орқасидан яна бир неча босмачи нималарнидир гаплашиб кулиб келишмоқда.

Раҳмонқул эътибор бермай, Назир олдидан ўтиб кетаётганида Мулла унинг йўлини тўсди.

Назир (Раҳмонқулга). Оллоҳи таоло одамни бахту саодат учун яратган... Сен эса фақат мусибат олиб келсан. Кет бу ердан!

Раҳмонқул (ҳайрат ва ғазабда). Менга буйруқ қиляпсанми? Узинг йўқол!

Раҳмонқул Назирни урмоққа қамчи кўтаради, Камолиддин унинг қўлидан ушлаб қолади.

Камолиддин (Раҳмонқулга). Бу киши Мулла Назир бўладилар. Улуғ шайхнинг севиқли ўғли... Энди мен эмас, бу киши — пиримнинг ўнг қўллари.

Раҳмонқул (Аста-секин қўлини туширгандан кейин). Унг қўл ҳам шундай буладими, мулла! Ялангоёқлар.

шунча бебошлик қилипти-ю, сен бўлсанг индамай ўтира-  
верибсан-да?

Мулла Назир индамайди.

Камолиддин (*Назир ҳақида*). Бухородан яқинда  
келганлар... Аллома.

Раҳмонқул (*Назирга*). Алломасану, оллонинг  
иродасидан беҳабарсан. Шайх ва бойларнинг ерига тегиш-  
га кимнинг ҳаққи бор!

Назир. Гуноҳкорларни жазога мустаҳиқ этишга  
фақат парвардигор ҳақли.

Узоқдан йиғи товуши қаттиқроқ эшитилади, бир неча  
дақиқа жим қолишади.

Назир Раҳмонқулнинг кўзларига ғазаб билан тики-  
лади.

Раҳмонқул (*Назирга*). Сен худонинг иродаси ни  
суриштиргунингча, мен сенинг ишингни бажардим... Ёзил-  
ганимча...

Борган сари кучаяётган йиғи овози Раҳмонқулнинг то-  
қатини тоқ қилади. У масжид томонга ўгирилиб бэ қиради.

Раҳмонқул. Карнай-сурнай нега жим, бўлиб  
кетди?

Масжид дарвозаси олдида карнай-сурнайчилар пайдо  
бўладилар.

Раҳмонқул ва Мулла Назир ҳамон рўпарама-рўпара  
турибдилар. Карнай-сурнай овози янграйдди.

Раҳмонқул (*Назирга*). Майли! Ушган ишга сала-  
вот! Улуғ шайх бетоб экан... Никоҳимни сени ўқийсан, мулла.

Раҳмонқул шунини айтди-ю, Назир олдидан шахдам  
ўтиб кетди, у Назирнинг эътироз қилмоқчи бўлиб, оғиз  
очганини сезган эди, аммо унинг оғзати бор: ҳеч қачон  
ўз буйруқларининг муҳокамасига ўй қўймайди.

Мулла Назирнинг иккиланишлари рига Камолиддин бар-  
ҳам беради.

Камолиддин (*Назирнинг қулоғига*). Улуғ шайх-  
нинг хоҳишлари шу.

Раҳмонқул ва Камолиддин зинадан юқори кўтарилиб  
бормоқдалар. Зинапоянинг икки томонида босмачилар  
саф тортиб турибди.

\* \* \*

Масжид ҳовлиси — сайилгоҳ. Тўй авжда. Ҳамма ёқ  
одамга тўла. Ҳовлида тўй дастурхони устида ҳар ким  
ўзига муносиб жой эгаллаган.

Юқорида қашам билан безалган дастурхон устида бойлар, муллалар, шайхлар, иззатли муридлар, катта ва кичик мансабли босмачилар ўтиришибди.

Камолиддин — бош дастурхончи. Меҳмонлар ва милтиғини олмасдан чўккалаган босмачилар устида у фармонбардор бўлиб юрибди.

Камолиддин бойлар олдидан таъзим бериб ўтгач, сайилгоҳнинг бир чеккасига қурилган катта қозон ва қайнаб турган самоварлар олдидан ўтиб, гулхан атрофида кабоб пишириб турган босмачилар ёнига келади, ўт устидаги катта сихни олиб, орқага қайтади, Раҳмонқул ўтирган супага етиб, хонтахтага кабобни қўяди. Хонтахта атрофида Раҳмонқул билан ўтирган бир неча бойлар чойга зўр бермоқдалар.

Дастурхон ёнида Мулла Назир пайдо бўлади. Унинг орқасида яна икки кекса Раҳмонқулга таъзим қилиб, букилгаича туриб қолади.

Ҳам манинг назари бу манзарага тушган бўлса керак, карнай-сурнай тўхтади, сайилгоҳда бирданига тинчлик ўрнади.

Назир (Раҳмонқулга). Одамлар ўз қариндошларини дафн этмашчилар. Йигитларнинг бизни дорга йўлатмаётибди. Айт уларга, ўликларни холи қўйсин.

Раҳмонқул. Ким ўликларга яқин келса, ўзини осаман... Утир бу ерга!

Назир. Меҳ бурчимни бажаришим керак. Уликлар кутиб қолди.

Раҳмонқул. Уларга жаноза лозим эмас, улар — илоҳий қонунларими, эга чанг солган кишилар.

Назир. Илоҳи дин инсон борасида сен нима билар ёдинг! Хулқинг ҳайъ ондан баттар. Қилмишинг фақат ёвузлик.

Раҳмонқул (қўли, таги пиёлани жаҳл билан улоқтириб). Жинимдан ҳам ёмон кўраман сен китобхўрларни... Неча асрлардан бери овор, асиз одам билан... Нима қилдингиз одамни? Одам — ё аскар, ё ҳўкиз! Ҳўкизлар тинч ишласин деб мен аскарлик қиляпман... Утир, сен никоҳ ўқийсан.

Мулла Назир қулоғига бир сўқир кекса шивирлайди.

Чол. Тақдирга тан беринг, ўғлим.

Камолиддин ҳам Мулла Назир қулоғи остида шивирлайди.

Камолиддин. Улуғ шайхимизнинг хоҳишлари шу...



Бирданига яна карнай-сурнай садолари янграйди.

Масжид дарвозасидан ёр-ёр айтиб, шоҳи чойшаб таъгида келин ва дугоналари кириб келишмоқда. Икки раққоса олдинда ўйинга тушиб бормоқда. Атроф гавжум. Тўйга эргашган болалар қий-чуви. Сайилгоҳга киришга журъат этмаган катта ва кичик, эркак ва аёл — пастқам деворлар бошида, томларда.

Келин, дугоналари ва сатанглар Раҳмонқул ўтирган супага яқинлашадилар. Супада ўтирганлар ўринларидан туриб, нари кетадилар. Кетмаганларни Камолиддин ҳайдайди. Супада Раҳмонқул якка қолади.

Келин — Замира паранжи ва нафис оқ чачвонда Раҳмонқул ёнига тиз чўкади. Икки дугонаси унинг икки томонидан жой оладилар.

Раҳмонқулдан сал нарида Сафарбой ва бир неча аъёнлар вазиятнинг тантанаворлигини тасдиқ этувчи жиддий бир қиёфада тик турадилар.

Раҳмонқул (*атрофдагиларга*). Қишлоқдаги бемаънилар, бек зўрлик билан хотин оляпти, деб валақлашармиш... Ҳамма кўрсин, бу қиз ўзи хоҳлаб тегяпти менга. (*Унг томонда турган кимсага*). Никоҳ қил!

Унг томондан Мулла Назир пайдо бўлади, Раҳмонқулнинг қаршисида тиз чўкади.

Назир, Раҳмонқулнинг ҳозиргина айтган сўзлари ростми-ёлғонми эканини текшириш ниятида, келиннинг кўзларига тикилади.

Тикилади-ю, ғайри ихтиёрий равишда кўзини ололмай қолади. Қизнинг ҳусни ва нажот изловчи кўзлари уни банд этади. Мулла Назир лол. У никоҳ сўзларини унутади, анча жим қолади. Қиз ҳам ундан кўзини узмайди. Икки дилнинг сўзсиз суҳбати бўлаётганини пайқаган Камолиддин сезиларлик ҳаяжон билан йўталиб қўяди.

Ҳамон Замирага тикилиб турган Назир ўзига келади ва этагини тузукроқ йиғиштириб ўтириб, никоҳ ўқий бошлайди.

Назир. Аузу биллоҳи минашшайтонур ражим... Бисмиллаҳир раҳмонур раҳим...

Замира (*сапчиб туриб*). Тўхтанг, муллака! Бунга тегмайман. Мени булар шаҳардан ўғирлаб келишди.

Раҳмонқул жаҳл билан ўрнидан туриб кетади, аммо ҳеч нарса деёлмайди.

Назир (*ўрнидан турмасдан, Раҳмонқулга*). Сен бир мусулмон боласини ўғирладингми?

Раҳмонқул. Ишинг нима?.. Мен беш мартаба уйландим. Ҳеч мулла амримдан бош тортган эмас.

Назир (*ўрнидан туриб*). Мен бош тортаман. Бу ишинг шариятга хилоф.

Раҳмонқул. Шарият — ўзимман! Ҳаёт-мамот менинг қўлимда! Кимга жон керак бўлса, асло ёддан чиқармасин буни... Уқи никоҳингни!

Назир (*Раҳмонқулга тик қараб*). Уқимайман!

Раҳмонқул. Уқийсан, итвачча.

Раҳмонқул тўппонча билан таҳдид этиб Мулла Назирга яқинлашади. Уларнинг ўртасида Замира пайдо бўлади.

Замира (*Раҳмонқулга*). Ўлдирма буни. Хотининг бўлишга розиман. Бу киши тирик қолса бас!

Раҳмонқул. Нарн тур! Бўлмаса сени ҳам ўлдираман!

Замира чачвонини юлиб олиб, очик юз билан Раҳмонқулга ғазабли назар ташлайди.

Камолиддин. Беҳаё, юзингни ёп!

Замира. Йўқ, ёпмайман! Улмасдан аввал дийдоримга тўйиб олсин муллакам!

Ҳамма Замирага тикилган: биров унинг «шаддодлигидан» ҳайратда, биров ҳуснига мафтун. Айниқса, ёш босмачи йигит Азим Замирадан кўзини ололмай қолади.

Замиранинг Мулла Назирнинг журъатидан илҳомланган жамоли. Кадр орқасидан Азимнинг овози эшитилади.

Азим. Шунақа ҳам чиройлимисан!

\* \* \*

Қишлоқ кўчаси. «Ура», «Ура» садолари эшитилади.

Қизил аскарларнинг отлик отряди қишлоққа от қўйиб кириб келмоқда.

\* \* \*

Масжид ҳовлиси. Тўй тантанасидан асар ҳам қолмаган. Ҳамма ваҳимада. Босмачилар, меҳмонлар қий-чув билан бетартиб қочишмоқда. Отишма бошланади.

\* \* \*

Қочаётган муридлар, бойлар, босмачилар. Тартибсизлик, ваҳима, қий-чув, отишма давом этмоқда.

Масжид дарвозасидан босмачилар, деҳқонлар, карнай-сурнайчилар, муридлар, бойлар қочиб чиқмоқдалар.

\* \* \*

Бир тўда босмачилар отишма билан дарвоза томон чо-пиб кетмоқда. Улар кетидан кетаётган Сафарбой қайтиб, бошқа ёққа чопди.

\* \* \*

Ғалаён орасидан бир босмачи Раҳмонқулнинг қиммат-баҳо ёпингичлар билан ёпилган оқ отини етаклаб супа то-монга кетмоқда.

Супада Мулла Назир, Камолиддин ва Раҳмонқул. У чаққонлик билан сакраб отга миниб олади.

Камолиддин (Раҳмонқулга). Айтинг-чи, шайхи-мизга нима дей, шайхимизга...

Раҳмонқул (отини буриб). Улуғ шайхимизга айт, мен яна қайтиб келаман.

Раҳмонқул отни чоптириб чиқиб кетади. Камолиддин ҳам қаёққадир ғойиб бўлади.

\* \* \*

Тик турган Мулла Назир ва супада бошини қўллари билан бекитиб ўтирган Замира қолади.

Орқада чопиб ўтаётган хотин-қизлар. Отишма. Ғовур-ғувур. Мулла Назир Раҳмонқулнинг орқасидан қараб қолади.

Масжид дарвозасидан Раҳмонқулнинг йигити Азим от чоптириб кириб келади. Супага яқинлашади. От ус-тидан энгашиб, чаққонлик билан Замирани отга мингаш-тириб олиб, тезликда отни чоптириб чиқиб кетади.

\* \* \*

Булутлар. Масжид минораси. Масжид ҳовлисида қу-риб ётган улкан дарахт. Бўшаб қолган сайилгоҳ. Ҳамма ёқда сочилиб ётган идиш-товоқ, дастурхонлар.

Супада Мулла Назир якка қолган. Қий-чув, отишма-лар давом этмоқда.

\* \* \*

Қишлоқ кўчаларини чанг-тўзонга тўлдириб Раҳмон-қул ва унинг босмачилари қочишмоқда. Улар пастликдан кўтарилиб, адир ошиб ўтиб кетишмоқдалар.

Охирги босмачилар от чоптириб ўтиб кетишади. Кўча бўшаб қолади.

Бирданига кўчада қиличларини яланғочлаб, босмачиларни қувиб кетаётган қизил аскарлар пайдо бўлишади. Улар орасида Мақсуд, полк командири ва Акбарали кўринади.

\* \* \*

Овозлар. Ура, Ура!..

Икки тепалик орасидаги йўлдан Раҳмонқул бошлиқ босмачилар қочиб ўтиб кетишмоқда. Кетма-кет қизил аскарлар отряди қувиб келмоқда.

\* \* \*

Эртаси. Саҳар чоғи. Қишлоқ кўчаси. Баланд-паст уйлар. Ҳамма ёқ жимжит. Узоқдан бир отлиқ кўринади. Бу — Мақсуд.

Отлиққа қарама-қарши обкашда сув кўтарган кичик бир қизча кетмоқда. Отлиқ ўтиб кетади. Қизча унинг орқасидан қараб қолади.

Қишлоқ харобалари орасидан отлиқ Мақсуд чиқиб, сўқмоқ йўл билан бузилган деворлар ёқалаб келмоқда. Унинг қаршисидан оқ паранжига ўралган, бошида тугун кўтарган икки аёл унга йўл берниш учун чеккага чиқиб тўхташади.

Мақсуд йўлини давом эттириб келиб, четан девор олда тўхтайтиди.

Аёллар узоқлашади. Мақсуд девор орқасидаги ҳовлига тикилиб қолади. У ёқдан болалар овози эшитилмоқда.

\* \* \*

Акбарали ҳовлиси. Супада чанговуз чалиб ўтирган қизча. Унинг ёнида кичкина укаси. Унг томонда тўрт-бешта болалар бир-бирлари билан қувлашиб ўйнашмоқда. Саватни бошига кийиб олган бола бошқа болалар кетидан қувлаб, уларни қўрқитмоқчи. Болалар унинг атрофида гиғижлаб чопиб юришипти.

Болалар ўйинни давом эттирмоқда. Бошига сават кийган бола чарчаб ерга ўтиради.

Мақсуд болалар ўйинига қизиқиб қараб турибди.

Сават ичидаги бола кўчадан тикилиб турган Мақсудни кўриб қолади.

Бола бошидан саватни кўтариб тикилиб қараб турибди.

Мақсуд болага ҳавас билан тикилиб, бир неча йиллар илгари бўлиб ўтган воқеани эслайди.

\* \* \*

Қаттиқ ёмғир ёғмоқда. Кўчада яланғоч бир бола — Ҳакимжон чопиб келмоқда.

Бола йиғи аралаш: «Дада! Дада!» деб қичқирмоқда.

Кўқон аравада икки миршаб оёқ-қўли боғланган ёш Мақсудни олиб кетмоқда.

«Дада! Дада!» деган бола овози эшитилмоқда.

Ёмғир ёғмоқда.

Бола: «Дада! Дада!» деб арава кетидан чопиб кетмоқда. Югуриб келаётган бола лойда тийганиб йиқилади. Лойга беланиб ётганича бола «Дада, дадажон!» — деб қичқириб қолади.

Арава шамол ва ёмғир уриб турган кўчадан узоқлашиб, кўздан ғойиб бўлади. Ҳамон боланинг овози эшитилди:

— Дада! Дадажон!..

\* \* \*

Ҳалиги қишлоқ. Ҳалиги кўча. Мақсуд болалар ўйини кузатиб турипти.

— Дада-а-а...— деган бола овози ҳамон Мақсуд қулоғида жаранглайди.

Мақсудни кўриб қолган болалар: «Ойгул опа, Ойгул опа!» деб ҳар қаёққа қочиб кетишади.

Ҳужра ичидан қўлини этагига артиб Ойгул чиқиб келади. У Мақсудни кўриб уялиб тўхтаб қолади.

Учоқда олов устида қумғон қайнаб турибди.

Ойгул Мақсудга тикилиб қолди. Унинг кўзлари қандайдир севинч билан тўла. У юзини рўмол билан бекитади.

Мақсуд Ойгулга тикилиб қараб турибди. У ҳам бахтиёр.

Ойгулнинг олдига кичик сингиси «Опа!» деб югуриб келади. Иккаласи уйга кириб кетишади.

Отхонадан бир қучоқ хашак кўтарган Акбарали чи-

қиб келади. У қизининг ҳаяжонланганини сезиб, кўча томонга қарайди. Мақсудни кўриб, хашакни ерга ташлайди ва у томонга юради.

Ақбарали. Ие, ие, ие! Мақсуд ака! Келинг, келинг!..

Мақсуд (отдан тушаётиб). Ие, ие, Ақбарали, ассалому алайкум!..

Ақбарали. Ваалайкум ассалом!..

Ақбарали эшикка қараб юради. Ақбарали эшикни очади. Отини етаклаб Мақсуд кириб келади.

Мақсуд. Кираверсак бўладими?

Ақбарали. Марҳамат, марҳамат!

Ақбарали Мақсуднинг отини етаклаб отхонага ўтади ва отни боғлайди. Мақсуд тўғри ҳовлига кириб келади.

Мақсуд (кулиб). Тепангда офтоб, тагингда ер!

Ақбарали (кулади). Ҳа, ҳа, ҳа! Бу, отрядиз қишлоғимизда қолдими?

Мақсуд. Йўқ, улар босмачиларни қувиб кетишди.

Ақбарали (ҳайрон бўлиб). Сиз-чи?

Мақсуд. Мен қолдим.

Ақбарали. Ёлғиз ўзингиз-а? Нечун?

Мақсуд аста-секин ҳовли томонга қарайди.

Мақсуд. Сен, яна алдаб кетишди, деб таъна қилмагин, дедим-да.

Ҳовлида Мақсуд якка турибди. Кичик укасини кўтариб Ойгул ўтиб кетади. Мақсуд уни кузатиб қолади. Ақбарали Мақсуднинг ёнига келади.

Ақбарали. Оббо, Мақсуд ака-ей... Зап келипсиз-да!..

Мақсуд. Меҳмон ёқдими, ишқилиб?

Ақбарали. Гапингиз қизиқ... Дунёда нима азият — меҳмон азият!

Мақсуд. Қани, кўришайлик бўлмаса...

Иккаласи қучоқлашиб кўришишади.

\* \* \*

Босмачи от қўйиб келаётир. Бузилган паст девордан отни сакратиб ўтиб, Ақбарали ҳовлисига киради.

От Мақсуд ва Ақбаралининг олдига келиб тўхтади.

Биз Замиранинг: «Командир ака!» деган овозини эшитамиз. Бу отлиқ — Раҳмонқулнинг йигити Азим. Унинг олдида Замира турибди.

Азим (*Замирага*). Мана... айтган одамларинг олди-га опкеб қўйдим, яна нима дейсан?

Замира отдан сакраб тушиб, Мақсуд олдига югуриб келади.

Замира. Ассалому алайкум!..

Мақсуд. Ваалайкум ассалом! Осмондан тушдингми?

Замира. Дўзахдан қочдим! Мени Раҳмонқулнинг одамлари Андижондан ўғирлаб келишган. Ота-онам олдига обориб қўйинг!.. Жон ака!.. Мен ҳам сизга совға опкелдим.

Азимни кўрсатади. Мақсуд Азимга яқинлашади.

Мақсуд. Босмачими?

Замира. Кимлигини ўзи ҳам билмайди. Лекин ўзи яхши одам.

Мақсуд. Яхши босмачи, дегин? Ажиб нарса экан. Қайси боғдан уздинг бу гулни?

Азим (*отини ўйнатиб туриб. Замирага*). Айтмовдимми сенга, булар менга ишонишмайди, деб.

Замира (*Мақсудга*). Раҳмонқулнинг доврўғи кетган йигити шу.

Азим (*жаҳл билан*). Бас қил, менга бунақа доврўқни кераги йўқ.

Мақсуд (*янада яқинлашиб*). Бўлмаса, сенга Раҳмонқулнинг нимаси ёқувди...

Азим. Раҳмонқул — доврўрак одам...

Мақсуд. Яна?

Азим нима дейишини билмайди.

Замира (*Мақсудга*). Гапга нўноқ. Аммо яхши йигит. Мени ҳар нарса қилиш қўлидан келар эди. Лекин сизнинг отрядингизга опкеб қўйди.

Мақсуд (*кулмсираб*). Менинг отрядим йўқ, мен бу ерда ёлғизман.

Азим. Сиз ҳам доврўрак экансиз!

Мақсуд (*отнинг жиловидан ушлаб Азимга*). Менга йигит бўласанми?

Азим. Кўраминз.

Азим отини қамчилаб, келган йўлидан чиқиб кетди.

\* \* \*

Хотинларнинг йиғиси эшитилади.

Назир айвондан йиғи эшитилаётган томон қараб келмоқда.

Узоқда — тоғлар кўриниши.

Назир айвоннинг четига келиб бир оз тўхтади ва тезлик билан зинадан тушиб, масжид ҳовлисига ўтади.

Масжиднинг бўм-бўш ҳовлиси. Минора, мақбара ва қуриб қолган якка-ёлғиз баҳайбат дарахт. Узоқ-узоқларда — тоғлар кўриниши.

Мулла Назир дарвоза томонга кетмоқда.

\* \* \*

Акбаралининг ҳовлиси. Арқонга кирлар ёйилган. Узоқдан келаётган йиғи овозини эшитиб Мақсуд кўча эшиги томон яқинлашади. Ҳайрон бўлиб кўчага қарайди. Акбарали унинг кетидан етиб келади. Орқада: бола ўйнатиб ўтирган Замира ва ўғир туяётган Ойгул. Учоқдан бўруқсиз тутун чиқиб турипти.

Мақсуд. Нима гап?

Акбарали. Раҳмонқул ҳамқишлоқларимиздан икки кишини осди. Кўмишга рухсат бермади.

Мақсуд. Уларни кўмиш керак.

Акбарали. Уларни кўмишга ким ботина оларкин?

Ойгул буларнинг гапларига қулоқ солиб турипти.

Мақсуд. Биз-чи?

Ойгул (югуриб келиб). Бизга раҳмингиз келсин. Дадамдан бошқа ҳеч кимимиз йўқ.

Акбарали. Қизим, ишингга бор!

Ойгул қайтиб кетади.

Акбарали. Мақсуд ака... Ойгул гапнинг пўскаласини айтди. Узр...

Акбарали қайтиб супа томонга ўтиб кетади. Мақсуд кўчага тикилиб қолади. Йиғи овози ҳамон унинг юрагини эзмоқда.

\* \* \*

Мулла Назир масжид зинасидан тушиб, тикилиб майдон томонга қарайди.

Мана у тўхтади. Булутли осмон фониди — масжид дарвозаси, минора ва якка қуриган дарахт.

\* \* \*

Қишлоқнинг бозор майдони. Ҳамма ёқ жимжит. Узун, оғир нарвонни елкасига қўйиб, Мақсуд майдон ўртасидан битта-битта оғир қадам ташлаб, осилганлар томонига



келмоқда. Унинг эғнида — эски беқасам чопон, бошида дўппи.

Мулла Назир уни диққат билан кузатиб турибди.

Соқоллари ўсган Мақсуд нарвоннинг оғирлигидан икки букилиб йўлини давом эттирмоқда.

Акбарали ва Ойгул уйларининг эшиги тирқишидан Мақсудни кузатиб туришипти.

Мақсуд баҳайбат нарвон тагида оғир қадам ташлаб кетмоқда.

Деҳқон Ҳамидулла ўз ҳовлисидан Мақсудни кузатиб девор орқасига бекинади.

Мақсуд ҳамон йўлини давом эттирмоқда.

Эшик очилиб, кўчага Мақсудни кузатаётган деҳқон Умар чиқади.

Ерда нарвон кўтарган Мақсуднинг сояси яқинлашиб келмоқда.

Мақсуднинг қийналган, чарчаган юзи.

Мақсуд дарахтга осилганлар томонига яқинлашмоқда.

Мана, Мақсуд келиб нарвонни дарахтга тираб қўйди.

Дарахт тагида осилганларнинг болалари, улардан нарироқда — мотам кийимга ўралган хотинлар йиғлаб ўтиришибди.

Мақсуд аста нарвондан ўликлар томон кўтарила бошлайди. От чоптириб Сафарбой яқинлашиб келмоқда.

Сафарбой (*Мақсудга лўқ уради*). Ҳой, кимсан? Нима ҳаққинг бор? Уликларга тегма!..

Мақсуд газаб билан унга қарайди ва бемалол нарвондан кўтарилаверади.

Сафарбой. Пушаймон бўласан! Қараб тур! Ҳей, сурбет махлуқ!

Сафар от чоптириб кетади.

Йиғлаб ўтирган аёллар ёнига кичкинагина эшак қўшилган арава келиб тўхтади. Арава ёнида — деҳқон Умар. Аёллар туриб қўлларидаги оқ чойшабни аравага ёйишади.

Она. Вой болам! Онанг ўлсин, болам! Жоним болам!

Умар ёрдам бериш учун Мақсуд томонга ўтади.

Назир уларнинг қилаётган ишларини кузатиб турипти. Унинг кўзларида ёш.

Она аравага ётқизилган ўликларнинг оёқлари олдида йиғламоқда.

Арава. Уликларнинг фақат оёқлари кўринади.

Арава юради. Унинг кетидан Мақсуд, икки бола, йиғлаётган хотинлар юришади. Уликларни кўмиш учун олиб кетишмоқда. Мақсуд аравани итариб кетмоқда. Унинг ёнида болалар, Умар олдинда эшакни ҳайдаб кетмоқда. Масжид зинаси ёнида Мулла Назир турипти. Мулла Назир ўликларга тегишга журъат этган кишига — Мақсудга тикилиб қараб турипти. Мақсуд унга аҳамият бермай ўтиб бормоқда. Аммо Мулла Назир уни танигандек бўлди, таниди, кўзларига ишонмай, яна қаттиқроқ тикилди.

Арава масжид олдидан ўтиб узоқлашиб кетди. Мулла Назир қаттиқ ҳаяжонда. У чопганича зинадан кўтарилиб масжид ичига кириб кетди.

Чанг, тупроқли кўчадан арава баландликка кўтарилмоқда. Мақсуд бор кучи билан аравани олдинга итариб кетмоқда. Умар ва болалар арава орқасидан бормоқда.

Дарвоза олдида турган чол, кўчадан ўтаётган аравани кўриб, ўтиради ва фотиҳа қилади.

Акбарали эшиги олдида турипти. Эшикдан Ойгул чиқади. У ҳам аравага қарайди. Акбарали ичкарига кириб, кетмон олиб чиқади ва арава кетидан кетади. Ойгул унинг орқасидан қараб қолади.

Бузилган девор орқасидан бошига нимчасини ёпинган аёл кўчадан ўтиб кетаётган аравага қараб турипти. Аёл орқасига ўгирилиб қарайди. Югуриб келиб кетмон кўтариб чиқиб, кетаётган эрининг йўлини тўсади.

Аҳмад (хотинига). Қўйиб юбор!..

Аёл (астойдил бақиради). Чиқармайман, чиқармайман, бормайсиз!

Кўчадан арава ўтиб узоқлашиб кетмоқда.

Узоқда — тоғлар манзараси.

\* \* \*

Шайх Аббос ўз ҳовлисида катта бир харсанг тошга солинган кўрпачалар устида ётипти. Камолиддин, Сафарбой, шайх Аъзамлар туришипти, Камолиддин шайхнинг пўстинини олиб ўтиб, дарахт шоҳига ташлаб қўйди.

Сафарбой (шайхга). Бу одам нега келди? Нияти нима, ўзи ким?

Аъзам. Уликларга текканини айтмайсизми?

Сафарбой. Бу одамнинг нияти ёмон!

Камолиддин. Хавfli одам, хатарли одам!

Сафарбой. Битлиқи ит!

Шайх аста гавдасини кўтаради.

Иккинчи планда: ҳовлига Мулла Назир киради.

Шайх (*атрофдагиларга*). Сиз ўзингиз кимсиз? Нега аккилайсиз? Сиз қишлоқнинг хўжайинисиз! Каллангизни ишлатинг!.. Боринг!

Ўўталади. Камолиддин Сафарбойни ва Аъзамни кузатиб чиқиб кетади.

Мулла Назир шайхга яқинлашади.

Шайх (*ўзига ўзи*). Сира исина олмаепман!

Мулла Назир ўтиб пўстинни олади ва шайхнинг устига ёпади.

Шайх (*ўпка билан*). Бугун кечаси билан қаерларда юрдингиз?

Мулла Назир. Мозорда ибодат қилдим.

Шайх. Мушкул пайтларда ибодат эмас, ҳаракат даркор. Бугун-эрта худо мени ўз даргоҳига чақирса, менсиз ҳолингиз не кечади? Бир ялангоёқ муртад қишлоққа ҳукм-фармою, сиз мазордан чиқмайсиз!

Мулла Назир бу гапларга бепарво турипти.

Мулла Назир. Мен ҳозир отамни учратдим.

Шайх гавдасини кўтаради. Унинг кўзларида ваҳима; қишлоққа Мақсуд келганини билади у.

Шайх. У сизни кўрдими?

Мулла Назир (*бошини қуйи солиб*). Отам мени танимади.

Шайх. Отам, дедингизми? Е, олло! Мен эса муқаддас урфу одатларимизни тарк этиб, бир қорача боласини ўз мартабамга кўтарибман. (*У тескари ўғирилади*). Сиздан бошқа одам бўлса бир умрга мандан миннатдор бўлар эди.

Мулла Назир. Кечиринг мени, падари бузрукворим!

У югуриб келиб тиз чўқади ва шайхнинг қўлини ўпади.

\* \* \*

Қабристон. Узоқда — тоғлар кўриниши.

Иккита янги қабр атрофида бир неча деҳқонлар ўтиришипти. Улар орасида Мақсуд, Акбаралилар бор.

Мақсуд. Мулла ҳамон келмади.

У ўрнидан туради.

Мақсуд (*дуо ўрнига нутқ сўзлайди*). Биз, тириклар ўликларнинг кўзини бекитамиз... аммо ўликлар, олам-

дан кетаётиб, биз тирикларнинг кўзини очиб кетади. Кўзларингизни очинг, мусулмонлар! Биз қадрдонларимизнинг танасинигина эмас, қишлоғимизнинг жигарпорасини ер бағрига қўйдик. Ҳаётимизда нимаики муҳайё бўлса...

Иккита ўғил бола Мақсуднинг гапларига қулоқ солмоқда. Бир чеккада осилганларнинг болалари.

Мақсуд гапини давом эттиради.

Мақсуд. Шуларнинг билаг и яратган. Шуларнинг билаг и бизга нон, нозу неъматлар, бола-чақаларимизга бошпана ҳада қилган. Ҳаёт шарбати оққан ариқлар шуларнинг ҳиммати билан қазилган. Улар очган йўллاردан одамлар бахт ахтариб кетадилар ва оламнинг донишмандлигини елкалаб қишлоғимизга қайтадилар... Бундай кишилар — оламнинг зийнати. Улар — халқнинг давлати, уларнинг жонига қасд қилганлар... (У икки қабр ўртасида тўхтади ва давом этади) халқ қўлидан жазо тортишлари муқаррар! Тупроғингиз энгил бўлсин! Омин!

Ҳамма ўтирганлар қўл очиб фотиҳа қилишади.

О в о з л а р . Омин! Омин!



Шайх ҳовлиси. Ҳовлидаги тош устида елкасига пўстин ташлаган шайх ва унинг ёнида пастда Мулла Назир бошини қуйи солиб ўтирибди. Шайхнинг қўлида ҳасса ва иккинчи қўлини Мулла Назир елкасига қўйган.

Шайх. Отангиз Мақсуд билан учрашувингиз муқаррар.

Мулла Назир бошини кўтариб, шайхга қарайди.

Мулла Назир. Кофирни кўришга тоқатим йўқ!

Шайх. Кўришишингиз зарур... Атрофингиздаги одамларни кўриб турибсиз. Камолиддин, Сафарбойга ўхшаш тўпослар, одамларни фақат дўқ-пўписа билан ўз йўлига солишни билади, холос. Аммо замона энди бошқа. Ақл, тадбир керак. Бунга фақат сиз қобилсиз, ўғлим!

Шайх Мулла Назирга тикилади. Мулла Назир шайхнинг гапига чин ихлос билан қулоқ солиб ўтирибди.

Шайх. Лекин у билан баҳслаша кўрманг. Мақсуд — Раҳмонқул эмас. Орангизни бузманг.

Мулла Назир (ялт этиб Аббосга қарайди). Мақсуд билан қандай иттифоқ бўлиш мумкин?!.

Узоқда тоғлар манзараси.

Мақсуд тўнка устида ўтирибди.

На з и р. (Овози). Нима учун мени чақирдингиз?

Мақсуд ўгирилиб қарайди ва ўрнидан туриб, овоз келган томонга юради.

Мақсуд. Одамлар сиздан мамнун, Мулла Назир. Сиз одамларга яхшилик қиласиз. Агар иккаламиз бир ёқадан бош чиқарсак кўп иш қила оламиз.

Кадрда Мулла Назир пайдо бўлади. Унинг қўлида қуръон ва тасбеҳ.

Мулла Назир. Сиз билан менинг йўлимиз бошқа-бошқа.

Мақсуд. Низодан одамларни тоқати тоқ бўлди. Ҳозир одам қонидан беқадрроқ нарса йўқ... Сиз билан биздан лозимки...

У Мулла Назирга тикилганича жим қолади.

Мулла Назир ҳам Мақсудга тикилиб турибди.

Мақсуд Мулла Назирни танийди ва ўғли Ҳакимжондан жудо бўлган вақтини эслайди:

Экранга йиглаб турган Ҳакимжоннинг сурати чиқиб келади.

Экранга кадрнинг чап томонидан чўпиб келаётган Ҳакимжоннинг сурати чиқиб келади.

Кадр орқасидан — Ҳакимжоннинг: «Дада-а-а-а!» деб қичқирган овози.

Мақсуд Мулла Назирга тикилганича қотиб қолди.

Мақсуд. Сенинг исминг нима?

Мулла Назир (юзини четга ўгириб). Назир.

Мақсуд тикилганича Мулла Назирга яқинлашади.

Мақсуд Мулла Назирнинг олдидан ўтиб тўхтайтиди.

Мақсуд ва Назир... Орқада, ёнма-ён кўкариб барқ уриб турган икки дарахт.

Мақсуд. Нега яширасан, танидинг!.. Омонмисан, Ҳакимжон!

У Мулла Назирга яқинлашиб, қучоқлашиб кўришмоқчи бўлади. Аммо Мулла Назир совуққонлик билан ўзини нари олади.

Назир. Менинг исмим — Мулла Назир!

Мақсуд ундан ўгирилиб, узоқлашиб тўхтайтиди.

Мақсуд. Шайх Аббос исмингни ҳам ўзгартирипти...

Мен бир умр сени изладим. Ҳамиша дилимда сен билан жангга кирдим. Қамоқда ҳам сени ўйладим.

Мулла Назир. Мен ҳам бошимизга тушган кулфатнинг боисини топмоқ учун... минглаб саҳифалар устида кўз нуримни тўқдим, одамларни гадолик қаърига отган нима? Одамлар нима учун низо қилишади? Ким уларни разолат зиндонидан ёруғ дунёга олиб чиқади? Мен бу кучни топдим.

Мақсуд. Худоми?

Мулла Назир. Балли! Сиз одамларни худодан юз ўгиртирмоқчисиз. Мен сизни танимайман, танишни ҳам истамайман!

Мақсуд ўгирилиб Мулла Назирга қарайди.

Мақсуд. Бекор гап!

У Мулла Назир томонга юра бошлайди.

Мақсуд. Ахир кеча сен биз билан ҳамфикр эдинг-ку! *(Мулла Назир олдида тўхтади, Назирга тикилиб.)* Сен Раҳмонқулни енгмоқчи бўлдинг. Демак, сен одамларга бахт-саодат тилайсан. Агар инкаламиз бир бўлсак, қишлоққа тинчлик ҳадя қила оламиз.

Мулла Назир *(бунга бепарво, четга қараганича)*. Халқ тақдири фақат худо қўлида. Биз хазонмиз. Тупроқмиз. Фақат, парвардигоргина абадийдир.

Мақсуд. Аммо одамлар сув келтиради... *(Уфқларга қараб аста олдинга юради.)* Тупроқ боғ бўлади. Атрофингга боқ! Буларнинг ҳаммаси инсоннинг меҳнати, ақли билан яратилган.

Мулла Назир. Наҳотки худонинг ишлари ақлга зид?

Мақсуд. Ахир, халқлар орасидаги низо ўша худо туфайли бунёдга келган эмасми? Ахир одамларни қул қилаётган нарса ҳам ўша худога итоат эмасми? Ахир сен билан мени савоб иш қилишимизга ҳозир тўсиқ бўлиб турган нарса ҳам ўша худо эмасми?

Мулла Назир *(кескинлик билан тескари бурилиб)*. Худонинг иродасини тушунишга бандаси ожиз!

Мақсуд. Минг йиллардан бери муллалар фақат шу гапни айтишади. Аммо бизга ҳаётни тузмоқ, ҳозир курмоқ керак, Ҳакимжон!

Мулла Назир *(ўша кескинлик билан)*. Менинг исмим Мулла Назир!

Мақсуд. Шайх Аббос қалбингни тошга айлантириб қўйипти... *(У Мулла Назирдан узоқлашади ва давом эт-*

тиради). Миянг қабрга тикилган жинчиروقдай буруқсайди, холос! (Уфқларга қараб ишонч билан.) Ҳаёт эса инсон учун олишмоқ экан. Ҳар куни бир жумбоқ қўяди ва жавоб талаб этади.

Ўртага сукунат чўкади. Узоқдан азон овози эшитилади.

Мақсуд (Мулла Назир томонга ўгирилиб). Энди кетаверсангиз ҳам бўлади, Мулла Назир.

Мақсуд майдондан чиқиб кетади.

Мулла Назир ҳам бурилиб бошқа томонга кета бошлайди.

Бизнинг кўз олдимизда, осмон фонида барқ уриб кўкариб турган дарахтларгина қолади.

Мулла Назир масжид ичига кириб келмоқда. Тўғрида авлиё мазори олдида оқ кийим кийган бир мулла қуръон ўқимоқда. Мазор эшиги тагида бир чол бошини остонага уриб:

— Ё пирим, ё мадаккорим!— деб авлиё мазорига сизгинамоқда.

Паранжисига ўралиб ўтирган хотинлар, ўтиб турган мурид, муллаваччалар. Биз ўқиладиган қуръон ва мазорга сизгинаётган чол овозини эшитамиз:

— Пирим! Раҳмингиз келсин, пирим!

Мулла Назир хаёлчан. У отаси билан бўлган учрашувни ва унинг айтган сўзларини эслаб келмоқда.

Мақсуд (кадр орқасидан овози). Ҳаёт эса инсон учун олишмоқ экан, ҳар кун бир жумбоқ қўяди ва жавоб талаб этади.

Мулла Назир тўхтади ва бир нарсага тикилиб қолди. Масжид ҳовлисидан бир деҳқон ўлик ёш боласини кўтариб ўтмоқда. Намозга келган кишилар тўп-тўп бўлишиб туришипти. Ўлик кўтарган деҳқон улар ёнидан ўтиб кетади. Мулла Назир уларни кузатиб қолиб, йўлида давом этади.

Мулла Назир (кадр орқасидан овози). Ёш бола ҳаётдан маҳрум этилган! Наҳотки худднинг ишлари ақлга зид?

Мулла Назир одамлар орасидан ўтиб, намоз ўқиш учун масжид томонга кетмоқда. Тўпланганлар орасида Сафарбой ва бошқа бойлар бор. Улар таъзим билан йўл бериб, Мулла Назирнинг кетидан масжид ичига кириб кетишмоқда.

Мулла Назир қулоғида Мақсуднинг овози жаранглай-

ди: «Ахир одамларни қул қилаётган нарса ҳам ўша худогача итоат эмасми?»

Мулла Назир масжид ичига кириб кетади.

\* \* \*

Мулла Назир масжид ичида. У олдинга, ўз намоз ўқийдиган жойига — меҳроб томонга кетмоқда.

Унинг қулоғида ҳамон Мақсуднинг овози: «Ахир халқлар орасидаги низо ҳам ўша худо туфайли бунёдга келган эмасми?»

Мулла Назир олдинга ўтиб ўз жойига тиз чўкиб ўтиради. Унинг хаёлида ҳамон Мақсуд сўзлари: «Ахир сен билан мени савоб иш қилишимизга ҳозир тўсиқ бўлиб турган нарса ҳам худо эмасми?»

Кирган одамлар ҳам жой-жойига ўтирадилар. Мулла Назирдан кейин биринчи қаторда Аъзам, Сафарбой ва бошқа бойлар. Сўфи намоз бошланганидан дарак беради. Мулла Назир ва унинг кетидан ҳамма ўрнидан туради.

Мулла Назир (намозни бошлайди). Оллоҳу акбар!

Ҳамма унинг ҳаракатларини қайтаради.

Овозлар. Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!

Мулла Назир. Оллоҳу акбар! (Эгилади). Сами оллоҳу вал ҳа мида (ўрнидан туради). Оллоҳу акбар!

Тиз чўкиб ерга бош қўяди. Ҳамма унинг ҳаракатларини қайтаради.

\* \* \*

Акбарали ҳовлиси. Замира хиргойи қилиб, арқонга осилган қирларни йиғиштирмоқда. Бирдан қирлар орқасидан Азим кўтарилади. Замира ҳайрон бўлиб туриб қолади.

Азим. Хўш, энди нима қиламиз? Мен билан кетсанми?

Замира. Йўқ.

У олдинга юради.

Азим. Уйлаб кўраман, девдинг-ку?

Арқоннинг бир ёғида Замира ва бошқа ёғида Азим.

Замира. Нега қайтиб келдинг?

Азим. Сени опкетгани...



Замира. Қай гўрда юрувдинг? Яна Раҳмонқулнинг олдига боргандирсан-а?

Азим. Йўқ... Юрувдим... Шу ўртада.

Замира (заҳарханда билан). Қанақа бетайин одамсан-а?.. Нега Мақсуд акага қўшилмайсан?

Азим унинг йўлини тўсиб чиқади.

Азим (эҳтиёткорлик билан секин). Бу ердан тезроқ қочиш керак.

Замира. Сабаб?

Азим. Сабабини айтолмайман.

Замира. Ҳм... алдаяпсан-а? Мени опкетмоқчи бўлиб, кўрқитяпсан.

Замира ўнг томонга юради. Азим ҳам унинг ёнига келади.

Азим (жаҳл билан). Ўша муллаваччангни ташлаб кетгинг келмаяптими?

Замира. Бекор гап!.. Мақсуд ака мени ота-онамни олдига обормоқчи.

Азим. Мақсуд аканг эрта-индин дорга осилади.

Замира. Раҳмонқул яна қайтиб келадими?

Азим. Нега мунча суриштирасан, жиғимга тегиб?.. Кетасанми ёки йўқ?

Замира нари кетади. Азим унинг орқасидан қараб қолади.

\* \* \*

Масжид.

Намоз давом этмоқда. Мулла Назир овози: «Оллоҳу акбар».

Овозлар. Оллоҳу акбар!

Ҳамма тиз чўкиб ерга бош қўяди (сажда).

Намоз давом этмоқда.

Мулла Назир овози:

— Оллоҳу акбар!

Овоз: Оллоҳу акбар!

Намозхонлар индамай, жим, пичирлаб ибодат қиладилар. Уларнинг ихлос ва орзуларини ифода этиб, кадр орқасида хор бошланади.

Намозхонлар эгилишиб, тиз чўкиб намозни давом эттиришмоқда.

Мулла Назир овози:

— Оллоҳу акбар!

О в о з:

— Оллоҳу акбар!

Учта деҳқон намоз ўқишмоқда.

Хор тўхтади.

Ҳамма динларнинг бир эканининг тимсоли ўлароқ, кутилмаганда черков кўнгироқлари жаранги эшитилади.

Бир чол намоз ўқимоқда.

Арабча сўзлар — дуо — эшитилади.

Уч киши намоз ўқимоқда. Дуо тугайди. Христианлар ибодати (хор) эшитилади.

Бўш жойнамоз. Аввал икки қўл ва кейин бош ерга тегади. Яна кўтарилади. Жойнамоз яна бўш қолади.

Намозхонлар меҳроб ёнида. Тўғрида одам қаторлари орасида Мулла Назир кўринади. У намозни тугатади.

Христианлар хори ҳам тўхтади.

Мулла Назир (бошини чапга буриб). Ассалому алайкум, вараҳматулло, (ўнга буриб) ассалому алайкум, вараҳматулло!

О в о з: Омин!

Мулла Назир. Облоҳу акбар!

О в о з. Облоҳу акбар!

Намоз тамом бўлди.

Кутилмаганда Мақсуд овози эшитилади.

Мақсуд. Ассалому алайкум, биродарлар!

Ҳамма орқага ўгирилиб қарайди.

Остона олдида Мақсуд турибди.

Мулла Назир ўрнидан туриб Мақсуд томон ўгирилади.

Мулла Назир Мақсудга қарайди ва ундан юзини ўгноади.

Ўтирганлар ўртасидан Сафарбой туради.

Сафар. Мусулмонлар! Бу — худодан қайтган (Мақсудни кўрсатади).

О в о з. Бу аблаҳни масжиддан ҳайдаш керак.

Шайх Аъзам (ўрнидан туриб Мақсудга яқинлашади). Масжидга киришга ким рухсат берди сенга, аблаҳ! Йўқол, бу ердан!

Ҳар қаердан овозлар:

— Бу — махов!

— Муқаддас жойни ҳаром қилади!

— Чик, бу ердан!

— Жўна бу ердан, итвачча!

Мақсуд (кулимсираб). Масжидни муқаддас дейсиз-

лару, буни ўзлариз бозорга айлантирвордиларинг. Нега бақирасизлар! Ҳадларингдан ошманглар.

Кўр чол (одамлар орасидан). Жамоат! Бу одамнинг нияти яхшига ўхшаб қолди. Қани, эшитайлик-чи...

У қулоқ солмоқчи бўлиб бошини Мақсуд томонга буради.

Овозлар: Қани, гапирсин... Эшитайлик-чи... Майли, гапирсан.

Шайх Аъзам, Сафарбой, бойлар, бойваччалар саросимада. Улар нима қилишни билмай Сафарбойга қарайдилар. Сафарбой аста юриб масжиддан чиқиб кетади. Унинг кетидан ҳамма бой-бойваччалар эргашади. Мақсудга улар нафрат билан қараб ўтмоқдалар.

Мақсуд уларни кузатиб, секин олдинга юрди. Масжидда фақат камбағаллар қолган. Мулла Назир ўз жойида кимираётмай турипти.

Мақсуд. Биродарлар! Алғов-далғов замон ҳаммамизнинг жонимизга тегди. Лекин тинчликни биров бизга дастурхон қилиб опкелмайди. Кеча Раҳмонқул сизни хўкиз депти. Одам эканлигингизни кўрсатинг. Ер-сувингиз, бола-чақаларингизни ҳимоя қилишни ўрганинг... Мен сизларга ёрдам берай.

Деҳқон. У баччагар яна қайтиб келса, унда нима қиламиз?

Мақсуд. Ундами? Нима қилардик? Хўкизлар тирқираб кетади-ю, одамлар уни думини тугиб, белига тепади.

Атрофда кулги.

Деҳқон. Уни белига тепадиган нарса топилармикин?

Мақсуд. Топилади.

Кўр чол (ўрнидан туради). Мулла Назир, бунга нима дейдилар?

Мулла Назир индамай тасбеҳ ўгирмоқда. Унинг қўли тасбеҳ доналарини битта-битта тушириб турипти. Шиқиллаб тушаётган тасбеҳ доналарининг овози.

Мақсуд Мулла Назирга тикилиб турипти. Ундан жавоб чиқмагач, у одамларга қарайди. Кўр чол унинг олди-дан ўтиб, масжиддан чиқиб кетмоқда. Ҳамма унинг кетидан эргашади. Мақсуд чиқиб кетаётганларни безовталик билан кузатиб қолади. Масжидда фақат Мақсуд ва Мулла Назир қолади. Мақсуд Мулла Назир томонга ўгирилади. Мулла Назир тескари қараб турипти.

Тасбеҳ доналари ялтираб битта-битта тушмоқда. Жимликни фақат шик-шиқ этиб тушаётган тасбеҳ товуши бузади.

Мақсуд индамай Мулла Назирдан узоқлашади ва тўхтаб Мулла Назир томонга қайрилади.

Мақсуд. Нега сен халқ билан мени орамга тўсиқ бўляпсан? Каллакесарлар яна қайтиб келса унда нима қиласан?

Мулла Назир. Барингиз бир эмасми? Раҳмонқул ҳукмронлик талашяпти, сизларнинг ҳам ғаразингиз ҳукмронлик. Фақат парвардигоргина халқ тақдирини ҳал этишга қодир ва ҳақли.

Мақсуд (*унга яқинлаша туриб*). Нечун парвардигорнинг халқ билан доимо орага зўравонларни қўйиб гаплашади? (*Тўхтаб.*) Зўравонлар эса ўз ҳузурини кўзлайди.

Мулла Назир (*Мақсуд томонга қараб*). Бу аҳволни ўзгартиришга ким қодир?

Мақсуд. Одамлар! Кеча сени ўлимдан қутқарган ҳам одамлар!

Мулла Назир аста юриб Мақсуддан узоқлашади.

Мулла Назир (*минбарга кўтарила бошлайди. У минбар зинасидан Мақсудга қараб*). Кеча мени ўлимдан худо қутқарди.

Мақсуд. Ундай бўлса Раҳмонқулни ҳам худо қутқарган бўлади. Мақсади?

Мулла Назир (*минбарда турган ҳассани олиб кескин бурилади. Ғазаб билан*). Ҳаддингдан ошма, бандаи ношукур! Сен муқаддас жойда турибсан!

Мақсуд тезда масжиддан чиқиб кетади. Мулла Назир минбар устида унинг орқасидан қараб қолади.

\* \* \*

Мақсуд масжид ичидан чиқиб келмоқда. Масжид ҳовлисида уни бир неча деҳқонлар кутиб олишади.

Акбарали. Мақсуд ака!

Деҳқон. Ассалому алайкум!

Мақсуд. Ҳорманг, дўстларим!

Деҳқонлар уни ўраб олишади.

Овозлар. Саломат бўлинг!

Мақсуд (*эслаб*). Анави доврўғи кетган йигитимиз, Азим қани?

А к б а р а л и. Қочипти.  
Ма қ с у д. Қочипти? Оббо ҳўкизвой-ей!  
Деҳқонлар куладилар.

\* \* \*

Авлиё мозорининг ичида. Қоронғи қабр устидаги тош-  
да шамлар ёниб, мозор ичини хира ёритиб турипти.

Мулла Назир қабр ёнида чўзилиб ётипти.

Қабр устидаги шамлар ёниб турипти.

Кадр орқасидан Мақсуд овози.

Ма қ с у д. Ҳақимжон!

Мулла Назир бошини кўтаради ва овоз келаётган то-  
монни қидириб орқасига қарайди.

Ма қ с у д (овози). Шайх Аббос қалбингни тошга ай-  
лантриб кўйипти. Миянг мозорга тикилган жинчироқ-  
дай буруқсайди, холос!

Икки-уч ёниқ-ёниқ шам ўртасида Мулла Назирнинг  
тер босган юзи.

Ма қ с у д (овози). Ахир халқлар орасидаги низо...

Мулла Назир ялт этиб, юқорига қарайди.

Мозор деворида ўзининг соясини кўради.

Мақсуд (овози) ...Уша худо туфайли эмасми?

Мулла Назир соясига тикилиб қолади. Кадр орқаси-  
дан Мақсуд овози.

Ма қ с у д. Одамларни қул қилган нарса...

Мулла Назир овозини қидириб чапга қарайди. Кадр-  
да одам қўлларининг соялари.

Ма қ с у д (овози)... Худога итоат эмасми?..

Мулла Назир саросимада бошқа томонга қарайди.

Мақсуд (овози). Иккаламизнинг орамизга адоват  
соптурган...

Якка шам ёниб турипти. Деворда салиб (крест)нинг  
соясн. У аста ғойиб бўлади.

Ма қ с у д (овози) ...Ҳам худо эмасми?..

Иккита ёниб турган шам орасида Мулла Назирнинг  
тер босган, даҳшат тўла юзи.

Ма қ с у д (овози). Ҳақимжон!

Му л л а Наз и р (овози). Менинг исмим Мулла  
Назир!

Қоронғиликдан бир, икки, ўнлаб, юзлаб ёниб турган  
шамлар чиқиб кела бошлайди.

Ма қ с у д (овози). Ҳақимжон!

Мулла Назир (овози). Мулла Назир!

Мақсуд (овози). Ҳакимжон!

Мулла Назир (овози). Мулла Назир!

Мақсуд (овози). Ҳакимжон, Ҳакимжон!

Шамлар сони борган сари кўпаяди. Икки шам орасидаги Мулла Назирнинг тер босган юзи. Унинг кўзлари олдида...

... Кўпайиб бораётган шамлар орасидан Шайх Аббос кўринади ва кадрдан чап томонга ўтади.

Шайх Аббос (овози). Мен сизни лойдан кўтардим!

Шайх ғойиб бўлади. Унинг ўрнига юзларини очиб Замира чиқиб келади ва кадрдан ўнг томонга ўтади.

Замира (овози). Йўқ, дийдоримга тўйиб олсин, муллакам!

Замира ғойиб бўлади.

Шамлар орасидан Мақсуд чиқиб келади.

Мақсуд (овози). Нега худо орага зўравонларни қўяди?.. Лолсан!..

Мақсуд ғойиб бўлади ва кадр орқасидан унинг овози эшитилади:

— Лолсан! Лолсан! Лолсан!..

Бизнинг кўз олдимизда ёниб турган шамларнинг ўзгича қолади.

Мулла Назир юқорига қараганича ўтирибди. Кадр орқасидан ҳамон Мақсуд овози:

— Лолсан! Лолсан! Лолсан!..

Мулла Назир кўзларини чирт юмиб, қулоғини икки қўли билан бекитади.

• • •

Шайх уйининг айвони.

Айвонга Шайх Аббос ва Камолиддин келишмоқда. Шайх жуда мажолсиз, қийналиб, ҳассага таяниб зўр-ба-зўр келмоқда. Камолиддин шайхнинг бир томонидан қўлтиқлаб олган.

Камолиддин. Мулла Назир масжидда Мақсудга ён босмади...

Шайх. Мулла Назир!.. (йўғалади). Назир!.. (Тўхтайтиди ва қўлини Камолиддиннинг елкасига қўяди). Э-Э... Сен бу нарсани тушунмайсан... Сен фарзандсиз ўтдинг... Ўғил катта қилишу кейин ундан жудо бўлиш нима?..

(Шайх Камолиддин елкасидан қўлини олади ва икки қўли билан ҳассасига таяниб давом этади). Сен сира буни билмайсан.

Шайх аста юриб, зина олдига келади ва тўхтайтиди. Камолиддин зинага тушиб шайхга ёрдам бермоқчи.

Улар узоқда кимнидир кўриб, бир оз жим қоладилар.

Шайх (масжид ҳовлисига қараб). Йўқ... Тоқатим йўқ! (Орқасига қайтди.) Турқи қуриб кетсин уш!

Камолиддин унинг ёнига келади.

Шайх (унга қараб). Мен у билан гаплашолмайман. Тоқатим йўқ!

Камолиддин таъзим қилиб зинадан тушади ва масжид ҳовлисига чиқиб кетади.

Масжиднинг бўм-бўш ҳовлисида Мақсуд шайхни кутиб турибди. У тоқатсиз. Аммо шайх пайдо бўлмади.

\* \* \*

Чойхона. Кечаси.

Чойхоначи қўлидан чойнак ва пиёла олиб бола юради. У билан камера чапга панорама қилмоқда. Азим зинадан чойхонанинг иккинчи қаватига кўтарилмоқда. Мана у болохонага кўтарилди, атрофга қаради. Келиб ўтирди. Бола чойнак ва пиёлани Азимнинг олдига қўйиб кетади.

Бир чеккада машшоқ танбур чалмоқда. Азим ёнида ўтирган одамларнинг бошлари устидан чойхонанинг нариги чеккасига қараб-қараб қўйиб, пиёлага чой қуя бошлайди.

Чойхонанинг бир чеккасида, устунда ёниб турган фонус тагида Мақсуд, Акбарали, Аҳмад, Умарлар чой ичишиб ўтиришипти. Мақсуд кулимсираб Азим томонга қарайди. Камера Мақсудга яқинлашади. У узатилган пиёлани олиб Азимга тикилганича ўтирипти.

Чой ича туриб Азим Мақсуднинг тикилиб турганини кўриб қолади. Пиёлани ерга қўйиб, ўрнидан туради ва одамлар орасидан ўтиб Мақсудлар ўтирган томон юради. Азим бориб Мақсуд ёнига ўтиради. Мақсуд ўзига узатилган пиёлани Азимга узатади. Ҳаммалари унга қарашади.

Азим пиёлани олади ва бир ҳўплаб ичиб Мақсуд томонга кулимсираб қарайди. Мақсуд ҳам мамнун. Шу ондан бошлаб йнгит уники.

Қишлоққа қоронғи тушган.

\* \* \*

Қишлоқ ва узоқдаги тоғлар гира-шира кўринади.

Қоронғи кўчада Мақсуд, Акбарали ва уларнинг ҳамроҳлари келишмоқда. Акбарали эшигн олдига келганда тўхтайди ва Мақсудни ичкарига таклиф этади.

Акбарали. Қани!

Эшикдан Ойгул чиқиб келади.

Мақсуд. Салом алайкум, Ойгул!

Ойгул (юзини Мақсуддан бекитиб). Ваалайкум ас-салом... Сизни биров кутяпти, нозик меҳмон.

У Акбаралига қараб ҳовлига кириб кетади.

Мақсуд (тортиниб турган меҳмонларга). Кираверинглар!

Акбарали (деҳқонларга). Қани!

Ҳаммалари ҳовлига киришади.

Мақсуд. Тезроқ юринглар.

Ойгул (Мақсудга). Меҳмон ёлғиз ўзингиз билан гаплашмоқчи.

Мақсуд (ҳамроҳларига). Шу ерда ўтира туринглар бирпас...

Азим. Хўп бўлади.

Мақсуд ичкарига кириб кетади.

Акбарали. Ойгул, чойнак опчиқ... Қани, бу ёққа...

Деҳқонлар бориб ўчоқда қайнаб турган чойдиш атрофига ўтиришади.

\* \* \*

Акбаралининг пастаккина уйи. Устунда жинчиरोқ ёниб турибди. Бу ерда ҳаяжон билан Мақсудни кутаётган Камолиддин уй ичидан эшикка қараб жилади.

Эшик очилиб Мақсуд кўринади.

Камолиддин. Ассалому алайкум!

Мақсуд. Ваалайкум ассалом!

Камолиддин (таъзим билан). Бюрсинлар...

Мақсуд уйга киради. Эшикни эҳтиётлик билан қаттиқ ёпиб, Камолиддин унинг орқасидан келади.

Камолиддин келиб бир тугун олдида тўхтайди ва ўтириб уни очади. Биз юмалоқ бир патнис тўла тилла, қимматбаҳо нарсаларни кўрамиз. Камолиддин буларни Мақсудга кўрсатади.

Мақсуд. Бу нима?



Камолиддин (тиллаларни қўли билан шопириб сочиб). Буми? Роҳат! Давлат! Мен бунга етишиш учун бутун умрим разолат ва ҳақоратда ўтди. Аммо орзумга етолмадим. Сиз эса бунга бир кунда эга бўляпсиз. Омадингиздан ўргилай!

Мақсуд (Камолиддинга истеҳзо билан қараб). Бунинг эвазига мен фақат қишлоқдан кетсам бас. Шундайми?

Камолиддин. Ҳе-ҳе... Азонгача тура турай десангиз, рухсат.

Мақсуд (бориб эшикни очиб ташқарига). Оғайнилар! Бу ёққа келинглар.

Камолиддин (чўчиб). Нима қилмоқчисиз?

У шошиб-пишиб сочилган тиллаларни йиға бошлайди.

Уйга Акбарали, унинг болалари, Ойгул, Замира, Азим ва деҳқонлар кириб келишади. Улар патнисдаги тиллани кўриб лол бўлиб қолишади.

Мақсуд. Қишлоғимизда от-улоқсиз қанча хўжалик бор?

Акбарали (ёқасини ушлаб, тилладан кўзини узмай). Кўп... Умрзоқ, Тоштемир, Жўра, Ҳошим...

Мақсуд. Ҳаммасига етади.

Камолиддин (тиллани гавдаси билан бекитиб Мақсудга ғазаб билан). Сиз ақлингиздан тойибсиз!

Мақсуд унга яқинлашади.

Мақсуд. Бу — уларнинг пешона тери билан бунёдга келган... Йўқол кўзимдан!

Камолиддин (ўрнидан туриб эшикка бора бошлайди. У Мақсудга). Ҳамоқат!

Ерда ўтирган болани тепиб йиғлатиб чиқиб кетади.

Акбарали. Падарингга лаънат!

Ойгул (Камолиддин орқасидан). Оёгинг синсин, илойим!

У йиғлаётган укасини кўтариб олади. Мақсуд Ойгул қўлидан йиғлаётган болани олади.

Мақсуд. Қани, менга беринг-чи, оббо азамат-ей! Ҳе-ҳе!.. (Деҳқонларга). Эртага шаҳарга тушиб, от олиб чиқасизлар.

Овозлар. Хўп бўлади, худо хоҳласа.

Мақсуд (болани эркалатиб). Оббо шер йингит-ей... (Тиллаларга қараб давом этади). Шайх Аббос, ҳимматингга минг раҳмат, а?

Деҳқонлар кулишади.

Мақсуд (яланғоч болани тиллалар устига ўтқавди). Қани ўтир, қишлоқ шўросининг биринчи хазиначиси!

Кулги. Бола қўлига тушган қимматбаҳо нарсани олиб ўйнай бошлайди. Атрофда яна ҳам қаттиқроқ кулги.

\* \* \*

Мозор. Ҳамма ёқ қоронги.

Тунги қушларнинг ёқимсиз товушлари. У ер-бу ерда қабрлар устида шамлар ёниб турипти. Бир салобатли қабр устида Шайх Аббос тўхтади. Шайх Аббос ҳассасига таяниб жим қолади, у жуда хаёлчан.

Аббос (кадр орқасидан овози-ўйлари). Шундай туҳфадан воз кечган одам даҳшатли одам! Унинг қудрати ҳеч бир зотта йўқ... Шундай қилмай не иложим бор эди? Унинг қишлоқдан кетиши ўлимидан минг марта ортиқ.

Қандайдир шарпани сезиб орқага ўгирилади.

Шайх. Кимсан?

Раҳмонқулнинг чопари кўринади. У шайх олдига эмак-лаб яқинлашади.

Чопар. Шайхим, шайхим! Мени Раҳмонқул юборди.

Шайх. Хўш, гапир!

Чопар. Душманлар қишлоқ йўлини тўсиб олишди. Раҳмонқул тоғ ошиб келяпти. Йўл жуда тайғоқ... Фақат қоронгида юриб келяпмиз. Чидам билан кутсин, деди. Улсам ҳам қишлоққа етиб бораман, деди.

Шайх. Менга ўлиги керак эмас. Йўқол!

Чопар чиқиб кетади. Шайх жаҳл билан ўрнидан туради.

Шайх (қўлидаги ҳассани улоқтириб ташлаб). Е раббий, менинг гуноҳим нима? Нечун мени сўнги таянчигимдан маҳрум этасан... Менинг гуноҳим нима?

\* \* \*

Қоронғилик.

Қоронғиликда эшик очилади. Мақбара ичида Авлиё қабри устида Мулла Назир ибодат қилмоқда.

Биз унинг орқасидан кўриб турибмиз.

Эшикни очган Замира, у эшик олдида тўхтаб қолади. Мулла Назир ўрнидан туриб, Замирага қарайди.

Мулла Назир Замирага тикилиб турипти.

Мулла Назир (овози-ўйларини эшитамиз). Худо бизни иккинчи бор бир-биримизга дуч этди. Бунинг маъноси не бўлди?

Замира Мулла Назирга аста яқинлашмоқда.

Замира (ўйлари, кадр орқасидан овози). Биз бир-биримиз учун яратилганмиз. Мен ўлимдан қўрқмайман. Уят менга ўлимдан баттар.

Замира Мулла Назир олдида тиз чўқади. Шамлар уларни ёритиб турибди. Мулла Назир Замирандан кўзини узмай, унинг олдида тиз чўқади.

Мулла Назир (овози-ўйлари). Уят? Йўқ, сенинг дийдоринг менга саодат бахш этади.

Улар бир-бирларига тикилиб қолишади. Уларнинг қўллари бир-бирига яқинлашмоқда.

Мулла Назирнинг қўллари Замиранинг қўлларини маҳкам ушлаб ўзига тортади.

Мулла Назир ва Замира кўзларини узмай бир-бирларига қараб ўтиришипти.

Яна уларнинг қўллари.

Мулла Назир (овози-ўйлари). Йўқ, йўқ!..

Мулла Назир қўлларини шартта тортиб олади.

Мулла Назир сапчиб ўрнидан туради ва Замирандан узоқлашади. Замира ўтирганича қолади.

Мулла Назир (овози-ўйлари). Одам бир вақтда ҳам худо йўлидан, ҳам бандаси йўлидан боролмайди!

Мулла Назир орқасини ўгириб турибди. Замира туриб унинг олдига келади.

Замира. Энди қандай ҳаёт кечирасиз?

Мулла Назир (ундан юзини ўгириб). Бунинг фақат парвардигор билади.

Замира (унга яқинлашиб). Қочайлик бу ердан. Раҳмонқул сизни ўлдирмасдан қўймайди.

Мулла Назир бошини деворга тираб кўзларини юмади.

Мулла Назир. Ҳар ким худо ихтиёр этган ажал билан ўлади.

Замира аввал унинг кўксига бошини қўйиб, кейин аста тиз чўкиб, оёғига йиқилади.

Замира (йиғлаб). Ташламанг мени! Раҳмингиз келсин, мен сиздан жудо бўлолмайман.

Мулла Назир инсоний ҳислар занжирини узиб, улоқтириб ташлагандек ҳушёр тортади.

Мулла Назир (тавба оҳангда). Худо сақласин! Худо сақласин!

У телбаларча шивирлаб мақбарадан отилиб чиқиб кетади.

Мулла Назир дарахтлар орасидан ёқасини ушлаб тез ўтиб бормоқда.

Мулла Назир. Мени кечир, парвардигор! Кечир, парвардигор!

Унинг кўз ўнгидан ўтаётган дарахтлар бир йиқилиб, бир кўтарилаётганга ўхшайди.

\* \* \*

Қоронғилик. Дарахтлар орасидан қора кийимда, юзларигача ўралган уч отлиқ Акбарали ҳовлиси олдига чиқиб келишади. Булар босмачилар. Бирининг қўлида тўппонча ялтираб кўринади.

Замира Мулла Назир олдидан қайтаётиб Акбарали ҳовлисига яқинлашиб келмоқда. Отнинг кишнашини эшитиб у тўхтади. Деворга ёпишиб, ўзини панага олади. Отлиқлардан бири тўппончадан кетма-кет ўқ узади. Ойналарнинг сингани эшитилади.

Замира орқасига қайтиб бузилган девор орқасига ўтиб кетади.

Акбаралининг ҳовлиси. Ўқ овози, ойналарнинг синганидан уйғонган Мақсуд ҳовлида осиглиқ турган чироқ пилигини кўтаради. У бош яланг, эгнида яктак ва бир қўлида тўппончаси бор. У кўчага тикилиб чироқдан узоқлашади.

Акбарали ва уй эшигидан мўралаган Ойгул.

Мақсуд (Акбаралига). Сен болаларга аҳтиёт бўл!

У кўча томонга юради.

Кўчадан отларнинг кишнаши эшитилади.

Мақсуд дарвоза томон бормоқда.

Кўчадан босмачиларнинг овози.

— Мақсуд! Қулоқ сол, уқиб ол! Эртага пешин намозигача қишлоқдан жўнаб кетмасанг...

Уй эшиги олдида қўлида бола кўтарган Ойгул ваҳима билан бу гапларга қулоқ солади.

Босмачининг овози:

— ...Биз сени ўлдирамиз.

Эшикни очиб Мақсуд, унинг кетидан Акбарали чиқадилар. Узоқлашаётган от туёқларининг товуши. Кўчада ҳеч ким йўқ.

Ойгул уй эшигида улар кетидан қараб турипти.

Тонг. Дала. Дарё бўйи.

Мақсуд дарахтлар орасидан бир ўзи кетмоқда. Жўшқин дарё тошларга урилиб оқаётир.

Мақсуд (кадр орқасидан овоз). Эртага сени ўлдиришади, ўлдиришади, ўлдиришади...

Мақсуд дарахтлар орасидан кетмоқда.

Мақсуд (кадр орқасидан овози). Улар мени қишлоқдан кетказишмоқчи, бундан чиқди, улар мендан қўришади.

Дарёнинг шовуллаб, жўшқириб оқиши.

Сафарбой (овози). Пушаймон бўласан ҳали, сурбет махлуқ!..

Мақсуд дарё бўйлаб ўйга толиб бормоқда.

Босмачи (овози). Агар кетмасанг биз сени ўлдирамиз!

Мақсуд (овози). Ўлдиришади, ўлдиришади, ўлдиришади!

Мақсуд йўлида давом этади.

Мақсуд (овози). Менга ҳам жон ширин... Мен бу ерда бахтимни топдим, мен бу ерда ўғлимни топдим.

Шовуллаб оқаётган дарё шарпалари, узоқдан эшитилаётган овозлар: отилган ўқ, синган ойнанинг овози ҳамда узоқлашиб кетаётган отларнинг туёқ товушлари қўшилиб кетади.

Мақсуд ҳамон дарё бўйлаб юриб бормоқда.

Мақсуд (овози). Уларга қолса, мен дўстларимга хиёнат қилсам, жонимни қутқариб қочсам...

Ой нурида милтираб оқаётган дарё юзасидан Мақсуд кўланкаси. У дарё бўйлаб келмоқда.

Мақсуд (овози). Ахир қочиш ўлим билан баробар эмасми?

Мақсуд дарё бўйида тўхтаб, сув устига энгашади.

У сувга бошини бир неча марта чайқаб олиб, кўтарилади. Унинг юзларида табассум пайдо бўлади. У Ойгулни кўради.

Ойгул дарё қирғоғида Мақсудга қараб турибди. У бахтиёрлигидан ўзини боса олмайди. Уялиб бошини эгади. Мақсуд Ойгулга яқинлашади.

Мана улар иккаласи ёнма-ён туришипти. Улар оёғи остида жўшқин дарё оқмоқда.

Кун ёришган.

Ойгулнинг юзи. У жуда бахтиёр. У қувонганидан гир айланмоқда.

Ойгул далада югуриб бормоқда. Тоғлар ва осмон фониди кўм-кўк икки дарахт. Ҳамма ёқ кўкаламзор.

Узоқдан қўлидаги рўмолини ҳилпиратиб Ойгул чопиб келмоқда.

Қўлида бир даста гул кўтарган Ойгул эшикдан ҳовлига кириб келади. Қўлидаги гулларни осмонга отади.

Мана осмон фониди сочилган гуллар Ойгулнинг тепасидан худди ёмғирдай ёғилмоқда. Ҳовлида укалари чопиб келиб Ойгулни қуршаб олишди. Ойгул энг кичик укасини қўлига олиб, тепасига кўтариб ўйнатмоқда.

Шу вақт у Мақсудни кўриб, уялганидан укасини қучоқлаб тескари қараб олади.

Мақсуд Ойгулга табассум билан қараб турибди.

Бирдан унинг юзидидаги табассум йўқолади. У кўча томонга қарайди. Эшик олдида Умар қўлидаги милтиқни Акбаралига зўрлаб ташлаб кетади. Акбарали милтиқни қўлига олиб, унинг кетидан қараб қолади.

Кўча. Эшик олдида милтиқни ушлаган маъюс Акбарали турибди. Эшикдан Мақсуд чиқади. У Акбаралига бир тикилиб олиб, Умар кетган томонга қараб қолади.

Мақсуд (Акбаралига Умар ҳақида). Қўрқиб кетибди-да...

Акбарали. Бола-чақаси кўп... Сиз ҳам қишлоқдан кетинг. Улар айтганларини қилади.

Мақсуд. Ҳозир одамлар йиғиладиган. Ваъда берганман, ер тақсим қиладиганмиз.

Акбарали. Энди деҳқонлар келмайди. Биз иккимиз қолдик. Сизни сақлаёлмаймиз.

Ҳовлидан Ойгул уларнинг гапларига хавотирланиб қулоқ солмоқда.

Мақсуд. Акбар ака! Энди мен қишлоқларингдан ҳам, уяларингдан ҳам кетолмайман.

Ойгул ҳамон уларга қулоқ солиб турибди. Мақсуднинг сўзларини эшитиб, унинг юзидида табассум пайдо бўлади ва уялганидан девор орқасига бекинади.

Бунни сезиб, Акбарали қўл очиб фотиҳа беради.

Акбарали. Бахтларинг ёр бўлсин!

Мақсуд (қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билан). Раҳмат! (Қишлоқ томонга қарайди.) Бугун бозор куними?

Акбарали (ваҳимада). У ёққа бора кўрманг, сизни ўлдиришади!

\* \* \*

Бозор майдони. Томошабинлар давраси. Давра ўрта-сида айиқ ўргатувчи айиққа ҳар хил қилиқлар қилдириб томошабинларнинг миннатдорчилигига сазовар бўлмоқда. Ҳамма ёқдан қийқириқ ва кулгилар овози.

Овозлар. Ҳа, яшанг. Кам бўлманг! Барака топинг!

Ҳамма ёқ гавжум. Одамлар орасини ёриб туячи, юк-анган туяларини етаклаб бозорга кириб келмоқда.

Овозлар.— Иссиқ нон, ширмой нон, кеп қолинг!

— Кеп қолинг иссиқ каббо!

— Обакидандон, обакидандон!

— Об қолинг!..

Кабобпазлар, ҳар хил сабзавот, мева сотувчилар, ҳар хил моллар билан ортилган қўқон аравалар. Кичик-кичик дўкончалар. Ҳамма ёқда одам. Ҳамма ёқ гавжум. Мақсуд ва Акбарали одамлар орасидан ўтиб, биз томонга келмоқдалар. Бирдан бир тўда дарвишлар пайдо бўлиб, Мақсуд ва Акбаралини одамлардан ажратиб қуршаб олишади.

Сайфи дарвиш (Мақсудни кўрсатиб). Мусулмонлар, мусулмонлар, ҳазар қилинг бундан. аҳтиёт бўлинг!

Қолган дарвишлар гир айланиб зикр тушишмоқда.

Фонда — масжид.

Сайфи дарвиш (давом этади). Яқин келманг бунга!

Дарвишлар. Ё иллоҳа иллоббо! Ё иллоҳа иллоббо!

Мақсуд ва Акбарали уларга жавдираб қараб туришпоти.

Сайфи дарвиш олдинга югуриб чиқади ва қўлларини осмонга кўтаради.

Сайфи. Бу одам даҳрий!

Олдимиздан дарвишлар чопиб ўтишмоқда.

Сайфи дарвиш (овози). Қўлинг тегса, қўлдан ажраласам.

Дарвишлар Мақсуд ва Акбаралини қуршаб олишган.  
С ай ф и д а р в и ш (о в о з и). Кўзинг тушса, кўздан ажраласан...

Д а р в и ш л а р. Ё иллоҳа иллобло! Ё иллоҳа иллобло!

Савдойи дарвиш Мақсудга бостириб келади.

Мақсуд секин-аста орқага тисланади.

С а в д о й и (ж а в р а б к е т а д и). Кўздан ажрайсиэ...  
Тўртта кеса бир пиёла, илон туғди ола-була. (Мақсудга.)  
Ажалинг келди!

А к б а р а л и (Мақсуднинг олдини тўсиб). Булар бизни тилка-пора қилиб ташлайди.

С а в д о й и (х а л қ қ а). Кар бўласиз, кўр бўласиз!..  
Кўр бўласиз, кар бўласиз!..

Мақсуд ва Акбарали орқага сурилишади. Дарвишлар яқинлашиб уларни яна қуршаб олишади.

Д а р в и ш л а р (ж а з а в а д а). Ё иллоҳа иллобло! Ё иллоҳа иллобло!

С а в д о й и (Мақсуд билан Акбаралига). Ажалинг келди, ажалинг келди!

Мақсуд сакраб қўқон арава устига чиқади. Фонда бутлти осмон.

М а қ с у д (о д а м л а р г а қ а р а б). Мана, ҳаммангиз менга қараб турибсиз... Аммо ҳеч бирингиз кўздан ажраганиз йўқ-ку! Қулоқ соляпсиз, аммо ҳеч бирингиз кар бўлганиз йўқ. Ер сизга интизор! Далага чиқишдан қўрқманг, ер сизники, уни сизга Шўро ҳукумати берди. Ҳар соат ганимат. Экмасангиз бола-чақангиз оч қолади.

С ай ф и д а р в и ш Мақсудга хўмрайиб турипти.

С а в д о й и (Мақсудга ўгирилиб қараб, даҳшат билан). Ер эмиш! Ер эмиш!.. Ер-а!.. Ер-а-а!..

Савдойи жазаваси тутиб ерда думалайди. Атрофда халойиқ унга қараб турибди. Савдойи ўрнидан туриб, одамлар олдидан айланиб-айланиб ўтиб, Мақсудга яқинлашади.

С а в д о й и (Мақсудга). Улим! Улим! Уласан! Уласан! Уласан!..

С а в д о й и (тўхтаб орқага қайтади, халойиққа). Халойиқ, бунинг ажали келган. Халойиқ, бу ўлган одам! (Мақсудга яқинлашиб қичқиради.) Улган! Сен ўлган одамсан! Сен ўлган одамсан! Сени ўша ўзинг айтган ер ютади.

У ерга йиқилади. Дарвишлар унинг атрофида айланади:



— Е иллоҳа иллобло, ё иллоҳа иллобло!

Савдойи (тиз чўкиб ўтириб Мақсудга қарата).  
Сени ер ютади. Кофир! Муртад!

Мақсуд дарвишларга нафрат билан қараб турибди.  
Фонда — булутли осмон.

Дарвишлар (овози). Е иллоҳа иллобло, ё иллоҳа иллобло!

Мақсуд уларга қараб сакради. Дарвишлар ҳар қаёққа қараб тарқаб қочиб кетишади. Савдойи Мақсуднинг оёғи тагида ётибди. Мақсуд нари кетади.

Савдойи (Мақсуд орқасидан судралиб). Улим! Улим! Улим! Сенга ўлим!

Мақсуд одамлар орасидан ўтиб, чойхона томонга кетмоқда. Утирган одамлар туриб тез-тез чойхонадан чиқиб кетишмоқда.

Мақсуд (уларга). Биродарлар, нега қочасизлар, оғайнилар?

Одамлар унга қулоқ солмасдан чойхонадан чиқиб кетишади.

Мақсуд (чойхонага кириб, зина олдида тўхтади).  
Тавба!

У югуриб зинадан иккинчи қаватга чиқади. Мақсуд чойхонанинг четига ўтади ва халойиққа қараб, унинг аҳволини кузатади.

Акбарали. Ҳамидулла!

Еш деҳқон Ҳамидулла пайдо бўлади.

Ҳамидулла. Лаббай!

Акбарали. Югур, мени отимга мин! Қайдан бўлмасин ёрдам келтир.

Ҳамидулла. Хўп...

Кадр орқасидан Мақсуд овози эшитилади.

Акбарали Мақсуд томонга қарайди. Мақсуд чойхона тепасидан туриб халойиққа мурожаат қилмоқда.

Мақсуд. Биламан, улар мени... Улдиришдан ҳам тойишмайди. Менгаям жон ширин... Улар мени тирик қолдиришга рози, лекин талаблари жуда баланд... Улар хоҳлайдиларки, мен бу ердан кетаю, қишлоғингизда тирикчилик эскича қолаверсин. Семиз ерлар уларники бўлаверсин.

Мақсудни тинглаётган одамларнинг юзи ўтиб бормоқда.

Мақсуд (овози). Қарз-қурз сиззи гарданингизга тушаверсин. Айшу ишратни улар сураверсину, силани

бола-чақайиз оч-ялангоч ўтираверсин. Мен бунга рози эмасман.

Мақсуд гапини давом қилади.

Мақсуд. Мен силани қишлоғинглага меҳр қўйдим... Мен бу ерда ўғлимни топдим... Бахтимни топдим.

Бозор майдонидаги халойиқ диққат билан қулоқ солмоқда.

Мақсуд (овози). Мен силани ёнилада қоламан...

Мақсуд (давом этади). Қани кўрай... Шўро ҳукуматига қарши ким қўл кўтараркан?

\* \* \*

Шайхнинг хонаси. Шайх ўтирибди, унинг қўлида ҳасса.

Шайх (аввалги сўхбатни якунловчи оҳангда). Агар биз буни адо этмасак, худонинг ғазабига дучор бўламиз.

Эшик очилади.

Ерда Сафарбой, Шайх Аъзам, бойлар ва муридлар ўтиришади.

Камолиддин кириб келади.

Камолиддин (ҳаяжонда). Пирим, пирим, пирим!

Шайх. Гапир!

Камолиддин (тиз чўкиб). Мақсуд кетмапти...

Шайх ўрнидан сапчиб туради. Қолганлар ҳам туришади.

Шайх. Қаерда у?

Камолиддин. Ҳозиргина чойхонага келиб ўтирди.

Шайх тез юриб дераза ёнига боради.

Ҳамма унинг кетидан бориб таъзим билан ўтиришипти.

Шайх чойхонада бемалол ўтирган Мақсудни кўрди.

Шайх (деразадан ташқарига қараб). Мақсуд ўз гўрига ўтирибди!

Шайх Аъзам сакраб ўрнидан туриб эшик томонга югуради.

Шайх. Тўхта, қаёққа?

Аъзам (тўхтаб таъзим қилади). Шайхим, ахир у қочиб кетади-ку, мен уни ўлдираман.

Шайх. Бизга унинг ўлиmidан, қочиши зарууроқ. Улимнинг кўзига одам узоқ тикилиб туролмайди. Ҳали фурсат бор.

Мақсуд чойхонада ўтирибди.

Шайх (хонанинг ичкарасига қараб юради, сўнг даҳшат билан). Мақсуд — вабо! Унинг нафаси мусулмонларнинг имонини қочиради. Мақсуд майдонда якка қолиши керак. Якка! Якка!.. (Нафаси бўғилиб йўталади). Якка!..

Атрофдагилар (овози). Пирим, шайхим!..

Шайхга ёрдам бериб, уни ётоғи томонга юргизишадилар.

Мақсуд бозор майдонига тикилиб ўтирибди.

Сув тегирмонининг чархпарраклари айланмоқда. Гувиллаб тушаётган сув ва айланаётган чархпарракнинг гижирлашида аллақандай ваҳима бор.

Айланаётган чархпарраклар орқасидан йиғлаб турган Ойгул кўринади.

Мақсуд чойхонада ўтирибди.

Кадр орқасидан овоз:

— Мусулмонлар! Мусулмонлар!..

Мақсуд овоз келган томонга қарайди.

Сафарбой, Шайх Аъзам ва бошқа бойлар бозордаги дўкончиларга буйруқ қилиб дўконларини ёптирмоқда. Бир дўконда чий тушиб, ёпилади.

Овозлар. Катта лашкар келяпти! Ун минг отлик келяпти!

Говур-гувур, ваҳима овозлари.

Сафарбой дўконларнинг олдидан ўтиб, уларни бекитгирмоқда.

Овоз. Тарқалинглар, тарқалинглар, деяпман, тезроқ-тезроқ!

Говур-гувур. Сафарбой бозорда дўқ уриб, югуриб юрибди. Ваҳимага тушган одамлар тумтарақай бўлмоқда.

Овоз. Тўхта, ҳали бозор тарқагани йўқ-ку!

Кулол аравага ортилган хумлар билан бозордан чиқиб кетмоқда.

Кулол (ваҳимада). Раҳмонқул келяпти!

Бозор марказида боққол. Унинг елкасида осилган маҳси, ўйинчоқлар, ёғоч қошиқлар.

Боққол (одамларни тўхтатмоқчи бўлиб). Чўпонлар Раҳмонқулни тоғда кўришибди. Ҳолига маймунар йиғлар эмиш!

Саифи дарвиш (унга дўқ қилиб). Жим! Тилингни суғуриб оламан! Худо урган ёлгончи!

Дарвиш ўтиб кетади. Боққол унинг орқасидан қараб, елкасидаги нарсаларни ерга улоқтириб, оёқлари билан тепкилайди.

Боққол. Оббо, умримда бир марта рост гапирибману, ишонмайди-я... Ишонмайди, ишонмайди!

Бозорда икки деҳқон бир-бирларини қувлаб келишмоқда. Улар йўлларига одамларни туртиб, нарсаларни сочиб кетмоқдалар. Мана қочаётган деҳқон бўш арава устига чиқди. Қувлаётган деҳқон унинг кетидан етиб келади. Улар тўқнашишади. Қувиб келаётган деҳқон Фарҳод, қочаётган эса деҳқон Жавлон. Фарҳод Жавлонни калла қилиб аравадан йиқитади ва унинг кетидан ўзи сакраб тушади. Ҳамма ёқ ғовур-ғувур.

Мақсуд бозордаги бўлаётган воқеаларга қараб ўтирибди. Кадр орқасидан ғовур-ғувур овозлари эшитилади.

Фарҳод ва Жавлонни одамлар ажратиб, зўрлик билан ушлаб туришипти. Фарҳод ва Жавлоннинг қўлларида пичоқлари бор.

Овозлар. Ўзи нима гап, тинчликми?

Жавлон (пичоқ йўқталиб). Қўйворила мени! У мени барибир ўлдиради. Бугун бўлмаса, эртага ўлдиради. Ҳар куни ўлдиргандан кўра бугун ўлдира қолсин. Барибир мен мурдаман...

Фарҳодни зўрга ушлаб туришипти.

Овозлар. Нега ўлдиради? Нима гап?

Фарҳод. Қарзни тўлаш учун пулни қаердан оламан? Ахир от синглимни қалинига келган эди.

Жавлон (Фарҳод томонга интилиб). Қарзни бермади. Мен унинг отини обкетиб сотвордим. Агар шундай қилмаганимда бой менинг еримни тортиб оларди. Болачақамни ким боқади?

Фарҳод одамларнинг қўлларидан чиқишга интилмоқда.

Фарҳод. Бугун қўлимдан тутсангиз, эртага мен уни ўлдираман. Бир ойдан кейинми, юз йилдан кейинми, минг йилдан кейинми, барибир мен уни ўлдираман.

Сафарбой бозорда турган Акбаралининг олдига келади ва елкасига мушт билан тушириб, уни ағдаради.

Сафарбой. Ландовур, нега ишга чиқмадинг?

Мақсуд чойхонада буларнинг ҳаммасини газаб билан кузатмоқда.

Ариққа йиқилган Акбарали секин ўрнидан туради.

Акбарали. Шошилиб нима қилдим, хўжайин?

Кадр орқасидан Сафарбой овози.

Сафарбой. Қарзинг эвазига яна икки ой ишлаб беришинг керак.

Ақбарали. Мен сизга ундан кўпроқ ишлаганман, хўжайин.

Сафарбой. Ёлгон гапирма, итдан туғилган! Майдонда сани ҳам осигга дор топилади.

Ақбарали. Сизни қўшингизни ҳайдашу, дорга осилишни иккиси бир гўр эмасми? Шошилманг хўжайин, ажаб эмас у енгиб чиқса.

Сафарбой. «У» деганинг ким?

Ақбарали (*Мақсуд ўтирган томонни кўрсатиб*). Шўро...

Сафарбой ўгирилиб қарайди.

Мақсуд чойхонада ҳамон чуқур хаёлларга чўлғаниб ўтирибди.

Мақсуд (*овози-ўйлари*). Ойгул билан гаплашолмай қолдим... Мулла Назирдан яна дарак йўқ... Умрим бўйи ахтардим, топдим, яна жудолик... Мен жўшқин дарёга харсон ташладим, дарё аввалги изига қайтмайди энди.

\* \* \*

Шайхнинг хонаси. Шайх Аббос ўтирибди. Унинг ёнида Камолиддин таъзим билан турипти.

Шайх. Сўфига тайинла, бугун унинг овози диндан тойган муртад устидан худонинг ҳукми бўлади. Пешин азонини баралла айтсин!

Эшик очилади. Шайх ва Камолиддин эшик томонга қарашади. Камолиддин таъзим билан эшик томонга юради. Эшик олдида Мулла Назир турипти. У жуда гамгин. Камолиддин эшикни ёпиб чиқиб кетади.

Шайх (*овози*). Сиз... Сиз отангизни ҳимоя қилгани келгандирсиз?

Мулла Назир энди Шайх олдида турибди. У шайхга қараб жавоб беради.

Назир. Йўқ! Мен бир мусулмон боласини ҳимоя қилгани келдим. (*Кўзида ёш пайдо бўлади*).

Мулла Назир (*тиз чўқади*). Падари бузруквор!.. (*шайхнинг қўлини ўпади ва унинг тиззасига бошини қўяди*). Парвардигор барча махлуқни ҳаёт учун яратган. Инсон олло таолло яратган энг азиз зот... (*У бошини кўтариб шайхга қарайди*.) Худо яратганини бандаси маҳв этмакка ҳаққи йўқ!

Шайх (*унга қарамасдан ғазабда*). Мақсуд муртад!

У худо билан баҳслашади. Унинг гуноҳини сиз ўз зим-мангизга оласизми?

Мулла Назир бошини эгади.

Ш а й х. Унга эргашувчилар — кеча учта бўлса, эртага уч юзта бўлади. Бу тоғдан у тоғгача ҳамма ёқда мен ҳукмфармо эдим. Бирин-кетин ҳамма шаҳар, қишлоқ қўлдан кетди. Энди сиз бу ердан ҳам ҳайдалишимизни хоҳлайсизми? Чекинадиган жой колгани йўқ!

Мулла Назир унга ёлвориб тикилади.

Му л л а Н а з и р. Гуноҳи нима? Одамларга фақат яхшилиқ қилаётганими?

Ш а й х. Туринг ўрнингиздан! Сиз ислом аскарисиз! Майдонга боринг! (*Ўрнидан туради*). Халққа эълон қилинг: илоҳий қонунлар абадийдир! (*Шайх хонанинг тўрисиغا ўтади*). Халойиқ майдондан кетсин! Мақсуд ёлғиз қолиши керак!

Му л л а Н а з и р. Наҳотки отамни ўлдириш учун худо менинг ёрдамимга муҳтож?

Ш а й х (*борган сари қаттиқ асабийлашиб, нафаси бўғилади*). Тентак, худо бизга муҳтож эмас, биз худога муҳтожмиз! (*Мулла Назир томонига юради*). Худо — бизнинг кучимиз, қудратимиз! Чўпоннинг қўлидан қамчинни олиб ташланг, пода тарқалиб кетади!

Бу сўзларни Мулла Назир даҳшат билан эшитмоқда. Камера гоҳ пастга, гоҳ юқорига панорама қилади. Мулла Назир, ганграб худди ағдарилиб тушаётганга ўхшайди. Унинг кўзлари ёшга тўла.

Ш а й х (*овози*). Одамлар худодан қўрқмас экан, бизни ер билан яксон қилишади!

Шайхнинг овози бақариш даражасига етган.

Ш а й х (*бўғиқ овоз билан*). Одамлар худога ишонмай қўйсалар биз уларни ўз йўлимизга сололмаймиз, тентак! (*Кўкрагини ушлаб худди нафаси етмаётгандай оғзини очиб, йиқила бошлайди*).

Мулла Назир бу сўзларни эшитиб лол бўлиб қотиб қолган.

Му л л а Н а з и р. Нима дедингиз?

Гилам устида — тасбеҳ ушлаган шайхнинг жонсиз қўли. Унинг ёнида ҳассаси ётипти.

Эшик олдида бу фожиага тамом бепарқ Мулла Назир турибди.

Му л л а Н а з и р (*ўзига-ўзи даҳшатда*). Нималар деди у?

Мулла Назир эшикни очиб, зуд чиқиб кетади.

Мақсуд бозор майдонига қараб, ё ўзининг ўлдирилишини, ё ғалаба қозонишини кутиб ўтирибди. Шу вақт у бир нарсани кўриб қолади. Отнинг туёқ товушлари эшитилади.

Бозор майдони. Одамлар орасидан эгарлари қийша-йиб осилган эгасиз от келмоқда. Бу Акбаралининг Ҳамидулла миниб кетган оти.

Акбарали отга яқинлашиб келади. Эгарларни кўздан кечириб, отнинг нариги томонига ўтади, ёнбағрини силайди. Қўлига қарайди, қўли қон.

А к б а р а л и (пичирлаб). Ўлдиришипти! (Халойиққа қараб). Ҳамидуллани ўлдиришипти! Халойиқ, бир бандайи бечорани ўлдиришипти, ўлдиришипти!..

Акбарали отнинг оёғи олдида ўтириб йиғлай бошлайди.

О в о з л а р. Нима гап? Кимни ўлдиришипти?

Халойиқ сукунат билан қараб турибти.

А к б а р а л и (йиғи аралаш). Ҳамидуллани ўлдиришибди...'

Шайх Аъзам четан девор орқасидан бозор майдонида бўлаётган воқеага қарайди. Акбаралининг ҳамон йиғи овози эшитилади.

Халойиқ унга қараб турибди.

Сафарбой эшик орқасидан ўгирилиб бозорга қарайди.

Деҳқон Умар Акбаралига қараб турибди.

Оппоқ соқолли чол Акбарали томонга қараб турибди.

Арава гилдираги орасидан Савдойи бозорни кузатиб ўтирибди, деҳқон Аҳмад Акбаралига қараб турибди.

Узоқдан азон овози келади. Бу — Мақсудни отишга буйруқ. Чоллар овоз келган томонга қарашади.

Отнинг оёқлари тагида йиғлаб ўтирган Акбарали аста-секин гавдасини кўтариб, азон келган томонга қарайди.

Булутли осмон фониди масжид гумбази.

Тегирмоннинг айланиб турган чархпарраклари орасидан йиғлаб турган Ойгул бир кўриниб, бир кўринмай қолади. Азон овози ҳамон барала эшитилмоқда.

Уаун оппоқ соқолли чол азон овози келаётган томонга қараб турибди.

Одамлар ўгирилиб Мақсуд ўтирган томонга қарайди.

Мақсуд бемалол, бежавотир ўтирипти. Азон овози ҳа-

мон жаранглайди. Мақсуд бозорга қараб ўйланиб ўтирипти. Азон овози.

*А к б а р а л и (атрофдаги одамларга қараб Мақсудни кўрсатиб). Энди уни ўлдиришади!*

Акбарали чойхона томонга югуради ва зинадан чиқиб халойиққа қараб тўхтайди.

*А к б а р а л и. У бизга ёрдам қилгани келган. Биз бўлсак унга хиёнат қиляпмиз. Набираларимиз бизга лаънатлар ўқийди. Уят, номус!*

Акбарали Мақсуд олдига чойхона ичига югуриб кириб кетади. Халойиқ орасидан бирин-кетин тўдалар ажралиб, чойхона томонга югуриб келиша бошлайди. Чопиб келаётган одамларнинг оёқ товушлари.

*Чопиб ўтаётган одамлар. Оёқ товушлари. Ғовур-ғувур.*

*А к б а р а л и (ўтирган Мақсуд олдига келиб, уни гавдаси билан тўсади, бозор томонга қараб). Мана, қўларингдан келса бизни ҳам ўлдиришлар!*

Мақсуд ўрнидан туриб Акбарали ёнига бориб тўхтайди. Ғовур-ғувур.

Ҳамон одам тўдалари ажралиб, чойхонага чопиб келишмоқда.

Улар келиб Мақсуд билан Акбаралини қуршаб олади. Энди Мақсуд ҳар қандай хавф-хатардан халос этилди. У миннатдорчилик билан атрофдаги деҳқонларга қарайди. Одамлар кадрдан ҳамон чапга — чойхонага чопиб ўтмоқдалар.

*Ғовур-ғувур товушлар.*

Масжид ичидан ҳаяжонли Мулла Назир югуриб чиқиб келади. Мулла Назир зина олдида тўхтайди. Фонда — тоғлар ва пастда — қишлоқ.

Мана Мулла Назир зинадан туриб одамлар орасидан чойхона томонга, отаси ёнига югуриб кетди.

*Азон овози тўхтади.*

Камолиддин масжид болохонасининг зинасидан туриб келиб Мулла Назирнинг орқасидан тикилиб қолади. Мулла Назир одамлар орасидан ўтиб чойхонага яқинлашиб келмоқда.

Айланаётган тегирмон чархпаррагининг гижирлаши эшитилиб турибди.

Мақсуднинг халқ қуршовида эканини кўрган Камолиддин ғазабда. Унинг кўзи Мулла Назирга тушади.

Камолиддин Мулла Назирни кузатиб туриб қўйнидан маузерини олиб, уни мўлжалга ола бошлайди.



Мулла Назир чойхона томон тез кетмоқда. Мулла Назир чопа бошлайди.

Кадр орқасидан айланаётган тегирмон чархпаррагининг овози эшитилади.

Тегирмон чархпарраklarининг овози. Камолиддин мўлжалга олиб ўқ узади.

Уқ Мулла Назирга тегади.

Югуриб кетаётган Мулла Назир орқасини ушлаб, турган жойида қотиб қолади.

Дарахтлар орасидан Замира югуриб бормоқда.

Кадр орқасидан. «Муллака-а-а!..» деб қичқирган Замира овози.

Бу овозга Мулла Назир айланиб қарайди. У оёғида зўрға турибди. Одамлар қуршовида гандираклаб йиқилай-йиқилай деб Мулла Назир турибди.

Чойхона эшигидан деҳқонлар олдига Мақсуд шошиб чиқиб келади. Унинг соч-соқоллари оқариб, қариб қолганга ўхшайди. У ваҳима билан Мулла Назир томонга қараб зинадан туша бошлайди.

Жароҳатдан қийналган, тер босган Мулла Назирнинг юзи.

Мулла Назир. Ё раббий! Мен сенга бутун умр имон келтирувдим!.. Имон келтирувдим! Имон!

Бунга қараб турган Мақсуд ва унинг атрофидагилар Мулла Назирнинг кўзи олдида ҳар томонга қийшайиб кўринади.

Мулла Назир (қийналиб шивирлайди). Имон келтирувдим! Имон!

У кўзларини юмади ва дармонсизланиб йиқилади.

Кадр ичидан қандайдир ёруғ доира чиқиб келиб, бутун кадрни қоплайди.

Мақсуд пастга — Мулла Назирга бир зум тикилиб қолди. У бошини кўтариб атрофга ғазаб билан назар ташлайди ва чап томонга қараганча қолади.

Камера чапга тоғ чўққилари оша панорама қилади. Кейин чапга панорамани тўхтатиб, камера юқорига булутлар тўла осмонга ва ўнгга, яна юқорига панорама қилади.

Кадрда — мусаффо осмон.

## МУНДАРИЖА

Бургутнинг парвози . . . . .	5
Алишер Навоий . . . . .	75
Имон . . . . .	155
Номаълум киши . . . . .	209
Шоир қалби . . . . .	335
Фидойи . . . . .	387

*На узбекском языке*

### *Иззат Султан* СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ

ТОМ 8.

Редактор *Ж. Насриддинова*  
Рассом *Н. Пиратов*  
Расмлар редактори *Н. Холиқов*  
Теки. редактор *В. Барсукова*  
Корректор *Н. Қобилов*

Босмахонага берилди 30/VI—70 й. Босишга рухсат этилди 17/II—71 й.  
Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>2</sub>. Босма л. 13,75. Шартли босма л. 23,1. Нашр. л.  
18,64+0,09 (1 ялейка) Тиражи 10 000. Р. 12 476. Ғафур Ғулом  
номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома № 57—70.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг  
Полиграфооблиятда 2-қозоғга босилди. Тошкент, Навоий кў-  
часи, 30. 1971 йил, январь № 635. Баҳоси 1 с. 40 т.

Уз  
С 96

Султон Иззат.

Асарлар. 4 томлик. Т. I. Т., Ғафур Ғулом номи-  
даги адабиёт ва санъат нашриёти. 1971.

Т. I. Драматургия. 440 бет, портр. Тиражи 10000.

Султан И. Собрание сочинений. Т. I.

Индекс 7-3-3

Уз2